

ЗАЙНИДДИН ИСЛОМОВ,
САРВАР АББОСХЎЖАЕВ

КОНСТИТУЦИЯ –
ҲУҚУҚ
УСТУНЛИГИ
АСОСИ

«O'ZBEKISTON»

И 80

ЗАЙНИДИН ИСЛОМОВ,
САРВАР АББОСХУЖАЕВ

**КОНСТИТУЦИЯ—
ҲУҚУҚ
УСТУНЛИГИ
АСОСИ**

836666

ТДИУ
kutubxonasi

2/3

УДК: 34(575.1)
ББК 67(5Ў)
И 80

Масъул муҳаррир:

М. Аҳмадшоева,
юримдик фанлар доктори, профессор

Тақризчи:

Ҳ. Бобоев,
юримдик фанлар доктори, профессор,
Ўзбекистон фан арбоби

Мамлакатимизда қонун устуворлигини қарор топтириш ҳуқуқ ва унинг устунлигини таъминлашга боғлиқлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўз асарларида бот-бот таъкидлайди. Бинобарин, ҳуқуқ нималигини, унинг устунлиги нимани англатишини аҳолига тушунтириш юрист олимларнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ушбу китобда асос-негизини Конституция ташкил этувчи ҳуқуқ устунлиги муаммосининг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган. Унда, авваламбор, ҳуқуқ устунлиги ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим концептуал ғояси эканлиги исботлаб берилган. Шунингдек, китобда «ҳуқуқ устунлиги», «ҳуқуқ ҳукмронлиги», «қонун устунлиги», «ҳуқуқнинг мажбурийлиги», «ҳуқуқнинг бебаҳолиги» каби тушунчалар кенг қамровли таҳлил этилган.

Айни пайтда мазкур китоб Юртбошимиз томонидан «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурилган энг муҳим ғояларни «ҳуқуқ устунлиги» тушунчаси орқали теранроқ англаб, тушуниб олишга ёрдамлашади, деган умиддамиз.

Китоб юримдик ўқув юртлари талабалари, профессор-ўқитувчилари ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-01-798-6

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2012

МУҚАДДИМА

Жаҳон амалиётида ҳуқуқнинг устунлиги принципи у ёки бу кўринишда Қадимги Туронзамин, хусусан, бебаҳо маданий, фалсафий, ҳуқуқий меросимиз — «Авесто» замонларидан, шунингдек, Қадимги Юнонистон ва Қадимги Рим даврларидан бери маълум. Лекин амалда бу принцип XX аср мобайнидагина ўзининг тўлақонли ривожини топди. Айни шу даврларда адолатнинг устунлиги ғояси, давлат ҳуқуқий фаолиятининг моҳиятини белгилаши лозим бўлган инсоннинг туғма ҳуқуқлари ғояси умум эътироф этилган ғояларга айланди. Кейинчалик ушбу сўнмас ғоялар, ҳеч шубҳасиз, демократик қадриятларнинг тамал тоши сифатида, ҳуқуқ ва унинг устунлиги, мажбурийлиги, бебаҳолигини асослашнинг илк ҳуқуқий сарчашмаси сифатида алоҳида ўрин ва мавқега эга бўлди.

Шу боис бугунги кунда мамлакатимизда, сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилаш, аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлаш ғоят долзарб вазифалардан бўлиб турибди¹.

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 27—28-бетлар.

Бунда, айниқса, юртимизда қонунийлик ва қонун устуворлигини қарор топтириш ҳуқуқ ва унинг устунлигини таъминлашга боғлиқлигини инобатга олиш, инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш, инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришнинг энг асосий шарти бўлиб қолишига эришиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида республикада Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинishi белгилаб қўйилган. Бироқ Конституция ҳуқуқ устунлиги асоси бўлишига қарамай, Асосий Қонунимизда ҳуқуқнинг устунлиги принципи расман мустақамланмаган. Табиийки, Конституциямизда «ҳуқуқнинг устунлиги» тушунчасининг мазмунига ҳам таъриф берилмаган. Шунга кўра, мазкур норманинг фундаментал қоидалари, шу жумладан ҳуқуқнинг устунлиги принципи замирида ётувчи «одиллик», «оқилоналик», «инсофлилик», «тенглик» каби тушунчаларининг мазмуни ҳам ноаниқ бўлиб қолган. Бу — масаланинг бир томони. Бошқа томондан олиб қараганда эса, «ҳуқуқнинг устунлиги» — битта, ягона юридик таъриф мазмунига сиғдириш мушкул бўлган ўта мураккаб тушунча. Унинг мазмунида ҳам оламий ақл, ҳам илоҳий асос, ҳам инсоний сезги, ёки, қадимги мутафаккирлар таъбири билан айтганда, «адолатга ташналик туғма ҳисси» ўзининг жамулжам ифодасини топган. Шу ўринда муқаддас «Авесто» ва бошқа қадимги битикларда ўз ифодасини топган, — «давлатнинг осойишталиги — адолатдадир», — деган пурмаъно сўзлар беихтиёр ёдга тушади.

Асрлар мобайнида ҳуқуқнинг устунлиги принципнинг мазмуни ва унинг бошқа ҳуқуқий тушунчалар билан ўзаро нисбатида улкан ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистонда ҳуқуқнинг устунлиги концепциясининг ривожланиш жараёни узоқ вақт мобайнида коммунизм мустабид мафкураси таъсирида бўлди. Айни шу сабабли Ўзбекистонда ҳуқуқнинг устунлиги ҳақидаги тасавурлар жаҳон андозаларига яқинлашиши учун имконият республикамиз мустақилликка эришганидан кейингина пайдо бўлди. Бинобарин, «Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсати — инсонийлик, эзгулик қонунларига асосланади»¹ ҳамда бу ҳол ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида янада яққолроқ намоён бўлади.

Ҳуқуқ устунлиги принципи ҳуқуқий давлатда устувор аҳамият касб этади. Бу принцип бизнинг давлатимизда унинг мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг фаол ва кенг қарор топа бошлади, унинг олий қадрияти ва ривожланиш йўналишларидан бири сифатида конституциявий даражада мустаҳкамланди. Зотан, «устувор, ҳукмрон ва олий мақомга эга бўлган Конституция ва қонунлар давлатчиликнинг муҳим белгилари қаторига киради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш давлатнинг халқ олдида жавобгарлигини белгиловчи қонунийликнинг юридик асосларини, инсон ва фуқаролар ҳуқуқларининг устунлигига риоя қилиш механизмларини яратишдан бошланди»².

Ҳуқуқ устунлиги принципнинг мазмуни ҳуқуқ ва давлатнинг ўзаро нисбати, давлат ва унинг институтлари ҳуқуққа бўйсунishi билан белгиланади. Бундан ташқари, мазкур принцип ҳуқуқ ва сиёсат, ҳуқуқ ва иқтисод, ҳуқуқ ва мафкуранинг ўзаро нис-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т., «Ўзбекистон», 2011, 404-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир А.А. Азизхўжаев. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 67-бет.

батини, шунингдек, ҳуқуқ ва бошқа ижтимоий нормалар (ахлоқ, урф-одат нормалари ва бошқалар)нинг ўзаро нисбатини англатади.

Ўзбекистон мустақил давлат мақомини олгандан кейингина ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим принципи — ҳуқуқнинг устунлигини ҳаётга татбиқ этди. Ҳозирги вақтда унинг Конституциямизда ўз ифодасини топган мазмуни жаҳон андозаларига мувофиқ келади. Умуман олганда, ҳуқуқнинг устунлигини жамиятда ҳуқуқнинг ҳукмронлиги сифатида, ижтимоий муносабатларнинг барча иштирокчилари ўртасидаги муносабатларда, давлат ва нодавлат ташкилотлари, ижтимоий бирликлар ва бирлашмалар фаолиятида унинг устуворлиги сифатида тушуниш мумкин.

Ҳуқуқ устунлиги принципи, умуман айтганда, унинг айрим таркибий белгиларида, чунончи: ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг минимал даражада етарлилиги ва ҳуқуқнинг умумийлиги принципида; давлатнинг инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқлиги принципида; ҳуқуқнинг мафкурадан холилиги, сиёсий кучларга нисбатан унинг мустақиллиги принципида; ҳокимиятнинг суд ва ижро этувчи тармоқларига нисбатан унинг мустақиллигида; Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципида муайян аҳамият касб этади.

XXI аср бошида жаҳонда юзага келган вазият ўзининг ўта мураккаблиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда ҳуқуқнинг устунлиги ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашда унинг роли ҳақида гапирганда, биз глобаллашув шароитида бутун дунё бўйлаб мисли кўрилмаган жадал суръатларда тарқалаётган вазиятдан кўз юма олмаймиз. Бу ўринда гап жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг салбий оқибатлари ҳақида бормоқда.

Америкалик таниқли файласуф ва сиёсатчи Фрэнсис Фукуяма 2008 йил 10 октябрда «Newsweek» журналида эълон қилинган «Америка» корпорациясининг барбод бўлиши» мақоласида **капитализмнинг иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишдан воз кечишга асосланган концепцияси инқирознинг бош омили бўлганини** таъкидлайди. «**Ҳукумат камроқ аралаш**иши керак, деган ақидани тинимсиз такрорлагани ҳолда, Вашингтон молия секторини тўғри тартибга сола олмади ва жамиятнинг қолган секторлари унга мисли кўрилмаган даражада зиён етказишига йўл қўйиб берди», — деб ёзади Фукуяма.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, агар унга иқтисодчи кўзи билан қарайдиган бўлсак, энг аввало, иқтисодиёт **қонувларининг бузилиши** натижасидир. Айни пайтда бу инқироз **ҳуқуқ устунлиги принципи** завог топганидан ҳам дарак беради. Ушбу ҳолат ҳам иқтисодиётни тартибга солувчи қонунчиликда, ҳам молия-иқтисод соҳасидаги тегишли ҳуқуқни қўллаш амалиётида кузатилади.

Юридик нуқтаи назардан олиб қараганда, молиявий-иқтисодий инқироз таҳдиди аслида иқтисодиётда, айрим давлатлар доирасида ва дунё миқёсида ҳуқуқнинг устунлиги принципидан оғиш маҳсулидир. Лўнда қилиб айтганда, бу инқироз замирида самарали бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, амалдорлар, мансабдор шахслар ва корпорацияларнинг нопрофессинал, шубҳали ва қонунга зид молиявий хатти-ҳаракатлари ётади.

«Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим — Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётгани, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқлари-

ни ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимига интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин.

Шу боис глобал молиявий инқироз ва, биринчи навбатда, унинг оқибатлари иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва самарадорлик ҳолатларига таъсир этаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металллар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг нархи тушиб бормоқда»¹.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, айниқса, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида жиддий муаммолар юзага келиши мумкин. Бунда ҳукуматнинг сиёсий-иқтисодий қарорлари аҳолининг барча қатламларини қаноатлантириши мумкин бўлган ҳолатни таъминлаш деярли мумкин эмас. Бинобарин, давлат инқироздан чиқиш, молия ва иқтисодиётни барқарорлаштириш мақсадида қабул қилаётган қарорлар билан фуқароларнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳамда конституцияларда мустақкамланган фундаментал ҳуқуқлари ўртасида оқилона мувозанат ва мутаносибликни таъминлаши муҳимдир.

Инқироз ижтимоий муносабатлар соҳасида ҳуқуқ субъектлари бўлган одамлар ўртасидаги ижтимоий ва биологик фарқларни ҳисобга олган ҳолда, бирон-бир ҳуқуқий тузатишлар киритишни назарда тутмайдиган расман тенглик ҳуқуқий принципига асосла-

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т., «Ўзбекистон», 2009, 11—12-бетлар.

нувчи ҳуқуқнинг мумтоз либерал назарияси муайян даражада ишончсиз эканлигини ҳам намойиш этди. Ушбу назарияга биноан, ижтимоий ҳуқуқлар том маънодаги ҳуқуқлар ҳисобланмайди, ижтимоий сиёсатга эса фақат сиёсий мақсадга мувофиқликдан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган хайрия фаолияти ва давлат томонидан қашшоқларга бойлар ҳисобидан кўрсатиладиган ёрдам сифатидагина қаралади.

Бу нотўғри, албатта. Чунки ҳуқуқни ардоқлаш ва, ҳатто, унга топиниш ҳам мумкин. Аммо инсон ҳуқуққа эмас, балки ҳуқуқ инсонга хизмат қилиши лозимлигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмунига кўра, ижтимоий давлат принципига асосланган ижтимоий сиёсат фақат аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ҳамдардлик ҳисси билан суғорилган хайрия фаолиятигина эмас. Бу давлатнинг ижтимоий ҳуқуқларни асосий ва узвий ҳуқуқлар сифатида кафолатлаш ҳамда ҳимоя қилиш конституциявий-ҳуқуқий бурчидир.

«Ҳаммангизга маълумки, ўзбек модели деган ном билан бутун дунёда тан олинган мустақил тараққиёт йўлимизнинг негизида машҳур беш тамойилдан бири — айнан кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш масаласи ҳам туради.

Ана шу тамойилни ҳаётга жорий этиш учун истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсати ҳақида, бу борада қандай қарорлар қабул қилингани ва қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида, ўйлайманки, барчангиз яхши хабардорсиз»¹.

¹ Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-том. — Т., «Ўзбекистон», 2007, 123—124-бетлар.

Шундан келиб чиқиб, жамият (давлат сиймосида) тегишли механизмлар ёрдамида, айниқса, инқироз шароитида, ўзининг ночор аҳволдаги аъзоларига асосий ҳуқуқ ва эркинликларни рўёбга чиқаришда бошланғич имкониятлар тенглигини таъминлаши лозим.

Инқироз даврида юриспруденция ва иқтисодиётнинг амалий фанлар сифатидаги ўзаро алоқасини ҳисобга олмайдиган нуқтаи назарларнинг асоссизлиги, айниқса, бўртиб намоён бўлди. Шу боис жаҳонда бўҳронли жараён юз бераётган пайтда ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқий механизмларга нисбатан ёндашув қонунчилик соҳасидаги саъй-ҳаракатларни ривожлантириш учун, энг камида, ушбу жараённи инобатга олиши керак бўлади...

Албатта, биз вазият амалда оғирлашишига йўл қўя олмаймиз. Биз ўз хатти-ҳаракатларимизни ҳар лаҳзада ҳам ақлан, ҳам қалбан текшириб яшашимиз, инсон ҳуқуқлари олий принципига бўйсунитдан асло воз кечмаслигимиз керак. Тўғри, бу ниҳоятда оғир ва машаққатли йўл. Бироқ бундан бошқа йўлнинг ўзи йўқ.

1. ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРНИНГ ТАРКИБ ТОПИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

1. Ҳуқуқ ва унинг устунлигини ифодаловчи илк ҳуқуқий ёндашувларга қисқача назар

Маълумки, ҳуқуқ устунлиги принципи халқ ҳокимиятчилигининг, яъни демократия ва демократик бошқарувнинг энг муҳим жиҳатларини, чунончи, ҳукумат қарорлари халқнинг келишувига асосланиши, давлат зулмининг олдини олиш, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш каби ғояларни, шунингдек, яна бир қанча фалсафий-ҳуқуқий қарашларни ўзида акс эттирганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Шу ўринда ҳуқуқ ва унинг устунлигини ифодаловчи илк ҳуқуқий ёндашувлар олис ўтмишга бориб тақалишини алоҳида таъкидлашни истардик. Бунга, ҳеч шубҳасиз, Қадимги Туронзамин, Қадимги Юнонистон ва Қадимги Рим даврлари ёзма ёдгорликлари гувоҳлик беради. Шунга кўра, айтиш мумкинки, ўтмишнинг бой тажрибаси ҳуқуқ устунлигининг таркиб топиши ва ривожланиши мантиқини ҳам, унинг энг эзгу умумбашарий ғояларини мамлакатимизда юз бераётган модернизациялаш ва янгилаш жараёнларига, умуман эса «жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш»¹ мақсадларига татбиқ этиш йўлидаги ўз муаммоларимизни ҳам теранроқ англаш имконини беради.

¹ *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 6-бет.

Шу маънода тарихга мурожаат этар эканмиз, авваламбор, бундан қарийб XXX аср муқаддам Қадимги Туронзаминда аждодларимиз томонидан яратилган «Авесто» китоби бизнинг энг мўътабар тарихий-маънавий, фалсафий-ҳуқуқий меросимиз эканлигини қайд этиб ўтиш ҳам фарз, ҳам қарз. Бинобарин, мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов асосли равишда таъкидлаганидек: «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди»¹. Шу билан бирга, «Биз учун «Авесто» китоби нафақат қадимий тарихий ёдгорлик, балки миллатимизнинг ва унга хос бўлган қадриятлар ва маданиятнинг томирлари минг-минг йилларга бориб тақалишини тасдиқлайдиган тарихий ҳужжат сифатида қадрлидир»². Шуниси муҳимки, «Авесто»да зардуштийлик дини тарқалган ўн олти сарзамин орасида Ватанимиз — ҳозирги Ўзбекистоннинг қадимги тарихи шаклланган Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрия сингари ҳудудлар қайд қилинади. Ушбу далил аждодларимизнинг жуда қадим замонлардан бери бу ерларда яшаб, илм-маърифат билан шуғулланиб келганликларидан гувоҳлик беради.

Умуман олганда, «Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, милоддан минг йил аввалги даврлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, диний қарашлар, олам ва одам ҳақидаги тасаввурлар, урф-одат ва маънавий қадриятлар ҳақида маълумот берувчи асосий манба саналади. Ҳатто айрим тадқи-

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. — Т., «Ўзбекистон», 1999, 138-бет.

² Каримов И.А. Эзгу фикр, эзгу амал, эзгу сўз улуғланган китоб: «Авесто» китоби яратилганлигининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуини очиш маросимида сўзланган нутқ // «Халқ сўзи», 2001 йил 6 ноябрь.

қотчилар «Авесто»нинг мазмун-моҳияти ҳақида қуйидагича фикр юритишади: «Авесто» номининг ўзи кўпчилик шарҳловчилар томонидан «қонун» деб таржима этилади («упаста» сўзидан асос, қонунчилик) ва «Авесто» зардуштийлар томонидан ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида қабул қилинганлигидан далолат беради»¹.

Аслини олганда, бу фикрни унчалик ҳам нотўғри деб бўлмайди. Чунки «Авесто» умуман коинот ва замин, инсон ва ҳаёт, ўлим ва абадият сингари бутун инсониятга муштарак жумбоқлар, саволлар ва савоблар ҳақида ҳикоя қилади. «Авесто»да дунёнинг яратилиши, инсоннинг халқ бўлиб камол топиши, эзгулик учун ёвуз кучлар билан кураши, эркинлик, ижодкорлик ва бунёдкорлик йўлидаги орзулари ўз ифодасини топган.

«Авесто» фақат одамнинггина эмас, балки бир ҳовуч тупроқ, бир қултум сув, бир нафаслик ҳавонинг ҳам муқаддас эканлиги ҳақидаги китоб. «Авесто» ернинг, дарёлару боғлар, тоғлару булоқлар, кўлу саҳролар, оту туялар уюри, молу итлар, ўсимлигу гиёҳлар, шаҳар ва манзилгоҳларнинг бунёд этилиши тарихига оид асар; «Авесто» насронийни ҳақиқий насроний, мусулмонни ҳақиқий мусулмон этиб тарбиялайдиган китоб. У кўрнинг кўзини, карнинг қулоғини очади, занглаган кўнгилларни иймон суви ила ювади, умидсиз бандаларга абадият шамчироғини тутқазади. Қисқаси, ҳаёт ва охират маъносини одамларга тушунтиради»².

Юқоридаги моҳиятдан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, «Авесто» **диний ва юридик қонда-**

¹ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: Давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. — Т., «Адолат», 2001, 214-бет.

² Маҳмудов Т. «Авесто» ҳақида // Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. — Т., «Шарқ», 2001, 358-бет.

лар, дуолар, зикрлар, зардуштийлик худолари ҳақида қасидалар, фалсафа ҳамда космогония, астрономия, тиббиёт, тарих каби фанлар ҳақида тасаввурлар, шунингдек, **ахлоқ ва ҳуқуқ асослари, адолат ва ҳуқуқ устуңлигини ифодаловчи илк ғоялар** жамланган мажмуидир¹.

Зардуштийлик динининг асосчиси ва «Авесто» муаллифи сифатида Зардушт эътироф этилади. Айниқса, Турон ва Эрон мифологиясида у зардуштийлик динининг асосчиси ва пайғамбари ҳисобланади. Зардушт қадимги диннинг раҳнамоси бўлиб, «ҳақиқат», яъни «адолат» тушунчасини ривожлантирган ва янги диний таълимотни пайғамбар сифатида тарғиб қилган. Зардушт ўз таълимотида дунёдаги ҳамма тартиблар яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги курашга боғлиқ, деб тушунтиради, инсонни бу курашда эзгулик томонида фаол иштирок этишга чақиради. Инсон бу курашда танлаш эркинлигига эга бўлган, ўз фаоллиги билан дунёда адолат тантанасига таъсир эта оладиган шахсдир. Зардуштийлик ахлоқи — эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал ахлоқий учлигини илгари суриб, Зардушт оқилона хўжалик фаолиятини ҳам тарғиб қилади.

Айрим олимлар ўз тадқиқотларида «Авесто»да ифодаланган давлат бошқаруви ҳуқуқи борасида қайд этганларидек: «Давлат бошқарув тизими оилаларнинг бирлашмаси — «**нмана**», уй-оила жамоаси — «**дмана**», катта оила оқсоқоли — «**нманapati**», уруғ жамоаси бошлиғи — «**вис**», катта қишлоқ оқсоқоли — «**виспати**», қабила бошлиғи — «**зангупати**», вилоят ҳокими — «**дахиюпати**», бир неча вилоятларнинг ҳукмдори ва қабилаларнинг саркардаси — «**дахиюсастар**»лардан ташкил топган. Қонун чиқарувчи Олий

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *Исломов З.М.* Юриспруденция ўтмиши ва бугуни. — Т., ТДЮИ, 2010, 11—16-бетлар.

орган Оқсоқоллар кенгаши — «варзанапати», Қабилалар иттифоқи — «ханжамона» ва Халқ Мажлиси — «вьяха»дан иборат бўлган. Оқсоқоллар кенгашининг мўътабар уламози — қоҳин олий судья вазифасини бажарган. «Заратуштгроэма» деб аталган бу олий судья чиқарган ҳукмга ҳеч кимнинг эътироз билдиришга ҳаққи бўлмаган»¹.

Умуман олганда, илк ҳуқуқий тасаввурлар асосан олам тартиби, кишиларнинг жамият ва давлатдаги ҳаётини ташкил этиш шакллари, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар усуллари, қонун-қоидалари ва ҳоказолар ҳақидаги диний қарашлар билан боғлиқ эканлигини биз «Авесто» мисолида қисқача кўриб ўтдик. Бундан анча кейин, аниқроғи, ислом дини, мусулмончилик тафаккури муҳити шароитида яшаб ўтган, Шарқ Уйғониш даври мутафаккирлари деган номга сазовор бўлган Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби кўплаб буюк аждодларимизнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ҳуқуқий қарашлари ҳам бу ҳақиқатни яна бир қарра тасдиқлайди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, зардуштийлик дини ўз даврида жуда кенг тарқалган ва буддизм, иудаизм, насронийлик ҳамда ислом динларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган. Бошқа дин ва таълимотларнинг тазйиқи натижасида даставвал зардуштийликнинг ёзма ҳолда тарқалишига рухсат берилмаган, бироқ кейинчалик, яъни паҳлавий хати замонидикина «Авесто» ёзма ҳолатга келтирилган.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, «Авесто» китоблари орасида Зардушт асарлари алоҳида ўрин тутди. Бельгиялик олим Ж.Д. Гийемен ўзи таржима

¹ Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Ҳасанов С. «Авесто» — Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. — Т., «Молия», 2004, 16-бет.

қилган «Зардушт қасидалари»га ёзган сўз бошисида қуйидагиларни битади: «Зардушт Фарб «фарзандлик-ка олган» Осиё ўғлонларининг биринчисидир. Унинг таълимоти Юнонистонни Исо Масих таълимоти қабул қилинишидан тўрт асрча олдинроқ бойитди. Зардушт таълимотидан Афлотун ҳам хабардор бўлган. Будда ва Конфуций овозлари Европага етиб келиши учун жуда кўп вақт керак бўлди. Шу сабабли Зардушт... Қадимги Осиё тафаккурини Фарбда ифода этган бирдан-бир мутафаккир эди». Шунингдек, олим «Авесто»нинг айрим қоидалари изларига Тавротда ҳам дуч келиш мумкинлигини қайд этиб ўтади.

Таъкидлаш керакки, баъзан кишилик жамиятидаги ҳокимият, ҳамма учун мажбурий қонун-қоидалар, ижозат ва тақиқларга нисбатан ёндашувлар замирида адолатга асосланган муайян табиий-илоҳий тартибнинг дунёвий тажассуми саналган илоҳий манбага мурожаат ётади. Бундай умумий ва шак-шубҳасиз «ҳақиқат ва адолат»нинг рамзий ифодаси ҳаққоният тарозисини кўтарган адолат илоҳаси (Қадимги Мисрда — Ма-ат, Қадимги Юнонистонда — Фемида) образида мужассамлашган. Шу нарса диққатга сазоворки, орадан минг йилликлар ўтган бўлса-да, ҳозирги юридик билимлар нуқтаи назаридан, шак-шубҳасиз, умумий ва ҳаммага баробар адолат ҳақидаги тасаввурларнинг мазкур қадимги рамзий ифодаси умумий принцип сифатидаги ҳар қандай ҳуқуқнинг моҳиятини, расмий тенгликнинг кўлами ва мезонини аниқ, лўнда ва тўғри акс эттиради.

Қадимги Юнонистонда ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурлар полис, яъни шаҳар-давлат ва унинг қонунлари илоҳий асосга эга ва илоҳий адолатга таянади, деган мифологик тасаввурлар таъсирида шаклланган. Бундай тасаввурларга кўра, шаҳар-давлат аъзоларининг ҳуқуқи замирида куч эмас, балки адолатга асосланган илоҳий тартиб ётади.


Жумладан, Қадимги Юнонистон «етти донишманд»идан бири — Солоннинг қонунни (ва унинг ҳукмрошлигини) ҳуқуқ ва куч уйғунлиги сифатида тушунгани мавзуимиз нуқтаи назаридан, айниқса, диққатга сазовордир. Мазкур талқин ҳуқуқ ва қонунни фарқлаш билан бир қаторда, шаҳар-давлат қонунини унинг аъзолари ҳуқуқларини расмий даражада тан олиш ва ифодалашнинг (барча озод фуқаролар учун) умумий шакли ва мезони сифатида тушунишни ҳам ўз ичига олади. Қонуннинг бундай умумийлигида ҳуқуқий тенглик талаби акс этади: барча фуқаролар тенг даражада қонун ҳимоясида бўладилар ва унинг ҳамма учун мажбурий бўлган қоидаларига бўйсунадилар. Шунга ҳамоҳанг ёндашувни Қадимги Юнонистоннинг Гераклит, Демокрит, Пифагор, Сукрот, Афлотун, Эпикур каби донишмандлари қарашларида ҳам кузатиш мумкин.

Арасту эса сиёсий адолат (ҳуқуқ)ни табиий ва инсон ҳукми билан ўрнатилган (яъни ижобий) ҳуқуққа ажратади. «Сиёсий ҳуқуқ қисман табиий, қисман шартлидир, — деб ёзади Арасту. — Табиий ҳуқуқ эса ҳамма жойда бир хил мазмун касб этадиган ва уни тан олишлари ёки тан олмасликларига боғлиқ бўлмаган ҳуқуқдир. Дастлаб жиддий тафовутсиз у ёки бу кўринишга эга бўлган, лекин кейинчалик белгиланган (ва бу тафовутсизлик йўқолган) ҳуқуқ шартли ҳуқуқ ҳисобланади»¹.

Сиёсий адолатга, яъни сиёсий ҳуқуққа қонуннинг мувофиқлиги унинг сиёсийлигини аниқлашнинг зарурий мезони ҳисобланади. «Ҳар қандай қонун, — деб ёзади у «Сиёсат» асарида, — асосан ўзига хос ҳуқуқни назарда тутати». Акс ҳолда қонун (инсон ҳукми билан ўрнатилган ҳуқуқ) жабр-зулм воситасига айланади. Шунинг учун ҳам сиёсий (дав-

¹ Аристотель. Этика, V, §—10.

836666



лат) қурилишининг турли шакллари Арасту талқи-нида ўзининг айнан сиёсийлигига кўра адолат прин-ципи ва ҳуқуқ ғоясига мос келади, яъни, таъбир жоиз бўлса, ҳуқуқий хусусият касб этади. Шу боис, унинг қайд этишича, «давлат тузумининг умум фой-дасини назарда тутадиган шаклларигина мутлақ адо-лат принципига мувофиқ, тўғри ҳисобланади; под-шоларнинг шахсий манфаатларинигина кўзлайди-ган шаклларнинг барчаси янглиш ва нотўғридир; улар жабр-зулм кўрсатиш принципига асосланади, ваҳоланки, давлат эркин одамлар муносабатидир»¹. Зулм ва истибдодга, яъни деспотизмга қарама-қарши қўйиладиган сиёсий ва ҳуқуқий шаклларнинг бун-дай бирлиги ҳамда предмет ва мазмун жиҳатидан ягоналиги Арасту таълимотида нафақат давлат ҳуқу-қий концепцияси, балки ҳуқуқ ва унинг устунлиги концепцияси ҳам мавжуд, деган хулосага келиш им-конини беради.

Қадимги Юнонистон мутафаккирларининг ғоя-лари кейинчалик **Қадимги Рим юристлари** томони-дан теран идрок этилди ҳамда янгича руҳ, янгича кўлам ва йўналишда ривожлантирилди. Қадимги Юнонистон юристларининг бутун олам табиий қо-нуни (барча одамлар ва барча халқлар учун «умумий қонун») ҳақидаги тасаввурларидан Қадимги Рим юристлари (Сенека, Эпиктет, Марк Аврелий) таби-ий ҳуқуқ ва космополитик ғояларнинг универсал концепциясини асослаш учун фойдаландилар. Бу таъ-лимотга биноан, барча одамлар (ўз табиатига кўра ва бутун олам қонунларига мувофиқ) ягона жаҳон давлатининг фуқаролари, инсон оламнинг фуқаро-сидир.

Айни пайтда Қадимги Римдаги сиёсий-ҳуқуқий институтлар ва ғоялар аҳолининг турли табақалари —

¹ *Аристотель*. Политика. I, 1, 9, 1253 а 16.

патрицийлар ва плебейлар, нобилитетлар (патрицийлар ва бой плебейлар) ва камбағаллар, оптиматлар (юқори табақа тарафдорлари) ва популярлар (қуйи табақалар эркинлиги тарафдорлари), озод кишилар ва қуллар ўртасидаги узоқ давом этган курашлар натижасида шаклланиб, ривожланиб борди¹.

Таъкидлаш лозимки, Қадимги Рим юристларининг табиий-ҳуқуқий қарашларига кўра, қулчиликни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди, чунки у умумий қонунга ва одамларнинг ягона жаҳон давлати фуқаролари эканлиги ҳақидаги принципга зид ҳисобланади. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан барча кишиларнинг эркинлиги ва тенглиги табиий-ҳуқуқий ғояси шаҳар-давлатнинг тор доирасидан ва этник чегарадан четга чиқарилди ҳамда бу ғоя инсон қавмининг ягона жаҳон давлати фуқаролари сифатидаги барча вакилларига нисбатан татбиқ этилди.

Қадимги Рим юристлари фикрича, «**ҳақиқий қонун**», **яъни табиий ҳуқуқ ҳамма жойда, ҳар доим бир хил ва ягонадир**. Цицерон таъкидлаганидек: «Барча замонларда барча халқларга нисбатан ягона, боқий ва ўзгармас қонун татбиқ этилади. Бунда барча одамларнинг устози ва йўлбошчиси, яъни қонуннинг яратувчиси, ҳаками, муаллифи бўлган умумий ёлғиз Худодир»². Инсон табиатига қарши бориб, ўзбошимчалик билан мазкур қонунга бўйсунмайдиган ҳар қандай кимсани Цицерон ўзлигидан қайтган одам сифатида тавсифлайди ва у одатдаги дунёвий жазодан йўлини қилиб қутулиб қолган тақдирда ҳам ул-

¹ Қаранг: *Муҳиддинова Ф.* Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи: Ўқув қўлланма. — Т., ТДЮИ, 2002, 66-бет.

² *Цицерон.* О государстве, III, XXII, 33.

кан (илоҳий) жазога йўлиқиши муқаррар эканлигини таъкидлайди.

Рим юристлари ҳуқуқ нуқтаи назаридан аҳамиятга эга бўлган барча табиий тартиб-қоидалар табиий ҳуқуққа мансублигини қайд этишган. Ульпиан таъкидлашича, табиий ҳуқуқ — бу табиат барча тирик мавжудотларга ўргатган ҳуқуқ бўлиб, мазкур ҳуқуқ нафақат одамзодга, балки ерда ва денгизда туғиладиган барча ҳайвонлар ва паррандаларга ҳам хосдир. Табиий ҳуқуқ институтлари қаторига Ульпиан, жумладан, никоҳ ва болаларни тарбиялашни киритади ва, ҳатто, ёввойи ҳайвонлар ҳам бу ҳуқуқ билан «ошно» эканлигини қайд этиб ўтади.

Халқлар ҳуқуқини Қадимги Рим юристлари «инсоният халқлари фойдаланадиган» ҳуқуқ сифатида тушунадилар. Уларнинг фикрича, мазкур ҳуқуқнинг табиий ҳуқуқдан фарқини тушуниш қийин эмас, яъни табиий ҳуқуқ барча жонзотлар учун умумий саналса, халқларнинг ҳуқуқи фақат одамларга хос бўлиб, уларнинг ўзаро муносабатларида амал қилади. Шу тариқа Рим юристлари томонидан халқларнинг ҳуқуқи табиий ҳуқуқнинг бир қисми сифатида талқин қилинади.

Шундай қилиб, биз ҳуқуқ ва унинг устунлигини ифодаловчи илк ҳуқуқий ёндашувлар олам тартиби ва давлатдаги ҳаётни ташкил этиш шакллари, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар усуллари, қонун-қоидалари ва бошқалар ҳақидаги диний-мифологик нуқтаи назарлар билан боғлиқлигига Қадимги Туронзамин, хусусан, муқаддас «Авесто», Қадимги Юнонистон мутафаккирлари сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ва Қадимги Рим юристларининг ижодлари мисолида қисқача тасаввурга эга бўлдик.

2. Ҳуқуқ устуңлиги концепцияси бўйича биринчи илмий ишланма

Ҳозирги замон юридик фанида ҳуқуқ ва унинг устуңлигига хос хусусиятлар сифатида эътироф этувчи ҳақиқат, адолат, инсонпарварлик, эркинлик, қонунни ҳурмат қилиш ва унга сўзсиз итоат этиш, бошқарувни қонунлар воситасида амалга ошириш ҳақидаги ғоялар ва уларнинг воқеликка айланишини таъминлаш чоралари тўғрисидаги фикрлар у ёки бу тарзда Қадимги Туронзамин, Қадимги Юнонистон, Қадимги Римда ҳам илгари сурилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу жиҳатларни, жумладан, Қадимги Туронзаминнинг муҳим ҳуқуқий манбаи ҳисобланган «Авесто»да эзгулик, адолат, жамиятнинг барча аъзолари томонидан қонунни билиш, унга оғишмай риоя қилиш, ёвузликка қарши курашда ундан фойдаланиш, мамлакатни бошқаришда адолатга ва Олий Тангри — Ахура Мазда қонунларига таяниш, уларга қатъий амал қилиш орқали ҳақиқат, адолат ва эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қилишига эришиш, лафздан қайтмаслик, бурч ва мажбуриятга содиқ бўлиш, шартномаларга қатъий амал қилиш, жиноятга жазонинг мос бўлиши, жазо тайинлашда қонунга асосланган ҳолда, адолатли ҳукм чиқариш, тинчлик ва бахт-саодат тантана қилган, зўравонликка барҳам берилган жамиятни қуриш каби ғоялар ўртага ташланганлигида ҳам кўриш мумкин¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Қадимги Юнонистон файласуфларидан бошлаб «ҳуқуқ» тусунчасига давлат ҳокимиятини амалга оширишни назорат остига олишдаги асосий восита сифатида

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. «Авесто» — маънавиятимиз сарчашмаси. — Т., «Адолат», 2001, 52—72-бетлар.

ёндашганлар. Арасту: «Қонунлар воситасида бошқариш одамларнинг ҳар қандай бошқарувидан устундир», — деб таъкидлаган. Унинг фикрича, одил судлов ўзаро муносабатлари ҳуқуқ тизими билан тартибга солинадиган одамлар ўртасидагина мавжуд бўлади. Аллома қайд этишича, қонуннинг устуворлигини тасдиқловчи киши фақат Худо ва ақлнинг устуворлигини тасдиқловчи ҳисобланиши мумкин; инсоннинг устуворлигини тасдиқловчи одам эса ҳайвонга хос бўлган хусусиятларни касб этади.

Бундан ташқари, Арастунинг: «Яхши қонунлар олий кучга эга бўлиши керак», «ҳар бир инсон ёки шахслар гуруҳи томонидан амалга оширилаётган ҳокимият ҳуқуқ узил-кесил тартибга солишга қодир бўлмаган масалалар юзасидан ҳукм чиқаришгагина ваколатли бўлиши лозим, зеро, барча фавқулодда вазиятлар учун умумий қоидаларни белгилаш қийин», деган сўзлари ҳам маълум. «Яхши қонун қандай бўлади?», — деган саволга жавоб берар экан, Арасту: «Қонунлар конституцияларга мувофиқ қабул қилиниши лозим; модомики шундай экан, тўғри конституцияларга мувофиқ келувчи қонунлар албатта адолатли бўлади, нотўғри конституцияларга мувофиқ келувчи қонунлар эса адолатсиз бўлади», дея таъкидлаганди.

Буюк файласуф тенглик ва «одил судлов» ҳақида ҳам фикр билдирган. У одил судлов деганда, умумманфаатига мувофиқликни тушунган.

Солон Афина аҳолиси юртни ўзига маълум нормаларга мувофиқ қонуний бошқариш ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиши учун унга қонунларни тақдим этган. Солон қонунлари зодагонлар учун ҳам, оддий халқ учун ҳам тенг даражада мажбурий қонунлар саналган.

Давлат ҳуқуққа асосланиши лозимлиги ҳақидаги талаб кейинчалик Рим юристлари томонидан ривожлантирилган.

**Ҳозирги замон ҳуқуқ устунлиги концепцияси ил-
дизларига** Британия ҳуқуқ тизимида дуч келиш мум-
кин. 1215 йилги Эркинликлар буюк хартиясида ифо-
даланган принципга биноан, одил судлов ҳуқуққа
мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган, одил
судлов ҳаммага баробар саналган ва уни зудлик би-
лан амалга ошириш талаб этилган. Жамоалар палата-
сининг 1610 йилги Петициясида ҳар қандай давлат
ҳуқуққа бўйсунди, деган фундаментал ғояга ало-
ҳида урғу берилган, 1689 йилда қабул қилинган
Ҳуқуқлар тўғрисидаги биллда монархия ҳуқуққа
бўйсундиши тасдиқланган.

Инглиз алломаси Альберт Дайсининг илк бор 1885
йилда эълон қилинган «**Англия конституциясини
ўрганишга кириш**»¹ номли монографияси ҳуқуқнинг
устунлиги концепцияси бўйича биринчи илмий иш-
ланма сифатида алоҳида аҳамият касб этди.

Альберт Вени Дайси (1835—1922) — атоқли инг-
лиз юристи, Оксфорд университети профессори.
Унинг «Англия конституциясини ўрганишга кириш»
монографияси ўз даври учун оламшумул аҳамиятга
эга бўлган. Унда конституциявий битимларнинг
ҳуқуқий табиати, уларнинг вазифаси ва қонун би-
лан ўзаро нисбати чуқур таҳлил қилинган. Бу моно-
графия, унда вазифа ўзига хос тарзда қўйилганли-
гига, баённинг аниқлиги ва муайян даражада ада-
бий-бадий йўсинда бўлганлигига қарамай, илмий
асар хусусиятларини сақлаб қолган.

Муаллиф Англия конституциясининг ҳуқуқий
ғояларига ва уларни қўлланиш хусусиятларига тав-
сиф беради. Буюк Хартия, Бирлашиш актлари ва бош-
қа ҳужжатлар мазмуни хронологик тартибда эмас,
балки ҳуқуқнинг умумий қоидаларини белгилаш ва
ривожлантириш учун материал сифатида баён эти-

¹ Дайси А. Основа государственного права в Англии. — М., 1905.

лади. Китобда фуқаролик жамиятининг асосий ҳуқуқлари, чунончи: сўз эркинлиги, йиғилишлар эркинлиги, шахс эркинлиги таҳлил қилинади. Айни шу сабабли бу китоб жаҳонда парламентаризмнинг вужудга келиш ва ривожланиш даврида айниқса кенг тарқалди.

Муаллиф илгари сурган муҳим ғоялардан бири шуки, давлат ҳуқуқий тартиботни амалга ошириши лозим. А.В. Дэйси Англия конституцияси ва конституциявий Ҳуқуқ манбалари хусусида мулоҳаза юритар экан, қонунни «суд йўли билан ҳимоя қилинадиган норма» сифатида тавсифлайди. Китобнинг биринчи қисми «Парламент устунлиги» деб, иккинчи қисми эса «Ҳуқуқ ҳукмронлиги» деб аталади. Биринчи қисмда Дэйси давлат ҳокимиятининг олий органлари — парламент ва қирол фаолиятини, иккинчи қисмда эса — давлат ва шахс ўртасидаги муносабатлар ёки фуқаролик ҳуқуқларини таҳлил қилади.

Шундай қилиб, бу ўринда парламентнинг устунлиги принципи ҳуқуқнинг ҳукмронлиги принципига қарама-қарши қўйилади. Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги фақат давлатнинг фуқаролар ва умуман ўз ҳудудида яшовчи одамлар билан муносабатлари соҳаси билан чекланади. Мазкур ҳукмронлик давлатни ташкил этишга татбиқ қилинмайди.

Муаллиф ўз китобининг биринчи қисмида Англияда устунлик парламент қўлида эканлигини, бунда парламент деганда, Англиядаги ҳокимиятнинг уч олий органи — қирол, лордлар палатаси ва жамоалар палатаси йиғиндисини тушуниш лозимлигини исботлашга ҳаракат қилади. Бинобарин, Англияда ҳокимият ягона ва ҳеч қандай ҳокимиятнинг бўлиниши мавжуд эмас, деган хулосага келади у. Китобнинг учинчи қисмида муаллиф конституциявий битимга қонун кучини берувчи омилларни таҳлил қилади.

Дайси Англиядаги конституциявий тузумни белгиловчи икки принцип — парламентнинг устунлиги ва ҳуқуқнинг ҳукмронлигини тан олади ҳамда ўз асари иккинчи қисмининг сўнгги бобини бу принциплар таҳлилига бағишлайди. А.В. Дайси мулоҳазалари ва хулосалари шак-шубҳасиз диққатга сазовор ва амалий қимматга эга. Чунки асарда муаллиф ҳокимият қонунчилик ва ижро тармоқларининг фаолияти, уларнинг ўзаро муносабатлари ва конституциявий битимларнинг мазкур фаолият жараёнида халқ манфаатлари ва иродасини ҳисобга олиш кафолати сифатидаги роли муаммоларини тадқиқ этади.

Китобда берилган иловалардан Европада ва англо-саксон мамлакатларида ҳукм сурувчи конституциявий давлат қурилишининг турли шакллари ҳақидаги материаллар ўрин олган.

Дайсининг «Англия конституциясини ўрганишга кириш» номли китоби Англияда ҳам, жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ҳам қўлма-қўл бўлиб кетди ва қисқа вақт ичида уч марта нашр этилди. Дастлабки кўринишда у Оксфорд университетиде ўқилган маърузалар курси эди.

Дайси «ҳуқуқ устунлиги» тушунчасига мазкур принципнинг *уч белгисини* киритди:

а) жамиятда, ҳокимиятнинг ўзбошимчаликка асосланган бошқарувидан фарқли ўлароқ, ўзбошимчалик, мутлақ ваколатлар ёки, ҳатто, давлатнинг ўз ихтиёрига қараб иш кўриш эркинлиги мавжудлигини истисно этувчи одат ҳуқуқининг мутлақ устунлиги ёки ҳукмронлигига риоя қилинади;

б) барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципига риоя этилади ёки жамиятнинг барча синфлари мамлакатнинг одатдаги судлар қўллайдиган одат ҳуқуқига тенг бўйсунди;

в) шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар умумий ҳуқуққа биноан таърифланиши ва кўриқланиши лозим. Дайси

фикрига кўра, бу ҳуқуқнинг устунлигини таъминлашнинг бирмунча мавҳум конституциявий декларацияларга қараганда таъсирчанроқ воситаси ҳисобланади.

Аммо, вақт ўтиши билан, Дайси илгари сурган ҳуқуқнинг устунлиги принципи хусусидаги фикр-мулоҳазаларга юриспруденциянинг ривожланиши нуқтаи назаридан аниқликлар ва тузатишлар киритилди. Бугунги кунда Британия ҳуқуқий тизимида ҳуқуқнинг устунлиги принципи қуйидаги жиҳатларда:

а) жамият анархия, уруш ёки ўзаро нифоқни эмас, балки қонунийлик ва тартибни маъқул кўришида (шу маънода мазкур принцип асосий демократик тушунчалар билан боғлиқ);

б) давлат ишлари ҳуқуққа мувофиқ юритилиши, баҳсли ҳолларда эса ҳуқуқий тартиб суд қарори билан ўрнатилиши лозимлигини назарда тутувчи муҳим ҳуқуқий доктринада;

в) ҳуқуқнинг муфассаллаштирилган нормалари ҳам моддий, ҳам процессуал масалаларда нимани таъминлаши лозимлиги хусусидаги сиёсий фикрларнинг муайян жамламасида яққол намоён бўлади.

Шу ўринда инглиз либерализмига хос қуйидаги жиҳатга эътиборингизни қаратишни истардик. Унга кўра, шахс эркинлиги фақат инсонга тегишли бўлган фаолият доирасида амал қилиб, унинг мутлақ мустақиллиги тушунилади, шу доирада инсон ўзининг устидан ўзи ҳукмрон ҳисобланади ва ўз ҳолича ҳаракат қилади. Бунда фикр ва ғоя эркинлиги, бошқа индивидлар билан келишиб ҳаракат қилиш эркинлиги, шахсий тақдирини мустақил белгилаш ва ҳаётий мақсадларни танлаш эркинлиги каби жиҳатлар чегара ҳисобланади. Бир-бирига яқин бўлган бу омиллар шахснинг комилликка эришувидаги муҳим шарт-шароитлардир. Шу билан бирга, сиёсий тузилмага бўлган муносабатларда, унинг фаолият юрити-

шида шахс эркинлиги алоҳида ўрин тутади. Зотан, барчага шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни бера оладиган ҳамда уларни кафолатлай оладиган давлат ўзининг ичида ҳам тартиб ўрната олади. Аслида «тартиб» сўзи «бўйсунуш» деган маънони англатадики, ўз буйруқларига бўйсундира олмайдиган ҳокимият ҳеч қачон ҳеч кимни бошқара олмайди. Бўйсунуш, яъни итоат этиш ҳар қандай цивилизациянинг белгиси бўлиб, ҳокимиятга итоат этиш бошқа одамларнинг манфаатлари ҳамда қонуний ҳуқуқларини бузмасликдир. Демак, шахс эркинлиги — бу, авваламбор, шахснинг қонунга итоат этишидир.

Эндиликда мамлакатимизда либерал сиёсий-ҳуқуқий қарашларнинг ўзимизга хос ва ўзимизга мос тизимга асосланган мактаби яратилмоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Адолат — қонун устуворлигида» номли маъруза-асарида билдирган қуйидаги фикрлари асосли: «Қонун устуворлигини (айни пайтда ҳуқуқ устунлигини — *муаллифлар изоҳи*) таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунуш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади»¹. Яна Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир»².

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. — Т., «Ўзбекистон», 2002, 28-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т., «Ўзбекистон», 2011, 435-бет.

3. Ҳуқуқ устунлиги назариясининг ривожланиш тарихи

Аслини олганда, «инсоният жамиятида ўсиш, ўзини ўзи ривожлантириш ва уйғунликка мойиллик инсон эркинлиги орқали рўёбга чиқади. Чунки ёт аралашув ва ўзбошимчалик билан танг аҳволга солиб қўйилмаган эркинлик шахсий масъулиятни юзага келтиради. Шунга кўра, эркин кишилар эркинлик, уни рўёбга чиқариш учун зарур бўлган институционал доирани ўзлари яратишади. Бинобарин, **шу ўринда либерализм ва ҳуқуқ моҳиятан бир-бирига мос келади**»¹. Асосан либерал назария доирасида вужудга келган ҳуқуқнинг устунлиги концепцияси, энг аввало, англо-саксон (умумий) ҳуқуқ анъанасига хосдир. Англия ҳуқуқий тизими судьялар томонидан шакллантирилган бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг кенг қатлами статут ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ҳозирги кунда ҳам суд амалиётининг мавқеи анча баланд бўлиб қолмоқда.

Англияда, кейинчалик эса АҚШда ҳам ҳуқуқнинг устунлиги ғояси кучли, мустақил суд институтида ўзининг моддий ифодасини топган, у индивид ва ҳокимият, энг аввало, марказий ҳокимият ўртасида оралиқ бўғинга айланган.

Ижтимоий онгда ва ҳуқуқ тизимида шахснинг эркинлиги ва мустақиллиги ҳақидаги тезис қарор топди. Мазкур нуқтаи назар ҳокимият институтларининг қонунлари ва фармойишларига шубҳа кўзи билан қаралишида намоён бўлди, чунки шахс суверенитетига давлатнинг тажовуз қилиш эҳтимоли барча замонларда ва ҳар қандай сиёсий тузум шароитида долзарб бўлиб қолади. Шунда ижтимоий онг, энг

¹ *Исломов З.М.* Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. — Т., «Ўзбекистон», 2005, 88-бет.

аввало, судга ишонч билдиради, уни инсон ҳуқуқларининг энг муҳим кафолатчиси деб ҳисоблайди. Шундай қилиб, ҳуқуқ билан чекланган давлат ғояси аста-секин шакллана борди. Шу нарса диққатга сазоворки, «ҳуқуқ устунлиги» назарияси билан ҳуқуқий давлат концепцияси, умуман олганда, бир маънавий сарчашма — Уйғониш даври фалсафасидан баҳра олган.

Аммо роман-германча ҳуқуқий давлат назарияси ўзининг ўта рационалистик хусусияти билан ажралиб туради, зеро, у ижтимоий муносабатларни фақат позитив (ижобий) қонунлар билан тартибга солишни назарда тутди. Шу нуқтаи назардан ҳуқуқ интизомга солувчи ўзига хос ижтимоий тизим сифатида талқин қилинади. Жумладан, «Иммануэл Кант таълимотига кўра, ҳуқуқ — эркинликнинг ташқи шарт-шароитидир, яъни ҳуқуқ алоҳида шахс эркинлигини эркинликнинг умумий қонуни нуқтаи назаридан бошқаларнинг эркинлигига мослигини таъминловчи шарт-шароитларни белгиловчи қоидалар йиғиндисиدير. Бундай шарт-шароитлар умуммажбурий қонунларнинг мавжудлиги, хусусий мулк ва шахсий ҳуқуқларнинг кафолатланганлиги, барчанинг қонун олдида тенглиги, низоларнинг суд тартибида ҳал этилиши кабилардир. Ҳуқуқ билан давлат ўртасидаги муносабат масаласида Кант ҳуқуқнинг давлатга нисбатан устунлигини таъкидлайди. Чунки ҳуқуқнинг манбаи — қонунда халқнинг эрк-ирода си ўз аксини топади, у умум эътироф этилган ахлоқ қоидаларига мос келади»¹. Шундай қилиб, моҳият эътибори билан немис ҳуқуқий давлати «муайян ҳуқуқий тартибот тимсоли»дир. Лўнда қилиб айтганда, немис ҳуқуқий давлати қонуний тартибот дав-

¹ Тураев Б.Р. Ҳуқуқий давлат: ғоялардан амалиёт сари. — Т., «Адолат», 2009, 84–85-бетлар.

лати сифатида майдонга чиқади, унинг англо-саксонча кўриниши эса чекланган давлат ва эркин ҳуқуқий жамиятни назарда тутди. Сўнги ҳолатда давлат ўзига хос ҳакам, воситачи ролини ўйнайди, у ҳуқуқий зиддиятга бошқа имкониятлар самара бермаган ва ҳокимиятнинг фаол ҳаракатларига бўлган эҳтиёж заруриятга айланган тақдирдагина аралашади.

Ҳуқуқ устунлиги концепцияси классик либерализм ғояларига содиқликни анча изчил намоёиш этади. XVII аср инглиз мутафаккири Жон Локк ўзининг инсон табиий ҳуқуқларига доир машҳур училиги (яшаш ҳуқуқи, эркинлик ҳуқуқи ва мулк ҳуқуқи)ни асослаш орқали хусусий ҳуқуқнинг асосий принципларини табиий деб эълон қилди, позитив қонунларга нисбатан уларнинг устунлигини исботлаб берди. Давлатнинг вазифаси шу принципларни ҳимоя қилиш билан чегараланади. Зотан, аллома таъкидлаганидек: «Давлатда шахс эркинлиги жамият ҳаётининг унинг барча аъзолари учун ягона бўлган, мазкур ижтимоий тузилмада ташкил этилган қонунчилик ҳокимияти томонидан ўрнатиладиган доимий қоидалари мавжудлиги билан белгиланади». Бинобарин, давлат кишилар томонидан ўзларининг эркинликларини тегишлича кафолатлаш учун шартнома тузиш йўли билан ташкил этилган бўлиб, эркинлик зўравонликдан ҳимояланиш кафолатидир. Зеро, инсоннинг барча ҳуқуқлари асосида эркинлик ётади. Эркинликдан маҳрум бўлган киши фаровонлигини, ҳаётини хавф остида қолдириши мумкин. «Қонун бўлмаган жойда эркинлик ҳам бўлмайди»¹.

Шу сабабли Локк идеали — ҳуқуқий жамиятнинг мавжудлик шартларидан бири чекланган давлат

¹ Локк Дж. Избранные философские произведения в двух томах. — М., 1960. Т. 2. С. 34.

ҳисобланади. Ҳокимият ва шахснинг оммавий ҳуқуқ билан белгиланадиган муносабатлари хусусий ҳуқуқ соҳасида «табиий вужудга келган» принципларга уларнинг муносабати доирасида эътироф этилиши мумкин. Индивид билан давлат зиддияти ҳуқуқ нуқтаи назаридан объектив ва субъектив ҳуқуқ ўртасидаги коллизия шакл-шамойилини касб этади. Бунда энг сўнгги сўзни ҳар доим субъектив ҳуқуқ айтади, чунки эркинлик индивидуал ҳисобланади ва олий қадрият сифатида эътироф этилади. Фундаментал субъектив ҳуқуқлар давлат ва статут ҳуқуқига нисбатан мажбурловчи ҳисобланади.

Ҳуқуқ устунлиги концепцияси ҳокимият қарши-сида шахс манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Бунда ҳуқуқ жамият маҳсули сифатида намоён бўлади, ҳуқуқнинг шаклланишида давлат омили эса аҳамиятсиз ва расмиятчилик ҳисобланади. Ҳуқуқ устунлиги ғояси ўта мослашувчан, ўзгаришларга таъсирчан ҳуқуқ тизимини яратади. Бу тизим ўзининг мураккаблигига қарамай, ҳокимият ўзбошимчалигига қарши ишончли ҳимоячи ҳисобланади.

Албатта, бу назарий конструкциянинг заиф томонлари ҳам йўқ эмас. Шунга қарамай, ҳуқуқ устунлиги ғояси улкан гуманистик аҳамиятга эга. Бу ўзига хос ҳуқуқий йўналиш ва андоза, эришишга ҳаракат қилиш лозим бўлган олий мақсаддир. Айрим мамлакатларда ҳуқуқ чиндан ҳам улкан ижтимоий қимматга эга. Ҳуқуқ устунлиги концепцияси ҳуқуқий институтларни такомиллаштиришга кўмаклашади, тараққиёт ва эркинлик йўлида чексиз такомиллашувга даъват этади. Аслини олганда, агар ҳуқуқий давлат бир медаль бўлса, ҳуқуқнинг устунлиги ва қонуннинг устунлиги, унинг икки томонидир. Улар ягона тушунча — ҳуқуқий қонунга бирикиши лозим.

Умуман олганда, ҳуқуқ бошқаруви концепциясининг англиз тилидаги ҳозирги кўринишлари асо-

сан позитивистик ҳуқуқий тасаввурга қарши кураш жараёнида юзага келган ва либерал назария доирасида ишлаб чиқилган. Масалан, ХХ асрнинг иккинчи ярмида (50—80-йилларда) чет эллик сиёсатшунослар, юристлар ва ҳуқуқ файласуфларининг «ҳуқуқ устунлиги» либерал концепциясига бағишланган илмий асарлари туркуми пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда «ҳуқуқ устунлиги» концепциясининг турли жиҳатларига бағишланган илмий асарлар орасида Сэр Оуэн Диксон, Лон Фуллер, Рональд Дворкин, Жером Холл, Жон Финнис, Жон Роулз, Жозеф Раз, Фридрих Хайек асарларини қайд этиш мумкин. Бу асарлар «ҳуқуқ устунлиги» ҳозирги концепциясининг ўзагини ташкил этади.

Ҳозирги вақтда «ҳуқуқ устунлиги» концепциясининг моҳияти ва мазмунига доир муаммолар Тревор Аллан, Жеффри Маршалл, Жордж Винтертон, Жеффри Голдсуорси, Марк Эллиот, Гвидо Пинчоне, Жон Лоз, Галлиган, И.Ю. Козлихин, Л.С. Явич, В.А. Туманов, Р.А. Каламкарян ва бошқа мутахассислар томонидан қизгин муҳокама қилиб келинмоқда.

4. «Қонун остидаги ҳукумат» — ҳуқуқ устунлиги концепциясининг яна бир кўриниши

Ҳуқуқ устунлиги принципининг Буюк Британияда юзага келган конституциявий ифодаси ғоялари XIX асрнинг иккинчи ярмида немис ҳуқуқий тизимида «Rechtstaat» (ҳуқуқий давлат) доктринаси воситасида, кейинчалик эса француз ҳуқуқий тизимида «pre-eminence du droit» (ҳуқуқнинг устунлиги) доктринаси ва унинг турларидан саналган «Etat de Droit» (ҳуқуқий давлат) таълимоти воситасида ривожлантирилди. АҚШда бу концепция «қонун остидаги

ҳукумат» («Government under Law») номи билан маълум. Кейинчалик «тегишли ҳуқуқий тартиб-таомиллар»га риоя этишни талаб қилувчи **америкача принцип** вужудга келди. У одил судловнинг ҳуқуқ устунлиги принципига риоя қилинадиган соҳаларига татбиқ этилар эди. Бу принцип турли миллий ҳуқуқий тизимлар томонидан қабул қилинди ва хилма-хил атамалар ёрдамида мазкур жараёнга эркин жамиятнинг мазмун ва моҳиятини белгиловчи кўпдан-кўп тушунчалар киритилди.

Шу боис бу ўринда биз ҳуқуқнинг устунлиги принципининг асосларини яратган тарихий ҳужжатлардан бири — АҚШ конституциясининг энг муҳим жиҳатларига батафсил тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Маълумки, *«Кўшма Штатлар халқи янада баркамол иттифоқ тузиш, одил судловни ўрнатиш, ички осоишталикни кафолатлаш, биргаликда мудофаани таъминлаш, умумий фаровонликка йўл очиш ҳамда озодлик неъматларини мустаҳкамлаб қўйиш мақсадида Америка Кўшма Штатлари учун мамлакат конституциясини тантанали равишда эълон қилди»*¹.

Даставвал конституцияни ишлаб чиқиш мақсадида 1787 йилда Штатлар Вакиллари Конгресси чақирилди. Бу Конгресс 5 ой мобайнида қонуннинг таклиф қилинган лойиҳаларини муҳокама қилди. Энг кўп овозни Виржиния штати таклиф қилган лойиҳа олди. Унинг муаллифи Жеймс Медиссон эди. У «АҚШ конституциясининг отаси ва файласуфи»га айланди. Орадан 7 ой ўтгач, лойиҳа тўққиз штат томонидан қабул қилинди ва кучга кирди. 1791 йилда конституцияни 13 штатнинг барчаси ратификация қилди.

¹ *Жўраев С., Маҳамов Ҳ., Рустамбоев С.* Америка Кўшма Штатлари. — Т., ТДШИ, 2003, 244-бет.

Конституция руҳи ва моҳиятига кўра анча «мўтадил» ҳужжат эди: уни ишлаб чиқишда «радикаллар»нинг вакиллари иштирок этмадилар. Аммо бу жараёндан «радикал қанот» четда қолгани ҳам йўқ: 1791 йилда уларнинг босими билан АҚШ конституциясига дастлабки 10 тузатиш — «Ҳуқуқлар тўғрисидаги билль» киритилди.

АҚШ конституцияси давлат қурилишига доир энгилфор ғояларни, шунингдек, ўша даврнинг илғор мулафаккирлари — инглиз файласуфи Жон Локк ва француз маърифатпарвари Шарль Луи Монтескьеннинг демократик ғояларини ўзида мужассамлаштирди. Конституция демократик принципларга асосланганининг ўзиёқ АҚШ конституциясида «ҳуқуқнинг устунлиги» принципи рўёбга чиқарилган, деган хулосага келиш имкониятини беради.

«Ҳуқуқ устунлиги» — демократик бошқарувнинг энг муҳим жиҳатларини акс эттирувчи йиғма атама. Унинг моҳияти ҳукумат қарорлари халқнинг келишувига асосланиши ҳамда индивидуал тангликлар ва давлат зўравонлигининг олдини олиш учун ишлаб чиқилган, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қиладиган тузилмалар ва тартиб-таомиллар орқали амал қилиши лозимлиги билан белгиланади.

АҚШ конституциясига биноан «ҳуқуқ устунлиги» беш асосий принципга асосланади.

1787 йил 17 сентябрда Таъсис конвенти АҚШ конституциясини қабул қилди ва шу тариқа ягона иттифоқ давлати — Америка Қўшма Штатлари таъсис этилганини конституциявий тартибда мустаҳкамлади.

АҚШ конституцияси — ҳозирги пайтда жаҳонда мавжуд конституциялар орасида дастлабкиси. Унда демократизм асослари сифатида ўз аҳамиятини ҳанузгача сақлаб келаётган сиёсий-ҳуқуқий ғоялар ўз ифодасини топган. Бу конституцияда давлат тузу-

ми ва ҳуқуқий тизимга асос бўлиб илк бор федерализм, ҳокимиятнинг бўлиниши, «мувозанат ва чекловлар» тизими ва конституциявий суд назорати ғоялари хизмат қилган. Бу ғояларнинг барчаси кейинчалик дунё миқёсида эътироф этилди ва аксарият мамлакатларнинг конституцияларида у ёки бу кўринишда ўз аксини топди.

Конституциявий конвент маъқуллаган, кейинчалик эса штатларнинг қонунчилик мажлислари томонидан ратификация қилинган АҚШ конституцияси ҳозирги вақтгача деярли ўзгаришсиз сақланиб қолган. Ўтган икки юз йилдан ортиқ вақт ичида унга атиги 27 тузатиш киритилган. Хўш, АҚШ конституциясининг бундай барқарорлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Биринчидан, АҚШ конституцияси анча мўъжаз ва прагматик ҳужжат ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, АҚШ конституцияси матнида инсоннинг табиий ҳуқуқлари, ижтимоий шартнома, халқнинг кўзғолон кўтариш ва ҳукуматни алмаштиришга бўлган ҳуқуқи, яъни Мустақиллик декларациясида мафкура қобилигига ўраб баён этилган қоидалар, ҳатто, тилга ҳам олинмаган. Конституцияда федерал органларни ташкил этиш, федерация ва штатлар қонунчилик ҳокимияти органларининг ваколатларини белгилаш тўғрисида сўз юритилади. Қайси масалалар бўйича штатларга федерал ҳокимият ваколатлари берилиши белгиланади. Шу масалалар рўйхати доирасидан ташқарида штатлар ўз ваколатларини сақлаб қолади. Штатлар ва федерация қонун ҳужжатлари ўртасида зиддият юзага келган ҳолда федерал қонунлар устунлик қилади.

Шундай қилиб, ушбу конституцияда федерал ҳокимиятни ташкил этишнинг асосий мезонлари ва АҚШ федерализмини белгиловчи энг муҳим қоидаларгина белгиланган. Унда штатлар рўйхати ҳам,

федерал ҳокимиятни ташкил этиш тафсилотлари ҳам йўқ, бинобарин, федерал ҳокимият органларининг ваколатлари ўзгарганида ёки АҚШ таркибига янги штатлар киритилганида конституция матнига тузатишлар киритиш учун ортиқча важлар ҳам мавжуд эмас.

Бизнинг назаримизда, конституция нормалари ҳаддан ташқари муайянлаштирилгани ҳокимият, ҳуқуққа нисбатан қарашлар ўзгарганида мазкур нормаларни қайта кўриш зарурияти туғилишига олиб келади. Айни шу нуқтаи назардан АҚШ конституцияси — энг мақбул ҳужжат. Масалан, қонун матнидан кўринишича, 1787 йилги конституцияда афро-америкаликларнинг ҳуқуқларини камситувчи қоидалар мавжуд бўлмаган ва шу туфайли ҳам кейинчалик мамлакатнинг қоратанли аҳолиси ҳуқуқларини ҳисобга олувчи ўзгартишлар (тузатишлар) киритиш талаб этилмаган.

Иккинчидан, конституциянинг барқарорлигига ҳокимиятнинг бўлиниши принципининг мазкур ҳужжатда мустаҳкамланган, асосан ўз миллий тажрибасига таянувчи америкача кўриниши ҳам кўмаклашади. Конституция асосчилари ҳокимият ягона деб ҳисоблаганлар, аммо ҳокимиятнинг уч тармоққа — қонунчилик, ижро ва суд тармоқларига ажратилиши, энг аввало, ҳокимият тармоқлардан бирининг қўлида кўпроқ жамланишига йўл қўймасликка қаратилган «мувозанат ва чекловлар» тизимини ўрнатиш, бошқача қилиб айтганда, диктатура ўрнатилиши имкониятининг олдини олиш ва шу тариқа конституциявий тузумнинг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқдир.

Учинчидан, АҚШ конституцияси тузатиш киритиш ўта мушкул бўлган конституциялар қаторига киради. Бунинг учун тузатиш нафақат Конгресснинг иккала палатаси томонидан маъқулланиши, балки

штатлар қонунчилик мажлисларининг учдан икки қисми томонидан ратификация қилиниши ҳам лозим. Амалиёт бу узоқ давом этадиган оғир жараён эканлигини, боз устига, у доим ҳам самара беравермаслигини кўрсатади (икки ярим аср ичида беш мингдан ортиқ тузатишлар таклиф қилинган, Конгресс уларнинг қирқтага яқинини қабул қилган, пировардида уларнинг 27 тасигина ратификация қилинган)¹.

1787 йилги АҚШ конституциясида федератив давлатдаги ҳуқуқий ҳужжатлар орасида конституция ва федерал ҳуқуқнинг аҳамияти илк бор қайд этилган. АҚШ конституциясининг VI моддасига биноан, «ушбу конституция ва уни бажариш жараёнида қабул қилинадиган Қўшма Штатларнинг қонунлари, худди шунингдек, Қўшма Штатлар номидан тузилган ёки тузиладиган барча шартномалар мамлакатнинг олий ҳуқуқи ҳисобланади; ва ҳар бир штатдаги судьялар бу ҳуқуққа конституцияда ёки ҳар қандай штатнинг қонунларида нимаики зид келмасин, унга риоя қилишлари шарт». Мазкур конституциявий қоида қандай шарҳланишидан қатъи назар, конституция асосчилари у барча қонунлардан устун туради, деган фикрда яқдил бўлганлар. Зотан, «конституционализм» тушунчасининг мазмунида конституция бошқа ҳуқуқий ҳужжатлардан устун туриши кўрсатиб ўтилган. АҚШнинг ҳозирги конституциявий ҳуқуқида бу конституциявий қоида миллий устунлик ҳақидаги клаузула (яқуний хулоса) сифатида тавсифланади. Мазкур клаузуланинг аниқ юридик мазмуни АҚШ Олий суди фаолияти ва у яратган прецедентлар билан бойитилган.

АҚШ конституциясида ҳуқуқ устунлиги ҳақидаги қоида илк бор қайд этилган. Ушбу конституцияга

¹ Қаранг: *Чиркин В.Е.* Конституционное право зарубежных стран. — М., 1999, 324-бет.

мувофиқ ҳуқуқ устунлиги қуйидаги беш фундамен-
тал принципга асосланади:

1. Халқ томонидан бошқариладиган ва халқ учун
мавжуд бўлган халқ ҳукумати.

2. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро ва суд
тармоқларига бўлиниши, шунингдек, уларнинг ўза-
ро алоқаси принциплари.

3. Вакиллик демократияси, ҳукуматнинг айрим
шахсларга қарши қаратилган ҳаракатларига нисба-
тан жиддий чекловлар.

4. Чекланган ҳукумат ва федерализм.

5. Суд ишлари суд органларининг мустақил тизи-
ми томонидан кўрилиши қонунларни ҳаётга татбиқ
этишнинг асосий механизми эканлиги.

Ҳар қандай конституциянинг кучи унинг барқа-
рорлигидадир. АҚШда у 200 йилдан кўпроқ вақт мо-
байнида амал қилади ва бундан ўз асосий қонунига
одамларнинг ҳурмати фақат ортиб бормоқда. Тўғри,
ундаги кўпгина қоидалар эскирган, лекин АҚШ
конституцияси Қўшма Штатлар Олий суди шарҳла-
ри, конституциявий-ҳуқуқий қонунчиликнинг ри-
вожланиши натижасида янгича мазмун касб этиб,
яшашда давом этмоқда.

Шундай қилиб, АҚШ конституцияси — «жонли
қонун», яъни унинг қоидалари куруқ гап эмас, балки
ҳаётга татбиқ этилган ва амалда Конституция қабул
қилинганидан бери ўтган давр мобайнида уни амалга
оширишнинг барқарор механизмлари яратилди.
«Одамлар Конституцияни «жонли қонун» деб атар
эканлар, судлар томонидан яратилган, ривожлан-
тирилган ва кенг ёйилган таълимотлар ва талқин-
ларни назарда тутадилар»¹. Конституция — моҳият
эътибори билан музтоғнинг чўққиси, холос. Унинг

¹ Фридман Л. Введение в американское право. — М., 1992,
151-бет.

моҳияти судьяларнинг у ҳақдаги фикр-мулоҳазалари билан белгиланади. Улар жорий ишлар доирасида фикр юритадилар — жорий ишлар эса реал низолашувчилар ўртасидаги реал баҳсли масалалардан келиб чиқади. Шу тўғрисида ҳам конституция бугунги кун ўзгаришларига ҳамроҳанг тарзда «яшайди». Умуман олганда, «Позитив ҳуқуқ амалдаги ҳуқуқ маъносида «жонли» бўлиши эмас, балки *бугунги ўзгариб бораётган ижтимоий муносабатлар талабларига ҳам, ушбу вазият, унинг замиридаги ҳуқуқий моҳият талабларига ҳам* жавоб берадиган маънода «жонли» бўлмоғи даркор. Айнан шу маънода у ҳаётини муаммоларни ҳал қилиш учун қатъий, доимий асос бўлиб қолгани ҳолда, тинимсиз ҳаёт оқимида, унинг шиддатли бурилишларига, икир-чикирларига муносабат билдира олиши керак»¹.

АҚШда конституционализмнинг вужудга келиши ва ривожланиши ҳақида гап кетганда, штатларнинг конституцияларини назардан қочириш мумкин эмас — ўз соҳаларида улар энг муҳим ҳужжатлар ҳисобланади ва штатлар аҳолиси уларни умумфедерал конституция билан баб-баравар ҳурмат қилади. Уларнинг айримлари (масалан, Висконсин штати конституцияси) ҳам ўта барқарор ҳисобланади, баъзиларига эса тез-тез тузатишлар киритилади ёки матни бутунлай ўзгартирилади (масалан, Луизиана штати ўнга яқин конституцияларга эга бўлган). Майдачўйда ва кам аҳамиятли масалаларнинг тартибга солиниши (масалан, Луизиана штати Конституциясида губернатор маошининг қайд этилган миқдори белгилангани) шунга олиб келадик, конституциялар тез-тез алмаштирилади ва ўзгартирилади. Албатта, бу жараёни ижобий бир ҳол сифатида баҳолаб бўлмайди.

¹ *Алексеев С.С.* Право на пороге нового тысячелетия // Иқтибос қуйидаги манбадан олинди: Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. — Т., «Адолат», 2007, 637-бет.

Ҳозирги вақтда **ҳуқуқ устунлиги принципи** камида бешта мустақил қадриятни назарда тутати:

а) ҳуқуқ талаблари билан боғланган давлат фаолияти;

б) фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципига риоя қилиш;

в) жамиятда қонунийлик ва тартиб ўрнатиш;

г) қонунга қатъий риоя этувчи самарали одил судлов мавжудлиги;

д) инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш.

Бу **қадриятлар** одиллик талабларидан келиб чиқувчи турли эҳтиёжларга жавобан ҳуқуқнинг устунлиги концепциясига киритилган.

Аммо бу бирдан-бир рўйхат эмас, боз устига, унга муттасил равишда аниқлик ва ўзгартишлар киритиб борилади.

2009 йилнинг 4—9 октябрь кунлари Мадрид шаҳрида Халқаро юристлар уюшмаси (International Bar Association — IBA)нинг навбатдаги йиллик конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда жаҳоннинг 127 мамлакатидан беш мингга яқин юрист иштирок этди. Конференцияни Испания қироли Хуан Карлос тантанали равишда очганининг ўзиёқ ушбу анжуманнинг юксак мақомини тасдиқлайди.

Ўша йилнинг 8 октябрида IBA Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу Кенгаш 2005 йил Прагада ўзи қабул қилган Ҳуқуқнинг устунлиги тўғрисидаги резолюцияга шарҳни олқишловчи резолюцияни қабул қилди. Резолюцияда қуйидагилар **ҳуқуқ устунлигининг асосий принциплари** сифатида эълон қилинди:

1) мустақил, беғараз судьялар корпуси;

2) айбсизлик презумпцияси;

3) асоссиз кечиктиришларсиз беғараз ва оммавий суд маҳкамасига бўлган ҳуқуқ;

4) жазога оқилона ва қилмишга мувофиқ ёндашув;

- 5) юристларнинг кучли ва мустақил уюшмаси;
- 6) юристнинг мижоз билан мулоқоти сир тутилишини оғишмай ҳимоя қилиш;
- 7) қонун олдида барчанинг тенглиги.

Шарҳда резолюциянинг ўзи ҳам, «ҳуқуқ устунлиги» тушунчаси билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам атрофлича таҳлил қилинади. 2009 йилнинг 9 октябрида конференция доирасида «Ҳуқуқ устунлиги» симпозиуми бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда юқорида санаб ўтилган принципларни ҳаётга татбиқ этиш амалга оширилиши талаб қилинадиган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Кўпинча ҳуқуқ устунлиги ҳақида гап кетганда, «устунлик» атамаси ўрнига «ҳукмронлик» атамасини ишлатадилар. Улар мазмунан айнан бир хилдир, шу туфайли ҳам аксарият ҳолларда «ҳуқуқ устунлиги (ҳукмронлиги)» деб ёзадилар.

Шунинг қайд этиш лозимки, халқаро ҳуқуқда айнан «ҳуқуқ ҳукмронлиги» атамаси ишлатилади. Аммо уларга турли олимлар томонидан берилган шарҳлар бу тушунчалар мазмунан айнан эканлигини тасдиқлайди.

Аслини олганда, халқаро ҳуқуқ ва умуминсоний манфаатларнинг устуворлиги тан олиниши халқаро муносабатларда ҳуқуқнинг ҳукмронлиги қарор топишида алоҳида аҳамият касб этади. Халқаро ҳаётнинг моҳияти айрим давлатларнинг манфаатлари муайян даражада ўзаро тўқнашиши мумкинлиги билан белгиланади. Бунинг оқибатида коллизиялар рўй беради, бироқ уларни зудлик билан бартараф этишнинг имкони бўлмайди. Бундай зиддиятларни тартибга солиш учун, авваламбор, айрим давлатларнинг миллий манфаатларини умуминсоний манфаатлар билан мувофиқлаштириш лозим бўлади. Бу жараён ҳуқуқ ҳукмронлигини барча мамлакатлар тан олишини талаб этади. Ана шундагина ҳар қандай зид-

диятни ҳал этишда куч ишлатишга йўл қўйилишининг олди олиниши, ҳар томонлама ҳамкорликнинг афзалликларини барча англаб етиши мумкин бўлади.

Ўзгараётган ва янгиланаётган дунёда «ҳуқуқ ҳукмронлиги» концепцияси барқарорликни сақлаш учун асос сифатида қаралади. Аммо у жаҳонда рўй бераётган ўзгаришларни тан олмайдиган тартибнинг ўзига хос «қўриқчиси» бўлиши мумкин эмас. Шу боис у халқаро муносабатларнинг барқарорлигини ва юз бераётган туб ўзгаришларни ҳисобга олишни назарда тутиши ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланади. Модомики шундай экан, «Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт»¹.

Шу тариқа халқаро муаммолардан миллий даражадаги муаммоларга қайтар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлашни истар эдикки, ҳуқуқнинг устунлиги принципини билиш-ўрганиш жараёнида киши уни амалга ошириш муаммоларига ҳам беихтиёр дуч келади. Аҳолининг қуйи табақалари вакилларига юксак мартабали одамлар ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш ва бойлик жамғариш мақсадида қонунлар билан манипуляция қилишларидан ҳимояланиш учун самарали воситалар етишмайди. Одамлар — сиёсатчилар, судьялар, адвокатлар, ҳатто, аҳолининг ҳуқуққа ва юридик абстракцияларга реал муносабати ҳуқуқнинг устунлиги принципини конституциявий даражада мустаҳкамлаш билан баб-баравар муҳимдир.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 6-бет.

Асосий муаммолардан бири шундаки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳуқуқ устунлиги принципи «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олиниши»¹ қондаси орқали мустаҳкамлаб қўйилган бўлса-да, Асосий Қонунимизда ҳуқуқ устунлигининг мазмун-моҳияти ёритиб берилмаган. Ҳуқуқ устунлиги республикаимиз учун янги принципдир. Мустақилликни қўлга киритганидан кейингина давлатимиз бу соҳадаги умуминсоний қадриятларни тан олди. Шу туфайли ҳам бизга мазкур принципни ҳаётга татбиқ этиш борасида тажриба етишмайди.

Шуни қайд этиш лозимки, давлатимизда ҳуқуқ устунлиги ва қонун устунлиги принциплари ҳали бир-биридан аниқ ажратилмаган. Бу икки принцип бир-бири билан тўқнашиши эмас, балки ўзаро алоқада бўлиши ва бир-бирини тўлдириши лозим. Афсуски, ҳуқуқ ижодкорлиги амалиётида бу қонда изчил бажарилаётгани йўқ.

Ҳуқуқ устунлиги ва қонун устунлиги принциплари айнан бир хил тушунчалар эмас. Аммо улар ўзаро узвий боғланган ва бир-бирини тўлдиради. **Ҳуқуқ устунлиги** ижтимоий ҳаётни ташкил этишда ҳуқуқнинг ҳал қилувчи роли билан боғлиқ. **Қонун устунлиги** эса норматив ҳужжатларни ташкил этиш тартибини, уларнинг иерархиясини белгилайди. Ҳуқуқнинг устунлиги принципини қонуннинг устунлиги билан алмаштириш мумкин эмас. Ҳуқуқ устунлиги ҳуқуқий давлатнинг моҳиятини, қонуннинг устунлиги эса ҳуқуқнинг адолатлилиги ва уни норматив мустаҳкамлаш ўртасидаги мувофиқликни таъминлайди. Ҳуқуқ устунлиги принципига Конституция ва қонуннинг устунлигини четлаб ўтиб ёндашиш — бу қонун-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 5-модда. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 5-бет.

сизлик ва ўзбошимчаликка элтувчи йўл; қонуннинг устунлиги принципининг ўзини тан олиш, ҳуқуқнинг устунлиги принципини тушунишга изчил ёндашмаслик эса — адолатсиз, ғайриинсоний, нодемократик қонунлар, бошқа хил норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишига элтувчи йўлдир. Шу сабабли мазкур принципларни белгилашда улардан бирининг қоидаларини бошқасининг ҳисобидан камситмайдиган мувозанат сақланиши лозим. Иккала принцип ҳам бир вақтда амал қилиши инсон ҳуқуқларининг энг мақбул даражадаги ҳимоясини таъминлайди.

Шундай қилиб, ҳар қандай ҳуқуқий тизимда ҳуқуқ устунлиги концепцияси қонунчилик ҳокимиятига белгиланадиган чеклашларни, ижро этувчи ҳокимиятнинг ўзбошимчалигидан ҳимоя қилишни назарда тутди, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар лозим даражада ҳимояланишига, шунингдек, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлашга замин яратади.

II. ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ЮРИДИК МАЗМУНИ

1. «Ҳуқуқ» тушунчасининг мазмунига берилган назарий-методологик таърифлар

Юқорида биз ҳуқуқ устунлиги назариясининг пайдо бўлиши тарихи билан танишдик ва унга бўлган муносабат ҳам, унинг талқинлари ҳам ранг-баранг эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Бу тасодифий ҳол эмас. Билимнинг бошқа тармоқларида бўлганидек, юриспруденцияда ҳам ноаниқ, баҳсли масалалар ва ўз ечимини кутаётган муаммолар бисёр.

Қизиғи шундаки, бу фикр «ҳуқуқ» тушунчасининг ўзига ҳам тегишли. Кўп ҳолларда юрист олимларнинг ўзлари ҳам ҳуқуқ нималигини билмайдилар. Бу фикр алоҳида далил-исбот талаб қилмайди. Зеро, ҳозирги замон ҳуқуқ назарияси ҳуқуқнинг келиб чиқишини, моҳиятини ва ижтимоий вазифасини турлича тушунтирувчи кўплаб концепциялардан иборат.

Ҳуқуқ ҳақидаги у ёки бу тасаввурнинг муаллифлик талқинлари эса бундан ҳам кўпроқ. «Ҳуқуқ» тушунчасининг универсал мазмунини яратиш йўлидаги ҳаракатлар ҳанузгача самара бергани йўқ. Ушбу мураккаб ижтимоий ҳодисанинг бутун ранг-баранглигини тўла қамраб олувчи таъриф ҳанузгача мавжуд эмас. Шундай қилиб, ҳуқуқнинг мазмунига таъриф бериш муаммосини бир-бирини тўлдирувчи икки савол билан ифодалаш мумкин: 1. «Ҳуқуқ» тушунчаси таърифларининг кўплиги сабаби нимада? 2. «Ҳуқуқ» тушунчасининг ягона, универсал таърифини яратиш мумкинми?

Бу саволларга жавоб топиш, ҳеч бўлмаса, «ҳуқуқ» тушунчасининг мазмунига таъриф беришга нисбатан асосий ёндашувларни таҳлил қилишни талаб этади. Бу ёндашувлар дастлабки расмий-мантиқий ва методологик йўналишларга қараб бир-биридан ажралиб туради.

«Ҳуқуқ» тушунчасининг мазмунига берилган таърифлар шу қадар кўп ва ранг-барангки, уларни илмий таснифлаш жуда мушкул иш. Ўқув мақсадларида уларни икки мезон асосида гуруҳлаш мумкин: 1) нима таърифланган (таърифнинг объекти, предмети) — расмий-мантиқий таърифлаш; 2) ҳуқуқнинг мазмунига берилган таърифнинг фалсафий асоси — таърифнинг гносеологик ва методологик жиҳатлари.

Расмий-мантиқий нуқтаи назардан қуйидагилар таъриф предмети бўлиши мумкин: «ҳуқуқ» атамасининг маъноси; мазкур тушунчанинг мазмуни ва ҳажми; ҳуқуқ муайян **реал** ёки **идеал моҳият** касб этиши.

Назарий жиҳатдан битта таърифда барча саволларга жавоб бериш: «ҳуқуқ» атамасининг маъноси ни аниқлаш, бу тушунчанинг мазмунини ёритиш ва ҳуқуқни муайян реаллик сифатида тавсифлаш мумкин. Амалда эса «ҳуқуқ» атамасининг маъноси ни аниқлашдек оддий вазифани ҳам узил-кесил ҳал қилиш мумкин эмас.

Биринчидан, «ҳуқуқ» атамаси баъзан ноюрidik маънода, ижтимоий-сиёсий ёки ахлоқий категория сифатида ишлатилади (масалан, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, маънавий ҳуқуқ). Мазкур контекстда «ҳуқуқ» сўзи, у бирон-бир юридик нормаларга мувофиқ келиши ёки келмаслигидан қатъи назар, ишлатилади.

Иккинчидан, «ҳуқуқ» атамасининг юридик (айниқса, фалсафий-ҳуқуқий) маъноси ҳам ўзининг

ранг-баранглиги билан тавсифланади. У «одат ҳуқуқи», «табiiй ҳуқуқ», «ижобiiй ҳуқуқ», «шариат ҳуқуқи», «объектив ва субъектив ҳуқуқ» каби ибораларда ишлатилади. Масалан, америкалик юристлар расмiiй ва норасмiiй, оммавий ва хусусiiй, реал ёки «жонли» ҳуқуқни фарқлайдилар.

Ҳуқуққа бундай ёндашувда муайян ижтимоiiй бирликда амал қилувчи ҳар қандай хулқ-атвор қоидалари «ҳуқуқ» атамаси билан номланиши мумкин. Шу туфайли ҳам америкалик ҳуқуқшунос олим Лоуренс Фридман «Америка ҳуқуқига кириш» китобида таъкидлаганидек: «Ҳуқуқ» сўзи шишадек нозик, совун кўпигидан ҳосил бўлувчи пуфакчалардек омонат, вақтдек тутқич бермас бўлган кўпдан-кўп маъноларга эга»¹.

Унинг фикрига кўра, «ҳуқуқ» сўзи аниқ бир нарса эмас, шу боис биз уни ушлаб кўра олмаймиз. Фақат ҳуқуқiiй тавсифнинг бир неча оддий усуллари аниқлаб олишимиз мумкин. Албатта, америкалик олимнинг бундай фикрлари билан баҳслашиш мумкин, лекин шуни унутмаслик лозимки, ҳеч ким «ҳуқуқ» сўзини ишлатишда монополияга йўл қўйиши мумкин эмас.

Агар «ҳуқуқ» сўзининг маъноси бошқа тилларда қўлланиши инобатга олинса, унинг таҳлилий муаммоси янада мураккаблашади. Масалан, инглиз тилидаги «law» сўзи ҳуқуқ билан қонунни ажратиб кўрсатиш мақсадида ишлатилади, шунингдек, бу сўз ҳуқуқ фани ёки оммавий ҳуқуқ (public law) маъноларини билдиради. Субъектив ҳуқуқни англаб олиш учун эса «right» сўзи қўлланилади.

Шундай қилиб, ижтимоiiй муносабатларни тартибга солиш норматив тизимининг шакл ва мазму-

¹ Фридман Л. Введение в американское право. — М., 1992, 8-бет.

ни «хуқуқ» сўзи орқали турлича ифодаланиши мумкин. Норматив тартибга солиш — бу ижтимоий муносабатларни турли ижтимоий нормалар: сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва бошқалар орқали ўрнатиш ва қўллаш йўли билан муайян даражада тартибга келтириш ҳисобланади.

Аслида юридик маънодаги ҳуқуқ ҳуқуқий нормалар ёрдамида ижтимоий муносабатларни тартибга солишни англатади. Бу нормалар бошқа ижтимоий нормаларга қисман ва тўлиқ равишда мос келиши ёки, аксинча, улардан бутунлай фарқ қилиши мумкин.

Юридик фан ва амалий юриспруденция учун «хуқуқ» сўзининг маъноси аниқлаб олинishi эмас, балки «хуқуқ» тушунчасининг юридик категория сифатида аниқлаб олинishi муҳим.

«Хуқуқ» тушунчасини аниқлашда, Инжилда айтилганидек, ибтидода сўз бўлган, деган ёндашув тўғри келмайди. Дунёнинг барча тилларида «хуқуқ» сўзи анча кеч пайдо бўлган, айрим тилларда эса ҳанузгача мавжуд эмас. XI—XII асрлардаёқ ҳуқуқий-тарихий ёзувлар мавжуд бўлган, улар «ҳақиқат» сўзи билан ифодаланган (бунга Рус Ҳақиқати ва бошқалар мисол бўла олади). Хитой ва япон тилларида ўзбекча «хуқуқ», русча «право», инглизча «law» ва «right», немисча «recht» сўзларига мос келадиган сўз бўлмаганлиги сабабли, хитой ва японлар уни ўз тилларига таржима қилганларида шартли равишда тўғри келадиган сўзлардан фойдаланадилар. Масалан, япон юридик адабиётида икки сўздан, яъни «ҳокимият» ва «фойда» сўзларидан сунъий равишда ясалган «кэнри» атамаси қўлланилади.

Ҳуқуқ масалалари билан инсоният жуда қадимдан ва жиддий шуғулланиб келади. Бироқ ҳар бир тадқиқотчи унга ўз тушунчасини татбиқ этган. Вақт ўтиши билан ҳуқуқ ҳақидаги тушунчалар ҳам ўзгариб борган, лекин унинг моҳиятини чуқур англаш-

га ҳеч ким яқинлашмаган. Афтидан, шунинг учун ҳам, ҳуқуқ таърифини юз йиллаб излашади, деб нолиган И. Кант фикрини изоҳлар экан, рус ҳуқуқ назариётчиларидан Н.Н. Алексеев: «Табиатшунос олимлар «Умуман табиатнинг ўзи нима?», деган саволга жавоб топа олмаганларидек, юристлар ҳам ҳеч қачон ҳуқуқнинг аниқ таърифини тополмайдилар», — деган эди.

Бинобарин, ҳуқуқнинг келиб чиқиш жараёнлари ва илк тарихини кўпгина ижтимоий фанлар — ибтидоий жамоа ва қадимги дунё тарихи, ҳуқуқ назарияси ва тарихи, ҳуқуқ социологияси, этнография, юридик этнография, ижтимоий ва юридик антропология фанлари ўрганади. Натижада асосий масалада — «Ҳуқуқ ибтидоий жамоа негизида вужудга келганми ёки кейинроқ давлат билан бирга пайдо бўлганми?», — деган савол атрофида фанлар ўртасида ҳам, шунингдек, олимлар ўртасида ҳам бир мурсога келингани йўқ. Шуниси қизиқки, улар ҳам, бошқалари ҳам бир хил илмий маълумотлардан фойдаланишади, айнан бир хил материални тадқиқ этишади. Шу ўринда: «Модомики, шундай экан, нима учун улар қарама-қарши хулосалар чиқаришади-ю, шу муносабат билан тўхтовсиз мунозараларни давом эттиришади?», — деган ҳақли савол туғилади.

Аслида ҳамма гап ўрганилаётган материалга нисбатан қўлланаётган *методология ва ёндашувларда*. Давлат ва ҳуқуқ назариясига келадиган бўлсак, тегишли муаммоларни ҳал этиш йўллари бунда *юридик-позитивистик* методология билан, аниқроғи, Европада *этактистик позитивизм* ҳамда АҚШ ва Англияда *таҳлилий юриспруденция* билан белгила-нишини алоҳида таъкидлаш лозим¹.

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *Исломов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. — Т., «Адолат», 2007, 450—456-бетлар.

Шундай қилиб, «ҳуқуқ» атамаси билан ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг шакл ва мазмун жиҳатидан турлича бўлган норматив тизимлари номланиши мумкин. Норматив тартибга солиш — бу турли ижтимоий нормалар, чунончи: сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий ва диний меъёрларни белгилаш ва қўллаш йўли билан ижтимоий муносабатларни муайян тартибга келтиришдир.

Лўнда қилиб айтганда, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий нормалар ёрдамида тартибга солиш **соф юридик маънодаги ҳуқуқ** деб аталади. Юридик фан ва амалий юриспруденция учун «ҳуқуқ» атамасининг маъносига берилган таъриф эмас, балки юридик категория сифатидаги «ҳуқуқ» тушунчасининг мазмунига берилган таъриф кўпроқ аҳамиятга эгадир.

«Норма» ва «нормативлик» тушунчаларининг мазмуни ранг-баранг бўлгани боис, бу ҳол ўз-ўзидан ҳуқуқнинг турли-туман назариялари (нормативистик назария, ҳуқуқнинг норматив таърифи ва ҳоказолар) пайдо бўлишига олиб келди. Ҳуқуқнинг шундай бир белгилари ҳам борки, улар олимларнинг муайян гуруҳи томонидангина тан олинади. Бу ҳуқуқни тушунишда айрим мактаблар (ҳуқуқнинг тарихий, психологик, реалистик мактаблари)ни ёки йўналишларни ажратиш имкониятини беради.

Шундай қилиб, «ҳуқуқ» тушунчасига берилган таърифларни икки катта гуруҳга ажратиш мумкин. **Биринчи гуруҳга** айна бир «ҳуқуқ» сўзи билан ифодаланса-да, мазмун ва ҳажм жиҳатидан ранг-баранг бўлгани туфайли, бутунлай бошқа-бошқа тушунчаларни ўзида ифодаловчи тушунчалар киради. **Иккинчи гуруҳ** тахминан бир хил белгилар билан тавсифланадиган, лекин белгиларнинг ўзи ҳар хил тушуниладиган атамаларни ўз ичига олади.

Аммо тушунча, агар унинг мазмуни ўта номуайян ва ўзгарувчан бўлса, ўзининг маърифий ва коммуникатив функциясини йўқотади. «Ҳуқуқ» тушунчаси мазмунининг номуайянлиги муаммоси турли йўллар билан ҳал этилади. Кўпинча мазкур атаманинг маъносини аниқлаш учун аниқлик киритувчи сўзлар ишлатилади («табiiй ҳуқуқ», «позитив ҳуқуқ» ва ҳоказо). Илмий ишларда «ҳуқуқ» атамасини контекстуал таърифлаш усули айниқса кенг қўлланилади, яъни унинг мазмуни ҳуқуқнинг мазкур концепциясига татбиқан ёритилади. «Ҳуқуқ» тушунчасининг мазмунига аниқлик киритишнинг бошқа усуллари ҳам бор (булар сирасига терминологик конвенциялар, бошқа тушунчалар билан таққослаш, тушунча мазмуни ҳажмини чеклаш мантиқий операциялари ва бошқалар киради).

«Ҳуқуқ» тушунчасининг мазмунини аниқлаш ҳам назарий-билиш, ҳам ҳуқуқни қўллаш фаолиятида талаб этилади. Масалан, агар ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўзаро нисбати муаммоси ўрганилаётган бўлса, у ҳолда қандай ҳуқуқ (табiiйми ёки позитив ҳуқуқ) ҳақида сўз юритилаётгани аниқланиши лозим.

Агар ҳуқуқни қўллаш фаолияти жараёнида қонун ҳужжати матнида «ҳуқуқ» атамаси ишлатилаётган бўлса, бу тушунчанинг мазмуни аниқланиши зарур. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳуқуқ устунлиги принципини мустаҳкамловчи моддасида бу тушунчанинг мазмунига конституциявий қонунчилик доирасида ойдинлик киритилган бўлмаса, уни амалда қўллаш мушкул бўлади.

Ҳуқуқни тушунишда уни билишнинг идеал ва реал объектлари сифатида тавсифлашда, айниқса, жиддий келишмовчиликлар юз беради. Шу маънода ҳуқуқни тавсифлашга нисбатан икки асосий ёндашувда ажратиш мумкин: 1) эмпирик ёндашув; 2) рационал-идеалистик ёндашув. Биринчи ёндашув-

да ҳуқуқни тарихий нуқтаи назардан кенг ўрганиш ва шу асосда унинг ҳар қандай ҳуқуқ тизимига ва конкрет ҳуқуқ тизимига хос бўлган муҳим белгиларини ажратиш назарда тутилади. Ҳуқуқ эмпирик воқелик факти сифатида қаралади. Мазкур ёндашув, одатда, ҳуқуқни тушунишнинг бир қанча принципиал масалалари бўйича муроасага келиш имкониятини беради: ҳуқуқ нормалар мажмуи бўлиб, нормативлик хусусиятига эга, ҳуқуқ тарихан ўзгарувчан, ҳуқуқ мажбурият кучи билан таъминланади ва ҳоказо. Аммо баҳсли ва ноаниқ масалалар ҳам анчагина. Масалан, одат ҳуқуқи ёки шариат ҳуқуқи. Шу ўринда табиий савол туғилади: Бу ўз моҳиятига кўра ҳуқуқми ёки ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуққа фақат сиртдан ўхшаш бўлган тизимларими?

Эмпирик ҳуқуқий воқеликни билиш ҳуқуқ фалсафасининг асосий саволига жавоб бермайди: ҳуқуқни ноҳуқуқдан, ўзбошимчаликдан, бошқа ижтимоий нормалардан қандай қилиб ажратиш мумкин? Бу масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ қийинчиликларга кўпгина файласуфлар ва юристлар ишора қилганлар, лекин муаммонинг моҳиятини И. Кант, айниқса, аниқ таърифлаган. У: «Ҳуқуқ нима?» — деган савол, агар унга жавоб эмпирик воқеликдан изланадиган бўлса, ҳар қандай юристни қийнаб қўйиши мумкин, деб ҳисоблаган. И. Кантнинг хизмати шундаки, у ҳуқуқни ўзбошимчаликдан ажратиш имкониятини берувчи умумий мезонни топиш зарурлигини кўрсатган.

«Ҳуқуқ» тушунчасининг мазмуни ва ҳажмини аниқлашда таъриф предмети (объекти) сифатида воқеликда гавдалантирилган ҳуқуқ ва идеал моҳият сифатидаги ҳуқуқ амал қилиши мумкин. Сўнгги ҳолда амалда мавжуд ҳуқуққа эмас, балки идеал ҳолатдаги ҳуқуққа таъриф берилади. Шунга мос равишда ҳуқуқни таърифлашнинг хилма-хил усуллари ва турлари мавжуд.

Амалда гавдалантирилган ҳуқуқ — бу ҳамиша позитив ҳуқуқдир.

Ушбу мавзунинг бошида қўйилган: «Ҳуқуқ» тушунчаси таърифларининг кўплиги сабаби нимада?», «Ҳуқуқ» тушунчасининг ягона, универсал таърифни яратиш мумкинми?» — деган саволларни ўрганиш қўйидаги хулосаларга келиш имкониятини беради.

Биринчидан, «ҳуқуқ» тушунчасининг барчани қониқтирадиган таърифни яратишга ҳали ҳеч ким муваффақ бўлмаган. Таърифларнинг кўплиги «ҳуқуқ» тушунчасининг мазмунига таъриф беришга нисбатан турли формал-мантиқий, гносеологик ва методологик ёндашувлар билан изоҳланади. Бу таърифлар плюрализми ўз-ўзидан ҳуқуқ таърифларининг ҳар хил турларига олиб келади.

Иккинчидан, ҳуқуқ, мазмунини аниқлаш талаб этиладиган объектив ҳодиса сифатида, ўз табиати-га кўра, универсал феномен ҳисобланмайди. Бинобарин, бу унга универсал таъриф бериш имкониятини истисно этади.

Учинчидан, юридик фан ва амалиётда таърифлар анча муҳим роль ўйнаса-да, уларнинг илмий-маърифий қиммати нисбийдир. Маълумки, таърифлар ўзлари ифодалашга қодир бўлган мазмундан ортиқ ҳеч нарса бера олмайди.

Тўртинчидан, ҳуқуқ каби мураккаб ижтимоий ҳодисалар учун ягона, боз устига бирдан-бир таъриф мавжуд эмас. Шу туфайли ҳам бутун ҳуқуққа эмас, балки унинг муайян турига таъриф берилиши лозим.

Буларнинг барчаси, «ҳуқуқ устунлиги» ва «ҳуқуқ ҳукмронлиги» тушунчалари ҳам юридик таъриф доирасига сиғдириш мушкул бўлган ўта мураккаб тушунчалар эканлигини тасдиқлайди. Бу тушунчаларнинг мазмунида, авваламбор, адолатга ташналик

туйғуси устувор аҳамият касб этади. Зотан, давлатнинг осойишталиги — адолатдир. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг қуйидаги сўзлари ибратли: «Адолат ва ҳақиқат гоёси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат гоёси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт. Давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари, меҳнат ва уй-жой, нафақа ва солиқ, табиатни муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари, қўйингки, ҳаётимизнинг ҳамма жабҳалари ана шу заминга таяниши зарур»¹.

Адолат, шак-шубҳасиз, ҳуқуқ устунлиги (ҳукмронлиги) концепциясининг марказий ва энг муҳим категориясидир. Рим юристлари «*aequitas et bonum est lex legume*», яъни «адолат ва яхшилик қонунлар қонунидир», деб ёзганлар. Албатта, Рим юристлари қонунлар сўзсиз бажарилишининг тарафдорлари бўлганлар. Аммо уюқни кўзлайдиган шарҳловчилар «адолат» тушунчасига инсонийликни киритар эканлар, инсонийлик йўлида, қонуннинг расмий (формал) томонига қарши иш кўришга чақирганлар.

Aequitas (адолатлилик) принципининг ўзак хусусияти ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва аниқ постандарт казус ўртасидаги коллизияни ҳал этишда, айниқса, бўртиб намоён бўлган. Бунда адолатпарварлик тугма ҳисси ҳам хулқ-атвор андозаси сифатида, ҳам уни баҳолаш мезони сифатида, ҳам қонун ва адолат ҳуқуқи ўртасидаги зиддиятларни оқилона ҳал этиш воситаси сифатида амал қилган. Шундай қилиб,

¹ *Каримов И.А.* Витан саждагоҳ каби муқалласидир. — Т., «Ўзбекистон», 1996, 10—11-бетлар.

Қадимги Рим юристларида адолатлилик принципи (ҳуқуқнинг устунлиги концепциясининг ўзаги) одил судловни амалга оширишда ўзбошимчаликка йўл қўймаган. Оддий шарҳлашнинг ўзи кифоя қилмайдиган жойда адолатлилик ҳуқуқнинг ёнидан ўрин олган, уни назорат қилган, имкониятга қараб уни юмшатган, зарур ҳолда эса ҳуқуқ кўрсатмасига айланган.

Бу ўринда Қадимги Римнинг таниқли юристлари — Павелнинг: «Барча ишларда, айниқса, ҳуқуқда адолатни унутма»; Марцеллнинг: «Адолат талаб қилган жойда ёрдам қўлини чўз»; Ульпианнинг: «Гарчи бу ҳуқуққа мувофиқ бўлса-да, лекин адолат талаб қилади», — деган сўзларини эслаш ўринли бўлади. Цицерон: «Ишонч масалаларида адолат виждонлилик деб аталади»; «Табиий адолат қаттиққўл ҳуқуқдан афзалроқдир», — деган эди.

Албатта, ҳар қандай қонун ҳам ҳуқуқ деб номланишга, яъни ҳақиқат ва адолатга асосланган, деб ҳисобланишга лойиқ бўлавермайди. Айрим юристлар «қонун ва ҳуқуқ айни бир нарсалар эмас», деган хулосага келганлар. Ҳуқуқ деганда, ҳар қандай норма эмас, балки норматив мустаҳкамланган адолат тушунилиши лозим. Айнан адолат ҳуқуқнинг мазмунини белгилайди. Адолатсиз гоё норматив мустаҳкамланган бўлса, у қонунга айланади, лекин ҳуқуқ бўла олмайди. Чунки адолатсиз қонун ҳуқуқ эмас.

Айни шу сабабли ҳуқуқнинг устунлиги принципи ўзининг дастлабки кўринишида асосан шахсни давлатнинг ўзбошимчалигидан ҳимоя қилишга қаратилган принцип сифатида белгиланган эди. Мазкур принципга мувофиқ давлатнинг бирон-бир ваколати ҳуқуқнинг рухсат берувчи тегишли кўрсатмасисиз амалга оширилиши мумкин эмас.

2. Ҳуқуқ устунлиги (ҳукмронлиги)нинг мақсади, таркибий тузилиши, йўналиши, ўз моҳиятига кўра ўхшаш бўлган бошқа концепциялар билан алоқаси

Қадимги Юнонистон мутафаккирлари давридаёқ «ҳуқуқ» тушунчасидан асосан давлат ҳокимиятини амалга оширишни назорат остига олишнинг асосий воситаси сифатида фойдаланилганлиги тарихдан яхши маълум. «Арасту ўзининг ҳуқуқий қарашларида Суқрот ва Афлотунларнинг адолат ва қонун айнан бир деган ғоясига қўшилади. Ҳуқуқ ўзида адолатни акс эттиради ва кишилар ўртасидаги сиёсий муносабатлар меъёри бўлиб хизмат қилади. Умуман, сиёсий маънодаги ҳуқуқни Арасту «сиёсий ҳуқуқ» деб атайди. Бу эса сиёсий бўлмаган ҳуқуқ йўқлигини, сиёсий бўлмаган, яъни зулмга, истибдодга асосланган бошқарув шаклларида ҳуқуқ бўлмаслигини аңглатади»¹. Бундан кўришиб турибдики, «аллома ҳуқуқни сиёсий адолат сифатида, адолатни эса табиий ҳуқуқ меъёри сифатида талқин қилади. Арасту фикрига биноан, ҳар қандай қонун замирида ҳуқуқ ётиши лозим, акс ҳолда у зўравонлик воситасига айланади»². Демак, сиёсий бошқарув, Арасту фикрига кўра, одамлар бошқаруви эмас, балки қонун бошқарувидир, демак, қонунлар воситасида бошқариш одамларнинг ҳар қандай бошқарувидан устундир, зеро, қонун қатъий ва ўзгармасдир.

Давлат ҳуқуққа асосланиши лозимлиги ҳақидаги талаб кейинчалик Рим юристлари томонидан ривожлантирилган. Умуман олганда, шуни яна бир карра таъкидлашни истар эдикки, ҳуқуқнинг устунлиги принципи бизга четдан келган. Мазкур принцип

¹ *Муҳиддинова Ф.* Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи: Ўқув қўлланма. — Т., ТДЮИ, 2003, 60-бет.

² *Исломов З.М.* Юриспруденция ўтмиши ва бугуни. — Т., ТДЮИ, 2010, 117-бет.

«хукуқ ҳукмронлиги» атамаси, айниқса, кўп ишла-тиладиган халқаро ҳукуқдан муносиб ўрин олгани тасодифий ҳол бўлмаса керак.

Аслини олганда, халқаро муносабатларда ҳукуқ ҳукмронлигини таъминлашнинг асосий шарти ман-фаатлар тўқнашувларини адолат тарозисига қўйиб, оқилона ёндашув асосида тинч йўл билан ҳал қилиш зарурлигини, авваламбор, барча давлатлар ва улар-нинг раҳбарлари англаб етишларидан иборатдир. Ана шунда улар ўз давлати хатти-ҳаракатларини халқаро ҳукуқнинг талабларига мувофиқлаштира оладилар ҳамда зиддиятларни ҳал этишда куч ишлатишга йўл қўйилиши мумкин эмаслигини, ҳар томонлама ҳам-корликнинг афзалликларини тўла англаб етадилар.

Модомики, халқаро ҳукуқий тартиботни изчил такомиллаштириш вазифаси қўйилар экан, халқаро юридик тизим тўлалигича статус кво (мавжуд) ҳола-тида қолиши мумкин эмаслигини ҳам унутмаслик керак. Адолатлилик принципи ва оқилона ёндашув, масалан, ривожланаётган давлатларга нисбатан қўл-ланилиши лозим. Шу сабабли халқаро юридик ти-зимни ҳукуқнинг ҳукмронлигини кучайтириш йўна-лишида такомиллаштириш жараёнида бу давлатлар-нинг иқтисодиёт ва савдо соҳасидаги адолатли та-лабларини эътиборга олиш, айти пайтда, жаҳонда кучларнинг умумий мувозанатини сақлаб қолиш зарур. Қуролсизланиш натижасида бўшаб қолган мод-дий ресурслардан уларга ҳар томонлама ёрдам кўрса-тиш учун фойдаланиш бундай мамлакатларнинг ман-фаатларини қондиришнинг муҳим омили бўлиши мумкин. БМТ доирасида «Ривожланиш учун қурол-сизланиш» махсус жамғармасининг ташкил этили-ши, айниқса, муҳим ҳодиса бўлди.

Ўзгараётган дунёда ҳукуқнинг ҳукмронлиги кон-цепцияси хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш учун асос сифатида қаралади. Аммо у ўзгаришларни тан

олмайдиган оламий тартибнинг кўриқчисига айланиб қолмаслиги керак. У халқаро муносабатларнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини ҳамда юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олишни ҳам назарда тутди. Бунда, айниқса, «Хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан янги таҳдидларнинг кўламигагина эмас, балки қўйилган геополитик мақсадларга эришишнинг маъно-мазмунини, восита ва услубларига ҳам, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хослиги ва ундаги мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тубдан ўзгариб бораётганига ҳам эътибор қаратиш жоиз»¹.

Хўш, ҳуқуқ ҳукмронлиги концепциясининг қандай таркибий қисмлари ва уларни халқаро муносабатларга киритишнинг қандай йўналишлари бор? Ҳуқуқнинг ҳукмронлигига эришиш пировард натижада барча давлатлар тегишли мажбуриятларни қабул қилишга қай даражада тайёр эканликлари билан белгиланади. **Ҳукуматлар даражасида** мазкур концепция ўз ташқи сиёсатида халқаро ҳамжамиятнинг умум эътироф этилган категорияларини қўллашга, одиллик принциpidан, умуминсоний манфаатларнинг устунлигидан келиб чиқишга даъват этади. Мамлакат сиёсий йўлини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга бевоқиф татбиқ этишда айнан шунга амал қилиш зарур.

Давлатлараро даражада халқаро ҳуқуқий тартиботни такомиллаштириш жараёни ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш босқичларида давлатларнинг инсофлилик даражасини оширишга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни, шунингдек, юзага келувчи халқаро муаммоларнинг барчасини ўзаро мақбул келишувга мувофиқ ҳал қилиш мақсадида бевоқиф музокаралар ўтказилишининг мажбурийлигини назарда тутди.

¹ *Каримов И.А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмади. 13-том. — Т., «Ўзбекистон», 2005, 442-бет.

Инсофли хулқ-атвор принципи ўзининг янги сифат ҳолатида *Uberrimae Fidei* (юксак даражада ишонч)ни таъминлаши лозим. Бу, бошқа давлатлар манфаати-га зид ўлароқ, ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ҳолла-рига чек қўйиш билан бир вақтда, халқаро муноса-батлар иштирокчиларининг ўзаро манфаатларини умуминсоний мезонларга мувофиқ ҳисобга олиш за-рурияти (мажбурияти)ни ҳам белгилайди.

Сўнгги йилларда халқаро ташкилотлар сонининг кўпайиши ва халқаро-ҳуқуқий механизм ишининг такомиллашуви халқаро ҳамжамиятнинг ривожлан-ганидан далолат беради. Давлатларнинг ҳуқуқий фао-лияти сезиларли даражада яхшиланганини ҳам қайд этиш мумкин. Шу туфайли ҳам инсоният юксак дара-жада уюшган халқаро ҳуқуқий тартибот бўсағасида турибди, десак, асло муболаға бўлмайди.

Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги йўлида изчил ҳаракат-лар институционал даражада ҳам олиб борилмоқда. Энг аввало, бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ва унинг марказий органлари — Хавфсиз-лик Кенгаши ва Ҳарбий-штаб қўмитаси ролининг кучайишида, шунингдек, халқаро тинчликка таҳ-дид солувчи ва халқаро тизимнинг таъсирчанлигига путур етказувчи низоларни ҳал қилишда Халқаро суд аҳамиятининг ортишида ўз ифодасини топмоқда.

Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги принципига мувофиқ ташкил этилган халқаро муносабатлар ядро қуроли-гагина эмас, балки мудофаа эҳтиёжлари доирасидан ташқаридаги ҳар қандай ортиқча қурол-яроғларга ҳам тоқат қила олмайди.

Етарлилик принципи (бунда мудофаа учун етарли-лик ва ҳужум учун етарли эмаслик назарда тутилади) урушлар ва зўравонликдан холи дунё қуришнинг умум-ий мезони сифатида майдонга чиқади. Бу принцип-ни таъминлашнинг муҳим йўли — қуролсизланиш жараёнининг очиқлиги. Унга эришиш усулларини иш-

лаб чиқиш БМТ нинг Ҳарбий-штаб кўмитасига топширилиши мумкин. БМТ низоларни тинч йўл билан ҳал қилишда салмоқли натижаларга эришган. Бироқ уларнинг айримлари ҳалигача давом этаётгани сабабини БМТ Уставининг камчиликларида ёки такомиллаштирилмаганида эмас, балки БМТ аъзолари барча низолар ва жанжалларни тинч йўл билан ҳал қилиш бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаётганида кўриш мумкин бўлади. БМТ га аъзо давлатлар бунинг учун Уставга биноан яратилган барча имкониятлардан кенг фойдаланишлари шарт. БМТ Устави 2-моддасининг 3-бандига биноан, давлатлар халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиши лозим. Бутун жаҳон ҳамжамияти учун белгиланган бу мажбурият, Устав 2-моддасининг 6-бандига мувофиқ, БМТ аъзоси бўлмаган давлатларга ҳам татбиқ этилади. Уставнинг 33-моддасида низоларни тартибга солишнинг муайян восита ва усуллари мустаҳкамланган. Бундан ташқари, VI боб қарорларида низо ҳолатида бўлган давлатлар БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеясига бўйсунishi принципи белгиланган.

Шундай қилиб, халқаро низоларни тегишли таомиллар воситасида, тинч музокаралар йўли билан тартибга солишга қаратилган мослашувчан ва таъсирчан механизм яратилган.

Ҳеч шубҳасиз, «Ўзбекистон Республикасининг БМТ га аъзо бўлиши унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, халқаро майдондаги фаолиятида муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистоннинг БМТ га аъзо бўлиши мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эгадир... Зотан, бу ташкилот дунёда мустаҳкам ва барқарор тинчликка эришишнинг ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчидир»¹.

¹ Бобоев Ҳ.Б., Саидов А.Х. ва бошқ. Инсон ҳуқуқлари. — Т., «Ўзбекистон», 1997, 59—60-бетлар.

Ҳуқуқ ҳукмронлигини қарор топтиришнинг муҳим омили — Халқаро суднинг БМТ бош суд органи сифатидаги ролини кучайтиришдир. БМТ нинг мустақил коллектив органи саналган Халқаро суднинг вазифаси бошқа воситалар самара бермаган тақдирда низоларни тартибга солишга кўмаклашишдан иборат. Суд хулосалари у ёки бу низони ҳал қилиш асоси бўлиш билан бир вақтда, халқаро ҳуқуқ ва унинг институтлари юксак даражада ривожланишига ҳам кўмаклашади. Халқаро судга мурожаат этилганининг ўзи нодўстона ҳаракат сифатида баҳоланиши мумкин эмас. Низоларни мустақил халқаро суд органи қарорлари асосида ҳал қилишни назарда тутувчи халқаро ҳуқуқий тартибот ўта барқарор хусусият касб этади, чунки давлатларнинг ҳаракатларидаги бошбошдоқликка барҳам беради. Пировардида жаҳонда умумий муҳит яхшиланади, мамлакатлар ўртасида ишонч мустаҳкамланади.

Ҳуқуқни яхлит ҳодиса сифатида тушунишга асосланган ҳуқуқнинг ҳукмронлиги концепцияси юзага келиши мумкин бўлган давлатлараро низоларнинг барчасини Халқаро суд ва арбитраж ёки ҳакамлик судлари йўли билан тартибга солишни назарда тутуди ва шу тариқа судлар низоининг ноюримдик хусусиятини ва ж қилиб кўрсатиб, муайян ишни юритиш учун қабул қилишни рад этиш имкониятини бутунлай инкор қилади.

Маълумки, ҳакамлик суди давлат суд тизимига кирмагани боис, у «низоларни кўриб чиқиш борасида давлат судларига муқобил суд шакли ҳисобланади»¹. Шу ўринда Ўзбекистон ҳакамлик судлари фаолияти самарали бўлишида халқаро ташкилотлар ва ривожланган мамлакатлар арбитраж судлари билан

¹ *Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У.* Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадрятлар. — Т., 2010, 102-бет.

йўлга қўйилган ҳамкорлик қўл келаётганлиги ҳақидаги қўйидаги маълумотни келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Бугунги кунда республикамиз ҳакамлик судлари, «жумладан, АҚШ, Англия, Франция, Германия, Швейцария, Япония, Корея Республикаси, Сингапур ва Малайзия сингари 80 дан зиёд давлатнинг арбитраж судлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиб, муайян ишларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси ва Европа Арбитраж палатаси ўртасида яқинда имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум бу борада янги қадам бўлди. Зеро, ушбу ҳужжат ўзаро ҳамкорликни юқори босқичга кўтаришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Киев шаҳрида имзоланган мазкур битимда МДҲ ҳудудида тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган фуқаровий-ҳуқуқий ва тижорат низоларини муқобил ҳал этиш, халқаро арбитраж ва муқобил судларнинг бошқа имкониятларидан кенг фойдаланиш, ўзаро ахборот алмашишни кенгайтириш кўзда тутилган»¹.

Халқаро ҳуқуқнинг тугалланганлиги принципи (non-liquid тақиқи) халқаро ҳуқуқнинг Халқаро суд ва арбитраж амалиёти билан тасдиқланган муҳим нормаси ҳисобланади.

«Non-liquid» тақиқини белгиловчи бу норма ўз тарихига эга. 1875 йилда, яъни бу норма пайдо бўлганлигининг иккинчи йилида Халқаро ҳуқуқ институти ўзининг махсус резолюциясида шундай қайд этган эди: «Арбитраж суди фактлардан ёки ўзи қўллаши лозим бўлган юридик принциплардан лозим даражада хабардор эмаслигини ваз қилиб кўрсатган ҳолда, қарор чиқаришни рад этиши мумкин эмас».

¹ Қобилов Ш. Ҳамкорликнинг янги истиқболлари. «Халқ сўзи», 2011 йил 5 апрель.

Шундай қилиб, қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ нормасининг йўқлиги ёки ноаниқлиги Халқаро суд ва арбитраж ёки ҳакамлик судларига ишнинг моҳияти юзасидан қарор қабул қилиш учун формал тўсиқ бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас. Халқаро суд ва арбитраж ёки ҳакамлик судлари амалдаги халқаро ҳуқуқнинг кенгроқ принципларига таянган ҳолда ёки улар билан ўхшашлик бўйича ўз олдига қўйилган вазифани ҳал қилиш — низонинг узил-кесил ҳал қилинишини таъминлашга қодир.

Мазкур принциплар орасида **виждонлилик принципи** биринчи даражали аҳамият касб этади. **Оқилоналик принципи**га биноан Халқаро суд ва арбитраж ёки ҳакамлик судлари қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ нормаси йўқлигида ёки ноаниқлигида давлатга уни ўз контрагенти билан муносабатларни виждонлилик принципига мувофиқ қўйиладиган талаблар нуқтаи назаридан ташкил этишга қаратилган ҳатти-ҳаракатларни буюришга ҳақлидир. Бу эса давлат ўз ҳуқуқларидан халқаро шартнома ёки одат ҳуқуқидан ўзи учун келиб чиқадиган халқаро мажбуриятлар мажмуига мувофиқ фойдаланиши лозимлигини англайди. Айни ҳолда гап ҳуқуқдаги бирон-бир **бўшлиқ** ҳақида бормайди. Икки контрагент ўртасида юзага келган вазият виждонлилик ва оқилоналик принциплари асосида ҳал қилиниши мумкин. Улар ҳуқуқнинг «қолдиқ» нормаси вазифасини бажаради. Бу ерда халқаро ҳуқуқда арбитраж ёки ҳакамлик судлари қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ нормаси йўқлиги ёки ноаниқлиги шароитига тушиб қолган ҳолда қўлланиладиган «захира» норма назарда тутилади.

Арбитраж ёки ҳакамлик мажбурияти тарафларидан бири арбитраж ёки ҳакамлик тўғрисидаги шартномага асосан мажбуриятни виждонлилик принципига мувофиқ бажаришдан бўйин товлаш усули сифа-

тида юзага келган низонинг сиёсий хусусиятини важ қилиб кўрсатиши мумкин эмас. Умуман олганда, низоларни юридик ва сиёсийга ажратиш нафақат сунъий, балки ғайриилмий ва янглиш ҳам ҳисобланади.

Ҳуқуқ ҳукмронлиги концепциясининг аҳамияти алоҳида олинган бир давлат даражасида ҳам ўзини тўла намоён этади. Гарвард ҳуқуқ мактаби (АҚШ) профессори Р.Х. Фаллон фикрига кўра, «**ҳуқуқ ҳукмронлиги**» (Rule of Law) концепцияси **уч мақсадни** кўзда тутди:

биринчиси — анархияга ёки, бошқача қилиб айтганда, барчанинг барчага қарши урушига қарши ҳимояни таъминлаш;

иккинчиси — одамларга ўз келажагини режалаштириш учун, улар турли ҳаракатларнинг юридик оқибатларини олдиндан билишлари учун зарур шароитлар яратиш;

учинчиси — ҳокимият органларининг ўзбошимчилигига қарши кафолатларни таъминлаш.

Бу ўринда баён этилган мақсадлар нуқтаи назаридан ҳуқуқ ҳукмронлиги концепцияси умум эътироф этилган маънода **беш жиҳат**, яъни таркибий қисмни ўз ичига олади. Айни шу беш жиҳат мавжудлигига қараб, концепция асосий қоидаларининг амалга оширилиши ҳақида сўз юритиш мумкин.

Биринчи жиҳат юридик нормалар, стандартлар ёки принципларнинг одамлар ўз ишларини бажаришларида уларга йўл кўрсатиш қобилияти билан белгиланади. Халқ ҳуқуқни тушунишга ва ўз хулқ-атворини амалдаги ҳуқуқ нормалари билан мувофиқ ҳолатга келтиришга қодир бўлиши лозим.

Ҳуқуқ ҳукмронлиги концепциясининг **иккинчи жиҳати** — самарадорлик. Ҳуқуқ одамлар хулқ-атворига амалда раҳбарлик қилиши лозим. Бошқача айтганда, халқ ҳуқуқ билан бошқарилиши, унга бўйсунishi даркор.

Учинчи жиҳат — барқарорлик. Ҳуқуқ хулқ-атвори ни режалаштириш ва ҳаракатларни вақтда мувофиқлаштиришга кўмаклашиш учун ақлга мувофиқ даражада барқарор бўлиши лозим.

Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги концепциясининг **тўртинчи жиҳати** — қонуний ҳокимиятнинг устунлиги. Ҳуқуқ оддий фуқаролар хулқ-атворини қандай тартибга солса, давлат амалдорлари, шу жумладан судьялар хулқ-атвори га ҳам шундай раҳбарлик қилиши лозим.

Бешинчи жиҳат беғараз адлия институтлари мавжудлигини назарда тутади. Судлар қонунни ҳаётга татбиқ этиш имкониятларига эга бўлиши ва ишларни кўришни одиллик асосида амалга ошириши лозим.

Халқаро ҳуқуқнинг устунлиги ва умуминсоний манфаатларнинг устуворлиги тан олинishi халқаро муносабатларда ҳуқуқнинг ҳукмронлиги қарор топишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги концепцияси таркибий қисмларининг амалга оширилиши умум эътироф этилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш учун кафолатлар яратади. Сиёсий муомалада ҳуқуқларнинг кафолатлари ҳақида умумий (тавсифий) маънода гапирдилар ва бу хусусда бирон-бир изоҳ бермайдилар. Масалан, муайян ҳуқуқ Конституция билан кафолатланади, дейдилар, ваҳоланки, у Конституция матнида декларатив тарзда эълон қилинади, холос.

Аммо мазкур лингвистик амалиёт ҳуқуқ бериш ва ҳуқуқ билан ҳимоя қилишни фарқламайди.

Конституциявий ҳуқуқ амалда эълон қилиниши ёки берилиши мумкин, лекин бунда унинг кафолатлари, шунингдек, бу ҳуқуқни ҳимоя қилиш йўллари мустаҳкамланмайди. Масалан, конституцияда: «Ҳар бир фуқаро... ўз фикрини эркин билдириши, ёзиши, нашр этиши мумкин», деб белгиланиши мумкин (1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларация-

си) ва бу, ҳеч шубҳасиз, фуқароларга муайян субъектив ҳуқуқлар беради, лекин бунда мазкур ҳуқуқлар ҳимоя ҳам қилинган, деб айтиш мумкин эмас.

Р. Гастини кафолат ҳимоя билан баробар эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, конституциявий ҳуқуқларнинг кафолатлари фуқароларнинг ҳуқуқларини давлатнинг ўзбошимчалигидан ҳимоя қилишни таъминлайди, яъни давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг эркинлиги ўртасида ўрнатилган ўзига хос «тўсиқ» ҳисобланади.

Ҳуқуқ ҳукмронлиги концепцияси **халқаро муносабатларда ҳуқуқ устунлиги** концепцияси билан уйғундир. Халқаро ҳуқуқнинг ўзаро мувофиқлаштирилган қарорларини таъминлашни ўз олдига умумий вазифа қилиб қўювчи бу икки концепциянинг пировард мақсади ҳам муштаракдир: улар халқаро ҳуқуқий тартиботни прогрессив қайта қуришни назарда тутаяди. Иккала концепция тенг даражада самарали ва шу боис барча давлатлар ўз дипломатик фаолиятида уларга таянишлари мумкин. Лўнда қилиб айтганда, улар инсониятнинг туб манфаатларига хизмат қилади. Халқаро муносабатларда ҳуқуқнинг устунлиги ва умуминсоний манфаатларнинг устуворлиги принципларининг тан олиниши халқаро муносабатларда ҳуқуқнинг ҳукмронлиги қарор топишига ижобий таъсир кўрсатади.

Чет эл юридик фанида илмий қарашларнинг қайта кўрилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг, — мамлакатда ҳам, ундан ташқарида ҳам, — ҳуқуқ устунлигининг тан олиши кўриб чиқилаётган концепцияга нисбатан ёндашув бутунлай ўзгариши учун замин яратди. Бугунги кунда «юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш

ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда» ки¹, бунда ушбу концепция нуқтаи назаридан улкан мазмун-моҳият мужассам.

Концепциянинг мақсади — халқаро муносабатларда ҳуқуқ тантана қилишини таъминлашдан, давлатлар фаолиятининг барча соҳаларида халқаро ҳуқуқ нормаларига сўзсиз риоя этилишига кўмаклашишдан иборат. Зотан, халқаро ҳуқуқ бутун жаҳон ҳамжамиятининг муштарак манфаатларини акс эттиради. Концепция халқаро муносабатларни юксак даражадаги ҳуқуқий онг, инсофлилик, халқаро ҳуқуққа биноан давлатларга юклатилган барча мажбуриятларни аниқ бажариш ва одиллик принципларига мувофиқ йўлга қўйишни назарда тутди.

Яхши маълумки, қарама-қарши турувчи концепцияларни қиёслаш муайян самара бериши мумкин. Қолаверса, кенг тарқалган «**Rule of Law**» (яъни, «**ҳуқуқ ҳукмронлиги**») тушунчасига қарама-қарши ўлароқ, «**Rule of Force**» (яъни, «**куч ҳукмронлиги**») тушунчаси мавжуд бўлиб, у муайян ташқи сиёсий мақсадларни кўзлаган, халқаро ҳуқуқ мавжудлигини бутунлай эътиборга олмаган ҳолда куч ишлатилишини оқлайди.

Халқаро ҳуқуқ фанида «**Rule of Force**» («**куч ҳукмронлиги**») концепциясининг тарафдорлари мавжудми? Бу концепциянинг тўғридан-тўғри тарафдорлари йўқ. Чунки, ҳатто, хориждаги энг ашаддий ўнг маслакчи илм-фан намояндалари (чунончи, М. Макдугал, Г. Лассвелл, М. Бэркан, Ж. Мур, С. Хофманлар) ҳам халқаро ҳуқуқнинг мавжудлигини тан оладилар. Лекин бу улар томонидан ташқи сиёсат-

¹ *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 16-бет.

нинг ўзига хос бир хусусияти, яъни ўз давлатлари ташқи сиёсатидаги даъволарнинг юридик асоси сифатида талқин қилинади.

«Rule of Law» («ҳуқуқ ҳукмронлиги») бунга қарама-қарши ўлароқ, у ёки бу давлатнинг ташқи сиёсатидаги манфаатларини кўзлаган ҳолда халқаро ҳуқуқ кўллашини қатъий равишда тақиқлайди ҳамда давлатлараро мулоқот жараёнида ҳар қандай босим ўтказиш ва куч ишлатиш усуллари ман этади.

Халқаро ҳаётнинг моҳияти шу билан белгиланадики, айрим давлатларнинг манфаатлари тўқнашиши мумкин. Натижада коллизиялар, манфаатлар тўқнашувлари юз беради. Уларни дарҳол бартараф этиш амалда мумкин эмас. Барча зиддият ва тўқнашувларни тартибга солишнинг халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан энг мақбул ва оқилона йўли — айрим давлатларнинг миллий манфаатларини умуминсоний манфаатлар билан мувофиқлаштиришдир. Бунга ҳуқуқнинг ҳукмронлигини барча мамлакатлар тан олиши замин яратади.

Шу туфайли ҳам ҳозирги замон дипломатиясининг асосий вазифаси давлатлар ўртасидаги зиддиятларни тартибга солиш ва бартараф этишдан, юқорида зикр этилган концепция нуқтаи назаридан дунёдаги реал зиддиятларга мослашиш ва уни яхши томонга ўзгартириш, барча давлатлар учун тенг даражада мақбул бўлган янги халқаро ҳуқуқий тартибни яратишга қодир бўлган ҳуқуқий доктринани ишлаб чиқишдан иборатдир.

Халқаро муносабатларда ҳуқуқнинг ҳукмронлигини таъминлашнинг бош омили — манфаатлар тўқнашувларини одиллик асосида тинч йўл билан ҳал қилиш зарурлигини барча давлатлар ва уларнинг раҳбарлари англаб етиши, ўз давлати хатти-ҳаракатларини халқаро ҳуқуқнинг талаблари асосида мувофиқлаштира олиши билан боғлиқ. Ҳар қандай зид-

диятни ечишда куч ишлатишга йўл қўйилиши мумкин эмаслигини, ҳар томонлама ҳамкорликнинг афзалликларини ҳамма англаб етишига шу йўл билан эришиш мумкин.

Шуни алоҳида эътироф этиш зарурки, истиқлол туфайли биз мустақил давлатда, тинчлик ва осойишталикда умумбашарий қадриятларнинг энг биринчи асоси бўлган халқ инсонпарварлиги чашмаларидан баҳраманд бўлмоқдамиз. Айни шу ҳол тараққиёт йўлидан дадил боришимиз ва бутун инсоният билан бирдамлигимизнинг, ҳамжиҳатлигимизнинг энг мустаҳкам кафолати сифатида намоён бўлмоқда. Дарҳақиқат, мамлакатимиз Президенти ҳақли равишда таъкидлаганидек: «Биз мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ ўз кучимизга, ақлзаковатимиз, миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизга, динимиз ва тилимизга таянган ҳолда, айни пайтда демократик эркин дунё эришган ютуқларга ҳамоҳанг бўлиб, ўзимизга мос, ўзимизга хос йўлни танладик ва бу сиёсатни қатъийлик билан олиб бормоқдамиз»¹.

¹ Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. 12-том. — Т., «Ўзбекистон», 2004, 84-бет.

III. ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов асосли равишда таъкидлаб келаётганидек, жамиятда қонунга хилоф ишлар жазоланиши муқаррарлиги ҳақида «тушунча шакланган тақдирдагина қонунга итоат қилиб яшаш ҳаётий меъёрга айланади, қонун устуворлиги сўзда эмас, амалда таъминланади»¹. Бизнингча, бу ўринда гап шунчаки қонун тўғрисида эмас, балки ҳуқуқий қонун ёки ҳуқуқ ва ҳуқуқ устунлиги ҳақида бормоқда. Шу маънода ҳуқуқ устунлиги, энг аввало, ҳуқуқий мазмунга эга бўлган қонунлар (ҳуқуқий қонунлар) мавжудлигини ҳамда давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий қонунлар, яъни ҳуқуқ билан боғлиқлигини назарда тутди.

Америкалик профессор Жон Нортон Мур ҳуқуқ устунлиги концепциясининг беш асосий принципини ажратиб кўрсатар экан: халқ томонидан бошқариладиган ва халқ учун мавжуд бўлган халқ ҳукумати; ҳокимиятнинг бўлиниши ва унинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида ўзаро алоқа принциплари; вакиллик демократияси, ҳукуматнинг айрим шахсларга қарши қаратилган ҳаракатларига нисбатан тартиб-таомил бўйича ва жиддий чекловлар (яъни шахс эркинлиги ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш); чекланган ҳукумат ва федерализм; ишлар

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. — Т., «Ўзбекистон», 2005, 237-бет.

суд органларининг мустақил тизими доирасида кўри-лиши конституциявий қонунларни ҳаётга татбиқ этишнинг бош механизми эканлиги кабиларни қайд этиб ўтади.

Қуйида бу принципларнинг ҳар бирига батафсил-роқ тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

1. Халқ томонидан бошқариладиган ва халқ учун мавжуд бўлган халқ ҳукумати

Авваламбор, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Ўзбекистон Республикаси демократик давлат ҳисоб-ланиб, унинг Асосий Қонуни халқ ҳокимиятчилиги принципига асосланади ва бутун мазмун-моҳияти билан ана шу принципни мустаҳкамлайди. Умуман, Ўзбекистон Конституциясининг жуда кўп моддаларига халқ ҳокимиятчилиги ғояси сингдирилган бўлиб, бунга кўра, ҳокимият амалда ва қонун бўйича танҳо халққа тегишлидир. Зеро, халқ ҳокимиятчи-лиги деганда, ҳокимиятнинг фақат халққа тегишли экани, давлат халқ иродасини ифодалаши ва унинг манфаатларига хизмат қилиши лозимлиги, давлат-нинг асосий вазифаларидан бири инсон ва жамият-нинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган бўли-ши кераклиги тушунилади»¹.

Бежиз эмаски, файласуфлар ва сиёсий-ҳуқуқий қарашларни илгари сурган мутафаккирларнинг кўп-чилиги демократик давлатда бошқарув тизгини халқ-нинг бир нечта вакиллари ва элита кўлида эмас, бал-ки халқнинг ўз кўлида бўлиши лозим, деб ҳисобла-ганлар. Масалан, Ж. Локк ҳукуматга умумий кели-шув асосида тузилган ҳукумат сифатида қараган ва ҳукуматнинг қонун чегарасидан четга чиқувчи ҳара-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир А.А.Азизхўжаев. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 45-бет.

катлари ҳуқуққа зид эканлигини таъкидлаган. Шунингдек, у қонун тугаган жойда зўравонлик бошланишини алоҳида қайд этиб ўтган. АҚШ Мустақиллик декларациясидаги қуйидаги сатрлар юқорида зикр этилган сўзларнинг инъикоси ҳисобланади: «Биз қуйидагиларни очиқ-ойдин кўришиб турган ҳақиқатлар деб биламиз: ҳамма одамлар тенг қилиб яратилган ва уларнинг барчасига баъзи ажралмас ҳуқуқлар ато этилган: ҳаёт, озодлик ва бахтга интилиш шу ҳуқуқлар жумласига киради; бу ҳуқуқларни таъминлаш учун одамлар ҳукуматларни ташкил этадилар, уларнинг адолатли ҳокимияти ҳукм остидагиларнинг розилигига асосланади; бирон-бир давлат тузуми бу ҳуқуқларни поймол этса, халқ уни ўзгартириш ёки бекор қилиш, халқнинг хавфсизлиги ва фаровонлигини энг мақбул тарзда таъминлайдиган принципларга асосланган ҳамда бундай бошқарувни ташкил этадиган янги тузумни ўрнатишга ҳақлидир».

«Биз, Қўшма Штатлар халқи... ушбу конституцияни тантанали равишда эълон қиламиз ва ўрнатамиз». АҚШ конституциясининг муқаддимасидан ўрин олган бу сўзлар халқ суверенитети ёки халқнинг олий ҳокимияти принципнинг моҳиятини акс эттиради. АҚШ конституцияси муаллифлари мамлакатнинг халқ эътиборига ҳавола этилган асосий ҳужжатини ишлаб чиқишда таянган концепцияга мувофиқ, олий давлат ҳокимияти ҳукуматга ва давлатнинг бирон-бир амалдорига эмас, балки халққа тегишлидир. «Биз, халқ» ўз ҳукуматимизнинг хўжайинимиз, лекин ўз вакиллик демократиямиз доирасида биз жорий бошқарув ваколатларини халқ сайлаган вакиллардан иборат органга берамиз, дейилиши асло ажабланарли эмас. Зеро, ваколатларнинг бундай берилиши халқнинг олий ҳукмдор сифатидаги ҳуқуқлари ва бурчларини асло камситмайди ва камайтирмайди. Ҳуку-

матнинг қонунийлиги муқаррар тарзда унинг фуқароларига боғлиқдир. Фуқаролар ўз ҳукуматини тинч йўл билан алмаштириш ёки конституцияга тузатишлар киритиш узвий ҳуқуқига эга бўладилар.

Бу принципдан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

— конституциялар халқ билан фундаментал келишувларни ҳаётга татбиқ этишлари лозим;

— бундай конституциялар қонуннинг энг олий шакли ҳисобланиб, унга қолган барча қонунлар ва ҳукумат ҳаракатлари бўйсунishi керак;

— конституциялар муттасил равишда ўзгарувчи қонунларни легаллаштиришга ҳаракат қилмасдан, демократик жамиятнинг фундаментал қоидаларини ҳаётга татбиқ этиши зарур;

— қонунчилик органлари ва ижро этувчи ҳокимиятнинг раҳбарлари доимий ҳисобдорликни, шунингдек, уларнинг ҳалоллиги ва очиқлигини кафолатловчи тизим бўйича умумий сайловда сайланишлари даркор;

— партиянинг давлат билан чатишувига ёки партиянинг сайлов устидан назоратига йўл қўйилиши мумкин эмас;

— конституциявий тизим жамиятнинг ривожланиши натижасида конституцияга оқилона тузатишлар киритиш имкониятини бериши лозим.

Шу ўринда АҚШ конституциясини мазкур принципга мувофиқлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. «Ҳуқуқлар тўғрисидаги билль» қабул қилинганидан сўнг АҚШ конституцияси матнига атиги ўн та тузатиш киритилган. Бу зарур ҳолатда конституциявий тизимга тузатиш киритилиши мумкинлигини ва конституцияда жамият қурилишининг фундаментал асосларигина мустаҳкамлаб қўйилганини кўрсатади. Конституцияда ҳокимиятнинг қонунчилик ва ижро тармоқларига вакилларни сайлаш

тартиби ҳам аниқ белгиланган ва партиялар билан давлатнинг чагишувига йўл қўймаслик учун барча зарурий чоралар кўрилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ҳисобланиши қайд этилган¹. Бу Ўзбекистон Республикаси халқ ҳокимиятчилигига асосланган давлат ёки, бошқача қилиб айтганда, демократик давлат деб эълон қилинишини англатади.

Демократик давлатда ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқ иродасини ифода-лайди. Халқ бутун ҳокимиятнинг энг олий соҳиби сифатида эътироф этилиши халқ суверенитетининг ифодасидир. Халқ суверенитети халқ ўз ҳокимиятини ҳеч ким билан бўлишмасдан, уни ҳар қандай ижтимоий кучлардан қатъи назар, мустақил амалга оширишини, ундан фақат ўз манфаатлари йўлида фойдаланишини англатади. Халқ суверенитети бўлинмасдир. Унинг субъекти битта, у ҳам бўлса, халқдир. Асосий Қонунимизнинг 10-моддасида белгилаб қўйилганидек: «Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас».

Халқ ҳокимиятчилиги бутун ҳокимият халққа тегишли эканлигини, шунингдек, бу ҳокимиятни халқ ўз суверен хоҳиш-иродаси ва туб манфаатларига мувофиқ эркин амалга оширишини англатади.

Халқ ҳокимиятчилиги шароитида ҳокимиятни амалга ошириш халқ, яъни давлат фуқаролари томонидан халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ва ўзини ўзи бошқариши тарзида белгиланади, қонун-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 4-бет.

лаштирилади ва назорат қилинади. Бу жараёнларда барча фуқаролар тенг ҳуқуқлилик асосида иштирок этишлари мумкин.

Шундай қилиб, халқ ҳокимиятчилиги давлат шакли ва бошқарув усули сифатида, ҳокимиятга эгалик қилиш ва уни амалга ошириш ташкилий принциpga айланади. Бу принцип давлат аҳамиятига молик ҳар қандай вазифаларни ҳал қилиш ёки ҳокимият ваколатларини амалга ошириш халқ томонидан қонунлаштирилиши лозимлигини назарда тутаети. Халқни демократик қонунлаштиришнинг бошланғич ва пировард нуқтаси сифатида тушуниш демократиянинг таянч тушунчаси ҳисобланади.

Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10-моддаси).

Халқнинг ўз хоҳиш-иродасини ифодалаш усулларига қараб демократия-шакллари — вакиллик демократияси ва бевосита демократия фарқланади.

Демократия шакллари деганда, жамият турли қатламларининг хоҳиш-иродаси ҳамда манфаатларини аниқлаш ва ифодалашнинг тарихан вужудга келган усуллари ёки воситалари тушунилади.

Жамият ва халқ хоҳиш-иродаси ҳамда манфаатлари бевосита ёки билвосита ифодаланишига қараб демократия шаклларининг икки турини ажратадилар. Биринчиси — вакиллик демократияси шакллари (давлат ҳокимиятининг сайлаб қўйиладиган органлари, сайланадиган партиялар ва жамоат ташкилотлари); уларнинг ёрдамида халқ ҳокимиятни ўз вакиллари орқали амалга оширади. Иккинчиси — бевосита демократия шакллари (референдум, плебисцит, мажлислар, қишлоқ йиғинлари кабилар); уларнинг ёрдамида халқ давлат ва жамият ҳаётининг асосий масалаларини бевосита ҳал қилади. Бошқача айтганда,

«Вакиллик демократиясида халқ ўзи сайлаб қўйган вакиллари орқали ҳокимиятни амалга оширади. Бунда халқ ўзи маъқул топган, муносиб деб билган инсонларга ўз ҳокимиятини, ваколатларини ишониб топширади. ...Бевосита демократияда халқ ўз қўлида тўпланган ҳокимиятни ҳеч қандай вакилларсиз, бевосита амалга оширади»¹.

2. Вакиллик демократияси

Ҳозирги пайтда демократик тарзда конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамланган давлат ҳокимияти халқ манфаатлари ва фаровонлигига хизмат қилувчи институтга айланди. Шунинг учун ҳам эндиликда «у жамиятнинг ялпи фароғатини таъминлаш мақсадида фуқаролар ҳамда улар уюшмаларининг турли эҳтиёж ва манфаатларини мувофиқлаштириш механизми бўлиб хизмат қилмоқда»². Зотан, Президент Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Демократия шароитларида давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросаи мадора билан бартараф этиш воситасига айланади»³. Бу жараёнда халқ ўз хоҳиш-иродасини ифодалашининг вакиллик демократияси ва бевосита демократия шакллари алоҳида аҳамият касб этади.

Вакиллик демократияси — халқ ҳокимиятни ўзининг сайлаб қўйилган мухтор вакиллари орқали амалга ошириши. Бунда вакиллар ўзларига ваколат берган субъектлар — бутун халқ, у ёки бу ҳудудда

¹ Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. — Т., «Ўзбекистон», 2011, 288-бет.

² Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., «Шарқ», 2002, 60—61-бетлар.

³ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. — Т., «Ўзбекистон», 1996, 20-бет.

яшовчи аҳолининг хоҳиш-иродаси ва манфаатларини ифода этувчи қарорлар қабул қиладилар.

Сайланадиган вакиллик — ҳақиқий халқ ҳокимиятчилигини таъминлашнинг муҳим воситаси. Уни халқ томонидан сайланадиган давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ташкил этади.

Бевосита демократия — бу халқнинг ёки аҳоли муайян гуруҳининг ўз хоҳиш-иродасини бевосита ифода этиши. У референдум ва сайлов шаклида амалга оширилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддаси).

Шундай қилиб, Конституциямизнинг 32-моддасига мувофиқ: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади».

Вакиллик демократияси. Ҳар бир демократик тизим фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳукуматнинг ўзбошимчалик ёки кўпчилик томонидан маъқулланган ҳаракатларидан ҳимоя қилиш муаммосига дуч келади. Бу муаммонинг ечимлари вакиллик демократияси, икки палатали қонунчилик тизими ва қонунчилик муҳокамаларига эҳтиёткорона ёндашув воситасида гуруҳбозликка ҳамда нотўғри қонунларга қарши ғов-тўсиқлар яратишни, бу асосий эркинликларга дахл этиш имкониятини бермайдиган чекланган ҳокимият ваколатлари беришни назарда тутди.

АҚШ конституциясининг матнига назар ташласак, инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш унда иккала усулда ҳам амалга оширилганининг гувоҳи бўламиз. Бунга икки юз йилдан кўпроқ вақтдан бери амал қилаётган «Ҳуқуқлар тўғрисида-

ги билль», вакиллик демократияси институтлари, икки палатали парламент тизими ва чекланган ҳокимият имконият яратади.

Вакиллик демократияси жамият манфаатларига тўла мувофиқ келувчи коллектив қарорларни ишлаб чиқиш механизмини таъминлайди. Коллектив қарорлар қабул қилиш чоғида у индивидуал қарорлар қабул қилинганда демократик йўл билан ҳамда бозор механизми ёрдамида эришиладиган мақсадга амалда эришиш имконини беради. Шу тариқа сайлаб қўйилган мухтор вакиллар орқали халқнинг хоҳиш-иродаси ва манфаатларини ифода этувчи қарорлар қабул қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, эндиликда юртимизда эркин сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принциплари тобора устувор аҳамият касб этиб бормоқда. Зеро, **«Сайловлар — бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир»¹.**

Вакиллик демократияси принципига кўра, фуқаролар вакилларни сайлайдилар. Халқ вакиллари коллектив қарорларни овозга қўйиш йўли билан баҳамжиҳат қабул қиладилар. Бу билан вакиллик демократияси фуқаролар ва уларнинг вакиллари ўртасидаги муносабатларнинг муайян турини назарда тутаяди. Номзодлар ўз сиёсатлари замирида қандай гоялар ётишини фуқароларга гапириб берадилар, фуқаролар эса уларнинг орасидан гоялари ўз қарашларига

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 35-бет.

ниҳоятда яқин бўлган одамни сайлайдилар. Шу туйғайли ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан, Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Олий Мажлис ва Президент иш олиб бориш имконига эга бўлади.

Расмий шахсларни сайлаш тартиблари хилма-хил бўлиши мумкин. Масалан, умуммиллий миқёсда қонун чиқарувчилар ҳудудларда сайланиши, уларнинг ҳар бири бир кишидан вакилни танлаши мумкин. Мутаносиб вакиллик тизимида қонун чиқарувчи органда ҳар бир сиёсий партия бутун мамлакат бўйича сайланганларнинг умумий миқдорининг фоизли нисбатига мувофиқ равишда ўз вакилига эга бўлади, яъни муайян бир партия аъзолари қанча кўп бўлса, ўша партиядан шунча кўп номзод қўйилади.

Бироқ, қандай усул билан сайланишларидан қатъи назар, вакиллик демократиясида расмий шахслар халқ номидан ўз жойларини эгаллайдилар ҳамда барча ишларида халққа ҳисоб бериб туришга мажбурдирлар.

Давлат ҳаёти арифметик асосда эмас, жонли асосда ташкил топади. Бу ҳаётда қатнашаётган одамлар мавҳум фуқаролар бўлмай, жонли шахслардир. Улар эркинликка шунчаки муҳтож бўлиб, уни талаб қилишмайди, балки шу эркинликка *муносиб бўлишлари ҳам даркор*. Сайлов бюллетенини истаган киши қутига келтириб ташлай олади, бироқ масъулият билан, давлат нуқтаи назаридан келиб чиқиб фикр юритиш ва ҳаракат қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Инсон ўз давлати ҳаётида жонли мавжудот сифатида қатнашади ва шу жараёнда ўзи ҳам давлат танасининг жонли аъзосига айланади. У ўз давлати ҳаётида бутун борлиғи билан — меҳнати, қурол олиб юриши, ҳарбий машаққатлар, азоб-уқубатлари, қалбининг садоқати, бурч ҳисси билан, қонунларни бажариш ва, энг муҳими, *ҳуқуқий онги билан* иштирок этади. У ўз давлатини шахсий садоқати, оилавий ҳаёти,

солиқларни тўлаб бориши, хизмати, савдо-сотиқлари билан, маданий ижодкорлиги ва, ҳатто, ўз номининг шуҳрати билан барпо этади.

Шундай қилиб, давлат халқдан ташкил топади ва ҳукумат унга бошчилик қилади. Бинобарин, ҳукумат халқ учун яшаб, ишлашга даъват этилган ҳамда халқдан куч-қувват олиши керак, халқ эса, ўз навбатида, буни билиши ва тушуниши даркор, ўзининг бутун куч-қувватини умумий ишга сафарбар этмоғи лозим. Давлат ҳаётида халқнинг тўғри иштироки унга куч бағишлайди. Чинакам давлатчиликнинг **демократик** қудрати ана шундадир. Зотан, «демократия — бу эркин жамиятдир. Унда жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий тузилмасининг ранг-баранглигини, барча ижтимоий қатламларнинг сиёсий тенг ҳуқуқлилигини, мафкуравий фикрлар хилма-хиллигини, кўп-партиявийликни акс эттирувчи муқобилликларга асосланади. Демократик тузум халққа ўзининг сиёсий тақдирини ўзи белгилаш, бирон-бир сиёсий йўналишни танлаш имконини беради»¹. Мабодо, халқ сиёсий калтабинлиги, эркисизлиги ёки ахлоқий жиҳатлари туфайли ўз демократиясини тўғри ташкил эта олмаса — унда демократиянинг мавжудлиги мумкин бўлмай қолади. Айти пайтда бу борада биров бировдан андоза олиши мумкин эмас, ҳатто, бу ҳалокатлидир. Зеро, ҳар бир халқ ўз ҳаётининг ҳар бир даврида айнан ўзи учунгина мос ва мақсадга мувофиқ услубни топиши мумкин ва топиши лозим.

Демократия марказий ва маҳаллий органлар ўртасидаги ваколатларни чеклаш тизимининг янги даражаси билан ҳам белгиланади. Марказий давлат ҳокимияти фақат умуман жамиятнинг мавжудлиги би-

¹ Мухамеджанов О. Выборы и демократия // «Правда Востока», 20 мая, 2004 года.

лан боғлиқ масалалар — экология, жаҳон ҳамжамиятида меҳнат тақсимоти, қуролли можароларнинг олдини олиш каби масалаларнигина ҳал этишни ўз зиммасига олади.

Демократик жамиятда норматив тартибга солиш ҳам тубдан ўзгаради. Чунки келажак орзулари ушалиши билан мажбурловни оммавий қўллаш масаласи олиб ташланиши керак.

Албатта, демократик режим муаммолардан холи режим эмас. Унда жамиятнинг ижтимоий табақалашуви, жамият ҳокимияти, айрим тарихий шарт-шароитларда жамиятни вақтидан эртароқ демократиялаштириш юз бериши, бу эса ҳокимиятнинг заифлашувига, ижтимоий барқарорликнинг бузилишига, ҳатто, бошбошдоқликка олиб келиши, экстремизмнинг жонланишига шароит яратиши мумкин. Бироқ, барибир, демократиянинг ижтимоий қиммати фавқулодда юқори. Шунга кўра, ким нима дейишидан қатъи назар, демократик режим инсоният давлат тузилишида эришган, ҳозирги замон цивилизацияси моддий асосларига, янгиликлари ва интилишларига мос энг буюк неъматдир.

Ҳуқуқнинг устунлиги демократия билан чамбарчас боғлиқ. Демократиянинг бош мезони — бу парламент, эркин сайлов, мустақил судлар ва мустақил оммавий ахборот воситалари каби демократик институтларнинг мавжудлигигина эмас, балки пировард натижада ҳуқуқ доирасидаги реал эркинлик ҳамдир. Ҳуқуқнинг устунлиги принципи ҳозирги замон демократиясининг юридик моҳиятидир, десак, асло муболаға бўлмайди. Тарихий тажриба мазкур ўзаро алоқани узишга, боз устига, ушбу ҳодисаларни қарама-қарши қўйишга уринишлар ҳар доим аянчли оқибатларга олиб келганини кўрсатади.

3. Ҳокимиятнинг бўлиниши ва ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро алоқа принциплари

Ҳокимиятнинг бўлиниши назарияси ҳокимиятни тартибга солиш зарурати сифатида вужудга келганлиги бутунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Аслида шунчаки тартибга солинган ҳокимият эмас, балки чегараларга эга ҳокимият бўлмоғи, у мўътадил бўлиши, ўз табиатига кўра инсонни эзмаслиги, ўзини ўзи бошқариш, ҳар бир кишининг шахсий манфаатлари, юксак маънавий мезонлари устун бўлган ўзини ўзи бошқарувчи жамиятдаги ҳуқуқ ҳимоясида бўлмоғи лозим. Айни чоғда энг янги тарихда конституция сингари институт пайдо бўлишининг ўзи ҳокимиятни чеклаш ва уни демократик тартиботлар ҳамда назорат билан боғлиқ қилиб қўяди. Бу эса сиёсий ҳокимиятнинг зўравонликка асосланишига, инсон устидан мутлақ ҳукмрон бўлишига йўл қўймайди. Бироқ ҳокимиятнинг шу даражада мўътадил бўлиши учун уни тегишли даражада ташкил қилиш зарур бўлади.

Шу боис Ўзбекистон «мустақилликка эришгач, халқимиз олдида кескин муаммолар кўндаланг бўлди. Уларни ҳал қилмасдан туриб, демократия ва ҳокимиятни тақсимлаш принципларига асосланган янги давлатчиликни барпо этиш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мумкин эмас эди»¹. Бунинг учун эса давлатчилик соҳасида кўзланган муваффақиятларга эришиш, давлат табиатига мос ҳокимият органлари тизимини яратиш ва уларни тақомиллаштириш, ҳокимиятни амалга оширувчи давлат органлари тизимини вужудга келтириш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш, босқичма-босқич

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. — Т., «Ўзбекистон», 1998, 136-бет.

чукур ва кенг қамровли ислоҳотларни олиб бориш талаб этилди.

Дарҳақиқат, ҳозирги дунёда ҳокимиятнинг бўлиниши — ҳуқуқий демократик давлатга хос хусусият, унинг тан олинган таркибий қисми. Ҳокимиятнинг бўлиниши назарияси эса давлатчиликнинг асрлар мобайнида ривожланиши, жамиятни зўравонликдан асровчи таъсирчан механизмларни топиш йўлидаги изланишлар маҳсулидир.

Шу ўринда ҳокимиятнинг бўлиниши назарияси бир нечта буюк мутафаккирлар томонидан яратилганлигини алоҳида қайд этиб ўтишни истардик. Мазкур ғояни илк бор Арасту илгари сурган, анча кейин Жон Локк (1632—1704) уни назарий жиҳатдан ривожлантирган ва асослаган, унинг классик кўринишини Шарль Луи Монтескье (1689—1755), ҳозирги талқинини эса — «Федералист» (АҚШнинг 1787 йилги Конституцияси муҳокама қилинаётган даврда Нью-Йоркнинг етакчи газеталарида умумий сарлавҳа остида эълон қилинган, АҚШнинг федератив асосдаги бирлигини тарғиб қилишга бағишланган мақолалар туркуми) муаллифлари Александр Гамильтон, Жеймс Мэдисон ва Жон Жей яратган.

Қуйидагилар ҳокимиятнинг бўлиниши назариясининг **асосий қондалари** ҳисобланади:

— ҳокимиятнинг бўлиниши **конституция** билан мустаҳкамланади;

— конституцияга биноан ҳокимиятнинг қонунчилик, суд ва ижро тармоқлари **турли одамлар ва органларга берилади**;

— **ҳокимият тармоқларининг барчаси тенг ҳуқуқли ва мустақил ҳисобланади**, уларнинг бири иккинчисини ҳокимиятдан четлата олмайди;

— ҳокимият тармоқларининг бирортаси ҳам **конституцияга мувофиқ бошқа тармоққа берилган ҳуқуқлардан фойдалана олмайди**;

— *суд ҳокимияти, сиёсий таъсирдан қатъи назар, иш олиб боради*, судьялар лавозимни узоқ муддат эгаллаш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Суд ҳокимияти қонунни, агар у конституцияга зид бўлса, ҳақиқий эмас деб эълон қилиши мумкин.

Ж. Локк фикрича, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва федерал турларга бўлиниши инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим воситаларидан бири саналади. Локк бу ҳокимият органлари узвий алоқадорлигини эътироф қилган ҳолда, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ижро этувчи ҳокимиятдан устунлигини таъкидлайди¹.

Ш. Монтескье эса уларнинг тўла тенглиги, мустақиллиги ва алоҳидалигини ёқлаб чиқади ҳамда ҳокимиятнинг энг мақбул тарзда тақсимланиши ўзаро чеклаш ва мувозантлаш тизими ёрдамида таъминланишини қайд этади. Жумладан, ҳар бир давлатда, деб ёзганди Монтескье, «уч тур ҳокимият: қонун чиқарувчи ҳокимият, халқаро ҳуқуқ масалаларини бошқарувчи ижро этувчи ҳокимият ҳамда фуқаролик ҳуқуқи масалаларини бошқарувчи ижро этувчи ҳокимият мавжуд.

Биринчи қисмга кўра, ҳукмдор ёки муассаса муваққат ёки доимий қонунлар яратади, мавжудларини тузатади ёки бекор қилади. Иккинчисига кўра, улар уруш эълон қилади ёки сулҳ тузади, элчилар юборади ёхуд қабул қилади, хавфсизликни таъминлайди, ҳужумларни бартараф этади. Учунчисига кўра, улар жиноят учун жазолайди ва хусусий шахслар можароларини ҳал қилади. Сўнгги ҳокимиятни суд ҳокимияти, иккинчисини эса шунчаки давлат ижро этувчи ҳокимияти деб аташ мумкин»².

¹ Қаранг: Локк Д. Избранные философские произведения. — М., 1960. Т. 2. 16—17-бетлар.

² Монтескье Ш. Избранные произведения. — М., 1955, 290-бет.

Бундан ташқари, Монтескье ҳокимиятнинг бўлиниши принципини яна шундай тавсифлайди: «Объектнинг сиёсий эркинлиги ҳар бир шахс ўз хавфсизлиги тўғрисида эга бўлган тушунчадан келиб чиқувчи ақл вазминлигидан иборатдир. Бундай эркинликка эришиш учун ҳукумат одамлар бир-биридан қўрқмай яшайдиган тарзда ташкил этилган бўлиши тақозо этилади.

Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи кучлар бир одам қўлида ёки магистратура органида жамланадиган бўлса, эркинлик бўлиши мумкин эмас. Зеро, ўша монарх ёки сенат истибдод қонунларини жорий этиши, уларни золимлик билан қўллаши мумкин.

Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлардан ажратилмаган тақдирда ҳам эркинликнинг бўлиши мумкин бўлмай қолади. Мабодо, у қонун чиқарувчи ҳокимият билан бириктирилган бўлса, у ҳолда субъект ҳаёти ва эркинлиги ўзбошимчалик назорати остида бўлади, судья эса қонун чиқарувчига айланади. У ижро этувчи ҳокимият билан қўшилиб кетган тақдирда эса судья шафқатсизликнинг бутун кучини ишга солувчи зўравон сифатида ҳаракат қилади»¹.

Шундай қилиб, Монтескье томонидан кўриб чиқилган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тарзидаги учлик, вақти келиб, конституционализм назариясининг классик шакли бўлиб қолди.

Ҳокимиятнинг бўлиниши назариясининг куртаклари Қадимги Эллада ва Қадимги Римнинг буюк мутафаккирлари асарларида кўзга ташланади. Улар орасида Арасту (милоддан аввалги 384—322 йиллар), Эпикур (тахминан милоддан аввалги 341—270 йиллар), Полибий (тахминан милоддан аввалги 201—

¹ *Монтескье Ш. Избранные произведения.* — М., 1955, 294-бет.

120 йиллар)ни қайд этиш мумкин. Шундай қилиб, ҳокимиятнинг бўлиниши назариясига бутун олдинги ижтимоий-сиёсий тараққиёт, давлат-ҳуқуқий ҳаётни ташкил этиш соҳасида тўпланган тарихий тажриба замин ҳозирлади.

«Ҳокимият бўлиниши назарияси илмий-назарийгина эмас, балки амалий аҳамиятга ҳам эга. Ҳокимият бўлиниши ғояси Инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликлари декларацияси (1789), 16-модда; Франция конституцияси сингари фундаментал ҳужжатларда ўз ифодасини топди»¹.

Ҳокимиятнинг бўлиниши принципини рўёбга чиқариш зўравонликка қарши кафолат ҳисобланади. Бундан ташқари, қонунга ҳам муайян талаблар қўйилади. Давлатда қабул қилинувчи қонунлар табиий ҳуқуқ принципларига зид бўлиши мумкин эмас. Табиий ҳуқуқ принципларига мос келувчи қонунгина ҳуқуқий бўла олади, айнан шундай қонун эркинликни чекламайди, балки уни сақлайди ва кенгайтиради.

Ҳуқуқ билан чекланган давлатнинг ташкилий принциплари биринчи марта Америка Қўшма Штатларида изчил амалга оширилди. Америка тажрибаси шуниси билан диққатга сазоворки, инсоният тарихида илк бор конституциявий чекланган давлат ташкил этилди. Америка тажрибасининг аҳамияти эркинлик нималигини тушунтиришда эмас, балки уни таъминлашнинг самарали механизми яратилганлигидадир. Чекланган давлат — маъноси шахсий ҳаётга бировнинг аралашишига йўл қўйилмаслиги, озчиликнинг кўпчиликдан эркинлиги сифатида тушуниладиган эркинликни таъминлашдан иборат бўлган ижтимоий-сиёсий ва юридик ҳодисадир. Бунга дав-

¹ *Исламов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. — Т., «Ўзбекистон», 2005, 41-бет.*

лат органларининг ваколатларини қайд этувчи ва улардан устун турувчи ёзилган конституция қафолат бериши лозим, чунки у шу мақсадда махсус ташкил этилган орган томонидан қабул қилинган ва ўзгартиш киритишнинг алоҳида тартибини тақозо этади. Юқорида зикр этилган ҳолатнинг иккинчи кафили — конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган ҳокимиятнинг бўлиниши принципи ҳамда ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимидир. Шундай қилиб, АҚШда конституциявий давлатнинг мумкин қадар чекланган, яъни «инглизча анъана» руҳидаги давлат талқини рўёбга чиқарилди.

Демак, ҳокимият бўлинишининг маъноси бир-бирини чеклаш ва мувозанатлаш тизимини шакллантиришдан иборатдир. АҚШ конституциясининг бош «меъмори», кейин эса унинг тўртинчи Президенти бўлган Жеймс Мэдисон шундай деб таъкидлаганди: давлат ҳокимияти органлари бир-бири билан бу органларнинг ҳар бири бошқаси устидан конституциявий назорат қилиши даражасигача боғланиб, чатишиб кетмас экан, эркин ҳукумат моҳияти сифатида бўлинишнинг талаб қилинадиган энг юксак даражаси амалда ҳеч қачон тегишли тарзда ташкил топиши мумкин эмас.

Мэдисон ва конституциянинг бошқа яратувчилари ишлаб чиққан тизим ҳокимиятнинг бўлинишидан кўра кўпроқ ҳокимият тармоқларининг биргаликдаги иштирокидан иборат эканлигини таъкидлаш эътиборга лойиқдир. Чунончи, қонунларни ишлаб чиқишда устуворлик Конгрессга берилган, лекин Президент Конгресс қабул қилган қонунларга вето қўйиш ҳуқуқига эга. Президент ветосини рад этиш учун Конгресс ҳар икки палата — вакиллар палатаси ва сенатда учдан икки нисбатда кўпчилик овозни тўплаши зарур ва ҳоказо. Умуман, сиёсий дастурларни амалга оширишда уни Конгресс маъқуллаши заруриятидан келиб

чиқиб, сиёсатшунос Ричард Нойштадт Қўшма Штатлардаги Президент ҳокимиятини «буйруқ берувчи ҳокимият эмас, балки ишонтиришга асосланган ҳокимият» сифатида таърифлаганди. Бироқ Америка тизимида ҳокимият бўлиниши кўпинча самара бермасда, ҳукумат томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган яширин суиистеъмолликларга қарши муҳим кафолатлар беради. Бу — ҳар қандай демократия дуч келиши мумкин бўладиган муаммо эканлиги маълум. Шу маънода АҚШ президентлик ҳокимиятини буйруқ бериш ҳокимияти деб эмас, балки ишонтириш ҳокимияти сифатида таърифлашади. Бу ўринда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ярим автономлигини ҳамда улар фаолиятида демократия муҳим ўрин эгаллашини ёдда тутиш лозим.

Аслида ҳокимият бўлинмас экан, ҳуқуқий давлат ҳам бўлмайди. Чунки ҳозирги ҳуқуқий давлат фақат шунчаки қонунийликни таъминлаш эмас, балки инсон шахсиятининг олий қадриятларини эътироф этиш ва тўла қабул қилишга асосланган ҳамда ўз ифодасини топишини таъминловчи тузилмани таркиб топтирадиган адолатни таъминлашга ҳам даъват этилган. Шу маънода Ўзбекистон Президентининг қуйидаги эътирофи бежиз эмас: республикамизда «қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов тизими — яъни *ҳокимият тармоқларининг бўлиниши қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди*. Уларнинг ҳар бирида қонуний асосда авторитаризм ва тоталитаризм зўравонликларини истисно этувчи ҳақиқий демократик меъёр ва тартиблар жорий этилди»¹.

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-том. — Т., «Ўзбекистон», 1997, 107—108-бет.

Ҳокимиятнинг бўлиниши принципи демократик давлатларнинг барчасида ҳам назарий, ҳам амалий даражада қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятнинг бўлиниши давлат ҳокимиятини ташкил этиш принципларидан бири сифатида Ўзбекистон Конституциясининг қуйидаги мазмундаги 11-моддасида мустаҳкамланган: «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади».

Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятнинг бўлиниши шу билан белгиланадики, қонунчилик фаолияти Олий Мажлис томонидан амалга оширилади (Конституциянинг 76-моддаси); ижро этувчи ҳокимиятни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади (Конституциянинг 98-моддаси); суд ҳокимияти беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва ҳўжалик судларидан иборат (Конституциянинг 107-моддаси); республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини Ўзбекистон Республикаси Президенти таъминлайди (Конституциянинг 93-моддаси).

Ҳокимиятнинг бўлиниши — бу, энг аввало, демократиянинг ҳуқуқий шакли ва ҳуқуқнинг устунлиги ғоясининг бош принципларидан бири. «Бу принципнинг қўлланилиши ҳокимиятнинг суиистеъмол қилинишига йўл қўймайди, фуқарони мансабдор

шахслар таъйиқидан ҳимоя этади, давлат идоралари фаолияти самарали бўлиши учун шарт-шароит яратди»¹.

Шу нарса диққатга сазоворки, мамлакатимиз Президенти ҳокимиятнинг бўлиниши конституциявий принципга алоҳида эътибор беради. Чунончи, иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг XI сессиясидаги маърузасида Ислом Каримов ушбу принципнинг аҳамиятига шундай тавсиф берди: «Барчамиз жамиятда мавжуд бўлган турли кучлар ўртасидаги, биринчи гада, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш тизимини ўрганишимиз ва амалда ҳаётга жорий этишимизга тўғри келади. Бусиз демократик давлат фаолиятини тасаввур этиб бўлмайди»².

Шуни қайд этиш лозимки, янги ўзбек давлатчилигининг хусусияти у ҳокимиятнинг бўлиниши принципга мувофиқ ташкил этилгани билангина эмас, балки ҳокимият тармоқларидан ҳар бирининг мазмун-моҳияти бутунлай ўзгаргани билан ҳам белгиланади.

Бу хусусда сўз юритар экан, Президент шундай дейди: «Ташкил этилган ижро этувчи ҳокимият органлари тизими олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Улар режалаш-тақсимлаш вазифаларидан холи бўлиб, иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш ролини бажармоқда. Кўплаб вазирликлар ўрнига бозор шароитларига мос бўлган хўжалик бирлашмалари, уюшмалари, концернлар, корпорациялар, холдинг компаниялар ташкил этилди»³.

¹ Мансуров Ш. Демократик давлат қуришда жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон модели. — Т., «Ўзбекистон», 2003, 40-бет.

² Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. — Т., «Ўзбекистон», 2003, 223-бет.

³ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. — Т., «Ўзбекистон», 1998, 138—139-бетлар.

Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг янги тизими вужудга келтирилди. Унинг асосини ҳокимлар институти ташкил этади. Унда жойлардаги ижро этувчи ҳокимият билан вакиллик ҳокимияти раҳбарининг вазифалари бирлаштирилган. Маҳаллий ҳокимият органларининг мунтазам тизимини фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг **қонунчилик тармоғи** — Олий Мажлис 1994 йилда кўппартиявийлик асосида ўтказилган биринчи эркин, демократик сайлов натижаларига кўра ташкил этилди. Вужудга келган дастлабки кунлардан бошлаб республикамиз парламенти ўз фаолиятининг асосий йўналишларини ёш мустақил давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари ва вазифалари, унинг миллий манфаатлари, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг аниқ мақсадлари билан белгилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 23 февралда очилган биринчи сессиясидаёқ Президент И.А. Каримов мамлакат олдида турган жорий ва бўлғуси вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, парламент фаолиятининг аниқ ва кенг дастурини депутатларга таклиф қилди, Олий Мажлисининг конституциявий вазифаси жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида чуқур демократик, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни қонун йўли билан ўз вақтида таъминлашдан иборат эканлигини таъкидлади.

Мустақиллик йиллари мобайнида қонун чиқарувчи ҳокимият тубдан ислоҳ қилиниши натижасида парламентимизнинг қиёфаси сезиларли даражада ўзгарди. Хусусан, у бир палатали парламентдан икки палатали парламентга айлантирилди. «Бундан кўзланган асосий мақсадлар парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб

туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, қонун ижодкорлигининг сифатини жиддий равишда ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдан иборат эди. Бу борада таркиб жиҳатидан асосан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакилларида ташкил топган юқори палата — Сенатнинг ҳудудлар манфаатларини ифода этиши, қуйи — Қонунчилик палатаси эса ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга ошириши ҳисобга олинганини айтиб ўтиш лозим»¹.

Янги Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон тарихида илк дафъа жорий этилган мамлакат Президенти лавозими янги Ўзбекистон давлат ҳокимияти органлари тизимида марказий ўринни эгаллади. У сиёсий тизимнинг ўзаги бўлиб қолди.

Президентлик ҳокимиятида Президентнинг давлат бошлиғи ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатидаги ваколатлари мужассамлашганди. Шунинг самараси ўлароқ, бу ҳокимият жамиятдаги барқарорликнинг ва Ўзбекистон ислоҳотлар йўлидан муваффақиятли олға боришининг кафолати бўлгани ҳолда, янги ўзбек давлатчилиги биносининг асосий таянчига айланди. «2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норманинг чиқарилиши ушбу даврдаги муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеалардан бири бўлди»². Бугунги кунда Конституциямизнинг 96-моддасига қуйидаги муҳим ўзгартишни киритиш таклифи Юртбошимиз томонидан билдирилмоқда: «Мамлакат-

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 9-бет.

² Ўша жойда. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 9—10-бетлар.

нинг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифаси ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади»¹.

Суд ҳокимияти ва унинг ҳокимият тармоқлари тизимидаги ўрни. Мустақил суд тизими — ҳокимиятнинг бўлиниши принципининг муҳим таркибий қисмларидан бири. Суд ҳокимияти ҳуқуқ ҳақидаги мунозараларни ҳал қилади, муайян вазиятларда аниқ субъектлар учун ҳуқуқ (ҳуқуқ ва мажбуриятлар)ни ўрнатади. Жумладан, суд қарорларни аниқ субъектларга нисбатан давлат мажбурловининг ҳуқуқий чораларини қўллаш имконини беради ёки уларни қўллаш бўйича фармойиш сифатида хизмат қилади.

Суд ҳокимияти ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимининг таркибий қисми, давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги низоларни ҳал қилиш воситаси ҳисобланади.

Тўлақонли суд ҳокимиятисиз давлат ҳокимиятининг қолган тармоқлари самарали иш олиб бора олмайди, бинобарин, давлат тизими беқарор бўлиб қолади. Шу сабабли суд ҳокимиятини самарали ислоҳ қилиш бутун давлат тизимини ислоҳ қилиш масаласининг ечимидир.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги Концепцияси амалда жорий этилди. Суд

¹ *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 14-бет.

соҳасида кадрларни танлаш ва тасдиқлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилди, суд қарорларини ижро этиш бўйича етарлича ваколатларга эга бўлган департамент фаолият кўрсатмоқда, судларнинг ўзи эса уларга хос бўлмаган вазифалардан озод этилди. Прокуратура органларининг суд жараёнига аралашувини жиддий чеклаш бўйича қонунчилик нормаларига зарур ўзгартишлар киритилди. Айниқса, 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида «Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши, яъни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши принципиал қадам бўлди. Умуман олганда, мамлакатимизда фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилмоқда, бу борада катта кўламдаги чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бугунги кунда суд жараёнида тортишув принципини, яъни прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглигини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чоратадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш бўлмоғи зарур. Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар»².

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 16—23-бетлар.

² *Каримов И.А.* Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. II-том. — Т., «Ўзбекистон», 2003, 30—31-бетлар.

Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун Конституциянинг Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимиятига тааллуқли бўлган 107, 110, 112-моддаларига муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Сўнгги йилларда қабул қилинган суд тизимининг ихтисослаштирилиши ва такомиллаштирилиши, судларнинг вазифаларини белгилаш ва уларнинг мустақиллиги ишончли кафолатларини таъминлаш, энг муҳими — мамлакатнинг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини ва улар билан боғлиқ бошқа ҳуқуқий нормаларни либераллаштиришга оид қонун ҳужжатларининг мазмуни ана шу ўзгартишларда мужассамлашган.

Бу ўзгартишлар шунинг учун киритилдики, «жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун, аввало, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарур. Шу билан бир вақтда ҳар бир инсон тўраларча ўзбошимчаликдан, қонунсизликдан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган идоралар мавжудлигига амин бўлмоғи керак»¹.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб суд тизимини ислоҳ этиш, мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш ва ривожлантириш борасида улкан ишлар олиб борилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислоҳотининг концептуал қоидаларини амалга ошириш жараё-

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. — Т., «Ўзбекистон», 1999, 391-бет.

нининг таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда суд ҳокимияти инсон ва фуқаро эркинликлари, конституциявий тузум, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш бора-сидаги ўз ваколатларини амалга оширувчи давлат ҳокимиятининг эркин, мустақил ва кучли тармоғи сифатида қарор топиши йўлида қатъий қадамлар ташланди. Ҳуқуқий давлатда суд ҳокимияти давлатчиликнинг негизи, жамиятда ижтимоий тотувлик, ҳуқуқий тартибот ва барқарорликни таъминловчи институт ҳисобланади»¹.

«Лекин, шу билан бирга, шуни таъкидлашимиз зарурки, ижтимоий тараққиёт одимлари, жамиятимизда рўй бераётган, узоқни кўзлаб амалга ошири-лаётган демократик жараёнлар суд-ҳуқуқ тизими-га жорий қилинаётган ислохотларни танқидий баҳо-лаб, уларни янада чуқурлаштиришни ва қатъият-лик билан олиб боришни талаб этмоқда»². Биноба-рин, бу борадаги вазифаларни самарали ҳал қилиш бўйича мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов то-монидан «Мамлакатимизда демократик ислохотлар-ни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти-ни ривожлантириш концепцияси»да бир қатор таш-килий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш таклиф этилгани шунинг исботи, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айниқса, жинсий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни та-комиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсон-

¹ *Рустамбаев М.Х.* Современное состояние и перспективные задачи судебно-правовой реформы в Республике Узбекистан: Материалы международного симпозиума «Традиционное право Узбекистана и Японии». — Т., 2002, 10-бет.

² *Каримов И.А.* Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ ке-рак. 10-том. — Т., «Ўзбекистон», 2002, 32-бет.

парварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди.

Бу соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар, хусусан, 2001 йилда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этганини ишонч билан таъкидлаш лозим.

Давлатимиз бошлиғи алоҳида қайд этганидек, сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Шу муносабат билан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов қуйидагиларни таъкидлашни зарур деб билади:

а) «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29 ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш. Бунда судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби назарда тутилади;

в) жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умум эътироф этилган принциплар ва халқ-

аро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлаш;

г) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш ва унга мувофиқ биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклаш;

д) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши кўзгатишга доир ваколатини чиқариш;

е) тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб берадиган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш;

ж) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини янги таҳрирда қабул қилиш;

з) ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устунлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш¹.

4. Чекланган ҳукумат ва федерализм

АҚШ конституцияси асосчилари ҳокимият ваколатлари миллий ҳукумат ва айрим штатларнинг ҳукуматлари ўртасида тақсимланиши лозим, деган

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократия ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 24—27-бетлар.

тўхтамга келдилар. Британиянинг зўравонликка асосланган давлат ҳокимиятини мустамлакалар ҳали унутмаганликларини ҳисобга олиб, улар онгли равишда суверен штатлар «конфедерация»сини таъсис этдилар. Аммо конституция моддалари Конгресс пул тўловлари ёки қўшинларни сафарбар этиш хусусида штатларга қўйган талабларни қонунга биноан амалга ошириш имкониятини бермас эди. Натижада 1786 йил охирига бориб давлат ҳокимияти ўз самарадорлигини йўқотди.

АҚШ конституциясига мувофиқ, **конфедерация** ўз ўрнини **федерацияга**, яъни ҳокимият бир миллий (марказий) ҳукумат билан бир неча штатларнинг ҳукуматлари ўртасида тақсимланадиган тизимга бўшатиб бериши лозим эди. Миллий ҳукумат муайян масалаларда олий ҳокимиятга эга бўларди, лекин штатлар марказий ҳукуматга қарам бўлган оддий маъмурий бирликлар бўлиб қолмаслиги керак эди. Штатларнинг ҳукуматлари бир қатор чора-тадбирлар билан ҳимояланди.

Биринчидан, конституцияга киритилган Ўнинчи тузатишга мувофиқ, айрим фаолият соҳалари штатлар ихтиёрига берилди. Масалан, штатларнинг ҳукуматлари ўз бюджетини бошқариш учун ҳамда муайян штат аҳолисига татбиқ этиладиган турли қонунларни қабул қилиш ва бажариш учун кўп жиҳатдан жавоб берарди.

Иккинчидан, штатларни уларнинг АҚШ Сенатидаги вакиллари ҳимоя қилардилар. Аниқроқ айтганда, Сенатда ҳар бир штатдан, унинг катта-кичиклигидан қатъи назар, иккитадан сенатор иш олиб борарди.

Учинчидан, АҚШ президенти сайловини амалга оширувчи расмий орган — Сайловчилар ҳайъати ҳар бир штатда сайланган сайловчиларни ўз ичига олиши лозим эди. Бунда мазкур ҳайъатда ишлаш учун ҳар бир штатдан уч вакил сафарбар қилинарди.

Тўртинчидан, конституцияга тузатишлар кири-тиш тартиб-таомиллари ҳам штатларнинг манфаатларини акс эттирарди, чунки конституцияга кири-тиладиган ҳар бир тузатишни штатлар қонунчилик органларининг тўртдан уч қисми, шунингдек, Кон-гресснинг иккала палатаси депутатларининг учдан икки қисми маъқуллаши талаб қилинарди.

Мазкур конституциявий кафолатлар кичик штатларни катта штатларнинг устунлигидан ҳимоя қилиш учун ҳам конституцияда мустақкамлаб қўйилди. Штатлар ва миллий ҳукумат ўртасида ҳокимиятнинг бўлиниши муфассал ишлаб чиқилган мувозанат ва чекловлар тизимида тийиб турувчи таркибий омиллардан бири ҳисобланади. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, «АҚШ федератив тузилишга эга бўлган давлат бўлиб, 50 та штат ва Колумбия федерал округидан ташкил топган. АҚШ конституциясида федерал марказга тегишли ваколатлар рўйхати қатъий белгилаб қўйилган. Мазкур рўйхатга кирмаган бошқа барча масалалар юзасидан штатлар мустақил фаолият юритади»¹.

Шундай қилиб, конституциянинг муқаддимаси Америкада қуйидаги принципларга асосланган янги сиёсий тузумни яратишга қаратилган эди: янада баркамолроқ иттифоқни шакллантириш; умумий хавфсизликни таъминлаш; адолат ва одил судловни ўрнатиш; ҳозирги ва келажак авлодлар учун инсон ҳамда фуқаронинг асосий эркинликларини сақлаб қолиш.

1787 йилги конституция лойиҳаси атрофидаги баҳсда аксилфедералистлар мағлубиятга учраган бўлсалар-да, улар ўз рақобатчиларини муайян ён беришларга боришга мажбур этдилар. Янги миллий ҳукумат ҳокимиятидан чўчиб, улар конституция матнига шахс ҳуқуқларининг бир қатор алоҳида консти-туциявий кафолатларини талаб қилдилар.

¹ *Ҳайитбоев Ф.П., Нажимов М.К.* Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари. — Т., ТДЮИ, 2008, 74-бет.

Федералистлар ўз ваъдаларини бажардилар. 1789 йилда АҚШнинг биринчи Конгресси конституцияга дастлабки ўн та тузатишни қабул қилди. 1791 йилга келиб мазкур тузатишларни ўз ичига олган «Хуқуқлар тўғрисидаги билль» зарур миқдордаги штатлар томонидан ратификация қилинди. «Дастлабки ўн тузатиш — «Хуқуқлар тўғрисидаги билль» алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда фуқароларнинг сиёсий, шахсий ва процессуал ҳуқуқлари кафолатланган»¹.

Шунинг учун ҳам «Хуқуқлар тўғрисидаги билль» шахснинг муайян ҳуқуқларига, шу жумладан сўз, матбуот, йиғилишлар ва эътиқод эркинлигига давлат ҳокимиятининг тажовуз қилиш имкониятларини чеклайди. Шунингдек, у Конгресс у ёки бу динни бошқа динлардан устун деб эътироф этишга қаратилган қонунларни қабул қилишини тақиқлайди. «Хуқуқлар тўғрисидаги билль»нинг учдан икки қисми жиноят содир этишда айбланаётган ёки гумон қилинаётган шахслар ҳуқуқларининг конституциявий ҳимоясига бағишланган. Бу ҳуқуқлар лозим ҳуқуқий тартиб-таомилларни қўллаш, ишни судда кўришда процессуал кафолатларга риоя қилиш, ўзига қарши кўрсатувлар беришдан бош тортиш масалалари билан боғлиқ. Бундан ташқари, улар ўта шафқатсиз ва гайриоддий жазоларга йўл қўйилмаслигини, шунингдек, айтиб бериш учун иккинчи марта жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмаслигини назарда тутди. «Хуқуқлар тўғрисидаги билль» қабул қилинган пайтда у фақат миллий ҳукумат ҳаракатларига татбиқ этилган.

¹ Жўраев С., Маҳкамов Ҳ., Рустамбоев С. Америка Қўшма Штатлари. — Т., ТДШИ, 2003, 246-бет.

5. Суд тизими

Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланади. Ўзбекистон Конституциясининг 107-моддасида мамлакатдаги суд тизимининг моҳияти, судларнинг ташкил топиш принциплари ёритилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Унда белгиланишича, бундай тизим Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари билан белгиланиши лозим¹. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, суд ишлари орасида судларга юклатилган энг асосий вазифа — бу одил судловни амалга ошириш ҳисобланади.

Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, олий ҳокимият вакиллари, масалан, Англия, Франция қироллари баъзан судда бевосита иштирок этганлар ва жиноят ишларини ўзлари кўриб чиққанлар. Англия қироллари XII асргача, ҳатто, жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга оширувчи кўчма судлар фаолиятида иштирок этганлар.

Ҳозирги цивилизацияга эришган давлатларда олий ҳокимият вакилига фақат «судга оид устунлик» берилган бўлиб, бу ҳолат афв этиш ҳуқуқи, судьяларни ва суд қарорлари устидан олий назорат органи ходимларини тайинлаш ва тасдиқлаш ҳуқуқини ўз ичига олади. Судга оид устунлик билан жиноят ишларини кўриш ҳуқуқига эга бўлган суд ҳокимиятини фарқлайдилар.

Табиийки, «ҳуқуқ устунлиги» ва «суд ҳокимиятининг мустақиллиги» каби тушунчаларнинг ўзаро муносабатлари шакл-шубҳасиздир. Аммо кўпгина назариячилар ва амалиётчилар, судьялар ва ҳокимият

¹ Қаранг: *Исламов З.М.* Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. — Т., ТГЮИ, 2003, 207-бет.

вакиллари бу категорияларнинг ўзаро нисбатига турлича ёндашадилар.

Маълумки, суд ҳокимиятининг мустақиллиги орқали суд тизими олдидаги муҳим вазифалар, чунончи: давлат органларини инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга мажбур этиш, ҳуқуқий нормаларни реал ҳуқуқ ва мажбуриятларга айлантириш, давлатнинг инсон ва жамият олдидаги, инсоннинг давлат ва жамият олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришини таъминлаш вазифалари амалга оширилади.

«Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғи бўлиб, у ўз функцияси бўйича ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларидан фарқ қилади. Суд ҳокимиятининг давлатнинг бошқа тузилмаларидан мустақил ажралиб чиқиши мазкур мамлакатнинг **ҳуқуқ устунлиги таъминли** (*муаллифлар таъкиди*)ни, ундаги эркинлик ва адолат ғояларини амалга татбиқ этишдаги жиддий ютуқлар ҳақида гувоҳлик беради. Суд ҳокимиятининг асосий мақсад-вазифаси — жамият аъзоларини, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини жамият бошқа аъзоларининг ҳуқуққа хилоф тажовузларидан, давлатнинг нотўғри ҳаракатларидан асраш, ҳимоя қилиш ҳисобланади»¹.

Умуман олганда, мустақил суд ҳокимиятисиз ҳуқуқнинг устунлигини таъминлаш мумкин эмас деб ҳисобланади. Ҳуқуқнинг устунлигини таъминлаш учун суд ҳар бир процесда ўз фаолиятини қўлланилаётган ҳуқуқни текширишдан бошлаши лозим. Бунда қўлланилиши лозим бўлган нормалар мазмуни-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир А.А. Азизхўжаев. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 414-бет.

ни текшириш билан бир вақтда, мазкур конкрет ишда суд амалга оширмақчи бўлган қоидаларга муайян умумҳуқуқий талабларни қўйиш ҳам зарур. Лўнда қилиб айтганда, суд ишни қонун сифатини текширишдан бошлаши лозим.

Шундай қилиб, суд тизими — бу муайян давлат фаолияти ва уни ташкил этишнинг ягона типларига, мақсад ва вазифаларнинг муштараклигига асосланган, ҳар бир бўғин ваколатлари юқори судни аниқлаш имконини берадиган даражада аниқ белгиланган суд идоралари мажмуидир.

Маълумки, суд ҳокимияти ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимининг таркибий қисми, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги низоларни ҳал қилиш воситаси ҳисобланади. Тўғри, суд ҳокимиятининг мазкур вазифаларини норматив-ҳуқуқий белгилаш соҳасида амалий тажриба бизда ҳозирча етарли эмас. Аммо ҳар қандай амалий тажриба пухта ишлаб чиқилган назарияга таянади. Бундай назария бизда, афсуски, ҳали яхши ишлаб чиқилганича йўқ.

Аммо мазкур муаммога берилаётган эътибор бизни келажакка ишонч билан қарашга ундайди. Чунки мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш устувор вазифалар қаторида туради. Шунинг учун ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи сифатида судларнинг фақат қонунга бўйсунганини таъминлаш мақсадида суд тизими мунтазам ва изчил ислоҳ қилинмоқда. Суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглиги таъминланиб, адвокатура идораларининг мавқеи ортмоқда. Суд ислоҳотини ўтказиш жараёнида жинойий ва фуқаролик ишларини кўрувчи судьяларнинг ихтисослашуви амалга оширилиб, бу масалаларни ташкилий жи-

ҳатдан ҳал этишга эришилмоқда. Бу, албатта, одил судловни амалга ошириш сифати ва тезкорлигини, энг муҳими, қабул қилинган суд қарорларининг адолатли бўлишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда мамлакатимизда жазо тизимини либераллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, бу борадаги қуйидаги ҳолат ниҳоятда диққатга сазовор: **«Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди.**

Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳамжамиятнинг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлгани, албатта, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ўта муҳим воқеадир. Нуфузли хорижий экспертларнинг таъкидлашига кўра, ушбу чора ва бу соҳада юқорида кўрсатилган бошқа бир қатор ишларнинг амалга оширилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг либерал жиной жазо тизимларидан бири яратилди»¹.

Аслида суд органлари тизимига прокуратура ҳам, милиция (ИИВ органлари) ҳам кирмайди, лекин уларнинг барчаси, шу жумладан Миллий хавфсизлик хизмати ҳам биргаликда ҳуқуқий давлат куриш, мамлакатда тинчлик ва хавфсизликни барқарор этишда ўрнига ва аҳамиятига эгаллигини Ўзбекистон Президенти мунтазам равишда таъкидлаб келаётган **ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари** гуруҳи ташкил этади.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 20—21-бетлар.

Қисқача айтганда, «Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни (шу билан бирга, ҳуқуқ устунлигини — *муаллифлар изоҳи*) мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир»¹.

¹ *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 15—16-бетлар.

IV. ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ ВА ҚОНУН УСТУНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ ЎЗARO НИСБАТИ

1. «Ҳуқуқ устуңлиги» ва «қонун устуңлиги» тушунчалари ўртасидаги фарқ

Аслида «ҳуқуқ ва қонунни фарқлаш концепция-сидан ҳуқуқнинг муҳим гуманистик, демократик мазмуни ҳақидаги энг қимматли ғояси келиб чиқди. Ҳуқуқни норматив мустаҳкамланган адолатлилик сифатида тушунишда адолатлилик ҳуқуқнинг мазмунини белгилайди, унинг норматив мустаҳкамла-ниши эса ҳуқуқнинг зарур шаклини белгилайди. Шундай қилиб, ҳуқуқ қонундан торроқ, чунки ҳам-ма қоидалар ҳам адолатли эмас. Бошқа томондан, ҳуқуқ қонундан кенгроқ, чунки у ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган қонунлар тизимини ҳам ўз ичига олади. Ҳуқуқ ва қонуннинг нисбати-ни, табиийки, тадқиқотчини давлат ва ҳуқуқнинг нисбати муаммосига олиб келади. Уларнинг нисбати худди ҳуқуқ ва қонунники каби бир хил эмас. ...Фақат ҳуқуқ билан чекланганлиги давлатни асл ҳуқуқий давлат сифатида кўрсатади. Бундай чеклаб қўйилган-ликнинг муҳим амалий кафолати эса — конституциявий назорат тизимидир. Ҳуқуқ ва қонун шакла-нишининг таҳлили улар ўртасидаги нисбатни янада уйғунлаштиришга йўл очиб беради»¹.

Оддий онгда ҳуқуқ ва қонун баъзан бир-бирига тенглаштирилади. Ваҳоланки, қонун — давлатнинг

¹ *Муҳамедов Ў.* Конституция ва қонун устуңлиги. — Т., 2003, 28—29-бетлар.

сиёсий тусга эга бўлган ҳукми, ҳуқуқ эса — ижтимоий муносабатлар замирида ётади ва ҳокимият томонидан яратилмайди. У ёки бу омиллар таъсирида қонун қонун чиқарувчининг ўзбошимчалигига руҳсат бериши мумкин ва бу ҳолда у ҳуқуқий бўлмайди. Сиёсий тузуми демократик бўлмаган давлатларда бундай ҳолат, айниқса, кўп учрайди. Бунда қонун ўрнини амалда ижро этувчи ҳокимият органи ҳужжатлари эгаллайди.

Умуман олганда, ҳуқуқ устунлиги ҳамда унинг асосий элементи бўлган қонун устунлиги ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири саналади. Шу маънода олиб қараганда, «ҳуқуқ» тушунчасининг «ҳуқуқий давлат», «ҳуқуқий тартибот», «қонунийлик» каби тушунчалар билан ҳамоҳанглиги асло бежиз эмас¹. Қолаверса, бунда ҳокимиятнинг бўлиниши, давлат ва фуқароларнинг ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар билан боғланганлиги ҳам инобатга олиниши шубҳасиз. Шу билан бирга, ҳуқуқ ва қонуннинг амалда ўзаро мувофиқ келмаслиги ҳуқуқ устунлиги ва қонун устунлиги масалаларини алоҳида-алоҳида ўрганишни талаб қилади².

Ҳуқуқ устунлиги принципи қонун халқ хоҳиш-иродаси ифодаси сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иерархиясининг бошида туришини ва олий юридик кучга эга бўлишини англатади. Асосий ҳуқуқий нормалар (яъни қонун соҳасидан эмас, балки ҳуқуқ соҳасидан олинган нормалар) ёзиб қўйилган давлатнинг Асосий Қонуни — Конституция олий юри-

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Алексеев С.С. Право на пороге нового тысячелетия. — М., «Статут», 2000, 180-бет.

² Қаранг: Исломов З.М. Ҳуқуқ устунлиги ва унинг амалиётга жорий этилиши масалалари // Ўзбекистон ҳуқуқий тизимини такомиллаштиришда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг аҳамияти: халқаро конференция материаллари. — Т., ТДЮИ, Нагоя у-ти, 2010, 166-бет.

дик кучга эга бўлади. Қолган қонунларнинг барчаси Конституция билан мувофиқ келиши лозим. Шунда қонунчилик даражасида конституциявий назорат мавжуд бўлади. Агар қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид келса, Конституциявий судга мурожаат қилиш мумкин бўлади. Мазкур орган у ёки бу қонун Конституцияга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини аниқлайди. Ҳуқуқ ва ҳуқуқий қонун ҳокимият эгаларининг ҳукми (маъмурий кўрсатмаси)дан устунроқдир, шу туфайли ҳам давлатни инсон эмас, балки ҳуқуқ (ва ҳуқуқий қонун) бошқариши лозим. Демак, «барча давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти Конституцияга мувофиқ бўлиши лозим. Барча мансабдор шахслар, уларнинг даражаси ва мавқеидан қатъи назар, Конституция принциплари ва нормаларини бузганлик учун жавобгар бўладилар»¹.

Ҳуқуқ устунлиги — конституционализмнинг энг муҳим воситаси. Ҳуқуқнинг устунлиги аниқ, адолатли ва барқарор қонунлар мавжудлигини, улар беғараз суд тизими ёрдамида ҳаётга татбиқ этилишини англатади. Ҳуқуқ устунлиги ҳар бир инсон, шу жумладан юксак лавозимларни эгаллаб турган шахслар ҳам қонунга бўйсунушлари лозимлигини назарда тутлади. Ҳуқуқнинг устунлигисиз ҳокимият эгалари қонунга риоя этиш мажбуриятини ўзларидан соқит этишлари ёки қонундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишлари мумкин. Аслини олганда, бир ҳикматли битикда айтилганидек:

«Қонун — майда пашшалар илиниб, йириклари қутулиб кетадиган тўр эмас».

Ҳуқуқ устунлиги ҳукумат ҳокимиятини ва унинг барча амалдорлари (судьялар, қонун чиқарувчилар, турли идораларнинг бошлиқлари ва бошқалар) ваколатларини чеклайди, улар ҳокимиятни суиистеъмол

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир А.А. Азизхўжаев. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 70-бет.

қилишларига монелик қилади, шунингдек, ҳокимиятни суиистеъмол қилганларни жазолайди.

Ҳозирги Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ва социал воқелик фактлари Конституция моддаларининг амал қилиш механизмини муайян қонунларда ишга тушириш жараёни анча суст ривожланаётганидан далолат беради. Бунда қонунлар баъзан ё жуда тез «эскиради», ёки амалда самара бермайди, ёхуд аҳоли томонидан адолатсиз қонунлар сифатида идрок этилади. Судда ишларни кўришда адолатсизликка йўл қўйиш ҳоллари ҳам учрайди. Фуқаролар ҳокимиятни назорат қилиш имкониятига амалда етарли даражада эга эмаслар.

Шундай қилиб, **ҳуқуқ устунлиги** — бу ҳуқуқнинг давлатдан устуворлигидир. Ушбу концепция замирида эркинлик, тенглик ва одиллик принциплари ётади.

Ҳуқуқ устунлиги ҳукуматни чеклаш ва шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятини беради. Ҳуқуқнинг устунлиги, биринчидан, ҳокимият тепасидагилар ўз ҳукмлари остидаги фуқаролар билан тенг даражада қонунга бўйсуниларини, иккинчидан, бу қонун одиллик асосида ва самарали амалга оширилишини англатади.

Ҳуқуқнинг устунлигисиз ҳокимият эгалари қонунга риоя этиш мажбуриятини ўзларидан соқит этишлари ёки қонундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишлари мумкин. Ҳуқуқ устунлиги ҳокимият ваколатларини суиистеъмол қилишга монелик қилувчи кафолатлар ва чекловларни, шунингдек, ҳокимиятни суиистеъмол қилганлар жазога тортилишини таъминлайди.

Гарчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳуқуқ устунлиги принципнинг мазмун-моҳияти очиб берилмаган бўлса-да, бироқ Асосий Қонунимизда мазкур принцип Конституция ва қонуннинг устунлигига

бағишланган нормаларда (15 ва 16-моддаларда) мустақамланган. Умуман олганда, ҳуқуқнинг устунлиги Ўзбекистон учун нисбатан янги принцип ҳисобланади. Мустақилликка эришилганидан кейингина давлатимиз бу соҳада умуминсоний қадриятларни тан олди. Шу туфайли ҳам у мазкур принципни ҳаётга татбиқ этиш борасида ўз ижобий тажрибасига эга эмас.

Шуни қайд этиш лозимки, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳуқуқ устунлиги ва қонун устунлиги принциплари ўртасидаги фарқ лозим даражада аниқ белгилангани йўқ. Мазкур принциплар бир-бирига қарши туриши эмас, балки ўзаро алоқа қилиши ва бир-бирини тўлдириши лозим. Афсуски, бу қоида норма ижодкорлиги амалиётида доим ҳам аниқ бажарилавермайди.

Ҳуқуқ устунлиги принципи, умуман олганда, унинг айрим таркибий белгиларида, яъни ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг минимал даражада етарлилиги ва ҳуқуқнинг умумийлиги принципи, давлатнинг инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқлиги принципи, ҳуқуқнинг мафкурадан холилиги, сиёсий кучларга нисбатан унинг мустақиллиги принципи, ҳокимиятнинг суд ва ижро тармоқларига нисбатан унинг мустақиллиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги принципи кабиларда яққол намоён бўлади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ устунлиги ва қонун устунлиги принциплари турли хил тушунчалардир. Аммо улар ўзаро алоқага киришади, бир-бирига таъсир кўрсатади ва бир-бирини тўлдиради. Ҳуқуқнинг устунлиги жамият ҳаётини ташкил этишда ҳуқуқнинг ҳал қилувчи ролига тегишли. Қонуннинг устунлиги эса норматив ҳужжатларнинг амал қилиш тартибини, уларнинг иерархиясини белгилайди. Бу принципларнинг ўрнини алмаштириш мумкин эмас. Ҳуқуқ устунлиги ҳуқуқий давлатнинг мазмун-моҳиятини амалда таъминлайди, қонун устунлиги эса — ҳуқуқнинг адо-

латлиги билан унинг норматив мустаҳкамланиши ўртасидаги мувофиқликни таъминлайди.

Ҳуқуқ устунлиги принципага Конституция ва қонун устунлиги принципини четлаб ўтиб ёндашиш қонунсизлик ва ўзбошимчаликка йўл очади. Ҳуқуқ устунлиги принципини изчил тушунмасдан, қонун устунлиги принципини тан олиш билангина кифояланиш эса адолатсиз, ғайриинсоний, нодемократик қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишига имконият яратади. Шу туфайли ҳам мазкур принципларнинг ўзаро нисбатини ўрнатишда бир принципнинг мавқеини бошқа принцип ҳисобидан камситмайдиган мувозанатга эришиш талаб этилади. Бу принципларнинг иккаласи ҳам бир пайтда амал қилиши инсон ҳуқуқларининг энг мақбул даражадаги ҳимоясини таъминлайди.

2. Ҳуқуқий тартибот — ҳуқуқ устунлиги ва қонун устунлиги принципларини ҳаётга татбиқ этиш натижаси

Цивилизацияга эришган давлатнинг мавжудлиги қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжудлигини, уларни ҳаётга татбиқ этишни тақозо қилади. Ҳар қандай кишилиқ жамияти, у цивилизациянинг қайси босқичида эканлигидан қатъи назар, муайян ҳуқуқий тартибга муҳтож бўлади. Бунда ўрнатилаётган тартиб жамиятнинг ривожланиш даражаси билан объектив белгиланади.

Маълумки, «ҳуқуқий тартибот — рўёбга чиққан қонунийликдир. Бу — ҳуқуқий тартибга солишнинг якуни, унинг рўёбга чиққан мақсадидир. Ҳуқуқий тартиботнинг собитқадамлиги, унинг барқарорлиги ва бузилмаслиги расмий қонунийлик билан эмас, балки ҳуқуқий қонунийлик билан таъминланади»¹.

¹ *Исламов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. — Т., «Адолат», 2007, 878-бет.

Қонунийлик — бу жамиятда ўрнатилган тартибга риоя қилиш талаби. Қонунийлик — бу ижтимоий ҳаётда ҳуқуқ ва қонун ҳукмронлигидан, ижтимоий муносабатлар барча иштирокчилари томонидан ҳуқуқий нормалар кўрсатмаларини оғишмай амалга ошириш, мансабдор шахслар фаолиятидаги ҳуқуқбузарлик ва зўравонликка қарши изчил курашиш, жамиятда тартиб ва уюшқоқликни таъминлашдан иборат ижтимоий-сиёсий режимдир. «Қонунийлик — давлатни таркиб топтирувчи бирон-бир жамиятда қонунларга ҳамда қонун талабларини ҳаётга татбиқ этишга нисбатан вужудга келадиган муносабатни билдирувчи юридик категориядир»¹.

Қонунийлик принцип сифатида эълон қилинади, ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг аксарияти учун фаолият услубига айланади ва охир-оқибат жамият ҳаётининг алоҳида режимида амалга оширилади. Қонунийлик деганда, мавжуд қонунларни тушуниш ярамайди. Қонунлар қонунийликнинг асоси ҳисобланади, холос. Тарихий воқелик баъзан қонунлар мавжуд бўлса-да, қонунийликнинг ўзи бўлмаганидан далолат беради.

Конституциявий қоидалар, қонун нормаларига зид идоравий ҳужжатлар (буйруқлар, йўриқномалар, низом ва бошқалар)ни қабул қилиш қонунийликни бузишга киради. Яқин ўтмишда бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитларида бундай амалиёт кенг тарқалганди. У идоравий манфаатлар йўлида фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатларини камситиш билан боғлиқ эди².

¹ *Раянов Ф.М.* Проблемы теории государства и права (юриспруденции). — М., «Право и государство», 2003, 293-бет.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир А.А. Азизхўжаев. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 70-бет.

Аслида ҳам моддий, ҳам процессуал тусдаги янги хатти-ҳаракат қоидаларини яратувчи идоравий ҳужжатлар қонун ҳужжатлари нормаларини аниқлаштирарди. Идоралар қонун яратиш ташаббусидан фойдаланишдан манфаатдор эмасди. Улар норматив тартибга солишдаги камчиликларни мустақил равишда ва хоҳлаганча тўлдиришга уринарди, яъни тор идоравий манфаатларни ҳимоя қиларди.

Шу ўринда қонунийликни мустабид шўро тузуми давридаги анъанавий тушуниш билан унинг принциплари орасида маълум зиддият мавжуд бўлганлигини алоҳида таъкидлашни истардик. Ўша пайтда, бир томондан, қонуннинг устуворлиги таъкидланар, иккинчи томондан, унинг аҳамияти камситиларди. Ҳуқуқни қўллашга келганда эса, келиб чиқишидан қатъи назар, барча ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар нормалари ҳақида гап кетмасди. Қонунийликни давлат томонидан ўрнатилган ёки рухсат этилган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, барча ҳуқуқ нормаларини бажаришдан иборат деб тушуниш объектив равишда давлат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тизимида қонуннинг аҳамиятини пасайтирарди, қонун қонуности ҳужжати даражасига тушириб қўйиларди. Шу муносабат билан юридик адабиётларда кенг маънодаги «қонунчилик» тушунчаси тарқалганлиги тасодифий эмасди.

Қонунийликнинг тўрт етакчи принципи: қонуннинг устунлиги, қонунийликнинг ягоналиги, мақсадга мувофиқлиги ва реаллиги. *Қонуннинг устунлиги* қонунлар мазмуни, қонунга барча норматив ҳужжатлар ва ҳуқуқни амалга ошириш (ҳуқуқни қўллаш, унга риоя қилиш, уни бажариш ва ундан фойдаланиш) ҳужжатларининг тобелиги нуқтаи назаридан қаралиши лозим. *Қонунийликнинг ягоналиги* деганда, норматив ҳужжатлар амалда бўлган ҳудудда қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар ҳуқуқнинг барча субъектлари томонидан бир хилда қўлланилиши тушунилади.

Ўзбекистонда бу муаммога мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Аммо бу соҳада барча муаммолар ҳали ўз ечимини топганича йўқ. Президент Ислон Каримов бу хусусда сўз юритар экан, жумладан, шундай дейди: «Қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш талаб этилади. ...Қабул қилинадиган қонун лойиҳаларида амалдаги қонун ҳужжатларидан фарқ қиладиган тафовутларга, такрорларга йўл қўйилганини, бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатлари кўплигини қайд этиш лозим. Ва энг асосий камчилик қабул қилинадиган қонунларда аксарият ўринларда ана шу қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларнинг мавжуд эмаслигида кўзга ташланади. Бу эса ўз-ўзидан ушбу ҳужжатларнинг қўлланишини сезиларли даражада қийинлаштиради, қонунларнинг ижро этилмаслигига, ҳуқуқий нигилизмга, яъни ҳар қандай ҳуқуқий норманинг инкор қилинишига, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигининг пасайишига олиб келади»¹.

Қонунийликнинг мақсадга мувофиқлиги ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни амалга ошириш фаолиятининг жамият мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ келувчи энг мақбул йўллари фақат қонун доирасида танланиши лозимлигини англатади. Мақсадга мувофиқлик ниқоби остида қабул қилинган қонунлардан четга чиқиш умуман ҳуқуқ-тартиботга катта таҳдид солади. Шунинг учун ҳам қонунлар то бекор қилингунига, тўлдирилгунига ва ўзгартирилгунига қадар мақсадга мувофиқ, албатта, бажарилиши шарт, деб ҳисобланади. Мазкур қоидага риоя этиш тегишли органлар зиммасига қонунийликка риоя этилиши

¹ Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-том. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 132—133-бетлар.

устидан қатъий назорат ўрнатиш мажбуриятини юклайди. Амалда қонунийлик ва мақсадга мувофиқлик қарама-қарши қўйилишига йўл қўйиш мумкин эмас.

Қонунийликнинг реаллиги — бу фаолиятнинг барча турларида ҳуқуқий кўрсатмалар амалда бажарилишига эришиш ва уларни ҳар қандай тарзда бузганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигидир. Жамият ҳаётида қонунийликнинг ўрни ва аҳамияти ҳуқуқ ва ҳуқуқий тартиботнинг роли билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳуқуқий тартибот — бу ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқ ва қонунийлик асосида тартибга солинганлик ҳолати. Ҳуқуқий нормаларсиз қонунийлик бўлиши мумкин эмас, аммо қонунийликсиз бу нормалар одамларнинг муайян хулқ-атворида мужассамлашмайди, амалга оширилмасдан, қоғозда қолиб кетаверади. Шундай қилиб, ҳуқуқ нормалари ва қонунийлик ҳуқуқий тартибот омиллари ва унга эришиш воситалари ҳисобланади. Бунда ҳуқуқий тартиботга бошқа йўл билан эришиш мумкин эмас.

Шундай қилиб, ҳуқуқий тартибот — ҳуқуқ ва қонунийликка асосланган ижтимоий муносабатларнинг тартиблилик ҳолатидир. Бу — ҳуқуқий талаблар ва кўрсатмаларни амалга оширишнинг оқибат натижаси, ҳуқуқий нормалар, яъни қонунийликка риоя қилиш, уларни бажариш натижасидир.

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг ўрни ва аҳамиятига турли нуқтаи назарлардан, энг аввало, давлат ва шахс нуқтаи назаридан ёндашилиши мумкин. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш методлари орасида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш алоҳида ўрин эгаллайди.

Мазкур методнинг мазмун ва моҳияти шу билан белгиланадики, давлат ҳуқуқий нормалар қабул қилади ва уларга ҳамма риоя этишини таъминлайди, яъни қонунийликка эришади ва шу тариқа ҳуқуқий тартиботни таъминлайди. Шунинг учун ёдда тутиш

лозимки, ҳуқуқий нормалар жамият ҳаётининг энг муҳим томонлари, чунончи: иқтисодиёт, сиёсий фаолият, мулкӣ муносабатлар, оила ва никоҳ масалаларини тартибга солади. Бинобарин, ҳуқуқий тартибот ва инсон фаолияти энг муҳим соҳаларининг барқарорлиги тегишли нормаларга риоя этилиши, уларнинг бажарилишига боғлиқ бўлади.

Шахс, фуқаро нуқтаи назаридан қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот, энг аввало, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонунӣ манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси ҳисобланади. Улар инсонни давлат ва унинг органлари, мансабдор шахсларнинг ўзбошимчалигидан ва ўзга шахсларнинг жиноӣ тажовузларидан муҳофаза қилишни таъминлайди.

Шахснинг эркинлик даражаси, унинг ҳуқуқлари ва демократиянинг ҳақиқийлиги қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг ҳолатига боғлиқ бўлади. Ҳозирги вақтда шахс манфаатлари давлат учун устувор деб эълон қилингани боис, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш давлат фаолиятининг энг муҳим мақсади ҳисобланади. Бинобарин, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот жамоат тартибининг ўзагини ташкил этади. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муқаррар шарти ва воситасидир. Уларни мустаҳкамламадан давлатда ҳуқуқий асосларни яратиш жараёнини йўлга қўйиш мумкин эмас. Мустаҳкам қонунийлик ҳамда ҳуқуқ ва қонунийликка асосланган барқарор тартиб мавжуд бўлган тақдирдагина давлат ҳуқуқий бўлади. Демак, «ҳуқуқий давлатда ҳуқуқнинг устунлиги қанчалик зарур ҳисобланса, қонунийлик унинг узвий давоми сифатида шунчалик муҳим ҳамда нуфузли ижтимоӣ қадрият саналади»¹.

¹ *Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У.* Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий қадриятлар. — Т., 2010, 314-бет.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий қонунийликни таъминлаш ва демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш йўлидан собитқадамлик билан борар экан, «Сўнгги йилларда юртимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасида жиддий ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда, прокуратура фаолиятини ислоҳ қилиш, уни собиқ тузум даврида бўлганидек партиявий элита қўлидаги жазолаш қуроли эмас, балки қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинди»¹.

Шундай қилиб, қонунийлик ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг юридик воситаси ҳисобланади. Ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бориш иқтисод, сиёсат ва бошқа ижтимоий жараёнларнинг энг муҳим томонларини ҳуқуқий доирада ривожлантиришни назарда тутди.

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот — жамият ҳаётида ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилиши билан белгиланган муштарак ҳуқуқий ҳодисалар. Қонунийлик — давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви барча органлари, барча мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ҳар қандай турдаги фаолиятни амалга оширишда қонунларга аниқ ва қатъий риоя этишлари лозимлиги талаби.

Агар давлат мансабдор шахслари ва ташкилотлар, корхоналар, муассасалар вакилларининг ҳаракатлари, шунингдек, фуқароларнинг хулқ-атвори ҳуқуқ нормалари билан мувофиқ келса, бу қонунийлик

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 23-бет.

амалга оширилаётганини англатади. Кимдир қонун талабларидан четга чиқса, қонуннинг бузилиши юз беради. Шу ўринда ҳали-бери қонунчилигимизда ҳам, қонунни қўллаш фаолиятимизда ҳам ўтмиш замоннинг иллатларидан ҳамон қутила олмаётганлигимизни тан олишимизга тўғри келади»¹.

Давлат органлари мансабдор шахсларининг қонунларга риоя этишлари, айниқса, муҳимдир. Қонунийлик ҳар қандай сиёсий режимда ва ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тузумда мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, қонунийлик талабига Хаммурапи қонунларида (милоддан аввалги XVII аср), Юстиниан дигестларида (милодий 533 йил) дуч келиш мумкин.

Аммо ҳақиқий қонунийликсиз демократияни қарор топтириш мумкин эмас. Қонунлар амал қилмаётган ва фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилаётган бўлса, демократия мавжуд деб айтиш сиёсий ўйиндан, амалдорларнинг ўзбошимчалиги ва коррупцияни хаспўшлашга хизмат қилувчи қип-қизил кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас.

Ҳуқуқий тартибот — бу давлат томонидан ўрнатиладиган ва муҳофаза қилинадиган хулқ-атвор қоидалари (ҳуқуқ нормалари) ҳамда уларда назарда тутилган ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятлар амалга оширилиши натижасида юзага келувчи муносабатлар тартибидир. Қонунларсиз қонунийлик бўлмаганидек, ҳуқуқий муносабатларсиз ҳуқуқий тартибот ҳам бўлиши мумкин эмас. Аммо ҳуқуқий тартибот — бу ҳуқуқий муносабатларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки уларнинг давлат томонидан кафолатланувчи алоҳида мажмуидир. Бунда субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш ва юридик мажбуриятларни қатъий бажариш учун имконият яратилади. Агар жамиятда

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. — Т., «Ўзбекистон», 2002, 34-36-бетлар.

ҳуқуқий тартибот бўлмаса, ишлаб чиқариш ривожланмайди, савдо соҳаси нормал фаолият кўрсата олмайди, амалдорларнинг ўзбошимчилиги ҳукм суради, жамиятнинг барча жабҳаларига жиноятчилик суқилиб киради.

3. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ устунлиги ва қонун устунлиги принципларининг мустаҳкамланиши ҳамда уларнинг жамият ва давлат амалиётига татбиқ этилиши

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишни устувор вазифалар сифатида белгилади. Маълумки, давлатда улкан ўзгаришлар юз бераётган даврда ҳуқуқнинг устунлиги, қонунчиликни янгилаш ва ривожлантириш масалалари айнқса долзарб аҳамият касб этади. Уларни ҳал этмасдан иқтисодий ва бошқа хил ислоҳотлар амалга оширилишини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг ўсишини тўхтатиш, ҳуқуқий давлатни самарали шакллантириш мумкин эмас.

Давлатимиз бошлиғи таъкидлаганидек: «Ўзбекистоннинг олдида турган ушбу устувор вазифаларнинг барчасини ҳал қилишда парламентнинг аввалги таркиби мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ишида катта аҳамиятга эга бўлган 250 дан зиёд қонунни қабул қилиб, муҳим ҳисса қўшди.

Бугун шу борада амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, айтиш мумкинки, парламентнинг профессионал органи сифатида доимий фаолият олиб борадиган, қонунларни ишлаб чиқадиган ва қабул қиладиган қуйи палатаси ва ҳудудий вакиллик

органи сифатида минтақаларимизнинг манфаатларини тўлиқ ақс эттирадиган юқори палата бўлмиш Сенатни шакллантириш бўйича асосий вазифалар, умуман олганда, муваффақиятли ҳал қилинди»¹.

Аммо Президент ўз маърузасида у ёки бу қонун ҳужжатини қабул қилишнинг ўзи билан иш битмаслигини ҳам таъкидлайди. Зеро, қонун ҳужжатлари сонининг кўпайгани ўз-ўзича ҳуқуқнинг устунлигидан ва қонунийликнинг мустаҳкамланганидан далолат бермайди. Гарчи депутатларнинг аввалги таркиби давлат ва жамиятни модернизация қилиш ишида улкан аҳамият касб этувчи қонунлар қабул қилган бўлса-да, давлатимиз бошлиғи аввалги парламенти-миз фаолиятидаги камчилик ва нуқсонлар, фойдаланилмасдан қолган имкониятлар ҳақида ҳам айтиб ўтишни зарур деб билди.

Биринчидан, Қонунчилик палатаси фаолиятидаги энг катта камчиликлардан бири унинг қонун ижодкорлиги ишлари бўйича чуқур ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган, мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёнининг талаблари билан узвий боғлиқ бўлган, узоқ истиқболга мўлжалланган ўз дастурига эга эмаслигида кўринади.

Иккинчидан, иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислоҳотларни амалга ошириш учун ҳаётий зарур бўлган қонунларни кири-тиш ташаббуси билан чиқишда ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштиришда депутатлар корпусининг сусткашлиги, бу борада етарлича фаоллик кўрсатмаётгани жиддий камчилик ҳисобланади.

¹ *Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-том. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 126-бет.*

Учинчидан, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш талаб этилади. Ва энг асосий камчилик қабул қилинадиган қонунларда аксарият ўринларда ана шу қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларнинг мавжуд эмаслигида кўзга ташланади.

Тўртинчидан, қонунда кўзда тутилган депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга таъсир кўрсатиш шаклларида сўст фойдаланилмоқда.

Бешинчидан, парламент депутатларининг ўз сайлов округидаги тизимли фаолиятини сезиларли даражада яхшилаш талаб этилади.

Олтинчидан, қуйи ва юқори палаталар амалий фаолиятининг, айниқса, дастлабки даврида аксарият ҳолларда ҳар икки томоннинг ўз амбицияларини намоён этиши билан боғлиқ бўлган жиддий муаммолар ҳам кузатилди, бундай зиддиятлар қонун ҳужжатларини қабул қилиш муддати ва сифатига салбий таъсир кўрсатди¹.

Умуман олганда, маърузадан рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатларни, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегияси зарур, деган хулоса келиб чиқади.

Унда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, Ўзбекистонни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъ-

¹ Қаранг: *Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари.* 18-том. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 131—135-бетлар.

сир кўрсатишнинг самарадорлик даражасини ошириш вазифалари белгилаб қўйилиши лозим.

Мустақиллик йиллари мобайнида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида туб ўзгаришлар юз берди. Суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилди. Жинойий жазо тизимини либераллаштириш, амалда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш жараёнларига катта эътибор берилди. Адвокатура институти ислоҳ этилди. Суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди, бутун суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштиришга қаратилган бошқа бир қатор чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилди. Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида 2007 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари бутун дунёда улкан қизиқиш ва эътибор уйғотди.

Шундай қилиб, эришилган ютуқлар билан бирга, мамлакатимиздаги қонунчилик фаолиятида муайян камчиликлар ҳам йўқ эмаслиги кўзга ташланади. Миллий парламентимиз қуйи палатаси фаолиятидаги жиддий камчиликлардан бири унинг қонун ижодкорлиги ишлари бўйича чуқур ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган ўз дастурига эга эмаслиги билан боғлиқ. Бу кўпинча қонунларнинг аниқ бир тизимга риоя қилмаган ҳолда, уларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан киритилишига қараб қабул қилинишига олиб келаётган сабаблардан биридир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш ғоят долзарб вазифа ҳисобланади. Чунки уларнинг кўпчилиги амалдаги

қонун ҳужжатларига ўзгартиш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган бўлиб, кодификациялашиш характериға, яъни муайян даражада тизимлашув мазмуниға эға эмас. Қабул қилинадиган қонун лойиҳаларида амалдаги қонун ҳужжатларидан фарқ қиладиган тафовутларға, такрорларға йўл қўйилганини, бошқа ҳужжатларға ҳавола қилиш ҳолатлари кўплигини қайд этиш лозим. Ниҳоят, энг муҳим камчилик қабул қилинадиган қонунларда аксарият ҳолларда ана шу қонун ҳужжатларининг ҳаётға татбиқ этилишини таъминловчи механизмларнинг, зарур шарт-шароитларнинг мавжуд эмаслигида намоён бўлади. Бу эса ўз-ўзидан ушбу ҳужжатларнинг қўлланишини сезиларли даражада қийинлаштиради, қонунларнинг ижро этилмаслигига, ҳуқуқий нигилизмға, яъни ҳар қандай ҳуқуқий норманинг инкор қилинишиға, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлиги пасайишиға олиб келади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ижтимоий соҳада ижтимоий давлатнинг барқарор қонунчилигини ҳали ярата олганича йўқ. Ўз маърузасида бу ҳақда сўз юритар экан, давлатимиз бошлиғи шундай дейди: «Фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш қонунчилик фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиши зарур, деб ҳисоблайман. Токи, бу институт ва ташкилотлар қарорлар қабул қилиш, ўзлари мансуб бўлган ижтимоий қатлам ва тузилмаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тизимида муносиб ўрин эгаллай олсин»¹.

¹ *Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-том. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 148-бет.*

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида асосий ҳужжатлар қабул қилинган, лекин улар жуда суст амалга оширилмоқда. Кўпгина ҳуқуқий нормалар ва институтлар (масалан, юридик жавобгарлик институти) ҳаракатсиз қолмоқда.

«Шу муносабат билан бугунги кунда экологик йўналишдаги 100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотни бирлаштирган Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Мазкур ҳаракатдан сайланган депутатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантиришга, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти идоралари, шунингдек, турли ижтимоий ва бошқа тузилмаларнинг бу соҳада шу пайтга қадар қабул қилинган ҳужжатларни сўзсиз бажариш бўйича масъулиятини ошириш юзасидан тизимли ишларни ташкил қилишга кўмаклашишлари лозим.

Барчамиз бир оддий ҳақиқатни қатъий ва аниқ англаб олишимиз керак — бундан буён Ўзбекистон Экологик ҳаракати янги сифат босқичига кўтарилади, юксак депутатлик минбаридан туриб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни қўлга киритади»¹.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, ўган давр мобайнида юртимизда самарали, демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида ғоят чуқур ўзгаришлар амалга оширилди.

¹ Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-том. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 148—149-бетлар.

Шу ўринда Конституциямизга, шунингдек, «Сайловчилар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунларга 2003 ва 2008 йилларда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Айни чоғда бу даврда ушбу соҳага оид кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Буларнинг барчаси миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашувини, икки палатали парламент сайловларининг қонун талаблари ҳамда умум эътироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукамал қонунчилик базасининг шаклланишига олиб келди. Бу қонунларда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиغا, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни сиёсий партиялар томонидан, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларни эса сиёсий партияларнинг жойлардаги тегишли органлари томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принципиал қоида мустаҳкамланди. Депутатликка номзодларнинг давлат ҳокимияти ижро органлари томонидан кўрсатилиш амалиёти бекор қилинди ва бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлидаги принципиал қадам бўлди¹.

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 35—36-бетлар.

Яна бир муҳим янгилик қонун ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ фаолиятида ошкораликни кўпроқ таъминлашга қаратилган нормаларнинг киритилишида ўз аксини топди. Шундай қилиб, «сайлов жараёни билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва такомиллаштириш — бу жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш давридаги ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади»¹. Шунинг самараси ўлароқ, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайлов тизимимиз мунтазам такомиллаштириб борилмоқда.

4. Ҳозирги босқичда Ўзбекистонда ҳуқуқ устунлигининг ҳолати ва мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш йўллари

Ҳозирги босқичда Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ устунлигининг ҳолатига назар ташлаш, бизнингча, мамлакат қонунчилигини қуйидагича тавсифлаш имкониятини беради:

а) у ўз вазибалари, принциплари, ўзаро боғланган таркибий қисмларига эга бўлган яхлит қонунчилик тизимини ўзида ифодалайди ва Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг асосий қисми ҳисобланади;

б) мамлакат қонунчилиги доирасида қонунларнинг расмий таснифи ва уларнинг ўзаро нисбати белгиланган, юридик коллизияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тартиб-таомиллари мустаҳкамланган;

¹ Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш. Ўқув-услубий мажмуа. — Т., ТДЮИ, 2011, 17-бет.

в) қонунчилик жараёни тартибга солинган;

д) қонун ҳужжатлари мажмуини тизимга солиш ва уни тармоқлар, кичик тармоқлар, институтлар ва норматив тўпламларга ажратиш амалга оширилмоқда.

«Қонунийликни мустақкамлаш давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятида қонунийлик кафолатларини шакллантиришни, такомиллаштиришни ва ривожлантиришни назарда тутади. Қонунийлик кафолатлари деганда, ижобий таъсир этувчи шарт-шароитлар, бирон-бир тузилманинг ҳам ички, ҳам ташқи омил ва воситалари тушунилади»¹.

Қонунийлик ҳолатини назорат қилиш давлат ҳокимияти олий органларининг назоратини, давлат бошқаруви олий органларининг назоратини, суд назоратининг конституциявий ва бошқа кўринишларини, жамоатчилик назоратини ўз ичига олади.

Қонунийлик ҳолатини баҳолашнинг ягона мезонларини, шунингдек, давлат маҳкамаси ва унинг айрим бўғинлари, органлари, бўлинмалари, хизматлари фаолиятига татбиқан унинг кўрсаткичларини аниқлаш тизимини ишлаб чиқиш улкан назарий ва амалий аҳамиятга эга. Давлат органлари фаолиятидаги қонунийликнинг бузилишлари тўғрисидаги хилма-хил ахборот манбаларини билиш ва улардан фойдалана олиш, агар, масалан, статистик ҳисоботларда улар расман ҳисобга олинмаган бўлса, уларни фош эта олиш керак. Давлат органлари фаолиятида қонунийлик бузилишларининг ўсиши ва таркибини таҳлил этиш учун назорат қилувчи текширишларни ўтказиш давомида бўлинмалар раҳбарлари томонидан йўл қўйиладиган шунга ўхшаш бузилишларни топиш, фош қилиш усулларини ишлаб чиқиш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

¹ *Исламов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. — Т., «Адолат», 2007, 867-бет.

Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш тизимини ташкил этиш: йўл қўйилган қонунийлик бузилишларини, уларнинг содир бўлиш сабаблари ва шарт-шароитларини таҳлил қилиш, бундай бузилишларнинг олдини олиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш; давлат органлари фаолиятида қонунийликни ҳимоя қилиш чораларини такомиллаштириш; ҳам ўқитиш, ҳам хизмат вазифаларини адо этиш жараёнида амалий кўникма ва маҳоратни шакллантириш кабиларни қамраб олади.

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг аҳамияти турли нуқтаи назардан, энг аввало, шахс ва давлат нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши мумкин. Давлат учун бу аҳамият, биринчи навбатда, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг тутган ўрни билан белгиланади. Жамиятга раҳбарлик қилар экан, давлат хилма-хил — иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, ташкилий ва бошқа усул ҳамда воситалардан фойдаланади. Улар орасида ҳуқуқий тартибга солиш алоҳида ўрин тутати. Ушбу усул шундан иборатки, давлат ҳуқуқий нормаларини чиқаради (тасдиқлайди) ва ҳамма ерда уларнинг бажарилишини, уларга риоя этилишини, яъни қонунийликни таъминлайди, шу билан ҳуқуқ-тартиботнинг тегишли даражасига эришади.

Шахс нуқтаи назаридан қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот, энг аввало, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида намоён бўлади. Улар ҳам айнан давлатнинг, унинг органларининг зўравонлигидан, ҳам бошқа шахслар томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракатларидан инсонни муҳофаза этишни таъминлайди. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг ҳолатига қараб шахс эркинлиги даражаси, унинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳақиқийлиги, демократиянинг даражаси ва чинакам-

лиги белгиланади. Ҳозирги замон шароитларида шахс манфаатлари давлат учун устуворлик касб этаётган экан, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг бу томони ҳам давлат фаолиятининг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади. Буларнинг барчаси умуман жамият учун қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг алоҳида аҳамиятини ҳам белгилаб беради; улар жамиятдаги тартибнинг ўзаги, асоси, умуминсоний қадриятлар, ҳуқуқий ва умумий маданиятнинг салмоқли қисми сифатида намоён бўлади.

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг зарур шarti ва воситаси бўлиб, уларнинг ўзи эса шу давлатнинг зарурий таркибий қисмларидир. Мустаҳкам қонунийлик ҳамда ҳуқуқ ва қонунийликка асосланган тартиб ўрнатилган тақдирдагина давлат чинкам ҳуқуқий бўлади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўрни ва аҳамияти бениҳоя катта. Зотан, *«ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими — инсоннинг ҳуқуққа зид қилмишлардан ҳимояланишини таъминловчи давлат-ҳуқуқ воситалари, методлари ва кафолатлари мажмуидир»*¹.

Давлатнинг ҳар қандай органи бирон-бир даражада ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширади. Шу билан бирга, мазкур фаолият (ихтисослаштирилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти) асосий деб ҳисобланадиган давлат органлари (Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Прокуратура) ҳам мавжуд. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ҳуқуқий муносабатлар доирасида амалга оширилади. У ҳуқуқни муҳофаза қилиш

¹ Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. — Т., «Адолат», 2007, 872-бет.

тизими принципларига мос келиши шарт. Шу муносабат билан давлатимиз бошлиғи қуйидагиларни алоҳида уқтирган эди: «Биз давлат тузилмалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидаги нохуш ҳолатлар — аҳоли кўз ўнгида ҳокимиятни обрўсизлантираётган порахўрлик, тамагирлик ва коррупция кўринишлари билан бундан буён асло мураса қила олмаймиз»¹.

Ҳуқуқий давлатда қонунийликнинг муайян кафолатлари мавжуд бўлади. Бу ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, юридик ва халқаро кафолатлар бўлиб, улар қонунга риоя этилиши ва унинг бажарилишини таъминлайди. **Қонунийликнинг сиёсий кафолатлари** — бу, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва давлат тузумининг демократизми, сиёсий ва мафкуравий плюрализм, давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг фаол иштироки. **Қонунийликнинг ижтимоий-иқтисодий кафолатлари** — мулк шаклларининг ранг-баранглиги, уларнинг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар тенг ҳимоя қилинишини таъминлаш, эркин тadbиркорлик, фуқароларнинг ўз бунёдкорона ва ижодий меҳнат қилиш қобилятидан фойдаланиш ҳуқуқи, ишга ёллаш, ишдан бўшатиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг одилона шартлари ва ҳоказо. **Қонунийликнинг юридик кафолатлари**га қуйидагилар киради: ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланиши лозим бўлган барча ижтимоий муносабатларнинг қонунлар ёки қонуности ҳужжатлари билан норматив тартибга солинганлиги, қонунларга риоя этилишини назорат қилувчи махсус органлар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қи-

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том. — Т., «Ўзбекистон», 2000. 336-бет.

лиш органларининг самарали фаолияти, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига даҳл этган мансабдор шахсларни юридик жавобгарликка тортиш. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-молдасида шундай дейилади: «Маъқур Конституциянинг бирорта қондаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас». **Қонунийликнинг халқаро кафолатлари**га қуйидагилар кириди: халқаро ташкилотлар, БМТ ихтисослаштирилган органларининг турли мамлакатларда инсон ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш борасидаги фаолияти, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамловчи қонун ҳужжатлари бузилаётган минтақаларга юқорида номлари зикр этилган ташкилотлар ва органлар вакиллариининг инспекцион сафарлари, фуқароларнинг ўз бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб халқаро органларга мурожаат этиш ҳуқуқи.

Хулласе, қонунийлик ва ҳуқуқий давлат — кўп жиҳатдан ўхшаш категориялар, бироқ уларнинг асос-негизлари ҳар хил. Қонунийлик ҳуқуқ соҳасидаги барча субъектлар қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этишларини талаб қилиди, ҳуқуқий давлат эса худди шундай талабни халқ ҳокимияти функцияларини бажарувчи давлат тузилмаларига қўяди. Шу сабабли ҳуқуқий давлат режимини амалга ошириш, энг аввало, ҳокимият тузилмалари, чунончи: давлат ҳокимияти, бошқарув, суд ва прокуратура органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонун таътанасини аниқлатади. Пировард натижада қонунийлик ва ҳуқуқий давлат қонун ҳаёт фаолияти унга бўлган муносабатга боғлиқ бўлмаган мустақил, объектив кучга айланишига олиб келиди.

Ҳуқуқ устунлиги ва қонунчиликни такомиллаштириш муаммоси ҳақидаги мулоҳазаларимизни Ўзбекистон Президентининг қуйидаги сўзлари билан яқунласак, ўринли бўлади, деб ўйлаймиз: «Бугунги кунда давлат ва жамият қурилиши соҳасида мамлакатимиз олдида ўзининг миқёси ва қамровига кўра улкан вазифалар турибди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-бери давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарур. Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни сақлаш каби бири-биридан масъулиятли ва кенг қўламли бир қатор вазифалар борки, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги кунни ана шу масалаларни қанчалик муваффақият билан ҳал этишимизга боғлиқдир»¹.

¹ Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-том. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 137-бет.

V. ҲУҚУҚНИНГ УСТУНЛИГИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши асослари ва ўзига хос хусусиятлари

Ўзбек давлатчилигининг ривожланиши давримизнинг умумий қондасини тасдиқлайди: ўзини цивилизацияга эришган деб ҳисоблайдиган ҳар бир давлат ўз конституциясига эга. Бу табиий ҳолдир. Ҳозирги замон давлати учун конституциянинг аҳамияти ва зарурияти, энг аввало, шу билан белгиланадики, унда мазкур давлатнинг асосий принциплари ва вази-фалари, уни ташкил этиш асослари, фаолият шакллари ва усуллари мустаҳкамланади.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов бу хусусда шундай дейди: «Конституция — нафақат бугунги куннинг қомуси, балки у эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб тургувчи маёқдир. Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаланинг бир жиҳати, холос. Масаланинг бошқа бир муҳим томони шундаки, қабул қилинган ҳужжатни ҳаётга татбиқ эта билмоқ, унга риоя этмоқ ҳам керак. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, республикамызда яшаётган ҳар бир фуқаро мансаби, касби, миллатидан қатъи назар, Асосий Қомусимизга бенуқсон амал қилиши лозим. Бу биз шу кунгача эришган ва келгусида албатта эришишимиз мумкин бўлган ютуқларнинг энг муҳим шартидир»¹.

¹ *Каримов И.А.* Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. — Т., «Ўзбекистон» 1996, 154—155-бетлар.

Конституция жамият тараққиётининг барча соҳаларида давлат бошқарувининг чегаралари ва хусусиятини, давлатнинг инсон ва фуқаро билан ўзаро муносабатини белгилайди. Энг муҳими — конституция инсон асосий ҳуқуқлари ва эркинликларига олий юридик куч бахш этади, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилади. Бугунги кунда истиснолар деярли амал қилмайди. Ҳатто, Буюк Британиядек мамлакатда ягона ва кодекслаштирилган асосий қонун бўлмаса-да, XVII асрдаёқ қабул қилинган «Хабеас корпус акти» ва «Ҳуқуқлар тўғрисидаги билл»дан тортиб, то анъаналар тўпламигача бўлган юридик ҳужжатлар мажмуи унинг конституциясини ташкил этади.

Қолаверса, Франция, Германия, Италия, Япония, Греция, Португалия, Испания каби мамлакатлар конституциявий тузумларининг янгиланиши XX асрнинг иккинчи ярми учун хосдир. Шубҳасиз, бу ҳол номлари юқорида зикр этилган мамлакатларда ва бутун дунёда рўй берган жиддий сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар, янги давр қўйган талаблар билан боғлиқ.

Ўзбекистон собиқ Иттифоқ ҳудудида биринчилардан бўлиб ҳуқуқий суверенитетга эришиш мақсадини эълон қилди, президентлик-республика бошқарув шаклини жорий этди, давлат рамзлари бўйича комиссия тузди, Мустақиллик тўғрисида декларация қабул қилди, Конституциявий комиссия тузди, ўз Конституциясини ишлаб чиқди ва қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси янги Конституцияси лойиҳасини мамлакатимизнинг бутун халқи муҳокама қилди. Яъни: «Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, бутун халқ оммаси Конституция лойиҳасини улкан қизиқиш ва озод Ватан учун чексиз ифтихор туйғулари билан кутиб олди»¹. Шунинг учун ҳам Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, ру-

¹ *Одилқориев Х.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., «Шарқ», 2002, 12-бет.

ҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида ифода этганлиги билан ажралиб туради. Бу — Конституциямизни нафақат муҳокама қилишда, балки ишлаб чиқишда ҳам бутун халқ иштирок этганлигининг ёрқин далолатидир.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши янги Ўзбекистонни барпо этишда мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа бўлди. Президентимиз таъкидлаганидек: «Ўзининг Асосий Қонунида давлат тузуми принципларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамиятни ривожлантиришнинг иқтисодий негизлари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамлаб қўймаган давлат чинакам суверен давлат бўла олмайди. Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик-ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди»¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фақат юридик ҳужжатгина бўлиб қолмай, айни пайтда у дастурий-мақсад вазифасини ҳам бажаради. Ҳам бугунги, ҳам эртанги кунимизнинг Асосий Қонуни сифатида у жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар йўналишларини олдиндан белгилаб беради. Фуқароларнинг кундалик ҳаётларида конституционализм, яъни ижтимоий осойишталик йўлида давлат ҳокимиятини чеклаш руҳини, ҳуқуқ ва қонунга ҳурмат-эътиборни шакллантиришда унинг беқиёс аҳамияти шундан келиб чиқади.

«Ўзбек халқи тарихида кескин бурилиш ясаган, истиқлол учун курашлар самараси бўлган, аҳамияти жиҳатидан асрларга татигулик ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида... Асосий Қонунимиз — Конституциямизни алоҳида эҳтиром билан тилга оламиз. Мустақил давлатчиликнинг белгиси ҳисобланмиш Конститу-

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тирақчиёт йулида. 6-том. — Т., «Ўзбекистон», 1998, 138-бет.

ция, аввало, миллатнинг юзи, халқнинг эрки ифодаси, жамият тараққиётининг асосидир»¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий аҳамияти шундан иборатки, у дунё сиёсий харитасида янги суверен давлат пайдо бўлганини қонуний мустақамлади. Бинобарин, ҳеч бир давлат ўзининг Асосий Қонунида давлат ва жамият қурилишининг принципларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустақамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмаслиги аниқ.

Конституция принципларининг универсаллиги унинг «Муқаддима»сида ўз ифодасини топган. Айнан унда Асосий Қонуннинг қонунийлик манбаи — халқ розилиги кўрсатиб ўтилган. Асос-негиз қадриятларимизни мавжуд шарт-шароитлар билан боғлар экан, Конституциямиз ижтимоий идеал аҳамият касб этади: унинг «Муқаддима»сида биз маънавий-ахлоқий интилишларимиз ифодаси ва инсонпарварлик оҳанглари топамиз.

Конституция нормалари универсаллигининг шarti бўлган юқоридаги қадриятлар халқ томонидан халқнинг ўзи учун конституциявий тузумнинг барпо этилишида ўта муҳим вазифага айланади. Лекин, маълумки, ҳуқуқ одамларнинг ҳиссиётларини эмас, уларнинг қилмишларини тартибга солади. Чунончи, Конституциянинг Муқаддимасида эълон қилинган демократия қадрияти Асосий Қонунимизнинг I-моддасида мустақамланган бўлиб, унда шундай дейилади: «Ўзбекистон — суверен демократик республика»².

Шундай қилиб, 1992 йил декабрида мамлакатимизда улкан шонли воқеа содир бўлди — мустақил Ўзбекис-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир А.А.Азизхўжаев. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 3-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 4-бет.

тон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Бу воқеанинг тарихимизда тутган ўрни гоят беқиёс: «...ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир»¹.

Бизнинг Конституциямизнинг энг муҳим хусусияти шундаки, унда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъулияти қонуний мустаҳкамланган, яъни ҳар бир фуқаро манфаатларининг устуворлиги қонун билан таъминланади ва кафолатланади.

Умуман олганда, «Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислохотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор. Шу маънода, 1992 йил декабрь ойида қабул қилинган, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади»².

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. — Т., «Ўзбекистон», 1996, 93-бет.

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 6—7-бетлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинишининг тарихий шарт-шароитлари

Конституциянинг қабул қилиниши Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида янги босқич ясади. Аммо бу ўта оғир ва сермашаққат жараёндир. Жамиятнинг барқарорлиги, унинг асосий қадриятларини ҳимоя қилиш демократик ҳокимият конституциявий принциплар ва реал амалиёт ўртасидаги тафовутни барта-раф этишга қай даражада қодир эканлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: янги Конституциямизнинг ижобий жиҳатлари, янги томонлари, аввалги конституциялардан фарқлари нималардан иборат? Ўзбекистон Президенти бу саволга шундай жавоб беради: «Авваламбор, бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда **«фуқаро — жамият — давлат»** ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик»¹.

Айни пайтда Конституция нафақат давлатимизнинг Асосий Қонуни, балки энг сиёсий ҳужжат ҳамдир. Шу боис Конституцияда давлатнинг сиёсий негизлари мустақамланади. Хусусан, демократик ҳуқуқий давлатда сиёсат Конституция нормаларида ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам Конституция қоидалари ҳамиша раҳбарий, дастурий мавқега эга бўлади. Қонунлар эса бирон-бир тарзда конституциявий қоидаларни ривож-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. — Т., 1996, 124-бет.

лантиради ва ҳаётга жорий қилади. Айти пайтда «Конституция алоҳида юридик хусусиятларга эга бўлган ягона сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатдир. Конституцияда шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари ўрнатилади, давлат ҳокимиятининг тузилиши, субъектлари, ҳокимиятни амалга ошириш механизми белгиланади, жамият, инсон ва фуқаронинг давлат томонидан қўриқланадиган ҳуқуқлари мустаҳкамланади»¹. Шу боис конституциявий моҳиятнинг энг теран нуқтасига инсон, фуқаро ва унинг қонуний манфаатлари қўйилгани асло бежиз эмас. Дарҳақиқат, Асосий Қонунимизда таъкидланишича, инсоннинг ўзи, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, барча ҳуқуқ ва эркинликлари, муқаддас ҳисобланади, уларнинг дахлсизлиги давлат ҳимоясидадир.

Асосий Қонунимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларига асосланган ҳолда Ўзбекистонда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари нималардан иборатлиги аниқ-равшан белгиланган, уларнинг амалга оширилиши кафолатланган. 18-моддада белгилаб қўйилганидек, «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилди ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт».

Конституциямизни нима учун биз Асосий Қонунимиз — ҳаётимиз Қомуси деб биламиз? Нима сабабдан Конституциямиз биз учун, давлатимиз учун,

¹ *Одилқориев Х.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., «Шарқ», 2002, 21-бет.

жамиятимиз учун, ҳар қайси инсон учун байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз каби қадрли?

«Авваламбор, бунинг сабаби шуки, халқимиз асрлар, минг-минг йиллар давомида адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт қуришни ҳавас қилган, орзу қилган. Конституциямиз шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётни ўзида мужассамлаштирган, унинг шаклини, маънавий қиёфасини кўрсатган.

Иккинчидан, давлатимизни ҳам, жамиятимизни ҳам, ҳар қандай фуқаронинг ҳам ҳуқуқини, ҳам бурчини — ҳаммасини белгилаб берган. Нафақат белгилаб берган, балки уларни — ҳуқуқлар ва бурчларни ҳам бир-бирига уйғунлаштириб, бир-бирига мувофиқлаштириб берган.

Яна бир улуғ томони шундан иборатки, Конституциямиз инсон ҳуқуқи, инсон эркинлигини ўзида муҳраб берган ва виждон эркинлиги ва диний эркинлигимизни таъминлаб берган»¹.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилинган санадан бери ўтган йиллар бизга кўп нарсаларни ўргатди ва эндиликда биз давлат-ҳуқуқий муаммоларини англаб етишга кўп жиҳатдан янгича ёндашмоқдамиз. «Мустақил тараққиёт ва истиқлол йўлида, янги жамият, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида қанча кўп тажрибага эга бўлаётган эканмиз, илгари учрамаган оғир, ўта мураккаб синов ва ҳаёт тўфонларини енгиб, пешона теримизни тўкиб, янги марраларни қўлга киритиб эзгу орзу-ниятларимиз сари қадам кўяётган эканмиз, ҳеч шубҳасиз — бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ — барчамиз учун муқаддас ва азиз бўлмиш Ўзбекистон заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган инсонлар учун муҳим бир ҳақиқат тобора аниқ ва равшан бўлиб бормоқда.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. — Т., «Ўзбекистон», 1998, 398-бет.

Бу ҳақиқат шундан иборатки, эришган ютуқларимизнинг, бугун кечаётган тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизида Конституциямиз белгилаб, муҳраб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётимизга татбиқ этаётганимиз мужассамдир»¹.

Дарҳақиқат, мустақилликка эришилгач, Ўзбекистон демократия қадриятларини, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, эркин бозор иқтисодиётини барпо этишни ўзи учун энг устувор қадриятлар сифатида танлади. Айни шу сабабли янги давлатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий, конституциявий асосларини яратиш, Конституция ва қонунларда ижтимоий муносабатларнинг янги тизимини, ҳам марказдаги, ҳам жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг янги тизимини мустаҳкамлаб қўйиш энг асосий вазифамиз бўлиб қолди. Шундай қилиб, «бизнинг Конституциямиз янгиликнинг эскилик устидан, эркинликнинг зўравонлик устидан, адолатнинг ҳақсизлик устидан, тараққиётнинг таназзул устидан галабасини қонуний муҳрлаган ҳужжатдир»².

3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тизими ва унинг асосий мазмуни

Конституциянинг ҳар бир банди — бу унинг юридик ҳужжат сифатидаги композицияси таркибий қисмидир. «Мазмун» категорияси конституцияда нима ифодаланган, деган саволга жавоб берса, «тизим»

¹ *Каримов И.А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. — Т., 2001, 133—134-бетлар.

² *Азизхўжаев А.* Чин ўзбек иши. — Т., «Ўзбекистон», 2011, 298-бет.

категорияси мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ички тузилиши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имкониятини беради. Конституциянинг мазмуни унинг тизимига бевосита таъсир кўрсатади. Конституция мазмунининг ўзгариши ўз-ўзидан унинг тизими ўзгаришига ҳам сабаб бўлади.

Конституция тизими — бу нормалар тузилишининг конституциявий тартибга солиш предмети билан белгиланган, қонун чиқарувчи қонунчилик техникаси ва ҳуқуқдаги миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда яратадиган субъектив тартиби. Бошқача қилиб айтганда, конституция тизими — бу унинг матнида баён этилган норматив материални ташкиллаштириш усули. Бошқа омиллардан ташқари, конституция тизими ҳужжатдан фойдаланишда қулайлик, мумкин қадар ихчамлик, фуқаролар учун тушунарлилик билан белгиланади. Конституция тизимининг таркибий қисмлари сифатида Муқаддима, бўлимлар, боблар ва моддалар амал қилади. Конституция тизими унинг таркибий қисмлари — Муқаддима, бўлимлар, боблар ва моддаларнинг муайян алоқасини ўзида ифодалайди. У мазкур қисмларнинг ички мувофиқлигини, ҳужжатнинг мантиқий зиддиятлардан холилигини, конституциядан ўрин олган таркибий қисмларнинг тадрижийлигини таъминлайди.

Одатда, ҳар бир бўлим ва ҳар бир боб аниқ номга эга бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олти бўлимдан иборат. Биринчи бўлим 1—4-бобларни, иккинчи бўлим — 5—11-бобларни, учинчи бўлим — 12—15-бобларни, тўртинчи бўлим — 16—17-бобларни, бешинчи бўлим — 18—26-бобларни ўз ичига олади. Ниҳоят, «Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби» деб номланган олтинчи бўлим фақат икки моддадан таркиб топган.

«Муқаддима (лотинча **preambulus** — пешқадам, илк, муқаддам маъноларини англатади) — бирон-

бир жуда муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши сабабларини ифодаловчи кириш қисм ҳисобланади»¹. Шу боис Муқаддима конституциянинг мазмуни, унинг ўзига хос хусусиятларига ойдинлик киритиш мақсадида ҳавола этилади. У ёрдамчи аҳамият касб этади. Конституция Муқаддимасининг таъсирчанлиги мазкур Асосий Қонуннинг муайян норматив кўрсатмалари билан уйғунликда янада кучаяди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида халқнинг асосий истаклари, мақсади ва унинг ахлоқий идеаллари эълон қилинади. Айни пайтда унда ўзбек давлатчилигининг ворисийлигига, давлатнинг тарихан шаклланган ягоналигини сақлаш зарурлигига, демократик тузумнинг ворисийлигига урғу берилади. Муқаддимада маънавий қадриятлар — инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги масъулият, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлашга интилиш акс эттирилган. Муқаддима ўзини яхлит бир бутун деб англавчи Ўзбекистон халқи номидан эълон қилинади². Лўнда қилиб айтганда, Муқаддима Конституция матнига ўзига хос бир дебочадир.

Конституциявий тузум асосларини ва халқ ҳокимиятчилиги механизмини мустақкамловчи бўлимлар ва боблар Конституцияда биринчи ўринга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **биринчи бўлими «Асосий принциплар»** деб номланади. У тўрт бобдан иборат:

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир А.А.Азизхўжаев. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 10-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 3-бет.

I боб. Давлат суверенитети.

II боб. Халқ ҳокимиятчилиги.

III боб. Конституция ва қонуннинг устунлиги.

IV боб. Ташқи сиёсат.

1992 йилги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **иккинчи бўлими** инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини таъминловчи қоидалардан ташкил топган. У етти бобдан иборат:

V боб. Умумий қоидалар.

VI боб. Фуқаролик.

VII боб. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар.

VIII боб. Сиёсий ҳуқуқлар.

IX боб. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар.

X боб. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари.

XI боб. Фуқароларнинг бурчлари.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **учинчи бўлими** — «Жамият ва шахс» куйидаги боблардан иборат:

XII боб. Жамиятнинг иқтисодий негизлари.

XIII боб. Жамоат бирлашмалари.

XIV боб. Оила.

XV боб. Оммавий ахборот воситалари.

Конституциянинг «Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши» деб номланган **тўртинчи бўлими** икки бобдан ташкил топган:

XVI боб. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши.

XVII боб. Қорақалпоғистон Республикаси.

Ҳажм ва мазмун жиҳатидан айниқса салмоқли бўлган **бешинчи бўлим** — «Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши» тўққиз бобдан иборат:

XVIII боб. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.

XIX боб. Ўзбекистон Республикаси Президенти.

XX боб. Вазирлар Маҳкамаси.

XXI боб. Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари.

XXII боб. Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти.

XXIII боб. Сайлов тизими.

XXIV боб. Прокуратура.

XXV боб. Молия ва кредит.

XXVI боб. Мудофаа ва хавфсизлик.

Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунининг охириги — **олгинчи бўлими** «Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби» деб номланади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси жаҳон конституционализми тажрибасига кенг таяниш ва унинг ижобий жиҳатларидан баҳраманд бўлиш ҳамда ўзбек халқининг бой тарихий, миллий ва маънавий қадриятларини уйғунлаштириш асосида яратилган. Бинобарин, давлатимиз бошлиғи таъбири билан айтганда: «Бу Конституция умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттирган. Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олийжаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуғ хислатлар бу муборак ҳужжатда муносиб ўрин олган»¹.

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. — Т., «Ўзбекистон», 1996. 93—94-бетлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий жиҳатлари ва юридик хусусиятлари

Ҳар бир конституция ижтимоий ва ҳуқуқий воқеаликнинг мустақил ҳодисаси сифатида асосий жиҳатлар ва юридик хоссалар мажмуи билан тавсифланади. Бу конституциянинг шундай бир муҳим хусусиятларики, улар мазкур асосий қонун ҳужжатининг индивидуаллигини, давлат олий қонунининг ўзига хослигини акс эттиради. Уларда конституциянинг ҳуқуқий табиати намоён бўлади.

Конституциянинг асосий жиҳатлари ва юридик хусусиятлари унинг ҳуқуқ тизимидаги алоҳида ўрнини, ижтимоий муносабатларни конституциявий тартибга солиш механизмининг ўзига хослигини акс эттиради. Бундай асосий жиҳатлар ва юридик хусусиятлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: 1. Легитимлик; 2. Кўрсатмаларнинг якуний хусусияти; 3. Истиқболлилик; 4. Ворисийлик; 5. Реаллик; 6. Устунлик; 7. Барқарорлик; 8. Конституция — ҳуқуқ тизимининг пойдевори.

Конституциянинг **легитимлиги** шунда намоён бўладики, у ё давлат ҳокимиятининг қонуний сайланган бошлиғи томонидан, ё конституцияни қабул қилиш учун махсус тузилган таъсис мажлиси томонидан, ё бевосита халқ томонидан референдум йўли билан қабул қилинади. Конституциянинг легитимлиги унинг таъсис этувчи хусусияти билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг легитимлиги шунда намоён бўладики, у Олий Кенгаш томонидан умумхалқ муҳокамасидан кейин қабул қилинган. Аниқроғи, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси (1992 йил 8 декабрь) фаол ва манфаатли муҳокамадан сўнг

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини — Асосий Қонунни қабул қилди¹.

Конституцияга **кўрсатмаларнинг якуний хусусияти** хос. Конституция якуний ҳужжат сифатида ўзи қабул қилинган пайтгача юзага келган ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш даражасини мустаҳкамлайди. Ҳар бир янги Конституция жамият ва давлат тарихий ривожланиш жараёнининг юридик инъикоси ҳисобланади. Конституциянинг мазмуни ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан белгиланади, у ижтимоий тараққиётни, халқнинг ижтимоий ютуқларини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий шакли ҳисобланади.

Келажак пойдевори, яъни истиқбол ўтмишда ва ҳозирнинг ўзида яратилади. Конституция босиб ўтилган йўл якунларини мустаҳкамлар экан, айни пайтда дастуриламал қоидаларни ҳам ўз ичига олади, ижтимоий тараққиёт тамойиллари, асосий йўналишлари ва мақсадларини белгилайди. Шу туфайли ҳам унга башоратлаш билан боғлиқ хусусият, **келажакка ундовчи истиқболлилиқ** хосдир. Дастуриламал қоидалар, одатда, Конституциянинг Муқаддимасига киритилади, иқтисод, сиёсат, ижтимоий тараққиёт, миллий муносабатлар, маданият ва бошқа соҳаларда ривожланиш йўналишларини белгиловчи мақсад ва вазифалар эса конституциявий тузум асосларига бағишланган бобда ўз ифодасини топади. Конституциянинг вазифаси ижтимоий жараёнларга илдамроқ таъсир кўрсатилишини таъминлаш, ҳуқуқ субъектларининг ижтимоий фаоллиги ва қонуний хулқ-атворини рағбатлантиришдан иборатдир.

¹ Қаранг: *Уразаев Ш.З.* Конституция независимого Узбекистана. — Т., 1993, 28-бет.

Конституциянинг муҳим хусусиятларидан бири **ворисийлик** ҳисобланади. У давлатчилик тарихий ривожланиш жараёнининг узлуксизлиги билан белгиланади. Ҳар бир янги конституция ўзидан олдинги конституция билан боғлиқ бўлади. Жамиятда муайян ҳуқуқий анъаналар юзага келади ва улар конституциявий йўл билан мустаҳкамланади. Конституциявий ворисийлик давлатнинг аввалги ривожланиш тажрибаси билан яратилган барча қадриятларни, чунончи: давлатчиликнинг миллий-маданий кўринишини; миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ва халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ғоясини; бошқарув шаклини; давлат тузилишини сақлаб қолишни талаб қилади. Янги конституциянинг ворисийлиги ғояси унинг Муқаддимасида ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида халқнинг инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлиги, у ҳозирги ва келажак авлодлар олдида ўзининг юксак масъулиятини англаши, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниши, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлиги, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиши, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиши, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадини кўзлаши ифодаланган. Жумладан, мамлакатимиз янги Конституцияси ворисийлигининг ўзаги: Ўзбекистон халқи, суверен давлат ҳокимияти, республиканинг давлат сифатида яхлитлиги ва ягоналиги; Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллатлар ва элатларнинг ҳуқуқларига ҳурмат, Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида тан олиниши кабиларни қамраб олади.

Ҳуқуқий давлат конституциясининг муҳим жиҳати унинг **реаллиги** ҳисобланади. Конституциянинг реаллик даражасига баҳо бериш учун бош мезон бўлиб унинг воқелик билан мувофиқлиги хизмат қилади. Агар конституция ва воқелик муштарак бўлса, жамият ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий шароитларига конституциявий кўрсатмаларнинг мувофиқлиги амалда таъминланган бўлса, конституциянинг реаллиги ҳақида гапириш мумкин бўлади.

Конституциянинг реаллиги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот режимининг мустаҳкамлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Реаллик конституциянинг асосий хусусиятларидан бири сифатида бир нечта жиҳатлар билан тавсифланади. Чунончи: 1) тарихнинг муайян босқичида юзага келган ижтимоий муносабатлар хусусиятига конституциявий кўрсатмаларнинг мувофиқлиги; 2) мамлакатнинг муайян тарихий, сиёсий, этнографик ва бошқа хил хусусиятларини ҳисобга олиш; 3) тартибга солинаётган ижтимоий муносабатлар хусусиятига мос келувчи таъсир кўрсатиш усуллари ва воситаларини танлаш; 4) у ёки бу конституциявий қоидалар амал қилишининг ижтимоий оқибатларини башорат қилиш; 5) конституциянинг кафолатланганлиги.

Конституциявий қоидаларнинг сўзсиз бажарилиши, уларнинг юксак даражада самарадорлиги ҳокимият қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари, прокуратура ва милициянинг кундалик фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Конституциянинг реаллиги халқ ҳокимиятчилигининг ҳуқуқий ва ташкилий кафолатларини, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш механизмининг таъсирчанлигини, фуқароларнинг юксак даражадаги сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини назарда тутди.

Конституция давлат томонидан кафолатланади. Конституциянинг реаллигини белгилловчи муҳим омиллар сифатида барқарор конституциявий тузум, ривожланаётган иқтисодиёт, ҳокимият институтларининг обрўси, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот режими, конституциявий нормалар тўғридан-тўғри амал қилиши майдонга чиқади. Конституциянинг муайян моддаларига бевосита ҳавола қилган ҳолда, фуқаролар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун суд органларига мурожаат этишлари мумкин. Жумладан, Ўзбекистонда «ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади»¹. «Мазкур конституциявий қонданинг асосий моҳияти шундаки, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилганда, у суд орқали ҳимоя қилинади. Бу фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тикловчи энг самарали восита ҳисобланади»².

5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳуқуқ устуңлиги принципининг мужассамлашиши

Конституциянинг юридик хусусиятларидан бири унинг ҳуқуқ тизимидаги **устуңлиги** ҳисобланади. Конституциянинг устуңлиги **ҳуқуқ устуңлиги** доктринасининг амалдаги ифодаси сифатида намоён бўлади ва қонунчилик тизимида унинг устуворлигини англата-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 10-бет.

² *Зокиров С.* Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг конституциявий асослари. — Т., «MUMTOZ SO'Z», 2010, 69-бет.

ди. Конституциянинг устунлиги: 1) уни қабул қилиш ва ўзгартиришнинг алоҳида тартиби; 2) конституциявий кўрсатмалар олий юридик кучга эга бўлиши; 3) конституциявий қонунийликни муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи махсус орган (конституциявий суд) ташкил этиш йўли билан таъминланади.

Конституциявий кўрсатмаларга риоя этилишини назорат қилиш, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини таъминлаш учун Ўзбекистон Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди жавобгар бўлади.

Конституциянинг яна бир муҳим юридик хусусияти — бу унинг **барқарорлиги**, яъни конституциявий кўрсатмаларнинг дахлсизлигидир. Конституция — узоқ муддат амал қилувчи ҳужжат. Унинг барқарорлиги ҳуқуқ субъектлари билан ўзаро алоқаларда, конституциявий тартибга солиш объекти ҳисобланган ижтимоий муносабатларга, фуқароларнинг ҳуқуқий онгига муттасил равишда, изчил таъсир кўрсатишда намоён бўлади. Барқарор Конституция — қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг, бутун ҳуқуқ тизими барқарорлигининг, минтақалар ўртасида алоқаларни, давлатнинг ҳокимият функцияларини амалга ошириш механизмини, шахс, жамият ва давлат ўртасида инсоний муносабатларни мустаҳкамлашнинг муҳим омилidir.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси уни қабул қилиш, ўзгартириш ва тўлдиришнинг алоҳида тартиби унинг барқарорлигининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Конституция **ҳуқуқ тизимининг пойдевори** ҳисобланади. Ҳуқуқ тизимининг ўзаги, пойдевори сифатида амал қилар экан, Конституция алоҳида эмас, балки мазкур тизим доирасида амал қилади. Конституция — ҳуқуқ тизимининг уйғун таркибий қисми ва марказий бўғини, унинг муҳим таркибий қисми,

асосий юридик манбаси. Конституциянинг аҳамияти яна шунда ҳам намоён бўладики, у бутун ҳуқуқ тизими фаолиятининг асосий негизларини белгилайди, айти пайтда ҳуқуқ ва қонунчиликнинг ҳар бир тармоғи тизимига асос манба сифатида киради.

Шунга кўра айтиш мумкинки, «Конституция демократик тараққиёт йўлидан одимлаётган жамиятимиз ҳуқуқий тизимида алоҳида нуфузли мавқени эгаллайди. У ўз моҳият эътибори ила жамият ҳуқуқий тизимининг ўзаги бўлиб, барча ҳуқуқ тармоқлари ва қонунчилик соҳаларини шакллантирувчи сарчашма манба ҳисобланади»¹.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси учун унинг юридик кучининг конституциявий қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билангина эмас, балки республика томонидан ратификация қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўзаро нисбатини белгилаш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ва принциплари давлат ички ҳуқуқининг нормалари ва принципларига айланади. Бу дунё миқёсида қонун йўли билан тартибга солишни бирхиллаштириш жараёнини акс эттиради.

Шундай қилиб, Конституциянинг юридик табиати унинг норматив-ҳуқуқий мазмуни ўзига хослигини акс эттирувчи жиҳатлари ва юридик хусусиятларида намоён бўлади. Конституциянинг ҳар бир ўзига хос жиҳати ва хусусияти унинг мураккаб, серқирра ҳуқуқий ҳодиса сифатидаги мазмунининг муайян жиҳатини тавсифлайди. Бу жиҳатлар ва хусусиятлар жамулжам ҳолда олинган тақдирдагина бутун Конституция ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш имкониятини беради.

¹ *Азизхўжаев А.* Чин ўзбек иши. — Т., «Ўзбекистон», 2011, 482-бет.

Конституциянинг асосий жиҳатлари ва юридик хусусиятлари бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади, бир тизим доирасида амал қилади ва бир-бирига таъсир кўрсатади. Улар оддий бир йиғинди эмас, балки уйғун бирикма, яхлит тизим ҳисобланади ва Конституциянинг аниқ мазмунини ифодалайди.

Модомики, Ўзбекистон ўз олдига демократик, сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш вазифасини кўяр экан, пировард мақсадга эришиш — ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш заруратидан келиб чиқиб, иш тутиш мақсадга мувофиқдир. Зотан, «Конституциянинг барча қоидалари, бутун ички салоҳияти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга йўналтирилгандир»¹. Шунинг учун ҳам «бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустақкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир»².

Бунинг учун, авваламбор, кучли марказий ҳокимиятни яратиш зарур. Мазкур ҳокимият ўз саъй-ҳаракатларини мудофаа, давлат хавфсизлиги ва фуқароларнинг хавфсизлиги, тартиб-интизом, ташқи сиёсат, валюта-молия, солиқ тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш, қонунлар қабул қилиш ва жамиятнинг бошқа стратегик вазифаларини амалга оширишдек умуммиллий вазифаларга қаратиши лозим бўлади. Бу жараёнда бутун жамият ва ҳар бир инсон қатнашиши муҳимдир.

¹ *Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У.* Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий қадриятлар. — Т., 2010, 174-бет.

² *Каримов И.А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарим бўлмайди. 13-том. — Т., «Ўзбекистон», 2005, 177-бет.

Ислоҳотчилик вазифаларига Конституция моддаларининг деярли ҳар бирида дуч келиш мумкин. Узоқ муддатли вазифалар асосан одамлар онгини ўзгартириш зарурлиги, ижобий сиёсий ўзгаришларга замин яратувчи бир қатор иқтисодий масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ.

Конституциявий мақсадлар ислоҳотларнинг мақсадларига айланиши учун ислоҳотлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва, энг аввало, ислоҳотларнинг ташаббускори ким бўлади, тегишли тадбирларнинг режаларини ишлаб чиқишни ким ташкил этади, охиरोқибат уларни амалга ошириш учун жамият олдида ким жавобгар бўлади, деган саволларга жавоб топиш талаб этилар эди. Конституция бу саволларга ҳам жавоб берди: ислоҳотлар ташаббускори давлат бўлиши лозим, бинобарин, уларнинг натижалари учун жавобгарлик ҳам давлат зиммасига юклатилади.

Маълумки, Конституцияда жорий қонунларнинг барчаси учун асосий аҳамиятга эга бўлган ғоялар ва қоидалар мустаҳкамланади. Ҳар бир давлатнинг **қонунчилик тизимида Конституциянинг устунлиги** ҳам шу билан белгиланади.

Конституциянинг устунлиги яна шунда намоён бўладики, унга муайян давлат фуқароларигина эмас, балки давлатнинг ўзи ҳам риоя қилиши лозим. Ҳуқуқ ва давлатнинг шундай уйғунлигигина жамиятда Конституция ва қонунларнинг ҳақиқий устунлигини таъминлашга қодир бўлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Асосий Қонуннинг устунлиги формал принципига изчил риоя этилган. Буни Конституциямизнинг 15-моддаси мазмуни ҳам тасдиқлайди. Бу ерда шундай дейилган: «Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

Бинобарин, 'Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида ҳуқуқий давлатнинг асосий принципларидан бири — Конституция ва қонуннинг устунлиги ўз аксини топган¹.

Бу принцип, биринчидан, норматив ҳужжатлар иерархиясида Конституция ва қонуннинг устунлигини назарда тутди. Мазкур устунлик, биринчи навбатда, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида конституциявий режимни қарор топтириш йўли билан таъминланади. Ушбу режим барча норматив ҳужжатлар, шу жумладан қонунларнинг ҳам Конституцияга қатъий мувофиқлигини назарда тутди. Қолаверса, у давлатнинг норма ижодкорлиги фаолиятида қатъий қонунийлик режимини таъминлайди. Мазкур режимнинг мазмунига мувофиқ бирон-бир қонуности ҳужжати Конституция ва қонун қоидаларини ўзгартириши ёки уларни тўлдириши мумкин эмас. Қонуности ҳужжатлари фақат Конституция ва қонунни ижро этиш учун қабул қилиниши мумкин.

Конституция ва қонун жамиятда юксак обрўга эга бўлиши учун, энг аввало, Конституциянинг ўзи ҳуқуқнинг устунлиги принципларига тўла мувофиқ бўлиши лозим. Шундан кейингина давлат қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларининг Конституцияга тўла мувофиқлигига эришиш мумкин. Қонунлар замон руҳи билан мувофиқ келиши ва кун тартибига қўйилган вазифаларни ҳал қилишни таъминлаши лозим. Улар инсоннинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини қўриқлаши даркор.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларининг амал қилиш доирасига жамият ҳаётининг барча муҳим жабҳалари, чунончи: давлат, иқтисо-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир А.А.Азизхўжаев. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 67-бет.

дий, ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий жабҳалар киради. Шу туфайли ҳам «Конституциянинг амал қилиши» тушунчаси жамиятимиз ижтимоий ҳаётининг барча асосий соҳаларига татбиқ этилади.

Бинобарин, бу соҳаларнинг барчаси алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмайди, балки бир-бири билан ўзаро алоқага киришади, бир-бирига ўтади ва бир-бирини тақозо этади. Айни шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг амал қилиши комплекс хусусият касб этади ва ижтимоий муносабатлар тизимига таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, Конституцияни амалга ошириш жараёни, *биринчидан*, унинг Ўзбекистон жамияти ва давлати эришишни кўзлаган мақсад сифатидаги, *иккинчидан*, бу мақсадга эришиш воситаси сифатидаги ижтимоий қиммати билан белгиланади.

Конституциянинг амал қилиши муаммоси унинг хусусиятларини аниқлашнигина эмас, балки барча турдаги конституциявий нормаларни изчил ва оғишмай амалга оширишни таъминловчи тегишли механизмни ўрганишни ҳам ўз ичига олади. Бунда Конституция нормалари ушбу тизимдан ташқарида бўлмайди, шу боис уларга «ўта позитив» ҳуқуқнинг муайян нормалари сифатида қаралиши мумкин эмас.

Айни пайтда Конституция Асосий Қонун сифатида ўз хусусиятларига эга бўлгани, мазмун ва шакл жиҳатидан жорий қонунчиликдан фарқ қилгани боис, уни амалга ошириш механизми ҳам, табиийки, ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Юқорида баён этилганлар Конституцияни амалга ошириш механизми ўзининг ажралмас таркибий қисмлари сифатида қуйидагиларни ўз ичига олади, деган хулосага келиш имкониятини беради:

— Конституцияда ифодаланган нормалар ва принципларни амалга ошириш, конституциявий кўрсатма-

ларни жамият, коллектив ва шахс даражасида қонуний ва ижтимоий ҳуқ-атворга айлангиришни таъминлашга ёрдам берувчи воситалар ва усуллар мажмуи;

— ҳуқуқий, ташкилий ва мафкуравий муносабатларнинг ривожланиш жараёнига Конституциянинг таъсир кўрсатиш шакллари;

— конституциявий нормалар ва Конституциянинг ўзида мустақамланган кўрсатмаларнинг барчаси аниқ ва аниқмай бажарилишини таъминлашга қаратилган қафолатлар.

Аммо Конституцияни амалга ошириш механизми серқирралиги ва комплекс хусусиятга эга эканлигига қарамай, у ягоналик ва яхлитлик билан ажралиб туради. Айна пайтда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини амалга ошириш механизмининг ягона ва яхлитлиги мазкур амалга ошириш турли жиҳатларга эга бўлиши ва фаол хусусият касб этишига, турли ижтимоий муносабатларнинг ривожланишига чуқур ва ҳар томонлама таъсир кўрсатишига монелик қилмайди.

Шундай қилиб, Конституцияни амалга ошириш механизми ўрганилар экан, ижтимоий муносабатларнинг ривожланишига Конституция таъсирининг ҳуқуқий, ташкилий ва мафкуравий жиҳатларига ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади.

Маълумки, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси суверен давлатимизнинг қонунчилик-ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди. Ўз тарихий аҳамиятига кўра бу ҳужжат 1990 йил 20 июнда қабул қилинган Мустақиллик декларацияси ва 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун билан бир қаторда туради¹.

¹ Қаранг: Ведомости Верховного Совета УзССР, 1990, №10-11, Ст. 197; Саидов А.Х. Мустақиллик қомуси. — Т., 1993, 7-бет.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғридан-тўғри амал қилади (Конституциянинг 16-моддаси). Бу Конституциямиз нормалари бевосита амал қилишини, яъни уларни амалга ошириш учун аниқлаштирувчи, қўшимча тармоқ ҳуқуқий нормаларини қабул қилиш талаб этилмаслигини англатади. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг кўпгина нормалари, ҳуқуқий тартибга солишни умумлаштириш даражаси баландлиги туфайли, жорий қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш йўли билан қўшимча тартибга солишни тақозо этади.

Конституциянинг реаллиги амалда юзага келаётган ижтимоий муносабатларга конституциявий кўрсатмаларнинг мувофиқлигини англатади. Бошқача қилиб айтганда, Конституция сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда эришилган ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш даражасини акс эттириши лозим, акс ҳолда у қуруқ гап бўлиб қолади.

Конституция жорий қонунчиликнинг юридик асоси ҳисобланади. Асосий Қонуннинг мазкур хусусияти конституциявий нормалар ҳуқуқнинг барча тармоқлари учун таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилишида намоён бўлади. Масалан, иқтисодий фаолият эркинлигини, мулкнинг барча шакллари тенглигини мустаҳкамловчи конституциявий қоидалар негизида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи ривожланмоқда.

Юқорида қайд этганимиздек, «ҳуқуқ устунлиги» атамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ишлатилмаган. Лекин бунинг ажабланарли жойи йўқ. Ҳуқуқ устунлиги принципи амалий юридик категориядан ҳам кўра кўпроқ фалсафий-ҳуқуқий қарашларни ўзида ифодалайди. Бу принцип кўпчилик мамлакатларнинг конституцияларида бевосита акс эттирилмаган ва юридик жиҳатдан мустаҳкамланма-

ган. Аммо унинг мазмуни кўплаб конституцияларда билвосита ифодаланган.

Масалан, айрим конституцияларда ижро этувчи ҳокимият ва одил судлов қонун ва ҳуқуқ билан боғлиқ эканлиги ҳақида сўз юритилади. Моҳият эътибори билан бу «ҳуқуқ устунлиги» принципи мазкур ҳужжатда ўз аксини топганини тасдиқлайди. Ушбу принцип конституциявий қонунчиликда тўғридан-тўғри мустаҳкамланган оз сонли мамлакатлар қаторига Беларусь Республикаси ҳам киради. Беларусь Конституциясининг 7-моддасида шундай дейилган: «Беларусь Республикасида ҳуқуқнинг устунлиги принципи ўрнатилади». Аммо бу ҳужжатда «ҳуқуқ устунлиги» тушунчасининг мазмуни ёритиб берилмаган. Бу ҳол Конституцияда мазкур модда бўлиши шарт эмас, деган тўхтамга келиш имкониятини беради.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ёш Ўзбекистон давлатига нормал конституциявий жараён йўлида ривожланиш учун имконият яратди. Аммо Конституция охириги марра эмас, балки янги босқичнинг бошланишидир. Айти шу сабабли янги Конституция қонун ижодкорлиги фаолиятига кучли тurtки бўлиб хизмат қилди. Унинг қабул қилиниши республикамизда амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуини тўлиқ қайта кўриб чиқиш маромига етказиш вазифасини кун тартибига қўйди.

Аммо кенг кўламли ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишга киришиллар экан, республика қонунчилигини такомиллаштириш стратегиясини белгилаш жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. **«Қонунчилик стратегияси** — бу мамлакат бутун ҳуқуқий тизимининг, шунингдек, унинг алоҳида қисмлари, жумладан, ҳуқуқ ҳамда қонунчилик соҳалари ва институтларининг ҳозирги ва келгусидаги тараққиёти

йўналишларининг илмий асосланган тарзда белгиланишидир»¹.

Биз бу муаллифнинг Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик стратегияси қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олиши ҳақидаги фикрига ҳам қўшиламыз:

а) ҳуқуқий ривожланишнинг истиқболга мўлжалланган мақсадларини белгилаш;

б) мавжуд бошланғич вазиятни чуқур таҳлил қилиш;

в) қонунчилик ислоҳоти ўтказишнинг концепцияси (асосий йўналишлари)ни ишлаб чиқиш;

г) белгиланган мақсадга айнан мос келувчи восита ва чора-тадбирларни танлаб олиш;

д) қонунчилик ривожланишини илмий башорат қилиш².

Аmmo қонунчилик стратегияси, бизнинг назаримизда, қабул қилинаётган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг халқаро қонунчилик билан нисбати ва унга мувофиқлигини ёки, ҳеч бўлмаса, унга зид эмаслигини ҳам таркибий қисм сифатида ўз ичига олиши лозим. Боз устига, қонунчилик стратегияси вақт мезонига мувофиқ қонунчилик тизимининг ҳам жорий ривожланиш жараёнини, ҳам унинг бўлғуси ривожланиш жараёнини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасида қонун ижодкорлиги фаолияти қуйидаги конституциявий принципларга асосланади:

— қонунчилик фаолиятининг коллегиаллиги. У давлат ҳокимияти олий вакиллик органининг жами таркиби томонидан амалга оширилади;

¹ *Одилқориев Х.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., «Шарқ», 2002, 234-бет.

² Қаранг: *Одилқориев Х.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., «Шарқ», 2002, 235-бет.

— қонун лойиҳалари аҳоли томонидан кенг муҳокама қилиниши ва уларнинг энг муҳимлари бўйича референдумлар ўтказилиши;

— жорий қонунчиликнинг Конституцияга сўзсиз мувофиқлиги, бошқа барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан қонунларнинг устунлиги;

— барча давлат органлари, бошқарув аппарати, ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ҳаракатларининг қонунийлиги, қонун чиқарувчи ҳам, ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ҳам қонунларга риоя этишлари, фуқаролар асосий ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатланганлиги;

— муҳим ижтимоий муносабатларнинг барчаси қонун билан тартибга солиниши, қонун чиқарувчи ҳуқуқий (қонун йўли билан) тартибга солишга бўлган эҳтиёжни энг мақбул даражада ҳисобга олиши;

— қонунчиликни ўз вақтида янгилаш, уни лозим даражада инкорпорация ва кодификация қилиш;

— қонун ижодкорлигининг илмий асосланганлиги, ҳуқуқий фан ва юридик амалиёт ютуқларидан кенг фойдаланиш, қонунчилик жараёнини аниқ тартибга солиш¹.

Конституцияга Асосий Қонун сифатида қаралади, бу эса у олий юридик кучга эга эканлигини ва у билан қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар мувофиқ келиши лозимлигини англатади.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида Конституциянинг қабул қилиниши, ўтган йиллар мобайнидаги жўшқин қонунчилик фаолияти ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг барча фуқаролар қонун олдида тенглигини, қонуннинг устунлигини кафолатлайдиган мустаҳкам негизларини яратиш имконини берди.

¹ Қаранг: Адилкариев Х. Новая Конституция — великий символ суверенитета Узбекистана. — Т., 1993. — 56—57-бетлар.

Умуман олганда, истиқлол йилларида нафақат иқтисодий ҳаётда, балки халқимиз онги, тафаккурида ҳам чуқур янгилавиш жараёнлари юз бермоқда. Гарчи бу ўзгаришлар осон кечмаётган бўлса-да, мамлакатимизда бу борадаги қийинчиликларни енгиш, шу билан бирга, мустабид шўро тузумининг кўп йиллик жабр-зулми ва унга қарамлик оқибатларини барҳам топтириш ишлари изчиллик билан олиб боришмоқда. «1992 йил 8 декабрь куни моҳияти ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган, том маънода тарихий ҳужжатни — ҳаётимиз қомуси бўлмиш Конституциямизни қабул қилиш билан ўзини оқламаган эски тузумдан бутунлай воз кечиш, янги давлат, янги жамият қуриш йўли ва имкониятларини очдик.

Айнан шу кундан бошлаб юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Асосий Қонунимиз мустаҳкам замин бўлиб келмоқда»¹.

¹ Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-том. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 60–61-бетлар.

VI. ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ ВА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ОДИЛ СУДЛОВ

1. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги — ҳуқуқ устунлиги принципини амалга оширишнинг муҳим шарти

Ҳуқуқ устунлиги ғоясини ҳуқуқ фани доирасида англаб етиш қонунийлик принципини тушунишга нисбатан янгича ёндашувни ва суд ҳокимияти ҳақидаги тасаввурларни қайта кўриб чиқишни талаб этади. Бунда қонун йўли билан тартибга солиш эркинлигини чекловчи, судьяларнинг мустақиллиги ва беғаразлигига кўмаклашувчи ҳуқуқий қонунийлик концепцияси алоҳида аҳамият касб этади.

Аммо бу ҳол барча замонларда ҳам кузатилмаган. Қонунийликнинг машҳур «континентал» назарияси қонунчилик ҳокимиятини биринчи ўринга қўйган, суд ҳокимиятини эса иккинчи даражали роль ўйнайди, деб ҳисоблаган. Боз устига, «айрим ҳолларда ҳокимиятнинг бўлиниши ғоясининг ўзидан маъмурият устидан суд назоратини ўрнатиш мумкин эмас, деган хулоса чиқарилади»¹. Бу ҳол, масалан, Француз инқилоби даврида кузатилган — Франциянинг 1790 йил 16 август Қонуни 13-моддасига мувофиқ умумий юрисдикция судьяларига маъмурият фаолиятига аралashi жарима солиш таҳдиди билан ман этилган².

¹ Диков Г.В. Проблемы создания системы административной юстиции в России (в свете зарубежного опыта) // «Государство и право», 2001, №5, 31-бет.

² Каранг: Fromont M. Le debat a l'etranger, le controle jurisdictionnel de l'administration, bilan critique. — Paris. — 199L—R 44.

Қонун чиқарувчи ўзи лозим деб топган ҳар қандай қонунни қабул қилишини, суд эса уни оғишмай қўллашини назарда тутувчи эски концепция ҳозирги вақтга келиб инсон ҳуқуқларини ҳокимиятнинг ўзбошимчалигидан самарали ҳимоя қилиш учун кифоя қилмай қўйди.

Венгриялик юрист А. Шайо бу хусусда мулоҳаза юритар экан, жумладан, шундай дейди: «Асосан Иккинчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлган янги тенденцияга кўра, судлар ўзларининг одатдаги роли, қонунларни қўллаш билангина кифояланмайдилар. Конституциявий судларнинг судьялари эндиликда ҳуқуқ ижодкорлиги билан шуғулланибгина қолмасдан, қонунчиликнинг йўналишига ва конституциянинг самарадорлик даражасига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқдалар»¹.

«Ҳуқуқий қонунийлик... фақат қонуннинг оддий «умуммажбурийлиги»ни эмас, балки қонуннинг ҳукмронлиги, устунлиги, олийлиги, устуворлигини, инсон ҳуқуқларига асосланган ҳуқуқ бошқарувини ифодалайди»². Шу боис ҳуқуқий қонунийлик конструкциyasi суд ҳуқуққа нисбатан фаол позицияда бўлиши зарурлигини тақозо этади. Зеро, ҳуқуқ судга кўпинча салбий хусусиятга эга бўлган (яъни қонун чиқарувчи яратган бошқа нормаларни бекор қилувчи) нормаларни, — лекин баъзан позитив нормаларни ҳам, — яратиш имкониятини беради (Конституциявий суд Конституцияга расмий шарҳ берар экан, у, моҳият эътибори билан, янги нормаларни яратади). Суд ҳуқуққа доир масалаларни ҳал қилиши, ҳокимият фаолиятида ҳуқуқ ва конституциянинг устунлигини

¹ Шайо А. Самоограничение государственной власти (краткий курс конституционализма). М., 2001, 101-бет.

² Исломов З.М. Конституция ва қонуннинг устунлиги. — Т., ТДЮИ, 2005, 16-бет.

таъминлаши, ижро этувчи ҳокимият томонидангина эмас, балки қонунчилик ҳокимияти томонидан ҳам ҳуқуқнинг бузилишини тийиб турувчи омил бўлиши лозим. Агар умумий юрисдикция суди: «Ҳуқуқ нима?» — деган саволга жавоб бера олмаса, у мустақил суд ҳисобланиши мумкин эмас.

С.И. Никеров тараққий этган етакчи мамлакатларда суд ҳокимияти расмий даражада ҳам, амалда ҳам олий давлат ҳокимиятига айланганини таъкидлайди¹. Унинг фикрича, суд назорати ва у билан боғлиқ ваколатлар суд ҳокимиятига давлат ҳокимиятининг қолган тармоқларига раҳбарлик қилиш имкониятини беради.

Америкалик юрист олим Л.Фридман ўзининг «Америка ҳуқуқи» («American Law») деб номланган монографиясида ҳокимиятнинг уч тармоғи таҳлилини қонунчилик ва ижро тармоқларидан эмас (уларга АҚШ конституциясининг 1 ва 2-моддалари бағишланган), балки суд ҳокимиятидан (у ҳақда АҚШ конституциясининг 3-моддасида сўз юритилади) бошлайди². Бу тасодифий бир ҳол эмас. Гап шундаки, тараққий этган етакчи мамлакатларда суд ҳокимияти расмий даражада ҳам, амалда ҳам олий давлат ҳокимиятига айланган. Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларига раҳбарликни амалга оширади. Бу ҳол судларга берилган ваколатлар билан ва давлат-сиёсий жараёнида уларнинг ўрни билан изоҳланади. Судлар ҳокимиятнинг бошқа турларини ҳам назорат қилиш ва уларнинг ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар юзасидан узил-кесил қарорлар чиқариш ваколатларига эга.

¹ Қаранг: *Никеров С.И.* Судебная власть в правовом государстве (Опыт сравнительного исследования) // «Государство и право», 2001, №3.

² Қаранг: *Фридман Л.* Введение в американское право. — М., 1992.

Давлатда муносиб ўрин эгаллаш учун судларнинг кураши ҳозирги замон демократиясининг ватани — Буюк Британияда бошланган. Айни шу мамлакатда 1215 йилги Эркинликлар буюк хартиясида судлар ва суд ишларини юритишга доир кўплаб қоидалар белгиланган¹.

Демократик ҳуқуқий давлатда ҳокимиятнинг учинчи тармоғи сифатида суднинг ўрни ва мавқеи ниҳоятда баланд бўлади. Давлат суд ҳокимиятини амалга ошириш учун судга катта ваколатлар беради. Шунга кўра, суд ва судьялар мустақилдирлар ва фақатгина қонунга бўйсундилар. Суд қарорларининг бажарилиши ҳамма учун мажбурийдир. Албатта, мамлакатимиз судлари мустақил суд сифатида ҳали ёш, аммо у энди оёққа туриб олган. Энди унинг қўлида ўзининг мустақил давлати томонидан қабул қилинган адолатли, халқпарвар, инсон ҳуқуқларини биринчи ўринга қўювчи Конституцияси ва қонунлари бор.

Аслида давлатнинг ажралмас қисми бўлган суд ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида кўп асрлик тарихга эга. Узоқ ўтмишда — уч ярим минг йилдан зиёдроқ вақт илгари у қандай бўлганлиги тўғрисида ишончли маълумотлар анча кам, бироқ бу ҳақда қисман бўлса-да, муқаддас «Авесто» ёдгорлигида тасвирланган Адолат рамзи ва Олий судья — Заратуштроэма тимсоллари орқали маълумот олиш мумкин². Умуман олганда, Ўрта Осиё халқларининг қадимги маданияти, турмуши, анъаналари ва ахлоқий асосларининг умумий тавсифидан келиб чиққан ҳолда, судьялик вазифасини обрў-эътиборли, нуфузли, ҳурматга сазовор, бой ҳаётий тажрибага эга кишилар бажаришган деб

¹ Қаранг: Конституции буржуазных государств Европы. — М., 1957, 169–173-бетлар.

² Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Ҳасанов С.* «Авесто» — Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. — Т., «Молия», 2004, 21–25-бетлар.

ҳисоблаш лозим. Чунки Ўзбекистондаги низоли, можароли ҳодисалар бўйича улар чиқарган қарорлар бенуқсон бажарилиши шарт деб тан олинган¹.

Ўрта Осиё ҳудудида минг йилдан зиёд вақт давомида шариат қонунларига амал қилган қозилик маҳкамалари (судлари), шунингдек, халқ урф-одатлари ва анъаналари нормаларига мувофиқ қарорлар қабул қилган бийлар маҳкамалари иш олиб боргани маълум. Ўрта Осиё чор Россияси томонидан босиб олинган, бу ерда Россия империяси қонунларига амал қилувчи суд органлари тузилди. 1917 йилги октябрь тўнтаришидан кейин рўй берган воқеалар суд органлари фаолиятига янада жиддий таъсир кўрсатди. Натижада шўро тузумига хос судлар ва трибуналлар ташкил қилинди. Айни чоғда уларга, агар шўро тузumi манфаатларига зид келмаса, ўз фаолиятларида чор Россияси қонунларига амал қилишга ҳам рухсат этилди. Улар неғизид аста-секин қатағон қилиш ва жазолаш йўналишидаги судлар шакллана бошлади².

Наридан-бери (тезкор) судлов — қатағон қилиш алоҳида кенгашлар ва ички ишлар халқ комиссарлиги вилоят бошқармаси бошлиғи, вилоят партия кўмитаси биринчи котиби ва вилоят прокуроридан иборат таркибдаги «учлик» томонидан таъминланарди. Шунингдек, «иккилик»лар, махсус ҳайъатлар (коллегиялар) ва махсус хизматлар ҳам иш олиб борарди. Ҳатто, шўро тузumi даврида энг тубан, жирканч ва ноинсоний ишларга ҳам қўл уриларди. Масалан, собиқ Иттифоқ қонунчилигида, Жиноят кодексида амалда яқин қариндошлар тўғрисида гувоҳ-

¹ Қаранг: Судебная власть в Узбекистане: время реформ. — Т., 2002, 191-бет.

² Қаранг: *Исламов З.М.* Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. — Т., ТГЮИ, 2003, 190–191-бетлар.

лик кўрсатмалари беришни талаб қилувчи, умуман, чақимчиликни рағбатлантирувчи моддалар бўлган. Жумладан, республикамизда бундай ноинсоний нормалар қандай аянчли воқеа-ҳодисаларга сабаб бўлганлигини юридик фанлари доктори, профессор А. Азизхўжаев кўйидагича таърифлайди: «Советлар тузуми даврида сотқинлик, мунофиқлик мансаб пиллапояларидан кўтарилиш учун энг зарур хусусият эди. Яъни фарзанд ўз «унсур» отасини шўроларга сотиши ёки жазолаши катта қаҳрамонлик ҳисобланар эди. Баъзи ҳамюртларимиз миллатпарвар боболаримиз бўлмиш Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий ва бошқаларни қоралаш натижасида юқори мансабларга эришдилар. Улар миллий ифтихорга эга бўлган кишиларнинг номини қанчалик кўп сотса, эвазига собиқ тузум шунчалик юқори лавозимга кўтарар эди. Қизиги шундаки, кейинроқ уларнинг ўзлари ҳам ўзларидан устароқ сотқинлар томонидан чақувга олиниб, маҳв этиб ташланди»¹.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилишида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: «Маъшум 1937—1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя»².

Юқоридаги каби ҳолатлар шўро ҳокимиятининг етмиш йилдан зиёд ҳукмронлиги даврида суд ҳскимияти муаммоси ишлаб чиқилмаганлиги у ёқда турсин, ҳатто пухталиқ билан обрўсизлантирилганлигининг яққол нишонасидир. Зотан, авторитаризмга ва

¹ Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. — Т., «Ўзбекистон», 2011, 100—101-бетлар.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том. — Т., «Ўзбекистон», 2000, 476-бет.

тоталитаризмга асосланган шўро давлати учун «ҳокимият бўлиниши» тушунчаси ҳам, шунинг баробарида «суд ҳокимияти» тушунчаси ҳам мутлақо бегона эди.

Шуларни ҳисобга оладиган бўлсак, суд ҳокимиятининг таърифи муаммоси, айниқса, муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Шу боис суд ҳокимиятидек мураккаб ва серқирра ҳодиса у билан боғлиқ барча тушунчалар илмий асосланган ҳолда таҳлил қилинишига эришишга тўла ҳақлидир. Зотан, бундай ёндашув «суд ҳокимияти» тушунчаси моҳиятига чуқурроқ кириб бориш, ушбу ҳодисанинг барча таркибий қисмларини аниқ ва изчил ёритиш имконини беради. Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, айтиш мумкинки, *«суд ҳокимияти махсус давлат органларининг инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда тиклаш мақсадида ҳуқуқий хусусиятга эга ижтимоий зиддиятларни алоҳида процессуал шаклда кўриб чиқиш ва ҳал қилишдан иборат мустақил ҳокимиятидир. «Суд ҳокимияти одил судлов (конституциявий, маъмурий, фуқаролик ва жиноят ишларини юритиш) шаклида амалга оширилади ва унинг ягона функцияси инсон ҳамда фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш ҳисобланади»¹.*

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. «Аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институ-

¹ Исламов З.М. Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. — Т., ТГЮИ, 2003, 201–202-бетлар.

тига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга ошириш мақсадида «Судлар тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, шунингдек, бу даврда жинойт-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. **Бу эса, ўз навбатида, суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берганини алоҳида таъкидлаш лозим»¹.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг суд ҳокимиятига бағишланган XXII бобида мамлакатимизда судлар мустақиллигини ва одил судловнинг бошқа принциплари амалга оширилишини кафолатловчи ғоят муҳим қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди. Унга кўра, суд органларининг асосий функцияси одил судловни амалга оширишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида одил судлов суд ҳокимиятининг алоҳида ҳуқуқи ҳисобланади. Эндиликда мустақил суд ҳокимияти Ўзбекистонда халқ фаровонлиги ва эркинлигини, унинг ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳимоялашни асосий мақсад қилиб қўйган давлат ҳокимиятининг муҳим таркибий қисмидир.

Шуни таъкидлаш керакки, «парламентимиз суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ишларга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Ўтган беш йил мобайнида қабул қилинган 58 та қонунга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимидаги ис-

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 16-бет.

лоҳотлар янада чуқурлаштирилди. Шу даврда жиноий жазо тизимини либераллаштириш, амалда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш жараёнларига катта эътибор берилди»¹.

Адвокатура институти ислоҳ этилди. Суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, бутун суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштиришга қаратилган бошқа бир қатор чорз-тадбирлар амалиётга татбиқ этилди.

Суд ҳокимияти — давлат ҳокимияти механизмида алоҳида роль ўйновчи ҳокимиятнинг учинчи тармоғи. Одил судловни фақат суд ҳокимияти амалга оширади (қонун чиқарувчи ёки ижро этувчи ҳокимият эмас). Суд мустақиллигининг кафолати, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг, умуман давлатчиликнинг кафолати ана шундадир. Бунда суд одиллик принципини амалга оширибгина қолмасдан, балки қонун ижодкорлиги жараёнида муайян даражада ҳакамлик ҳам қилиши керак. Бинобарин, суд бирварақай ҳокимиятнинг икки бошқа тармоғи — қонунчилик ва ижро тармоқларига нисбатан ўзаро мувозанат ва чеклов воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ҳокимиятнинг ушбу тармоғига Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида XXII боб бағишланган бўлиб, «Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти» деб номланган мазкур бобнинг 106-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади»².

¹ Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-том. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 129-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 29-бет.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми «суд ҳокимияти» тушунчасига илк бор шундай таъриф берди: «Суд ҳокимияти — бу судларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари устуворлиги принципига сўзсиз риоя қилиш асосида жиноий, фуқаролик, хўжалик ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича ваколатидир»¹.

Аммо, «Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислохотлар даври» китоби муаллифлари тўғри қайд этганларидек: «Олий суд Пленуми ўз таърифида суд ҳокимиятининг муҳим функцияларини қамраб олган. Шу билан бирга, уни мукамал ва қонун чиқарувчи суд ҳокимияти атамасига юклаган мазмунни тўла очиб берувчи таъриф деб айтиш, бизнингча, мумкин эмас»².

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидаги мазкур камчилик бундан буён унинг матни устида ишлаш жараёнида бартараф этилиши мумкин, бироқ бунинг учун ҳуқуқий фанимиз ўз олдига қўйилган масалаларнинг аниқ ечимини топиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олий ижтимоий қадрият деб эълон қилди ва уларга риоя этиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш вазифасини давлат зиммасига юкледи. Давлатнинг бу функциясини амалга оширишда ҳокимиятнинг барча тармоқлари иштирок этмоқда, аммо ҳуқуқни ҳимоя қилиш механизмида марказий ўринни суд тизими эгаллайди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тармоқларидан бири бўлган суд

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 1/60-сонли Қарори. — Т., 1997, 132–133-бетлар.

² Судебная власть в Узбекистане: время реформ. — Т., 2002, 199-бет.

ҳокимияти давлатнинг инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш функциясини бажаради. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари фаолиятини ҳамда қонунларни қўллашнинг мазмун-моҳиятинигина эмас, балки суд ҳокимияти фаолиятининг мазмунини ҳам белгилайди. Ўзбекистон Республикаси суд тизими олдида турган оламшумул вазифа шундан иборатки, у давлат органларини инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга мажбур этиши, абстракт ҳуқуқий нормаларни реал ҳуқуқлар ва бурчларга айлантириши, давлат инсон олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришини таъминлаши лозим. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов таъбири билан айтганда: «Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мазмунга айланмоғи керак.

...Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим»¹.

2. Суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш — ҳуқуқ устуңлиги принципини амалга оширишнинг муқаррар шарти

Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятнинг учинчи тармоғи — суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилади. *Биринчидан*, Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек: «Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш -- давр талаби. 5-том. -- Т., «Ўзбекистон», 1997, 127-бет.

ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги Концепцияси амалда жорий этилди»¹. Чунончи:

а) судларнинг жинсий, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилди;

б) қонунчиликка биноан суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтлари жорий этилди;

в) тергов-суриштирув ва кишиларни ҳибсда сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди, ишларни судларда кўриб чиқишнинг қатъий муддатлари белгиланди.

Иккинчидан, суд соҳасида кадрларни танлаш ва тасдиқлашнинг самарали ҳамда демократик ҳуқуқий механизми яратилди, суд қарорларини ижро этиш бўйича етарлича ваколатларга эга бўлган департамент фаолият кўрсатмоқда, судларнинг ўзи эса уларга хос бўлмаган вазифалардан озод этилди.

Учинчидан, прокуратура органларининг суд жараёнига аралашувини жиддий чеклаш бўйича қонунчилик нормаларига зарур ўзгартишлар киритилди. Президент фикрига кўра, прокуратура «жазолловчи идора эмас, биринчи навбатда, фуқаролар манфаатини, жумладан, уларни давлат тазйиқидан ҳам ҳимоя қиладиган орган бўлиши керак. Тасаввур қилиб кўринг, одамларнинг онгида чуқур илдиз отган қарашларни ўзгартириш, ҳуқуқ-тартибот ходимлари, бутун адлия идоралари давлат манфаатларини эмас, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишига эришиш учун қанчалик катта, аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни амалга ошириш даркор»².

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайдди. 13-том. — Т., «Ўзбекистон», 2005, 184-бет.

² Ўша жойда. 13-том. — Т., «Ўзбекистон», 2005. 143-бет.

Бугунги кунда суд жараёнида тортишув принципи, яъни прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминланаётгани, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилиши, шак-шубҳасиз, ижобий бир ҳолдир¹.

Тўртинчидан, мамлакат жиноий қонунчилигини эркинлаштириш юзасидан муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бешинчидан, жиноятларнинг таснифи тубдан қайта кўриб чиқилди ва ўзгартирилди, ўта оғир бўлмаган тоифага кирувчи ҳамда ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноий ҳаракатлар таркиби сезиларли даражада кенгайтирилди.

Олтинчидан, қонунчиликда одил судловни амалга ошириш шаклларида бири — ярашув институти жорий этилди. Давлатимиз бошлиғи алоҳида таъкидлаганидек: **«Хуқуқни қўллаш ва суд амалиётига 2001 йилдан бошлаб ярашув институти киритилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда. Ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда, жиноий жавобгарликка тортилмайди. ...Ярашув институтининг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга яқин фуқаро жиноий жавобгарликдан озод этилди»**².

Бироқ, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишлар қайд этилар экан, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муам-

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 18-бет.

² *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 22–23-бетлар.

молар борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бу муаммолар, биринчи навбатда, судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқ.

Президент фикрига кўра: «Суд — одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён. Шу муносабат билан прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш ҳозирги замоннинг мантиқий талабидир. Ва бу, энг аввало, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, дахлсизлигини чеклаш билан алоқадор масалаларга тегишлидир»¹.

Шунга мувофиқ жиноий ва процессуал қонунчилигимизнинг дастлабки тергов ва судгача бўлган жараён устидан суд назоратини кучайтириш билан боғлиқ айрим қоидалари қайтадан кўриб чиқилди. Бундан ташқари, бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шуниңдек, бошқа процессуал мажбурий чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқлари ҳам судларга ўтказилди. Албатта, ушбу жараён ташкилий-ҳуқуқий масалаларни пухта ва жиддий тарзда ишлаб чиқишни ҳамда суд тизими ва у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқ-тартибот ва прокуратура органларининг ушбу ўзгартишларни киритиш учун зарур тайёргарликка эга бўлишини тақозо этарди.

Яна бир ўта муҳим масала суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш билан боғлиқ. Шу боис Юртбошимиз бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифаси-

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. — Т., «Ўзбекистон», 2005, 187-бет.

ни қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши бутун ҳокимиятнинг обрўси ва халқимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилашини ўз чиқишларида бот-бот тилга олади. Айти пайтда мамлакатда коррупцияга қарши кураш даражаси кўп жиҳатдан ҳуқуқ-тартибот органлари тизимининг ўзида бу иллатга қарши қандай кураш олиб борилаётгани билан боғлиқ, деб билади¹.

Шунинг учун ҳам, биринчи навбатда, қонун ҳимоячилари шўро давридан қолган эски иллатлардан тўла халос бўлишлари, тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатларини тубдан ўзгартиришлари даркор. Эндликда тадбиркорлар фаолиятига ноҳолис, тирноқ остидан кир қидириш кайфияти билан қарашдан бутунлай воз кечиш, аксинча, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлаш фурсати етди. Мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар.

Шундай қилиб, «Ҳозирги вақтда... мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи биз учун долзарб бўлиб қолмоқда»².

¹ Қаранг: *Исломов З.М.* Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. — Т., «Ўзбекистон», 2005, 153-бет.

² *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 51-бет.

3. Судлар — ҳуқуқ устунлиги принципини амалга оширишнинг энг самарали кафолатчилари

Агар суд ҳокимияти одил судлов кафолатчиси ва ҳуқуқий давлатда фундаментал қадрият сифатида ўз вазифаларини амалга оширишда муваффақиятларга эришмоқчи бўлса, авваламбор, жамоатчиликнинг ишончини қозониши лозим.

«Ҳуқуқ устунлиги» ва «суд ҳокимияти мустақиллиги» каби тушунчаларнинг ўзаро алоқалари ҳеч кимда шубҳа уйғотмаса керак. Зотан, мустақил суд ҳокимиятисиз ҳуқуқ устунлигини таъминлаш мумкин эмас, чунки айнан ҳокимиятнинг бўлиниши тизимида, мувозанат ва чекловлар тизимида мустақил суднинг фаолиятигина давлат сиёсати, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш соҳаларида умум эътироф этилган энг муҳим ҳуқуқий ғоялар ҳукмронлик қилишига олиб келиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистонда судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади. Судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати, сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек, илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ гўланидиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас. Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин¹.

¹ Қаранг: *Исламов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. — Т., «Адолат», 2007, 396-бет.

Агар давлат кучли суд тизимига эга бўлса, давлатнинг ўзи ҳам кучли бўлади, чунки ҳокимиятнинг қонунчилик ва ижро этувчи органлари ўзлари қабул қилган қарорларни бажаришга камроқ кучгайрат сарфлайди ва ноҳуқуқий воситалар ёрдамида иш кўриш имкониятидан маҳрум бўлади. Ҳуқуқий асосларда ва демократия принципларига мос равишда фаолият кўрсатувчи самарали адлия тизимини шакллантириш мақсадида мамлакатда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳоти ўтказилмоқда. Бу жараён, биринчи галда, суд ҳимоясининг универсаллигини (ўзбошимчалик ва зўравонликнинг ҳар қандай кўринишларидан ҳимояланиш имкониятини), одил судловнинг барча учун баробарлигини, ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни суд тартибида ҳимоя қилишнинг тезкорлигини, суд қарорларининг қатъий ижросини таъминлаши лозим. Шу билан бирга, бунда қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устунлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим ҳисобланади¹.

Модомики, суд ҳокимияти одил судловни амалга оширар экан, суд мустақиллигининг кафолати ҳам, фуқаролар ва умуман давлатчилик ҳуқуқ ҳамда эркинликлари кафолати ҳам айнан шундадир. Зеро, суд адолатпарварлик принципини рўёбга чиқаришигина эмас, балки қонун ижодкорлиги жараёнида муайян даражада ҳакам сифатида ҳам намоён бўлиши даркор. Бинобарин, суд ҳокимиятнинг бир йўла бошқа икки тармоғига нисбатан ҳам «чеклаш ва мувозанат» тарзида рўй кўрсатади.

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 27-бет.

Албатта, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда амалга оширилган ишларнинг салмоғи катта, шу билан бирга, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. «Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масаласини кун тартибига қўяётганини биз ўзимизга албатта яхши тасаввур этамиз»¹.

Умуман олганда, *суд ҳокимиятининг мазмунини* ҳақиқатни аниқлаш, адолатни тиклаш, даъволарни ҳал этиш ва айбдорларни жазолашга йўналтирилган, қарорлари тегишли барча шахслар томонидан bajarилиши мажбурий бўлган, қонунда кўзда тутилган ҳокимият ваколатларига эга махсус давлат органлари тизимидан иборат мустақил очиқ-ҳуқуқий тузилма сифатида таърифлаш мумкин.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, *суд* — бошқа оммавий ва хусусий ҳуқуқий тузилмалардан мустақил суд ҳокимияти органи бўлиб, унинг фаолияти ҳақиқатни аниқлаш, адолатни тиклаш, низоларни ҳал этиш ва қонунда белгиланган тартибда айбдорларни жазолашга йўналтирилган.

Одил судлов эса фақат судларгагина хос бўлган, суд ҳокимияти органлари томонидан ҳуқуқли ваколатларини амалга ошириш шакли ҳисобланиб, суд қарорларини қабул қилиш билан яқунланади ва бу қарорлар кимларга нисбатан чиқарилган бўлса, ўша шахсларга нисбатан қўлланиши мажбурийдир.

¹ *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 23-бет.

Айни пайтда *суд тизими* муайян давлат суд муассасаларининг ташкил этилиши ва фаолиятнинг ягона принципларига асосланган, мақсад ва вазифаларининг бирлиги билан ўзаро боғланган, юқори туровчи суд органини ажратиш имконини берадиган ваколатга эга бўлган **мажмуи** сифатида таърифланиши ўринли ҳисобланади.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифаси одил судловни амалга ошириш соҳасида туб ўзгартиришлар қилишни — уни давлат ҳокимиятининг чинакам мустақил ва эркин тармоғига айлантиришни талаб этади. Демак, бунинг учун суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг мустақил ва эркин тармоғи сифатида самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш муаммоси тўлиқ ҳал этилиши лозим.

VII. ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КОНЦЕПЦИЯЛАРИНИНГ ЎЗARO АЛОҚАСИ ВА БИР-БИРИНИ ТАҚОЗО ЭТИШИ

1. Ҳуқуқ устуңлиги ва инсон ҳуқуқлари концепциясининг ривожланиш тарихи

Аслини олганда, инсон ҳуқуқларининг таъминланганлик даражаси жамият ва давлатнинг қанчалик демократлашганлигини кўрсатади. Бинобарин, мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек: «Инсон ҳуқуқини қонунда ва амалда таъминлай олмаган, бунинг учун етарли кафолатлар яратиб беролмаган жамият демократик жамият эмас»¹. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясига мувофиқ, айнан инсон ҳамда унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланади.

Маълумки, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги гоҳ қадим замонлардан, аниқроғи, давлат ва ҳуқуқ вужудга келган даврлардан олимлар томонидан ўрганила бошлаган.

Шу боис инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти узоқ тарихга эга. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги масаланинг ҳозирги талқини инсониятнинг, энг аввало, жамият ва давлат ҳаётини ташкил этишнинг ҳуқуқий шакллари, одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий усуллари соҳасидаги бой тажрибасига таянади. Инсон ҳуқуқлари — ижтимоий-тарихий ҳодисадир.

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. — Т., «Ўзбекистон», 1996, 110-бет.

Кишилик жамияти пайдо бўлганидан бери ўтган минг йилликлар мобайнида инсон ҳуқуқлари доим тараққийпарвар инсоният диққат марказида бўлган. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, чунки яшаш ҳуқуқи, шахснинг дахлсизлик ҳуқуқи, виждон эркинлиги, фикрлаш ва сўз эркинлиги, эътиқод эркинлиги, сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликлар цивилизацияга эришган жамиятда инсон ҳаётининг зарурий шартлари ҳисобланади ва давлат томонидан албатта тан олиниши ва муҳофаза қилиниши лозим.

Айни шу сабабли инсон ҳуқуқлари муаммоси доим синфий курашлар, фуқаролар урушлари ва исёнлар омили бўлиб келган. Бундай курашлар ва урушлар асосан ҳуқуқларни қўлга киритиш ёки уларни кенгайтириш учун олиб борилган. Кези келганда яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, инсоният ривожланишининг ҳар бир босқичи эркинликка эришиш ва уни кенгайтириш йўлида ташланган навбатдаги қадам бўлган. Тарих одамларнинг ҳар бир авлоди инсон ҳуқуқларини қайта ва қайта ҳимоя қилишига тўғри келганини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга куч-ғайратни йўналтириш талаб этилмаган давр инсоният тарихида ҳеч қачон бўлмаганини кўрсатади.

Шу билан бирга, агар жамият, шахснинг ҳолатида бирон-бир юксалиш юз беришига сабаб бўлмаса, ривожланишнинг ҳар бир янги босқичи инсонга қўшимча эркинлик бермаса, тараққиёт юз бериши мумкин эмас, деб комил ишонч билан айтиш мумкин. Мозийга назар ташлайдиган бўлсак, антик даврда қул ибтидоий жамоа давридаги ёввойи одамдан, ўрта асрларда крепостной — антик давр қулидан, илк буржуа жамиятининг ёлланма ишчиси — крепостнойдан эркинроқ бўлганини кўришимиз мумкин.

Инсон ҳуқуқларининг мазмуни қандай ўзгарганини ва уларнинг жамиятда тақсимланиши қай тарзда юз берганини яхшироқ тушуниш учун уларни муайян тарихий нуқтаи назардан ўрганиш ва таҳлил қилиш лозим. Бу эса ҳар бир тарихий босқичга ҳуқуқлар ва эркинликлар учун курашнинг ўз даври мос келганини англатади.

Қадимги Туронзаминнинг энг муқаддас ёдгорлиги ҳисобланган «Авесто» китоби инсонга ҳурмат туйғуларини, инсон ва унинг ҳуқуқларини тартибга солувчи қоидаларни муайян даражада ўзида ифодаланганлиги билан ажралиб туради. Дарҳақиқат, «бундан уч минг йил илгари қадимий Хоразмда дунёга келган «Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китоби сифатида катта ижтимоий, маънавий, ахлоқий воқеликка айланди. «Авесто»нинг ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатидаги қадрияти фақат шугина эмас. Балки у бутун инсоният тараққиётининг янги босқичи, тасаввур ва тафаккур оламининг янги сарчашмаси, инсон, ижтимоий ҳаёт, яшаш завқи ва моҳият билан боғлиқ бўлган ғоят инсонпарвар ғоя сифатида юзага келди.

«Авесто»даги ижтимоий адолатга йўғрилган, ғоят инсонпарвар қарашлар нафақат инсон, балки бутун борлиқ, тупроқ, ҳаво, сув, коинот, юлдузлар, ҳайвонлар, ҳашаротлар, паррандаю даррандалар яхлит оламининг ўзаро муносабатлари орқали инсон маънавий-ахлоқий меъёрлари илк бор ишлаб чиқилди. Инсон фаолияти, хатти-ҳаракатлари ва муносабатларининг қонуниятларини дастлабки кўринишларда, аммо қийматини йўқотмайдиган даражада юзага келтирди. Худди ана шу умуминсоний, дунёвий ғоялар орқали «Авесто»нинг тарихий ҳодиса сифатидаги моҳияти белгиланади... Туронда «Авесто» тинчлик ва ҳамкорлик, дўстлик ва ўзаро ҳурмат орқали инсон

ва инсоният туб моҳиятини юксак даражада тарғиб қилади»¹.

«Оташпарастлар учун инсон ҳаётининг моҳияти ҳалоллик ва покликда. Инсон «эзгу фикрат», «эзгу калом», «эзгу амал» орқали ёмонлик билан курашади. Моддий неъматларни кўпайтириш ёмонлик кучларини синдириш воситаси ҳисобланади»².

Таниқли олима Фозила Сулаймонованинг ёзишича: «Дунёда ҳамма нарса доимий ҳаракат ва ўзгаришда. Қотиб қолган нарса эса умуман бўлмайди. Доимий ўзгариш ва ҳаракатни Гераклит қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши сифатида тушунади. Бу тезиснинг асосида зардуштийлик динидаги Ахура Мазда билан Анҳра Ману, Яхшилик ва Ёмонлик ўртасидаги доимий кураш ётади... Гераклит ҳам Зардушт каби абстракт тушунчани илоҳийлаштиради. Унинг фикрича, донишмандлик — илоҳият... Илоҳият инсонлар қилмишини назорат остида тутиши греклар учун янгилик бўлиб, зардуштийларнинг Ахура Маздаси ва Амаша-Спента³си фаолиятининг айнан ўзи эди»⁴.

Кўриниб турибдики, Қадимги Юнонистон фалсафаси ҳам қайсидир даражада айнан «Авесто»нинг инсон ҳуқуқларини тартибга солувчи ғояларидан баҳраманд бўлган, унинг ҳаётбахш, инсон турмушига мазмун олиб кирадиган, уни баркамоллаштирадиган бунёдкорлик ғояларидан илҳомланган ва фойдаланган. Демокрит, Суқрот, Арасту ва бошқа

¹ *Жўраев Н.* Тарих фалсафасининг назарий асослари. — Т., «Маънавият», 2008, 42–43-бетлар.

² *Маҳмудов Т.* «Авесто» ҳақида // Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. — Т., «Шарқ», 2001, 366-бет.

³ Олти кичик худо ёки олти ёрқин куч // Қаранг: *Маҳмудов Т.* «Авесто» ҳақида // Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. — Т., «Шарқ», 2001, 368-бет.

⁴ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Фарб. — Т., «Ўзбекистон», 1997, 33-бет.

Юнонистон алломаларининг фалсафий қарашлари бевосита «Авесто» таъсирида ривожланган, дунёвий ва умуминсоний тафаккур даражасига кўтарилган.

Қадимги Юнонистонда инсон ҳуқуқлари ҳақидаги қарашлар полис (шаҳар-давлат) ва унинг қонунлари илоҳий асосга эга ва илоҳий адолатга таянади, деган мифологик тасаввурлар таъсирида шаклланган. Бундай тасаввурларга кўра, умуман ҳуқуқ ва полис аъзолари бўлган айрим инсонларнинг ҳуқуқлари куч билан эмас, балки илоҳий адолат тартиби билан белгиланади.

Аммо «Гомер Юнонистони» даври (милоддан аввалги II минг йиллик охири)да эллинлар «дике» (ҳақиқат, адолат), «темис» (одат, одат ҳуқуқи), «тима» (шахсий шаън, фахрий ҳуқуқ-иддао), «номос» (қонун) каби тушунчаларни қўллай бошлаганлар. Ўз табиатига кўра илоҳий бўлган адолат **Гомер** асарларида объектив асос ва ҳуқуқий мезон сифатида амал қилганди.

Милоддан аввалги VII—III асрларга келиб Қадимги Юнонистонда инсон ҳуқуқлари ҳақидаги қарашлар бирмунча ривожлантирилди. Жумладан, адолат, полис ва қонуннинг ягоналиги ғояси **Гесиод**нинг «Теогония», «Заҳмат ва кунлар» дostonларида илгари сурилади. Адолат (Дике) ва Қонунийлик (Эвномия) — Гесиод талқинида опа-сингил илоҳалар, Олимпия худоси Зевс ва одил судлов илоҳаси **Фемиданинг** қизларидир. Кўриниб турибдики, Гомердан фарқли ўлароқ, Гесиод ҳуқуқий ғоялари бевосита инсонга қаратилади.

Афиналик машҳур давлат арбоби ислоҳотчи ва қонун чиқарувчи **Солон** қарздорларни қул қилиб олиш ҳуқуқини бекор қилди ва Афинада зодагонлар ва демос (халқ), бойлар ва камбағалларнинг муро-саи мадораси руҳи билан суғорилган мўътадил демократияни жорий этди. Айни пайтда у демократия-

нинг баъзи бир унсурларини ўз ичига олган ва давлат амалдорларини жавобгарликка тортиш ҳуқуқи мустақкамланган конституцияни яратган. «Ҳуқуқий қонун ва ҳуқуқий давлат ғоялари масаласида Солон ўз ислоҳотларини «**кучни ҳуқуқ билан кўшиб**», «**қонун ҳокимияти**» ёрдамида амалга оширгани диққатга сазовордир»¹.

Қадимги Юнонистон мутафаккирларининг куч билан ҳуқуқ бирлиги ҳақидаги давлат-ҳуқуқ ғоялари, шубҳасиз, куч ҳуқуқни вужудга келтиради, куч-қудрат ҳамиша ҳақ, деган тасаввурларга қарши қаратилган. Адолат, ҳуқуқ, қонун анъанага кўра қадимги юнонлар томонидан илоҳий кўрсатмалар, зўравонлик, зулм ва алғов-далғовларнинг душмани ҳисобланган. Албатта, бугунги кунда Қадимги Юнонистон алломаларининг қонунга итоаткорликлари, уларнинг қонун ва қонунийликка юксак ҳурматлари ҳақида гап кетаркан, улар бунда куч-қудрат ҳукмронлигини эмас, балки айнан ҳуқуқий қонунларни назарда тутганларини ёддан чиқармаслик керак.

Қадимги Юнонистонда давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги назарий тасаввурларнинг вужудга келиши ва чуқурлашиши жараёни полис ва унинг қонунлари объектив асосларини излаш йўлидан ривожлана борди. Бунда гап қонун ва давлатнинг объектив, сўзсиз, туб асослари тўғрисида, яъни моҳият эътибори билан *табiiй ҳуқуқ ғояси* ҳақида боради.

Гераклит полис ва унинг қонунларини «коинотдаги тартиб инъикоси» сифатида талқин қилган. Адолат, қонун ва ҳоказолар ҳақидаги билим — бу, Гераклит фикрига кўра, умуман олам, коинот, «жаҳон тартиби» ҳақидаги билимларнинг бир қисмидир.

¹ *Исламов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. — Т., «Адолат», 2007, 101-бет.

Дунёнинг барча воқеалари замирида инсоний адолат ва ҳуқуқнинг биринчи манбаи — умумий илоҳий логос (ақл-идроқка асосланган сўз) ётади¹.

Барча одамларнинг табиий тенглиги ва эркинлиги буюк ғоясини илк бор софистлар (милоддан аввалги V—IV асрлар) илгари сурганлар. Улар одамлар табиий ҳуқуқларга эга бўлади ва улар қонун билан кафолатланиши лозим, деб ҳисоблаганлар. Софист **Протагор**нинг шу даврда айтилган: «Инсон барча нарсалар ўлчовидир», деган машҳур ибораси асрлар оша яшаб келмоқда.

Полис ва унинг қонунларининг объектив оқилона табиати ҳақидаги илк тасаввурлар **Сукрот** номи билан боғлиқ. Қонуннинг қоядек мустаҳкам ва устунлиги тўғрисидаги, унинг илоҳий ва адолатга асосланган мазмуни ҳақидаги, қонуннинг ҳуқуққа мос бўлиши зарурлиги тўғрисидаги ғояларни ҳуқуқий давлат ҳақидаги таълимотнинг илк асослари деб ҳисоблаш мумкин. Умрбоқий ҳодиса сифатида ҳуқуқни чинакамига ҳурмат қилишда антик тарих биринчи бўлиб ўрнак кўрсатади, яъни суднинг жазоловчи қўлидан қутулиб қолишни истамаган донишманд **Сукрот** ўлимни афзал кўрди.

Сукротнинг ўлмас ғояларини унинг шогирди **Афлотун** ривожлантирди. Унинг идеал давлат лойиҳасида хусусий мулк йўқ, эркин одамлар ва қуллар ажратилмаган. Афлотун аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини тан олади, шунга қарамай, Афлотуннинг идеал давлатида аёллар олий ҳукмдорлар қаторига қўйилмаган.

Ҳуқуқий нормаларнинг умумийлик ва абстрактлик каби сифатларига Афлотун жиддий камчилик сифатида қарайди. Шу боис қонун устун бўлган дав-

¹ Қаранг: *Йўлдошев С. ва бошқ.* Қадимги ва ўрта аср Фарбий Европа фалсафаси. — Т., «Шарқ», 2003, 12–14-бетлар.

лат Афлотуннинг бошқарув шакллари иерархиясида иккинчи ўринда туради, чунки ҳақиқий, яъни оқил ҳукмдор қонунга муҳтож бўлмайди. Нима яхшию нима ёмонлигини, шунингдек, бахт нимада эканлигини фақат ҳақиқий ҳукмдор аниқлай олади; у ўзи чиқарган қонунлар билан боғлиқ бўлмайди. Ҳақиқий ҳукмдор бўлмаган жойда ҳамма қонунга бўйсунishi керак. Аммо бу «қонунийлик» давлатида қонун бошқармайди, балки ҳукм ўтказди. Бу давлат ҳуқуқий давлатнинг муайян шакл-шамойилини касб этади: унда қонун фуқароларга ҳам, ҳукмдорларга ҳам баробар, улар қонуннинг қуллари ҳисобланишади.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, буюк бобокалонимиз Абу Наср Форобий Афлотуннинг: «Ҳар бир одам қалбида қарама-қарши ўзаро жуфт қувват, ғамгинлик ва қувонч, лаззат ва изтироб ва ҳоказолар бор», — деган фикрини қувватлаб, булардан бири таҳсинга сазовор, иккинчиси эса ҳайвонийдир, деб ҳисоблайди. Демак, қонун ҳайвоний кучни эмас, таҳсинга сазовор кучни ривожлантиришга қаратилиши, ҳар бир инсон шу икки зиддиятли ҳолат ҳақида ўйлаши, таҳсинга сазовор қувватларга асосланган, адолатли бўлиши зарур¹.

Афлотун қарашларини кейинчалик **Арасту** ўзининг адолат ҳақидаги таълимотида ривожлантирди. Унда инсон мулк эгаси сифатида ҳуқуқ субъектига айланади: қонунларнинг мақсади шахсий манфаатларга ҳукм ўтказиш эмас, балки уларни уйғунлаштиришдан иборатдир. Афлотундан фарқли ўлароқ, Арасту сўзнинг асл маъносидаги ҳуқуқни таҳлил қилади. У қонунни муайян мақсадга эришиш воситаси деб ҳисобламайди. Аллома фикрича, ҳуқуқий

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *Муҳиддинова Ф. Форобийнинг ҳуқуқий таълимоти* // «Davlat va huquq», 2000, 1-сон, 52–53-бетлар.

қонун ўз ҳолича яхши, оқилона ҳаёт шарти сифатида муҳим. Одамлар бошқаруви эмас, балки қонун бошқаруви ҳуқуққа хос бўлган сифатлар — умумийлик, абстрактлик, беғаразлик, барқарорликни амалга оширишни назарда тутати, бу эса, ўз навбатида, полис ҳаётини тартибга солиш имкониятини беради.

Одамларнинг индивидуал эркинлиги ва ўзаро хавфсизлигини таъминлаш учун умумфойдали шартнома сифатидаги давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурларни **Эпикур** ривожлантирди. Эпикур ахлоқининг асосий қадриятлари (эркинлик, лаззатланиш, «атараксия» — «руҳнинг сокин ва осойишталиги») индивидуалистик хусусият касб этади. Инсоннинг эркинлиги, Эпикур фикрига кўра, унинг ўз турмуш тарзини оқилона танлаш учун унинг жавобгарлиги демакдир. Бунда давлатнинг бош мақсади — одамларнинг ўзаро хавфсизлигини таъминлаш, улар бири-бирига зиён-заҳмат етказмаслигига эришишдан иборат.

Қадимги Юнонистон мутафаккирларининг эркинлик ва барча одамларнинг тенглиги ҳақидаги табиий ҳуқуқий ғоялари кейинчалик **Қадимги Рим** мутафаккирлари ижодида ўз ривожини топди. Масалан, аллома **Сенека** табиий ҳуқуқ — бу ҳамма учун мажбурий ва ҳаммага баравар бўлган оламий қонундир, деган тасаввурдан келиб чиқиб, айниқса, одамларнинг маънавий эркинлиги ва тенглиги ғоясини ўз сафдошлари орасида изчил ҳимоя қилди.

Шунга ўхшаш табиий ҳуқуқий тасаввурларни **Эпиктет** ҳам ривожлантирди. У ҳар ким ўзига тақдир ва оламий қонун белгилаган вазифани бажариши лозим, деган фикрни илгари сурди. Шундан келиб чиқиб, Эпиктет: «Ўзингга раво кўрмаган нарса-ни бошқаларга ҳам раво кўрма», деган принципни ҳимоя қилади. Бу принципдан у қулдорликни та-

бий ҳуқуққа зид бўлган ҳодиса сифатида танқид қилиш учун фойдаланади.

Атоқли нотиқ ва юрист **Цицерон** давлат, қонун ва одамларнинг ҳуқуқлари ҳақидаги фалсафий таълимотни табиий ҳуқуқ нуқтаи назаридан асослаб берди. Цицеронга кўра, ҳуқуқ замирида табиатга хос бўлган адолат ётади. Бунда у адолатни табиатнинг, шу жумладан инсон табиатининг абадий, ўзгармас ва узвий хусусияти сифатида талқин қилади. Ўзининг адолатли қонунлар ҳақидаги умумий тасаввурларини Цицерон ўзи таклиф қилган дин тўғрисидаги ва магистратлар тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларида муайянлаштирган. Бу қонунларнинг универсаллигига урғу берар экан, у шундай ёзади: «Ахир, биз қонунларни биргина Рим халқи учун эмас, ҳалол ва руҳан бардам бўлган барча халқлар учун чиқарамиз».

Дарҳақиқат, Рим юристлари инсон ҳуқуқлари ҳақидаги юридик тасаввурларнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшдилар. Бунда улар ишлаб чиққан ҳуқуқ субъекти ҳақидаги, одамларнинг ҳуқуқий мақомлари ҳақидаги, инсонларнинг табиий ҳуқуқ бўйича эркинлиги ҳақидаги, ҳуқуқнинг хусусий ва оммавийга бўлиниши ҳақидаги, адолатли ва адолатсиз ҳуқуқ ҳақидаги қоидалари, айниқса, улкан аҳамият касб этди. Улар инсон ҳуқуқлари ҳақидаги қарашларга юридик тус бердилар. Индивид ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий хусусияти, шахс ҳуқуқи ва ҳокимият органи ваколатининг ўзаро нисбати, субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш ва юридик бурчларни бажариш шакллари ва тартиб-таомиллари, индивидларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг давлат-ҳуқуқий воситалари ва усуллари ҳақидаги фикрларни айнан Қадимги Рим юристлари биринчи бўлиб илгари сурдилар.

Қадимги Рим даврлардаёқ ҳуқуқнинг икки тармоғи: оммавий ҳуқуқ билан хусусий ҳуқуқ бир-биридан фарқланади. Оммавий ҳуқуқ билан хусусий ҳуқуқни бир-биридан фарқлашнинг асрлардан-асрларга ўтиб келган мумтоз намунасини **Ульпиан** шундай таърифлайди: «Оммавий ҳуқуқ — Рим давлати мақомига тегишли; хусусий ҳуқуқ — алоҳида шахслар фойдасига дахлдор ҳуқуқдир». Хусусий ҳуқуқ, ўз навбатида, қуйидаги уч қисмни ўз ичига олган: табиий ҳуқуқ, халқлар ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқи.

Рим юристларининг табиий ҳуқуқий адолат ва адолатли ҳуқуқ ҳақидаги ғоялари инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари юридик концепциясининг шаклланиши ва ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Антик муаллифларнинг ғоялари Европадаги ўрта аср ва янги давр мутафаккирлари ижодида янада ривожлантирилди.

Антик даврнинг одамлар эркинлиги ва тенглиги ҳақидаги ғоялари **Ўрта асрлар**нинг дунёвий ва диний мутафаккирлари томонидан қабул қилинди ва ривожлантирилди. X—XI асрларда Рим, Павия, Равенна ва бошқа шаҳарларда вужудга келган юридик мактабларнинг намояндалари ўзларининг ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурларида ҳуқуқий адолат ғояси ва у билан боғлиқ бўлган табиий ҳуқуқий тасаввурлар ва концепцияларга таяндилар. Бу ғоялар XIII—XIV асрларда янада ривожлантирилди.

Илоҳиётшунос олим **Фома Аквинский** табиий қонун ақлли мавжудот сифатида худо томонидан яратилган инсон шаъни, қадр-қимматини эътироф этиш ва ҳурмат қилишни талаб этади, деган фикрни илгари сурди. *Инсон шаъни, қадр-қиммати ҳақидаги мазкур қоида инсоннинг ажралмас табиий ҳуқуқи ғоясининг илк таърифларидан биридир.* Антик муаллифлар қарашларига ҳамоҳанг тарзда у монархияни ис-

тибдодга қарши қўяди ҳамда халқнинг зулмкор ҳокимиятни (черков розилиги асосида) зўравонлик йўли билан ағдариб ташлаш ҳуқуқини эътироф этади. Бунда, илоҳиётчилик қараши билан бирмунча бўғилган бўлса-да, **халқ суверенитети** ғоясини кўриш мумкин.

Шу даврда **Марсилий Падуанский** ўзининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги дунёвий таълимотида **халқ суверенитети**ни янада аниқроқ эътироф этди. У, халқ — ҳар қандай (ҳам дунёвий, ҳам диний) ҳокимиятнинг асоси, суверенитет соҳиби ва олий қонун чиқарувчи, деган фикрни асослашга ҳаракат қилди. Бироқ «халқ» деганда, Падуанский жамиятнинг умумий фаровонликка жон куйдирувчи энг яхши ва маърифатли қисмини тушунар эди.

Шундай қилиб, Ўрта аср мутафаккирлари, ҳуқуқий давлат нафақат инсонпарварлик асослари, адолатни қарор топтиришга даъват этилган ижтимоий қадриятлардан бири, балки у шахс эркинлиги, шаъни, ор-номуси ва кадр-қиммати ҳимоясини таъминлашнинг зарур шартидир, дея таъкидлашарди.

Янги даврнинг юридик дунёқараши инсон ҳуқуқлари ҳақидаги янгича тасаввурларни яратди. Инсон ҳуқуқлари янги рационалистик назарияси Г. Гроций, Б. Спиноза, Ж. Локк, Ш. Монтескье, Т. Жефферсон, И. Кант ва бошқа мутафаккирлар томонидан ишлаб чиқилди. Бу даврда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳужжатлар пайдо бўлди. Жумладан, Англияда қабул қилинган **«Эркинликлар буюк хартияси»** (1215 йил) подшо ҳуқуқларини чеклади. Бу ҳужжатда ҳар бир инсон, у ким бўлишидан қатъи назар, эркин яшаш ҳуқуқига эга эканлиги ва фақат суд ҳукмига биноан жазога тортилиши мумкинлиги қайд этилди. Энг муҳими, бу Хартияда **қонуннинг, ҳатто, қиролдан ҳам устунлиги мустаҳкамланди.**

XVII асрда буюк англиз файласуфи **Т. Гоббс**: «Ҳар ким ўз-ўзини асраш ҳуқуқига эгадир», — дея инсоннинг яшаш ҳуқуқини қайд этди. Англия парламенти эса «*Ҳуқуқлар тўғрисида билль*» (1689 йил) қабул қилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоси **Ж. Локк** ва **Ш. Монтескье** асарларида атрофлича таҳлил қилинади. **Локк** фикрига кўра, фуқаролик ҳолатидаги инсоннинг узвий ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш, ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш муайян шартлар ва кафолатлар билангина амалга оширилиши мумкин. Бундай шартлар орасида қонуннинг ҳуқуқий сифати (индивидларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунда ифодаланиши ва ҳимоя қилиниши), лозим даражадаги (ҳокимиятнинг бўлинишига асосланган) давлат тузилиши бор.

Инсон ҳуқуқлари концепцияси кейинчалик француз юристи **Монтескье** ижодида ўз ривожини топди. Унда ҳам инсон ҳуқуқлари талқини ҳокимиятнинг бўлиниши принципи билан узвий боғлиқ. Ўзининг «Қонунлар руҳи ҳақида» деб номланган машҳур асарида Монтескье ҳуқуқий давлат ўрнатилишини фуқаролик жамиятида одамларнинг сиёсий эркинлиги зарурияти билан боғлайди. Шу билан бирга, у сиёсий эркинликни давлат фуқаролари хавфсизлигидан иборат фуқаролик эркинлиги билан ҳам узвий боғлиқ ҳолда кўради¹.

Монтескье фикрига кўра, сиёсий эркинлик қонунийлик ва хавфсизликнинг ўрнатилишини билдиради. Бунга эса, *ҳокимиятни ўзаро бир-бирини чеклаб, фаолиятини мувозанатга солиб турувчи қонунчилик, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиш* йўли билан эришилади. Кейинчалик бу гоё маданий юк-

¹ Қаранг: *Монтескье Ш.* Избранные произведения. — М., 1955, 316-бет.

сак ривожланган мамлакатлар давлат қурилишида ўзининг амалий татбиқини топди.

Ҳокимиятнинг бўлиниши таълимоти ва конституциявий-ҳуқуқий амалиётини ишлаб чиқишга америкалик мутафаккирлар улкан ҳисса қўшдилар.

Жумладан, **Т. Пейн** инсоннинг табиий ва узвий ҳуқуқлари ғоясининг оташин куйчиси эди. Бу ғояларни ҳимоя қилар экан, у «Инсон ҳуқуқлари» ва «Соғлом фикр» асарларида инсон ҳуқуқларини унинг ижтимоий борлиғининг зарурий хусусияти сифатида ва айна пайтда ҳукумат ва умуман давлат фаолияти, уни ташкил этиш принципи сифатида талқин қилади. Инсон ҳуқуқларига Пейн цивилизацияга эришган халқларнинг барчасида республика бошқарув шаклининг ажралмас белгиси сифатида қарайди.

Т. Жефферсон инсон ҳуқуқларини республикачилар ва демократлар нуқтаи назаридан асослашга ҳаракат қилган. У тайёрлаган АҚШ Мустақиллик декларациясида (1776 йил 4 июлда қабул қилинган) инсоннинг узвий ҳуқуқлари ғояси таърифланган. Декларация мазкур ҳуқуқлар мустаҳкамланган биринчи расмий ҳужжат бўлиб қолди.

Ҳокимиятнинг бўлиниши ҳақидаги таълимот билан боғланган инсоннинг узвий табиий ҳуқуқлари ҳақидаги назарий тасаввурлар конституционализмнинг шаклланиш жараёнида улкан роль ўйнади ва илк буржуа конституциявий қонунчилиги ва давлат-ҳуқуқий амалиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Бу таъсир, масалан, 1787 йилги АҚШ конституциясида, 1789—1791 йиллардаги Инсон ҳуқуқлари тўғрисида биллда, 1789 йилги Франциянинг Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисида декларациясида ва бошқа бир қатор ҳужжатларда, айниқса, бўртиб намоён бўлди¹.

¹ Каранг: Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. — М., 1984, 209-бет.

И. Каят инсон, шахс марказий ўрин эгаллайдиган ҳуқуқий давлат назариясининг фалсафий негизларини асослаб берди ва батафсил ишлаб чиқди. Ҳуқуқ-тартиботни ўрнатишда ўз иродасини ифодаловчи конституцияни қабул қилиш йўли билан ўз иштирокини талаб этишда халққа бериладиган имтиёзни у расмий ҳуқуқнинг энг муҳим принципи деб ҳисоблайди. Халқ устуворлиги «ҳуқуқий қонунларга итоат эттирилган кўплаб одамлар бирлашмаси»¹ сифатида майдонга чиқувчи давлатда барча фуқароларнинг эркинлиги, тенглиги ва мустақиллиги учун шарт-шароитларни яратади. Давлат конституциявий ҳуқуқлар асосида иш олиб борадиган, халқнинг умумий иродасига бўйсунадиган жойдаги давлат ҳуқуқийдир, бундай давлатда фуқароларнинг шахсий эркинликлари, виждони, тафаккури, хўжалик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқларида ҳеч қандай чеклашлар бўлиши мумкин эмас.

Эркинлик ва ҳуқуқ ғояларини фалсафий асослаш ишига **Гегель** улкан ҳисса қўшди. Унинг фикрига кўра, одамлар эркинлиги ғояси конституциявий расмийлаштирилган ва ривожланган замонавий давлатлардагина рўёбга чиқарилиши мумкин. Бу давлатлар ўз-ўзича ақлга мувофиқ ҳодиса сифатида намоён бўлади; улар амалда мавжудгина эмас, балки ҳақиқий ҳамдир.

Ҳуқуқ ва эркинликнинг ички бирлигига урғу берар экан, Гегель шундай ёзади: «*Ҳуқуқ шу билан белгиланадики, мавжуд борлиқ умуман олганда эркин ироданинг мавжуд борлиғидир*. Бинобарин, ҳуқуқ умуман ғоя сифатидаги эркинликдир»².

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқлари ғоясининг куртакларига инсоният давлатга уюшишининг илк бос-

¹ Гегель. Философия права. М., 1990, 95-бет.

² Ўша жойда. — 89-бет.

қичларидаёқ дуч келиш мумкин, зеро, субъектив ҳуқуқларнинг муайян мажмуи ҳуқуқнинг барча типларига у ёки бу даражада хос бўлган. Давлат ва шахс ўзаро муносабатларининг тавсифига қадимги ижтимоий-сиёсий тафаккур давридаёқ жиддий эътибор берилган.

2. «Инсон ҳуқуқлари» умумий тушунчаси

«Инсон ҳуқуқлари» тушунчасининг вужудга келиши, яъни ушбу муаммонинг илмий тус олиши табиий ҳуқуқ ғоялари пайдо бўлиши ва тарқалиши билан чамбарчас боғлиқ. Милоддан аввалги V—IV асрлардаёқ қадимги юнон мутафаккирлари (Ликофрон, Антифон ва бошқалар) барча одамлар туғилишдан тенгдирлар ва табиат ато этган бир хил ҳуқуқларга эга бўладилар, деб таъкидлаган эдилар.

Қонунлар ва кодекслар қабул қилиш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим усули ҳисобланади. Бобилда қабул қилинган Хаммурапи қонунлари тўплами, Афинада «адолатли» деб номланган Солон қонунлари ва, ниҳоят, Қадимги Римда яратилиб, кейинчалик Европа қонунчилиги негизига айланган адолат концепцияси — Рим ҳуқуқи қадим замонлардан бери маълум.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, айрим мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлганидан то бу ерда араблар ҳукмронлиги ўрнатилгунига қадар бўлган давр қарийб икки минг йилни ташкил қилади. Афсуски, бу даврда ҳаракатда бўлган инсон ҳуқуқларига оид норматив қоидалар, муассасалар ҳақида биз етарлича маълумотга эга эмасмиз. Ўша даврга оид ҳуқуқий манбаларнинг бизгача тўлиғича етиб келмаганлиги ва етиб келганларининг ҳам атрофлича

ўрганилмаганлиги бунинг асосий сабаби ҳисобланади. Бизгача милоддан аввалги VI—IV асрларга ва милоднинг VII—VIII асрларига оид ҳуқуқий манбалардан айримларигина етиб келган, холос.

Айтайлик, исломга қадар ҳуқуқ ёдгорликларидан бири «Авесто»дир. Кўпчилик олимларнинг фикрича, «Авесто» тахминан милоддан аввалги IX асрдан то IV асргача бўлган даврда тузилган. Жумладан, «Авесто»нинг «Вендидат» («Вий даево датем» — «оромийча давлатларга қарши қонун») номи билан аталган бобида шахснинг сувдан фойдаланиши, жиноят ва жазо, оила-никоҳ, мулк билан боғлиқ ҳуқуқларини тартибга солувчи қоидалари ўз аксини топган¹.

«Авесто»нинг барча қисмлари инсонга ҳурмат туйғулари билан суғорилган: еру кўкдаги барча ҳаётий нозу неъматларни севиш ва ардоқлаш инсон учун муқаддас бурч ҳисобланган. Асарда қайд этилишича, эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал бирлиги инсонни комиллик сари етакловчи руҳ бўлиб, унга эришган одам Тангри таолога яқинлашиб боради.

«Авесто»дан олинган қуйидаги иқтибос инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ғоят теран ифода этади: «Яхши фикр, илоҳий қонун руҳидаги инсон деганда, яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўмаклашиш, ёвузликка қарши, кишилар бахт-саодати учун фаол курашишга шайлик, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, ўз маслакдош биродарлари билан дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшашга интилиш руҳидаги ниятлар ва фикрлар мусаффолигига эришган зот тушунилади. Инсон ўз фикр-хаёлида бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим, яхши киши дарғазаб бўлмайди ва бошқа жаҳолатларга берилмайди. Чунки бундай ҳолатда

¹ Қаранг: Саидов А., Жузжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. — Т., «Ижтимоий фикр», 1998, 24—26-бетлар.

у яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолатни унутади ва ножўя ҳаракатлар қилади»¹.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсоният тарихидаги кўп минг йиллик тажрибалар маҳсули бўлиб, унинг 30 та моддасида жаҳондаги барча халқларнинг қадриятлари уларнинг амалий ҳаётидан келиб чиққан хулосалар, турли ҳуқуқий тизимларда ишлаб чиқилган нормалар мазмуни, эркинлик ва барча инсонлар билан тенг ҳуқуқли бўлиб яшаш учун курашган одамларнинг армонлари ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам Декларация муқаддимасида: «Бош Ассамблея ушбу Декларацияни барча халқлар ва барча миллатларнинг муштарак армони деб эълон қилади», дейилган.

Ислом таълимоти асосида яратилган ҳуқуқий тизим — Шариат, бундан юзлаб йиллар муқаддам ўзининг асосий манбалари орқали мазкур Декларациядаги қадриятларнинг кўпчилигини аниқ ва конкрет шаклда изоҳлаб берган ва амалиётда уларни қўллаб-қувватлаб келган. Бундан ажабланмаслик керак, чунки ушбу ҳуқуқий тизим — Шариат жаҳоннинг энг муҳим ва мукамал ҳуқуқий тизимларидан бири сифатида салкам 14 асрдан бери ўзининг ҳаётийлигини исботлаб келмоқда»².

Дарҳақиқат, «дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзоднинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келатган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир»³.

¹ Иқтибос куйидаги манбадан олинди: «Мулоқот», 2001, 3-сон, 42–43-бетлар.

² Саидов А., Жузжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. — Т., «Ижтимоий фикр», 1998, 66-бет.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., «Маънавият», 2008, 36-бет.

Инсон ҳуқуқлари Тавротда ҳам тилга олинади. Унинг машҳур ўн амри инсонни ўз атрофидаги одамларнинг ҳуқуқларига риоя этишга ва шу тариқа ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун имконият яратишга чақиради.

Қадимги юнон файласуфи Суқрот фуқаролари қонунга қатъий бўйсунадиган давлат тинч даврда бахтли яшайди, уруш даврида эса метиндек мустаҳкамдир, деб ҳисоблаган. Суқрот одамларни нафақат ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланишга, балки давлат, жамият, мамлакат олдидаги ўз бурчларини бажаришга ҳам чақирган, чунки бунда у адолат тантанасини кўрган¹.

Умумий тенглик ғояси ўрта асрларда ҳам ривожланишда давом этди. Варварлар асос солган феодал давлатлар ўз тузилишининг хусусиятига кўра ҳокимият амалда чексиз бўлган ва инсон ҳуқуқлари кафолатлари билан чекланмаган Рим императорлигидан сезиларли даражада фарқ қилар эди.

Шунга қарамай, «инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари» тушунчаси XVIII асрдагина қонун йўли билан мустаҳкамланди. У илк бор 1783 йилги Франция Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясида янгради. Мазкур ҳужжатда эълон қилинган маърифатчиларнинг ғоялари кейинчалик биринчи Америка конституциясидан тортиб ҳозирги аксарият давлатларнинг конституциялари билан қўллаб-қувватланди.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг муҳим шарти ҳисобланиб, инсон ҳуқуқлари категориясининг ўзи эса демократик тараққиётнинг «қалби» саналади².

¹ Қаранг: Антология мировой философии. Т.1. — Ч. — 1. М., 1996, 265-бет.

² Қаранг: *Алексеев С.С.* Сила демократии и права человека // «Человек и политика», 1991, №7, 34—44-бетлар.

Айни чоғда ҳуқуқий давлат уч асосга таянади: **инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари тан олинishi, ҳуқуқ устунлиги таъминланиши, фақат қонунларга мувофиқ иш кўрувчи мустақил суд амал қилиши.** Шу боис айнан ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқлари мустақил юридик аҳамият касб этади, яъни қабул қилинаётган ва амалдаги барча қонунлар, ҳатто, конституция ҳам, инсон ҳуқуқлари билан муфассал боғланиши талаб этилади. Шу маънода мамлакатимиз Конституциясининг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланган иккинчи бўлими инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бағишлангани асло бежиз эмас¹.

Инсон ҳуқуқлари ҳар бир одамнинг узвий хусусиятлари ва борлигининг муҳим белгиларидир. Давлат ҳуқуқларни «инъом» этмайди, балки уларни қонун билан мустаҳкамлаб қўяди ва ҳуқуқлар рўёбга чиқарилишини таъминлайди. Шу ҳолдагина давлатни ҳуқуқий деб ҳисоблаш мумкин. Агар давлат инсоннинг табиий ҳуқуқларини назар-писанд қилмаса ёки уларни камситса, уларни амалга оширишга монелик қилса ёки фақат муайян шахслар гуруҳи, табақа, синф вакиллариининг ҳуқуқлари рўёбга чиқиши учун шароит яратиб берса, у нодемократик (авторитар, тоталитар ва ҳоказо) давлат сифатида тавсифланали.

«Инсон ҳуқуқлари — шахснинг ҳаётини, шаъни ва қадр-қимматини ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаолият эркинлигини таъминловчи табиий имкониятлардир. Инсон ҳуқуқлари — бу жоиз ҳуқуқ-атворнинг инсон манфаатларини қондиришга қаратилган ва қонун билан муҳофаза қилинадиган мезони. Инсон ҳуқуқлари — одатдаги, энг муҳим неъматлардан ва шахснинг жамиятда хавфсиз, эр-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 6—10-бетлар.

кин мавжудлиги шартларидан фойдаланишнинг инсон табиатидан келиб чиқадиган имкониятларидан иборат универсал категория»¹. Ҳозирги даврда инсон ҳуқуқлари шахс эркинлиги соҳасидаги умумий, умуминсоний талаблар ва андозаларни акс эттирувчи умумижтимоий тушунча сифатида талқин қилинади.

«Инсон ҳуқуқлари» тушунчасининг моҳиятини англаб етиш учун унинг белгиларини таҳлил қилиш лозим. Инсон ҳуқуқларига қуйидаги белгилар хос:

1) улар инсоннинг табиий ва ижтимоий моҳиятига мувофиқ, жамият ҳаётининг муттасил ўзгарувчи шароитларини ҳисобга олган ҳолда юзага келади ва ривожланади;

2) объектив тарзда вужудга келади ва давлатнинг эътирофига боғлиқ бўлмайди;

3) индивидга у туғилган пайдан эътиборан қарашли бўлади;

4) ўзга шахсга берилмайдиган, узвий хусусият касб этади, табиий деб (ҳаво, ер ва сув каби) эътироф этилади;

5) бевосита амал қиладиган ҳуқуқлар ҳисобланади;

6) ҳуқуқий давлатда олий ижтимоий қадрият сифатида тан олинади;

7) ҳуқуқнинг зарурий қисми, унинг бош мазмунини ифодалашнинг муайян шакли ҳисобланади;

8) одамлар ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг индивидга ўз ихтиёрига кўра иш кўриш ёки муайян неъматлардан баҳраманд бўлиш имкониятини таъминловчи принциплари ва нормаларини ташкил этади;

9) уларни тан олиш, уларга риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш давлатнинг бурчи ҳисобланади.

¹ *Исламов З.М.* Права человека в современной юриспруденции. — Т., «Fan va texnologiya», 2008, 14-бет.

Фуқаро ҳуқуқлари — бу юридик жиҳатдан муносиб хулқ-атворининг ҳар қандай одамнинг эмас, балки фақат муайян давлат билан барқарор ҳуқуқий алоқада бўлган инсоннинг манфаатларини қондиришга қаратилган ва қонун билан муҳофаза қилиншидиган мезони.

Фуқаро ҳуқуқлари (шахсий ҳуқуқлар) давлат ва жамият билан ўзаро муносабатларда шахснинг индивидуаллиги ва ўзига хослигини таъминлайдиган табиий-ҳуқуқий асосларни аке эгтирувчи ваколатлар мажмуидир. Бундай ҳуқуқлар қаторига яшаш ҳуқуқи, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи, ёзинмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор этмаслик ҳуқуқи, жойдан жойга кўчиб юриш, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи ва бошқа шахсий ҳуқуқлар кириди.

Иқтисодий ҳуқуқлар — инсон табиий ҳуқуқларининг иқтисодий жиҳатларини аке эгтирадиган ва айни вақтда шахсларнинг хўжалик юритиш соҳасидаги эркинлигини ҳамда уларнинг бир-бири ва жамият билан ўзаро алоқаларини таъминлайдиган ваколатлар. Бундай ҳуқуқлар қаторига шахсий мулк ҳуқуқи, ўз мол-мулкига ёлғиз ёки бошқа шахслар билан биргаликда эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни тасарруф этиш ҳуқуқи, ширкат, акциядорлик, давлат ва бошқа мулк шаклларида иштирок этиш ҳуқуқи, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи, ўз меҳнат қobiliятини эркин тасарруф этиш, фаолият тури ва касб танлаш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлар кириди.

Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиш имкониятини белгилайди. Бундай ҳуқуқлар қаторига шахснинг давлат фуқароси бўлиш ҳуқуқи, ўз миллий мансублигини белгилаш ва кўрсатиш ҳуқуқи, бир-

лашмаларга уюшиш, шу жумладан ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмалари тузиш ҳуқуқи, йиғилишлар, митинглар ва намойишлар ўтказиш ҳуқуқи, давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлар киради.

Ижтимоий ҳуқуқлар — муайян давлат ва жамиятнинг моддий ривожланиш даражасини ва уларнинг шахс муносиб турмуш даражасини таъминлаш ва уни ижтимоий ҳимоя қилиш қобилиятини акс эттиради. Ижтимоий ҳуқуқлар орасида меҳнат қилиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, турар жой ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи муҳим аҳамият касб этади.

Экология соҳасидаги ҳуқуқлар инсон Ерда ва муайян ҳудудда яшаши учун нормал шароит яратишга қаратилгандир. Булар: барқарор атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи, атроф муҳит ҳолати ҳақида ҳаққоний ахборот олиш ҳуқуқи, экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар натижасида инсонга ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш ҳуқуқи ва ҳоказолар.

Ахборот соҳасидаги ҳуқуқлар — шахс ва жамият тараққиётидаги янги босқични тавсифлайди. Ахборот соҳасидаги ҳуқуқларга фикрлаш эркинлиги, сўз эркинлиги, ҳар қандай қонуний усулда ахборот излаш, олиш, бериш, ишлаб чиқариш ва тарқатиш ҳуқуқи, оммавий ахборот эркинлиги киради.

Маданий ҳуқуқлар — маънавий-маданий муносабатларга таъсир кўрсатади, шахс маънавий дунёси шаклланишининг ўзига хослигини ва унинг эркинлигини белгилайди. Ушбу гуруҳга ўз она тилидан фойдаланиш, муомала тилини эркин танлаш ҳуқуқи, виждон ва диний эътиқод эркинлиги, таълим олиш ҳуқуқи, адабий, бадиий, илмий ва техникавий ижод

эркинлиги, маданий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи кабилар киради.

Шу ўринда инсон ҳуқуқлари маданияти борасида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Албатта, «инсон ҳуқуқлари маданияти» тушунчаси мазмун ва оҳанг жиҳатидан уйғун бўлган бошқа ҳуқуқий атамалар, чунончи, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқ маданияти инсоннинг маданий ҳуқуқлари билан узвий боғлиқ эканлигини пайқамаслик мумкин эмас. Айни пайтда инсон ҳуқуқлари маданияти маънавий маданиятнинг таркибий қисмидир. Шундан ҳам кўриниб турибдики, инсон ҳуқуқлари маданияти, бир томондан, жамият маънавий маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади, иккинчи томондан, унинг бошқа қисмлари, масалан, ҳуқуқий маданият таркибидан ўрин олади. Бунда ҳуқуқий маданиятни ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчлар нуқтаи назаридан ўрганиш унинг ҳуқуқ соҳасидаги шахс фаолияти усуллари билан бири сифатидаги хусусиятини намоён этади. Демак, инсон ҳуқуқлари маданияти «инсон ҳуқуқлари» тушунчасининг жамият маънавий маданияти категорияларидаги, айни чоғда — ҳуқуқий маданиятдаги инъикосидир¹.

Бинобарин, эндиликда «инсон ҳуқуқлари маданияти соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчи-

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *Исламов З.М., Усманов У.С.* Вопросы формирования культуры прав человека в Узбекистане. — Т., ТГЮИ, 2011, 54 бет.

лик мониторингини олиб боришга қаратилган чоратadbирларни ўзида мужассам этиши керак»¹.

Умуман олганда, жамиятда юксак даражадаги инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ўзлари англашлари, бу борада муайян билимларга эга бўлишлари, бошқа одамларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари, ҳуқуқлар ва эркинликларни ҳимоя қилиш соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлишлари талаб этилади. Масаланинг мазкур талқинини Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов таърифлаганди: «Алоҳида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва кўникмаларни шакллантириш, пировард натижада эса *инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш ғоят муҳимдир*. Инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришнинг энг асосий шарти бўлиб қолиши керак»².

3. Конституциявий ҳуқуқда «инсон ҳуқуқлари» тушунчаси. Инсон ва фуқаро

Маълумки, «ҳуқуқий давлатда ҳокимият ва сиёсат фақат ҳуқуққа бўйсунди. Конституция ва Қонун ҳукми давлат ва унинг аппарати, партиялар, шахслар ҳукмидан нафақат устун туради, балки МУТ-

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 46-бет.

² Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-том. — Т., «Ўзбекистон», 1997, 119—120-бетлар.

ЛАҚ УСТУВОР аҳамият касб этади. Фақат шундай давлатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланади ҳамда уларга амалда риоя этилади, бу жиҳатлар ҳокимият тепасида қандай сиёсий кучлар турганига боғлиқ бўлмайди»¹. Чунки бундай давлатда, авваламбор, ҳуқуқ устунлиги таъминланган бўлади.

Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқлари табиий хусусиятга эга бўлиб, шахс билан узвий равишда боғлиқдир. Инсон ҳуқуқлари чегара ва миллат билмайди, давлатнинг қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ёки қўйилмаганидан қатъи назар, амал қилади, халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳимоя объекти ҳисобланади. Улар инсонни инсоният вакили сифатида тавсифлайди ва шу маънода умумий ва айни вақтда у нормал ҳаёт кечириши учун зарур бўлган асосий (туб) ваколатлар сифатида амал қилади. Инсон ҳуқуқлари муайян давлатнинг қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган ҳолда улар мазкур давлат фуқаросининг ҳуқуқларига ҳам айланади. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари ҳозирги даврда инсоният тараққиётининг мезони сифатида мустаҳкамланиб, жаҳондаги барча мамлакатларда ривожланиб бормоқда. Зеро, «Инсон ҳуқуқлари бирон-бир маданиятга ёт эмас, инсон ҳуқуқлари барча халқлар учун табиийдир»². Шунинг учун ҳам муайян бир давлатда инсон ҳуқуқлари таъминланиши ушбу давлатнинг ҳар томонлама юксалишига хизмат қилади.

Конституциявий ҳуқуқ нуқтаи назаридан олиб қараганда, фуқаро ҳуқуқлари давлатнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ўз аксини топган табиий ваколатлар ҳамда жамият ва давлат тараққиёти жараёнида ишлаб чиқилиб, тақдим этилган ваколатлар мажмуи-

¹ *Исломов З.М.* Инсон ҳуқуқлари ва ҳозирги замон юриспруденцияси. — Т., «Fan va technology», 2008, 76-бет.

² *Права человека: Учебное пособие / Под ред. А.Д. Гусева, А.С. Яскевича.* — Минск, 2002, 10-бет.

дир. Фуқаро ҳуқуқлари конституцияларда ва бошқа қонун ҳужжатларида муқаррар тарзда мустақамлаб қўйилади ҳамда уларнинг ҳимояси давлат томонидан муқаррар тарзда эълон қилинади ва таъминланади. Фуқаро ҳуқуқлари инсонни давлатга уюшган ҳамжамият аъзоси сифатида тавсифлайди.

Конституциявий ҳуқуққа кўра, шахс ҳуқуқлари муайян вазиятда муайян шахсга тегишли бўлган ваколатлар сифатида тушунилади. Уларнинг ҳажми шахснинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, ижтимоий-сиёсий мақоми, унинг иш ва яшаш шароитларига боғлиқ бўлиши мумкин. «Шахс» деганда инсон, фуқаро, чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс, қочоқ тушунилади. Шахс ҳуқуқлари инсоннинг ўзига хос хусусиятларини, унинг ижтимоий етуклик даражасини, ҳуқуқни тушуниш ва ўз ҳаракатлари учун жавоб бериш қобилиятини тавсифлайди. Ҳозирги вақтда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, адабиётларда ва ривожланган давлатларнинг қонунчилигида «инсон ҳуқуқлари», «фуқаро ҳуқуқлари» ва «шахс ҳуқуқлари» категориялари, одатда, айна бир маънода қўлланилади. Алоҳида категорияларнинг қўлланилиши кўпинча мантиқий ва стилистик қоидалар ёки инсон ҳуқуқлари муаммосининг муайян жиҳатини ажратиш зарурияти билан белгиланади. Аслини олганда, инсон, фуқаро ва шахс ҳуқуқлари ўртасида мутлақо чегара йўқ, деб ҳисоблайдиганлар ҳам йўқ эмас. Бироқ хорижда аксарият ҳолларда «инсон ҳуқуқлари» деганда, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, «фуқаро ҳуқуқлари» деганда, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар тушунилади¹.

Энди шахснинг ҳуқуқий мақоми масаласига ўтамиз. Бу борада таҳлилни шахснинг конституциявий ҳуқуқий мақомидан бошласак, бизнингча, ўринли бўлади.

¹ Қаранг: *Комаров С.* Общая теория государства и права: Курс лекций. — М., 1996, 124-бет.

Маълумки, *шахснинг конституциявий (асосий) ҳуқуқий мақоми* мамлакат конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқлар, эркинликлар, бурчларни ва уларнинг кафолатларини бирлаштиради. Унинг ўзига хос белгиси барқарорликдир. Бу белги инсон ҳаётининг ўзига хосликлари билан белгиланади ва жамиятда нормал ҳуқуқий тартибот ўрнатилишини, мамлакат генофонди, моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш суръатлари сақланиши, шахснинг эркин ривожланишини таъминловчи кутилган ва оқилона ўзгаришлар амалга оширилишини назарда тутди.

Шахс конституциявий ҳуқуқий мақомининг барқарорлиги у амалдаги ижтимоий муносабатларга қай даражада тўла мос келишига ва қонунда тегишли нормаларни қабул қилиш, бекор қилиш ва ўзгартиришнинг қандай тартиби мустаҳкамлаб қўйилганлигига боғлиқдир.

1992 йилги Конституция ижтимоий муносабатларни тартибга солишга Ўзбекистон тарихида илк бор инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлатга нисбатан устунлигини тан олиш нуқтаи назаридан ёндашди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият деб эълон қилинди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, «Жами дунёвий неъматлар орасида энг улуғи «инсон» деган ғоя ушбу қоидада мужассамлаштирилган. Инсонни улуғлаш, уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш Конституциянинг асосий ғоясига айлантирилган»¹.

Шахснинг *тармоққа оид ҳуқуқий мақоми* ҳуқуқий тизимнинг алоҳида ёки комплекс тармоғи — фуқа-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир А.А.Азизхўжаев. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 60-бет.

ролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган ваколатлар, бурчлар ва уларнинг кафолатларидан ташкил топади. Зеро, инсон ҳуқуқлар билан бирга, муайян бурчларга ҳам эга (Конституциянинг 47—52-моддалари).

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ва фуқаро ҳуқуқларини тартибга солишда инсон ҳуқуқларининг узвий боғлиқлиги ҳақидаги таълимотдан келиб чиқади. Асосий ҳуқуқлар ва эркинликларни мустаҳкамлар экан, Конституция Ўзбекистоннинг аввалги Асосий Қонунига маълум бўлмаган инсоннинг табиий ҳуқуқларига доир янгиликларни киритади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ҳар қандай демократик конституция каби, ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи у билан узвий боғлиқ эканлигини тан олади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳар бир инсоннинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини мустаҳкамлайди, яъни ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас; жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди.

Шахснинг *махсус ҳуқуқий мақоми* қўшимча субъектив ҳуқуқлар ва бурчларга эга бўлиши мумкин бўлган шахсларнинг муайян тоифалари, чунончи: ҳарбий хизматчилар, пенсионерлар, ногиронлар ва ҳоказолар ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

Индивидуал ҳуқуқий мақом муайян шахснинг ёши, жинси, касби, давлат ишларини бошқаришда иштироки ва ҳоказоларга қараб, унинг ҳуқуқий ҳолатини тавсифлайди. Жумладан, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгалликлари (Конституциянинг 117-

моддаси¹⁾ ҳам муайян шахс ҳуқуқий мақомини, тавсифлашга асос бўла олади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ва фуқаро ҳуқуқларини ҳимоялаш масаласига катта эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, давлатимиз бошлиғи: «Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак», — деб ҳисоблайди. Яна Юртбошимиз ўз фикрини шундай давом эттиради: «Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қондани ҳамма тан олиши, бу қондага ҳамма итоат қилиши шарт»²⁾. Шу тариқа инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳозирги вақтда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бинобарин, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги, юксак ижтимоий бойлик сифатида унинг қадр-қимматини тушуниш давлат ва ҳуқуқ назариясини амалда юртимиздаги ўзгаришларнинг олдинги жабҳаларига олиб чиқмоқда.

4. Инсон ҳуқуқларининг конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиниши ва мустаҳкамланиши

Инсон ҳуқуқлари ҳақида гап кетганда, мазкур ҳуқуқларни конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш ва уларни мустаҳкамлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш, бизнингча, ўринли бўлади.

Авваламбор, «Ўзбекистон — суверен, ўз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқини, туб манфаатларини таъмин-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 31-бет.

² Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. — Т., «Ўзбекистон», 1996, 17-бет.

лайдиган... давлатдир»¹. Шу боис Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришга киришди. Бунга 1992 йил 8 декабрда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси имконият яратди. Маълумки, «Шўро давридаги Ўзбекистон ССР Конституциясида инсон манфаатларидан давлат манфаатларининг устунлиги қонунлаштириб қўйилган эди.

Бугунги Асосий Қонунимизда эса давлат ҳам, жамият ҳам, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида аниқ белгилаб қўйилган»². Шу боис мамлакатимиз Конституцияси ижтимоий муносабатларни тартибга солишга Ўзбекистон тарихида илк бор инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлатга нисбатан устунлигини тан олиш нуқтаи назаридан ёндашди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида: «Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади»³, — деган юксак инсонпарвар қоида мустаҳкамланган.

Шуни қайд этиш лозимки, бизнинг Конституциямиз БМТ Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йилги «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги пактлар каби инсон ҳуқуқлари соҳасидаги универсал ҳужжатлар билан

¹ *Каримов И.А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т., «Ўзбекистон», 2011, 416-бет.

² *Каримов И.А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. — Т., «Ўзбекистон», 2001, 135-бет.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 5-бет.

тўла ҳамоҳангдир. «Конституциямиз инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида ишлаб чиқилган ва, айтиш мумкинки, уни янада тўлдирган»¹. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йирик бўлимларидан бири (иккинчи бўлим) жамият аъзоларининг умумий мақомини белгилашга бағишланган. Бу бўлимнинг умумий қоидалари Ўзбекистон Республикасида барча фуқароларнинг тенглиги принципини, ҳуқуқлар ва эркинликларни амалга оширишда камситишга йўл қўйилмаслигини мустаҳкамлайди. Мазкур конституциявий принципга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Конституция инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари узвий эканлиги ва табиий хусусият касб этишини, яъни ҳар бир инсонга у туғилган пайдан эътиборан тегишли бўлишини кўрсатади. Айни пайтда Конституцияда мустаҳкамланган асосий қонунлар ва эркинликлар суд қарорига биноан чекланиши мумкинлиги ҳам Асосий Қонунда қайд этилган.

Инсон ҳуқуқлари, одатда, мафкура, давлат ва ҳуқуқ ҳодисалари сифатида қаралади. Аммо *шахс ҳуқуқларини* мустаҳкамлаш асосан ҳуқуқий даражада амалга оширилади.

Шунга қарамай, биринчи даража — бу ижтимоий онг. Шахс ҳуқуқларини англаш ва ҳурмат қилиш

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир А.А.Азизхўжаев. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 60-бет.

айни шу даражада намоён бўлади. Шахс ҳуқуқлари ҳақидаги тасаввур ижтимоий онгдан давлат орқали ҳуқуққа ўтади.

Агар жамият шахс ҳуқуқларига лоқайд бўлса, у мазкур ҳуқуқларнинг бузилишига ҳам лоқайдлик билан қарайди. Шу тариқа ҳуқуқий нигилизм ёки ҳуқуқий маданиятнинг йўқлиги муқаррар тарзда нодемократик давлат вужудга келишига сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш йўллари билан бири (ҳуқуқий маданияти ва фуқаролик маданиятини тарбиялашдан ташқари) инсон ҳуқуқларини, умуман демократик тузумни фундаментал норматив ҳужжатлар, энг аввало, — Конституцияда мустаҳкамлашдир. Шунда Конституция жамиятга тарбияловчи таъсир кўрсата бошлайди ва мамлакат аҳолиси тараққиёт йўли нақадар тўғри эканига ишонч билан қарай олади¹.

Шундай қилиб, **инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлашнинг бирламчи усули — унинг жамоатчилик томони билан олинишидир.** Бунга мафқурани (шу жумладан ҳуқуқий мафқурани²) ҳам қўшимча қилиш мумкин, чунки мазкур ёндашув доирасида жамоатчилик фикри ва мафқура бир-бирига яқин туради. Шунга қарамай, инсон ҳуқуқларининг давлат-ҳуқуқий мустаҳкамлаши биринчи даражали аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқларини тартибга солиш, биринчи навбатда, уларни турли хил тажовузлардан ҳимоя қилишдан иборатдир. Бунда инсон ҳуқуқларининг кафили сифатида турли халқаро ташкилотлар ва давлат майдонга чиқади. Бу ўринда инсон ҳуқуқларини ҳимоя

¹ Қаранг: *Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари.* 18-том. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 61-бет.

² Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *И.В. Кудрявцев. Проблемы формирования идеологии Республики Узбекистан в условиях независимости.* — Т., ТГЮИ, 2011, 36–42-бетлар.

қилишнинг **тўрт асосий шакли**ни ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар: *суд ҳимояси, маъмурият ҳимояси, вакиллик органлари ҳимояси* ва *халқаро ҳуқуқий ҳимоя*. Уларнинг энг муҳими, албатта, суд ҳимоясидир. Ҳуқуқий қонунга мувофиқ иш кўрувчи мустақил суд ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос тимсоли ҳисобланади. Айни пайтда бунда ҳуқуқнинг устунлиги ва ҳуқуқий қонунийлик ҳукм суриши ҳам талаб этилади.

Ҳозирги шароитда ҳуқуқий қонунийлик концепциясининг алоҳида аҳамияти унинг восита, қурол сифатидаги хусусияти билан, яъни айнан ҳуқуқий асосларни ҳимоя қилишга қодирлиги билан белгиланади. Ҳуқуқий қонунийликнинг восита, қурол сифатидаги хусусиятини юридик жиҳатдан англаб етиш учун С.С. Алексеев мулоҳазаларига мурожаат этиш ўринли бўлади деб ўйлаймиз. Унинг фикрича, инсоннинг узвий ҳуқуқлари тан олинishi ва рўёбга чиқарилиши учун «оддий қонунийлик» тушунчасининг ўзи кифоя қилмайди. «Ҳуқуқий қонунийлик фалсафаси» урғуни «қонунийлик» тушунчасининг расмий «юзаки» томонидан унинг мазмунини акс эттирувчи «ички» томонига кўчиришни талаб қилади¹. Бинобарин, ҳуқуқий қонунийлик концепциясининг асосий мазмуни ҳуқуқий ва ноҳуқуқий («ҳуқуқни бузувчи») қонунчилик ўртасидаги фарқ билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида белгиланган одил судлов инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг энг самарали кафолати ҳисобланади². Умуман олганда, у икки асосий қоида билан белгиланади: биринчиси — ҳуқуқлар давлат органлари ёки айрим шахслар томонидан бузилган ҳар бир ҳолатда судга арз қилиш ҳуқуқи; иккинчиси —

¹ Қаранг: *Алексеев С.С. Восхождение к праву. Поиски и решения.* — М., 2001, 81-бет.

² Қаранг: *Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.* — Т., «Ўзбекистон», 2008, 10-бет.

қонунда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар мажбурий таъминланишини сўраб судга мурожаат этиш ҳуқуқи, яъни субъектив ҳуқуқни амалга ошириш.

Мустақиллик йиллари мобайнида Ўзбекистонда шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўриқловчи Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари ташқил этилди. Судга арз қилиш конституциявий ҳуқуқи процессуал ва тармоқ қонунлари билан таъминланди. Сўнгги йилларда амалга оширилган суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш концепцияси судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилишига олиб келди. Ўз навбатида, мазкур ислоҳотлар судга мурожаат этиш бўйича конституциявий ҳуқуқнинг кафолатларини мустаҳкамлади¹.

Шундай қилиб, Конституция Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизимининг тамал тоши бўлди, десак, асло муболаға бўлмайди. Ўзбекистон Республикасида конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларга ҳар қандай тажовуз Конституция ва қонунлар билан таъқиб қилинади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг парламент ҳимояси, энг аввало, **Омбудсман (халқ ҳимоячиси)** институтида мужассамлашади. Омбудсман — бу парламент томонидан сайланган, фуқароларнинг ижроия ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари устидан берилган шикоятлари билан шуғулланадиган шахс. У фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқади, арз қилувчи ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиши мумкин бўлган восита-

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 17-бет.

лар ва шаклларни кўрсатади, шикоятни унинг моҳиятига кўра ҳал қилишга ваколатли бўлган ташкилот ёки мансабдор шахсга юборади, арз қилувчини унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан таништиради ва ҳоказо. Ўзбекистон Республикасида Омбудсман институти «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида» 1997 йил 24 апрель Қонуни билан таъсис этилган.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқларига доир халқаро мажбуриятларини, бу борадаги халқаро ҳужжатларнинг қоидаларини ҳамда БМТ нинг турли устав ва конвенция органлари тавсияларини бажариши учун мустақиллик йиллари мобайнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунчилик базаси яратилди. Парламент инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тартибга солувчи 300 дан зиёд қонун қабул қилди, Ўзбекистон 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатларни ратификация қилди.

Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастури қоидаларини бажара бориб, мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал базаси яратилди. Олий Мажлис ҳузуридаги Омбудсман институти, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар тузилгани ва иш олиб бораётгани, 1996 йил 31 октябрдан эътиборан Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ фаолият кўрсатаётгани мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш биринчи даражали масалалар қаторига киришини тасдиқлайди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ноҳукумат ташкилотларни ҳам ўз ичига олади (масалан, Шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўмита).

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари ҳимояси ижроия ҳокимияти томонидан **маъмурий адлия** (бу Ўзбекис-

тонда йўқ) ва бошқа махсус органлар орқали амалга оширилади.

Ниҳоят, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини халқаро ҳимояси турли халқаро ташкилотлар фаолиятини ўзида ифодалайди. Булар, энг аввало, турли халқаро судлар (масалан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди), қолаверса, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлардир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқаро ташкилотларда, айниқса, БМТ да фаол иш олиб бориш имконини ҳам беради. Шу ўринда, жумладан, БМТ нинг Тараққиёт дастури билан «Демократия, инсон ҳуқуқлари ва бошқарувни такомиллаштириш» битими тузилганлигини ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти билан тузилган Ўзаро тил топиш тўғрисидаги меморандум ўн дастурдан иборат бўлиб, уларнинг аксарияти аҳолига ўз билимлари ҳақида сабоқ беришга қаратилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим¹.

Инсон ҳуқуқларини тартибга солиш — уларни ҳимоя қилишдан иборат. Ўз ҳуқуқларига инсоннинг ўзи ҳўжайин эканлиги бу ҳуқуқларни тартибга солишнинг ўзгача имконияти йўқлигида намоён бўлади (тоталитар давлатлар бундан мустасно). Инсон ҳуқуқларини суд, қонунчилик ҳокимияти омбудсман (инсон ҳуқуқлари бўйича вакил) институти орқали, ижроия ҳокимияти махсус инстанциялар, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари орқали ва, ниҳоят, халқаро ҳамжамият ҳимоя қилади.

Инсон ҳуқуқлари назарияси кўпчилик фанлар: юриспруденция тарихи ва назарияси, барча тармоқ ва процессуал юридик фанлар билан кесишуви муқаррардир.

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *Исламов З.* Инсон ҳуқуқлари ва ҳозирги замон юриспруденцияси. — Т., «Fan va texnologiya», 2008, 41-бет.

Шундай қилиб, халқаро гуманитар ҳуқуққа таянган ҳолда, қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

— Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият, уларни ҳурмат қилиш ва уларга риоя этиш — давлатнинг бурчи.

— Ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш бирон-бир белгига кўра камситиш билан мос келмайди.

— Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш ўзга шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузмаслиги керак.

— Асосий ҳуқуқ ва эркинликлар давлатнинг бутун ҳудудида ягона бўлиши лозим.

— Шахсий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар тенг қимматга эга, бу ҳуқуқларнинг ягона тизимида иерархия мавжуд эмас.

— Коллектив ҳуқуқлар индивид ҳуқуқлари билан узвий боғлиқдир; улар индивидуал ҳуқуқларга зид бўлмаслиги, шахс ҳуқуқий мақомини чекламаслиги керак.

— Инсон ҳуқуқлари фақат давлат ва жамоат хавфсизлигига, аҳоли соғлиғи ва ахлоқига бевосита таъдид мавжуд бўлган ҳолдагина қонун билан чекланиши мумкин.

Шундай қилиб, ҳуқуқ фақат инсонгагина дахлдор ҳодисадир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият, айнаи чоғда бетақрор ижтимоий воқеликдир. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, ор-номуси, шаъни, кадр-қиммати, обрў-эътибори, дахлсизлиги, хавфсизлигини таъминлаш, сақлаш ҳуқуқнинг энг муқаддас ва энг шарафли ва зифаси ҳисобланади. Шу каби ёндашувлардан келиб чиқиб айтганда, инсоннинг маънавияти, шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари — юриспруденциянинг, юридик фаннинг, юридик амалиётнинг, қолаверса, давлат ва ҳуқуқ умумий назариясининг бошланғич нуқтасидир, бош концепциясидир.

VIII. ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ — ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИСИ

1. Ҳуқуқий давлат сиёсий-ҳуқуқий ғоялари ва концепцияларининг тадрижий ривож

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон жаҳон ҳам-жамиятидан муносиб ўрин эгаллаш учун ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич одимламоқда. Президент Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: «Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдир»¹. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси «Муқаддима»сида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдан иборат олийжаноб мақсад эълон қилинди. Бу мақсад Ўзбекистон тарихида биринчи марта Асосий Қонунимизда мустақкамлаб қўйилди.

Зотан, «эркин кишилар оммавий ҳокимиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий шакли бўлган ҳар қандай давлат (у ёки бу халқнинг ижтимоий-тарихий тараққиётининг тегишли босқичида унда ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият ривожланганлигига кўра), деспотизмга зид равишда, ҳуқуқий давлатдан иборат бўлади»².

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқалласдир. 3-том. — Т., «Ўзбекистон», 1996, 177-бет.

² Нерсеяни В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. — Т., «Адолат», 2003, 108-бет.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, ай-тиш мумкинки, ҳуқуқий давлат ҳақидаги ғоянинг келиб чиқиши, туб илдизлари, бундай давлатнинг шаклланиш жараёнлари, ҳозирги даврдаги ўрни ва аҳамияти, бугунги тараққиёт заруратига айланганлиги хусусидаги масалалар қизиқиш уйғотиши табиий.

Авваламбор, шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, «ҳуқуқий давлат» (Rechtstaat) ибораси илк бор XIX асрнинг дастлабки ўттиз йилида немис ҳуқуқшунос олимлари К.Т. Велькер, Р. Фон Моль, Р.Г. Гнайст ва бошқаларнинг асарларида пайдо бўлди. Шуни унутмаслик керакки, амалиёт ғояни доим ҳам тўла-тўқис моддийлаштиравермайди. Бинобарин, ҳуқуқий давлат ғояси (ва амалиёти) атрофидаги баҳс-мунозаралар шу сиёсий-юридик конструкция пайдо бўлган даврдан бошланган ва ҳозир ҳам тўхтагани йўқ. Аммо шу нарса аниқки, ҳуқуқий давлат назарияси ва амалиёти умумбашарий ижтимоий тафаккурдан муносиб ўрин эгаллагани у шахс ва давлатнинг ўзаро муносабатлари замирида ҳуқуқий асослар ётишини ва ўзаро ўзбошимчаликни истисно қилишни назарда тутувчи давлат бирлашмасини қарор топтиришга қараб мўлжал олгани билан изоҳланади. *Ҳуқуқий давлат концепцияси шахс эркинлигини қарор топтиришни, яъни инсон эрки рўёбга чиқариладиган, давлатнинг аралашуви нафақат мақсадга номувофиқ, балки ғайриқонуний деб эътироф этиладиган майдоннинг сарҳадларини белгилашни назарда тутуди.* Бироқ айти пайтда ҳуқуқий давлат тушунчасининг умум эътироф этилган ягона талқини мавжуд эмас ва ҳеч қачон бўлмаган. Бу ҳолни турли омиллар таъсири билан изоҳлаш, уларнинг орасида қуйидагиларни қайд этиш мумкин: тарихий ва маданий ривожланиш хусусиятлари, демократик, сиёсий ва ҳуқуқий анъаналар, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар-

нинг ўзига хослиги, ҳуқуқни ижтимоий муносабатлар ва алоқаларни социал йўл билан тартибга солишнинг универсал воситаси сифатида тушуниш ва идрок этишдаги фарқлар. Шу билан бирга, ҳуқуқий давлат талқинлари бир-биридан қай даражада фарқ қилмасин, ушбу сиёсий-ҳуқуқий андозанинг баъзи бир умумий жиҳатлари, шакл-шамойилларини ҳам ажратиш мумкин, зеро, ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва пировард натижада уни яратиш жараёнини охирига етказиш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлаш, давлатнинг фуқаро олдида ва фуқаронинг давлат олдида жавобгарлиги, қонуннинг нуфузини юксалтириш ва унга барча давлат органлари, жамоат ташкилотлари, жамоалар ва фуқаролар риоя қилишлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг самарали иши билан боғланади. Ҳуқуқий давлат ғоясининг замирида ҳар доим давлат ва ҳуқуқ дуализми ётади. Бироқ айти пайтда бу ғоя ҳуқуқ ўзининг алоҳида мазмунига эга бўлган олий қадрият эканлиги ҳақидаги фалсафий тасаввурга ҳам таянади.

Умуман олганда, ҳуқуқий давлат ҳақидаги ғоялар илдиэларини инсониятнинг маданийлашган тараққиёти эндигина бошланган даврлардан излаш керак бўлади. Зеро, ўша даврлардаёқ инсон ўзига ўхшаш одамлар билан мулоқот қилиш шаклларини идрок этиш ва такомиллаштириш, ўзининг ва бегоналарнинг озодлиги ва озод эмаслигини, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, тартиб ва тартибсизлик моҳиятини англаб олишга интилан.

Жумладан, Қадимги Туронзаминда «Авесто» буюк умуминсоний қадрият сифатида дунёга келди. У чексиз тафаккур ва тараққиёт ғояси, умумбашарий цивилизациянинг юксак чўққисига айланди. «Авесто» инсонга хос бўлган поклик, эзгу ният, покиза туйғу, тупроқни муқаддас билиш, Ватанни

англаш сингари олийжаноб фазилатларни юксак ахлоқий нормалар ва тафаккур тарзи орқали ифода этади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг моҳияти ва шаклланишига мос келувчи айрим ғоялар «эзгу фикрат, эзгу калом ва эзгу амал тушунчаларига асосланган қадимий меросимиз — «Авесто» китобида намоён бўлади. Бу китобда инсоният тараққиётида эзулик ва ёвузлик, адолат ва адолатсизлик, гўзаллик ва хунуклик, сахийлик ва бахиллик ўртасидаги муросасиз кураш ўз ифодасини топган. «Авесто» орқали аждодларимизнинг юксак маънавий-маърифий қиёфаларини тасаввур этиш, давлатчилигимизнинг узоқ цивилизация тарихига эга эканлигига тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

«Авесто»ни «Огоҳнома» ё «Донишнома» маъносида тушуниш мумкин¹. Бинобарин, «Авесто» асрлар давомида одамларни яхшиликка, эзуликка, олийжанобликка ундаб келди, қалбларда ёмонлик — ёвузликка нисбатан нафрат оловини ёқди. Шу билан бирга, «Авесто» ўз даврининг ҳуқуқий тартибга солиш манбаи сифатида тарихдан муносиб ўрин олди.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, «турли ғоялар, ақидалар авж олган, улар таъсиридаги одамлар муносабатлари бир-бирига зид бўлган, кўпхудолик шаклидаги ғоявий курашлар таъсирида тараққиёт ва инсон ҳаёти чигал ҳолга келиб қолган бир пайтда «Авесто» яккахудолик ғояси остида мақсадлар муштараклиги, манфаатлар уйғунлиги, яхлит жамиятни вужудга келтириш орқали одамлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришга даъват этувчи инсонпарвар фалсафа (концептуал ғоя — *муаллифлар изоҳи*) сифатида дунёга келди. Абу Райҳон Берунийнинг фикри-

¹ Маҳмудов Т. «Авесто» ҳақида. Сўнг сўз // Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. — Т., «Шарқ», 2001, 396-бет.

ча. «Авесто» айрим ҳолларда, ҳатто, давлат яхлитлиги ва бирлигини таъминлашда, бошқарувда умумманфаат ва ғоялар муштарақлигини вужудга келтиришда муҳим роль ўйнайди»¹.

«Авесто»да Зардушт илгари сурган сиёсий-ҳуқуқий қарашларга кўра, давлатнинг шаклланиши уч даврга бўлинади: биринчи давр энг қадимги давр бўлиб, бу даврда адолат ва инсоний саодат ҳукмрон бўлади; иккинчи даврда эзгулик руҳлари билан ёвузлик руҳлари ўртасида адолат учун кураш давом этади; учинчи даврда ақл-идрок ва адолат тантана қилади ва бу даврда деҳқонларнинг бадавлат бўлишлари, давлат тизимининг мустаҳкам бўлиши учун эзгулик таълимини ва садоқатни амалга оширган ҳолда, яхши ҳокимлар ҳукм юритсинлар, адолатли қонунларни амалга оширсинлар, дейилади².

Сафо Исфажоний алоҳида қайд этганидек, «қонун» тушунчаси зардуштийликнинг энг илк босқичларида унинг муҳим қисми бўлган... Зардуштийлик муқаддас адабиётининг учдан бир қисми қонуннинг турли босқичлари ва соҳаларида унга тегишли бўлган, «Авесто» «амалий қонунлари»нинг мақсади эса «барча жиҳатдан уйғун бўлган уюшган ва гуллаб-яшнаган жамиятни яратиш» ҳисобланган»³.

Шундай қилиб, Қадимги Туронзаминнинг бебаҳо ҳуқуқий мероси — «Авесто»да эзгулик, адолат, жамиятнинг барча аъзолари томонидан қонунни билиш,

¹ Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. — Т., «Маънавият», 2008, 53–54-бетлар.

² Қаранг: Мухиддинова Ф. Ўзбекистон халқларининг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари тарихи. — Т., ТДЮИ, 2004, 28-бет.

³ Safa-Isfahani N. Rivayat-i Hemat-i Asawahistan; A Study in Soroastrian Law. /Harvard Iranian Ser. Vol. 2 / Cambridge, 1980, p.i. // Иқтибос куйидаги манбадан олинади: Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. — Т., «Адолат», 2001, 171-бет.

унга оғишмай риоя қилиш, ёвузликка қарши курашда ундан фойдаланиш, мамлакатни бошқаришда адолатга ва Ахура Мазда қонунларига таяниш каби ҳуқуқий давлатга хос хусусият ва ғоялар илгари сурилади.

Ҳуқуқий давлат назарияси ва амалиётининг шаклланиши узоқ ва ибратли тарихга эга. Мазмун жиҳатидан олганда, ҳуқуқий давлатчиликнинг айрим ғоялари антик даврдаёқ пайдо бўлган. Шу маънода ҳуқуқий давлатчилик ҳақидаги назарий тасаввурларнинг, кейинчалик эса — ҳуқуқий давлатчилик амалиётининг шаклланишига Қадимги Юнонистон ва Қадимги Римнинг ҳуқуқий ғоялари ва институтлари, антик давр демократияси, республикачилиги ва ҳуқуқий тартиботи тажрибаси сезиларли даражада таъсир кўрсатган. Ҳуқуқий давлатчилик назариясининг қадимги концепцияси одамларнинг жипслашиш шакли ва усули сифатидаги полис (шаҳар-давлат) билан боғлиқ. Қадимги файласуфлар тасаввурларида қонун одамларни полисдан эмас, балки бир-биридан ҳимоя қилади. Улар ўз мушоҳадаларида шахсий эркинликни эмас, балки жамиятдаги тартибни устун қўядилар.

Қонунийлик принципи, полис ҳаётининг асосий принципи сифатида, «етти донишманд» давридаёқ ишлаб чиқилган, улар ўз насиҳатларида қонунни устун қўядиган, инсоннинг барча хатти-ҳаракатларини ўлчовга, меъёрга соладиган полис қурилишини ибрат қилиб кўрсатганлар. **Сукрот** софистлар билан бўлган мунозараларда бу ғояни етуклик даражасига кўтарган. Сукрот фикрича, қонунга бўйсунуш — полис мавжудлигининг шартини. Полиснинг ўзи унда ўрнатилган қонунларни ялпи бажариш шаклидагина мавжуддир. Шунингдек, Сукрот давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабатлар шартномага асосланиши, сиёсий эркинлик адолатли қонунлар ҳукмронлик қилгандагина таъминланиши мумкинлиги ҳақидаги илк ғояларни ҳам илгари суради.

Унинг шогирди **Афлотун** ўз устози ғояларига таянган. Афлотун учун полис — муайян ишни бирга бажаришга аҳд қилган одамлар мажмуи. Полиснинг куч ишлатиши, Афлотун фикрига кўра, нафақат ўринли, балки зарур. Зотан, адолат барча асослар: ақл-идрок, хоҳиш-ирода, сезгиларнинг ўзаро мувофиқлиги ва бир-бирига бўйсунуши, умумий мақсад ва унга йўналтирувчи куч, шу жумладан қонун кучини тан олиш демакдир. Адолатнинг моҳияти ҳуқуқларнинг тенг тақсимланишида эмас, балки мажбуриятлар «ҳаммага ўзиники» принципига кўра тақсимланишидадир.

Афлотундан фарқли ўлароқ, **Арасту** қарашларига кўра, инсон мулк эгаси сифатида ҳуқуқ субъектига айланади: қонунларнинг мақсади шахсий манфаатларга ҳукм ўтказиш эмас, балки уларни уйғунлаштиришдан иборат. Арасту давлат ҳокимияти, ҳуқуқ ва қонунга ўз муносабатини билдирад экан, нафақат ҳуқуққа биноан, балки ҳуқуққа зид равишда ҳокимият юритиш ҳам қонуннинг иши бўлиши мумкин эмас, куч ишлатиб бўйсундиришга интилиш эса, албатта, ҳуқуқ ғоясига зиддир, деб таъкидлайди. «Қонун ҳокимияти» бўлмаган жойда давлат тузумининг бирон-бир шаклига ҳам ўрин йўқ, қонун ҳамма нарсадан устун бўлиши керак, деган хулосага келади Арасту.

Аслида ҳуқуқий давлат конструкцияси асрлар ошаривожланиш жараёнида аста-секин аниқ белгиланган, оқилона шакл-шамойил касб эта боради. Давлат институтларига ҳар бир шахснинг умумий, узвий ҳуқуқларини тан олишни назарда тутувчи аниқ мезон татбиқ этилади. Ҳуқуқий давлатчилик ҳар бир шахснинг мустақиллиги ва сиёсий эркинлигини амалда назарда тутуди, жамият ва давлат ишларида шахснинг ҳуқуқий ва ижтимоий мақсадларини биринчи ўринга қўяди.

«Умум равнақи», «олий адолат» категориялари ўзининг номуайянлиги туфайли ҳуқуқий давлатнинг «классик» белгиларига ўрин бўшатади. Бу жараённи, яъни ҳуқуқий афсона ижод этишдан воз кечишни ўз даврининг таниқли давлат арбоби, нотик, атоқли юрист Цицерон бошлаб беради.

Давлат (*respublica*)ни Цицерон халқ иши, мулки (*res populi*) сифатида тавсифлайди. Унинг фикрига кўра: «Давлат — халқ мулки, халқ эса, ҳар қандай тарзда уюшган одамларнинг ҳар қандай бирлашмаси эмас, балки ҳуқуқ масалаларида бир битимга келган ва умумий манфаатлари билан ўзаро боғланган кишилар (фуқаролар)нинг бирлашмасидир»¹.

Ўз ўтмишдошларидан фарқли ўлароқ, Цицерон давлатга умум манфаатининг ифодачиси сифатида эмас, балки муайян ҳуқуқий тузилма, ҳуқуқий тартибот сифатида қарайди. Унинг фикрича, ҳуқуқ замирида умуман табиатгагина эмас, балки инсоннинг табиатига ҳам хос бўлган адолат ётади. Моддий ва ижтимоий дунё, инсон борлигининг ўзи, унинг жони ва вужуди, микро ва макрокосмос ҳуқуқнинг ҳақиқий манбаларидир. Цицерон фуқароларнинг сиёсий фаоллигини олқишлайди, эркинлик ҳимояси шахс танламайди, деб ҳисоблайди. Шундай қилиб, Цицерон кейинчалик ҳуқуқий давлат конструкциясига айланган давлатнинг ҳуқуқийлашуви гоёсини илгари суради.

Давлат-ҳуқуқий институтларнинг ривожланиши, улар назарий жиҳатдан англаб етилиши билан ҳокимият ва шахснинг ўзаро муносабатлари муаммоси ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим масаласига айланади. Бу масалани ечиш йўлидаги ҳаракатлар халқ су-

¹ Цицерон М.Т. О государстве // Мухаев Р.Т. Христоматия по теории государства и права, политологии, истории политических и правовых учений. — М., «ПРИОР», 2000, 74-бет.

веренитети гоясининг пайдо бўлишига олиб келади. Моҳият эътибори билан халқ суверенитети гояси ҳуқуқий давлат назарияси мазмунининг ўзагини ташкил қилади.

Халқ суверенитети давлатга берилган бутун ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи халқ эканлигини англатади. Ўз даври учун жуда илғор бўлган бу гояни Ўрта асрлар мутафаккири **М. Падуанский** асослаб берди. «Тинчлик ҳимоячиси» асарининг муаллифи бўлган Падуанский давлатда қонун чиқарувчи халқ суверендир, деб ҳисоблар эди. Бу ўз тақдирининг бунёдкори бўлган инсон ҳақидаги бутунлай янгича тасаввур эди.

Ушбу концепция кейинчалик **Ж.Ж. Руссо** асарларида ўз ривожини топди. Руссо илгари сурган «суверенитет» тушунчасининг талқини давлат (республика) ижтимоий шартнома маҳсулидир, деган гояга асосланади. Бунда суверен ҳокимият жамият манфатининг ифодаси сифатида тушунилиши лозим. Давлатда ҳар бир инсон ўз мустақиллиги эвазига фуқаролик эркинлигини қўлга киритади. Бунда суверен ҳокимият ҳуқуққа хизмат қилади ва агар суверен умумий иродани ифодаламаса, давлат сиёсий организм сифатида барҳам топади. Давлат бошқаруви легитим бўлиши керак. Мазкур назарий қарашлар айрим ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топди.

Умумий конгрессга йиғилган Америка Қўшма Штатлари вакилларининг Декларациясида, — бу ҳужжат **АҚШ Мустақиллик декларацияси** деган ном билан машҳур — куйидаги қоида ифодаланган: *«Биз куйидагиларни очиқ-ойдин кўришиб турган ҳақиқатлар деб биламиз: ҳамма одамлар тенг қилиб яратилган ва уларнинг барчасига баъзи ажралмас ҳуқуқлар ато этилган: ҳаёт, озодлик ва бахтга интилиш шу ҳуқуқлар жумласига киради; бу ҳуқуқларни таъминлаш учун одамлар ҳукуматларни ташкил этади,*

уларнинг адолатли ҳокимияти ҳукм остидагиларнинг розилигига асосланади... (муаллифлар таъкиди)»¹.

Халқ суверенитети давлат суверенитетининг асоси ва манбаи ҳисобланади. Давлат суверенитети давлат ҳокимиятининг устунлигини, мустақиллигини, тўлиқлигини, ҳамма учун баробарлигини ва мутлақлигини англатади.

Суверенитет муаммоси билан **ҳуқуқий давлатнинг** бошқа бир муҳим белгиси — **ҳуқуқ ҳукмронлиги ва қонун устунлиги** ҳам боғлиқ, чунки суверенитет олий давлат ҳокимиятини ҳуқуқий йўл билан ташкил этишни, уни амалга оширишнинг юридик тартиб-таомилларини, шахс ва ҳокимиятнинг ўзаро муносабатлари принципларини назарда тутаяди. Юридик йўл билан ташкил этилган ижтимоий яхлитлик сифатидаги давлат фаолияти албатта **фақат ҳуқуқий шаклларда ва ҳуқуққа мувофиқ амалга оширилиши лозим**. Бу талаб ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқларига тенг даражада тегишлидир.

Назарий жиҳатдан қонуннинг ҳукмронлиги шунда ифодаланадики, у давлат ҳукмининг маҳсулигина ҳисобланмайди, балки давлат билан оммавий-ҳуқуқий муносабатларга киришувчи индивидларнинг ҳуқуқий онгида шакланган ҳуқуқий ғоянинг амалий тажассумини ўзида ифодалайди. Европа мамлакатларида ҳуқуқнинг генезиси қуйидаги схемага мувофиқ юз беради: аввал жамиятда муайян ҳуқуқий ғоялар пайдо бўлади, улар кейинчалик юридик нормаларда мустақамланади, сўнг эса ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий муносабатларида рўёбга чиқарилади. Шундай қилиб, ҳуқуқий давлат қатъий қонунийлик шакл-шамойилини касб этади.

¹ *Жўраев С., Маҳкамов Ҳ., Рустамбоев С.* Америка Қўшма Штатлари. — Т., ТДШИ, 2003, 45-бет.

Ҳокимиятнинг бўлиниши демократик давлатнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Ҳокимиятнинг бўлиниши концепциясининг асосчиси сифатида француз маърифатчиси **Ш. Монтескье** эътироф этилади. Ҳолбуки, шунга ўхшаш фикрларни Монтескьега қадар **Ж. Локк**, ундан ҳам олдинроқ **Полибий** илгари сурган эди. Умуман олганда, Рим республикасининг давлат қурилиши ҳам ҳокимиятнинг бўлинишига асосланар эди.

Давлат механизмини яратиш тўғрисидаги гоя ҳокимият бир қўлда жамланишини истисно қилади. Давлатда ҳокимият тармоқларининг ҳар бири (қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари) мустақил ва ўз ваколатларига эга бўлиб, бир-бирининг ишига аралашини мумкин эмас.

Ҳокимиятнинг бўлиниши концепциясининг вариантларидан бири **ўзаро мувозанат ва чекловлар тизими**ни яратишни назарда тутди. Бунда тармоқлардан ҳар бири бир-бирини назорат қилиш ва чеклаш имкониятларига эга бўлади.

Ҳокимиятлар мувозанати халқ суверенитетига асосланади ва бу қоида ҳозирги давлатларнинг айримларида конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур қоидага мувофиқ қонунчилик ҳокимияти қонунлар қабул қилиши, ижро этувчи ҳокимият қонунлар ижросини ташкил этиши, суд ҳокимияти эса ҳуқуқ тўғрисидаги низоларни қонунчилик органи қабул қилган қонун асосида ҳал қилиши лозим.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳозирги вақтда айнан ижро этувчи ҳокимиятнинг фаоллашуви кузатилмоқда, у ўз фаолияти майдонини аста-секин кенгайтормоқда. Бу объектив қонуниятдир, чунки ҳозирги замон давлатининг ҳаёти янада мураккаброқ шакл-шамойил касб этмоқда ва кўпинча ҳукуматнинг шошилишч аралашувини талаб қилади. Бунда

ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти ҳуқуқий шаклда ва қонунчилик органи қабул қилган ҳужжатлар асосида амалга оширилиши муҳимдир.

Шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини амалда таъминлаш ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари ҳуқуқий давлатнинг тамал тоши, жамият ривожланишининг муҳим омилдир. Машҳур софист Протагор кейинги замонлар учун оламшумул аҳамиятга эга бўлган қуйидаги қондани таърифлаган эди: *«Инсон — ҳамма нарсалар мезонидир»*. Вақт ўтиши билан инсон ҳуқуқларининг энг яхши кафолати шахснинг энг муҳим манфаатларини қўриқловчи ҳуқуқий қонун бўлиши мумкинлиги англаб етилади.

Бу ўринда XIX асрнинг биринчи чорагидаёқ ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим назариячиси сифатида эътироф этилган **Кант**ни эслаш мақсадга мувофиқ бўлади. Кант ҳуқуқни сиёсий-институционал нуқтаи назардан эмас, балки маънавий нуқтаи назардан асослагани билан ажралиб туради. Позитив (ижобий) қонунчилик нормалари инсон эркинлик қонунларини берувчи ақлга мувофиқ бўлган даражадаги ҳуқуқ ҳисобланади. Ҳуқуқ эркин ирода эгалари — алоҳида шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади ва пировард натижада эркинлик умумий қонун нуқтаи назаридан бир шахснинг ўзбошимчилигини (эркинлигини) бошқа шахснинг ўзбошимчилиги (эркинлиги) билан мувофиқлаштириш имконини берувчи омиллар мажмуи ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ, Кант фикрига кўра, ташқи эркинликнинг расмий шартигина эмас, балки унинг амалда мавжудлик шакли ҳамдир. Ақл билан яратилган хулқ-атвор қоидаларини Кант императив деб атайди. Қатъий императив таҳрирларидан бири

қуйидагича янграйди: «Қайси ишга қўл урма, инсониятга фақат мақсад сифатида қара ва унга ҳеч қачон восита сифатида ёндашма».

Ғарбий Европада ҳуқуқий давлатнинг рационалистик анъана асосидаги немисча конструкцияси етакчилик қилади. У Кант фалсафасига ва, айниқса, **Гегель** ғояларига таянади. Гегель инсоният тадрижий ривожини ўзбошимчаликни енгиш орқали эркинликнинг изчил ривожланиши сифатида тушунади. Немис юриспруденцияси ҳуқуқ, давлат ва эркинликни, одатда, узвий боғлиқ ва маълум даражада бир хил категориялар сифатида талқин қилади. Ҳуқуқий давлатнинг ушбу талқини улкан либерал салоҳиятни ўзида мужассамлаштиради. Шу туфайли ҳам адабиётларда илгари сурилган ҳуқуқий давлатнинг энг аввало немис муаллифлари (Г. Еллинек, Р. Иеринг ва бошқалар)га хос бўлган позитивистик концепцияси ҳуқуқий давлатнинг бошқача талқинлари даражасида мукамал эмас, деган фикрга қўшилиш мушкул. Ушбу нуқтаи назар тарафдорларига давлатни унинг ўзи яратган ҳуқуқ билан чеклаш ғояси маъкул эмас.

Иеринг ҳуқуқий давлат фақатгина давлат ҳокимиятининг ўзи белгилаган тартибда ўзи бўйсунадиган жойда, узил-кесил ҳуқуқий барқарорликка эга бўлган ерда мавжуд бўлади, деб ҳисоблайди. Фақат ҳуқуқ ҳукмронлигидагина миллий фаровонлик, савдо ва ҳунармандчилик гуллаб-яшнайти, халққа хос бўлган «ақлий ва ахлоқий кучлар» авж олади.

Еллинек концепиясида давлат ўз халқи умумий манфаатларининг вакили сифатида, ҳукмронлик қилувчи, жамиятни юксак даражада ривожлантириш йўлида биргаликдаги индивидуал, миллий ва умуминсоний манфаатларни қондирувчи юридик шахс ҳисобланган халқ иттифоқи сифатида таърифланади.

Ҳуқуқий давлат муаммоси шўро даври назарий тадқиқотлари саҳифаларидан узоқ вақтга ўчиб кетди. Бу даврда уни буржуа давлатининг синфий моҳиятини ниқоблашга қаратилган буржуа-либерал концепцияси деб ҳисоблаш одат тусини олди.

Ҳозирги даврда мамлакатимиз мустақилликка эришганлиги муносабати билан давлат ва ҳуқуқ назариётчилари ва амалиётчилари олдида ҳуқуқий давлат тўғрисида янада аниқроқ концептуал тасаввурни таърифлаб бериш вазифаси кўндаланг бўлди. Масалан, Ш. Ўразаев, М. Шарифхўжаев, А. Азизхўжаев, Ҳ. Одилқориев, А. Саидов, О. Хусанов, Н. Жўраев, М. Қирғизбоев ва бошқа олимларимиз чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориб, ўтмиш ва бугунги кун илмий хазинасидан, ҳозирги замон юксак маданийлашган мамлакатлардаги ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиш ва унинг амал қилиши бўйича орттирилган тажрибадан фойдаланиб, ўзбек давлат ва ҳуқуқ назарияси фани, иқтисодий ва сиёсий-фалсафий тафаккури жамиятимизда бунёд этилаётган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг реал тасвирини чизиб беришга муваффақ бўлмоқдалар. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, мамлакат тараққиёти муайян шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг назарий асослари ва амалий муаммолари, концептуал қоидалари ва йўллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳамда Президентимиз Ислом Каримовнинг кўп томлигидан жой олган қатор рисола ва китобларида, маъруза ва нутқларида ҳамда сўнгги пайтларда жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ва «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида атрофлича белгилаб берилган. Юртбошимизнинг шу каби асарлари назарий тадқи-

қотлар учун ҳам, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш амалиёти учун ҳам улкан аҳамиятга молик, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

2. Ҳуқуқий давлат — ижтимоий давлат

Ҳуқуқий давлат — юриспруденция нуқтаи назаридан идеал давлат модели, шахс, жамият ва давлат ўз куч-ғайратини бирлаштириб, эришишга ҳаракат қилиши лозим бўлган идеалдир. Ҳуқуқий давлат ҳаммага қулайликлар яратади, у барча фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг асосли манфаатларини ҳуқуқий усуллар ёрдамида рўёбга чиқариш имконини беради. Умум раванқи, ҳамма учун муносиб ҳаёт ҳуқуқий давлатнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Аммо ҳуқуқий давлат камчиликлардан бутунлай холими? Бозор иқтисодиёти шароитида ҳуқуқий давлат бозорнинг салбий таъсирини чеклашни назарда тутаяди. Бозорнинг салбий томонлари ва хусусиятларини чеклаш ҳамда бартараф қилиш ҳуқуқий воситалар билан амалга оширилади. Бундай ҳуқуқий воситалар орасида монополияга қарши қонунларни, меҳнат меъёрлари, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва ҳоказоларни белгиловчи меҳнат кодексини қабул қилишни қайд этиш мумкин. Ҳуқуқий давлат нормал рақобатни таъминлаши ва иқтисодиётга ўз аралашуви чегарасини, бозордаги «ўйин қоидалари»ни белгилаши лозим.

Афсуски, бозор ижтимоий ҳимояланмаган фуқароларни асло аямайди. Бозор уларни танг аҳволга солиб қўймаслиги учун ҳуқуқий давлат (ҳуқуқий, моддий ва ҳоказо) кафолатлар белгилайди ва бундай фуқароларни бозордан ҳимоя қилади. Мазкур кафолатлар орасида меҳнатни муҳофаза қилиш, фуқаролар соғлигини сақлаш, пенсияга бўлган ҳуқуқ ва бошқалар-

ни қайд этиш мумкин. Давлат қонуний мажбурлаш монополиясига эга бўлади. Фуқаролар ўз ғайриқонуний хулқ-атвори учун қонун олдида жавоб берадилар. Бу ҳар қандай давлатнинг белгиси ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳуқуқий давлат ўзи ҳам фуқаролар олдида жавоб беради. Бу фуқароларнинг давлатдан судда ҳимояланиш (давлат ҳокимияти органи устидан даъво билан арз қилиш) ёки юқори турувчи органлар ёхуд мансабдор шахсларга шикоятлар билан мурожаат қилиш имконияти мавжудлигида, шунингдек, жамиятни давлатдан ҳимоя қилувчи кафолатларнинг амалда белгиланишида ифодаланади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, *кўп укладлик, мулкнинг хилма-хил шаклларига асосланган ишлаб чиқариш муносабатлари ҳуқуқий давлатнинг (фуқаролик жамиятининг ҳам) иқтисодий асоси ҳисобланади.* Ҳеч шубҳасиз, барча собиқ тоталитар мамлакатларнинг ўтмиш тажрибаси иқтисодий монополизм сиёсий монополизмнинг туғилишига, яъни бир партия, бир мафкура, бир хил қадриятлар тизимининг ҳукмрон бўлишига олиб келишидан далолат беради. Шу муносабат билан мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов мулкчилик ҳуқуқи — иқтисодий янгилашиш ва ўзгаришларимизнинг асоси эканлигини бежиз таъкидламаган. Бинобарин, Юртбошимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ: «Ўзини мулкдор, мулк хўжайини, ўз меҳнатининг ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг хўжайини деб ҳис этиши инсоннинг яширин куч ғайратини юзага чиқаради. Унинг ақлий ва ижодий имкониятларини, ташкилотчилик қобилиятларини намоён этади, уни ташаббускор ва омилкор қилади... Бизда ҳақиқий, мустақил мулкдорлар қанча кўп бўлса, барча кишиларнинг ўз меҳнатлари эвазига юқори иш ҳақи олишларига имкон берадиган иқтисодий шарт-ша-

роитни шунча тез вужудга келтирамиз»¹, дея ҳақли равишда қайд этиб ўтганди. Шу тариқа мамлакатимизда мулкдор ҳуқуқи эътироф этилиб, қонун билан ҳимоя қилина борди. Шундай қилиб, Ўзбекистон биринчилар қатори хусусий мулкчилик ҳуқуқларини тан олди ва мулкнинг барча шаклларига бир хил шарт-шароит яратиб берди.

Айни пайтда академик Ҳ.Р. Раҳмонқулов асосли равишда таъкидлаганидек: «Ўзбекистон Республикасининг аввалги тоталитар жамият қурилишидан янги халқпарвар демократик жамият қуришга ўтиши, давлат мулкчини эгаллаган монополия ҳолатидан воз кечилиши, жамиятда хусусий мулкчилик жорий этилиши, бозор муносабатлари шакллантирилиши, маъмурий-буйруқбозлик методининг қўлланилмаслиги ва иқтисодиёт тизимида демократик метод ва шакллардан фойдаланилиши ҳуқуқининг ўтмишдаги баъзи тамойилларидан воз кечилишига, демократик жамият эҳтиёжларига жавоб берадиган тамойилларнинг пайдо бўлишига, фуқаролик ҳуқуқи амалдаги тамойилларининг характери ўзгаришига сабаб бўлди»².

«Хусусий мулк фақат иқтисодий эркинлик эмас, шу билан бирга, у шахс эркинлиги учун ҳам хизмат қилади, манба сифатида ушбу эркинликни таъминлайди»³. Шу боис ҳуқуқий давлатда мулк бевосита моддий неъматларни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларникидир, якка тартибда ишлаб чиқарувчи

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т., Ўзбекистон, 1995, 182–183-бетлар.

² Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари (1-қисм). Дарслик. — Т., ТДЮИ, 2010, 49-бет.

³ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Мулк ҳуқуқи ва унинг моҳияти ҳақида // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. Тўплам. — Т., 2000, 57-бет.

ўз шахсий меҳнати маҳсулининг ҳақиқий хўжайини сифатида майдонга чиқади. Шундан ҳам кўриниб турибдики, фақат мулкдорнинг мустақиллиги ва эркинлиги мавжуд бўлган шароитдагина давлатчиликнинг ҳуқуқий асослари рўёбга чиқиши мумкин. Ҳуқуқнинг устуворлиги, ишлаб чиқариш муносабатлари иштирокчиларининг тенглиги, жамият фаровонлигининг доимий ўсиб бориши ҳамда унинг ўзини ўзи ривожлантириши ана шу мустақиллик ва эркинликни таъминлайди. Демак, ҳуқуқий давлат қашшоқ бўлиши мумкин эмас.

Маълумки, ҳуқуқий давлат ғоялари тарихан асрлар мобайнида ҳуқуқ ва давлат қурилиши назариясининг шаклланишига қараб вужудга келган. Уларнинг аксарияти қадим замонлардаёқ таърифланган. Бироқ ижтимоий давлат ҳақидаги концептуал илмий тасавурлар юзага келганига эса ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Ўзбекистонда ижтимоий давлатнинг шаклланиш жараёни оғир, лекин изчил кетмоқда. Буни Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузанинг сарлавҳасидан ҳам кўриш мумкин. Маъруза «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифамиздир» деб номлангани давлатимиз бошлиғи ижтимоий ҳимоя муаммоси ҳозирги босқичда республикамизни ривожлантиришнинг устувор вазифасига айланганига урғу бериш лозим деб топганини кўрсатади.

«Шуларнинг барчасини, энг аввало, халқимизнинг кайфият ва эҳтиёжини, орзу ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда, руҳсатингиз билан, мен кириб келаётган янги — 2007 йилни юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман», —

деди Президент. Ўз ниятини у шундай тушунтирди: «Ҳаммангизга маълумки, ўзбек модели деган ном билан бутун дунёда тан олинган мустақил тараққиёт йўлимизнинг негизида машҳур беш тамойилдан бири — айнан кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш масаласи ҳам туради.

Ана шу тамойилни ҳаётга жорий этиш учун истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсати ҳақида, бу борада қандай қарорлар қабул қилингани ва қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида, ўйлайманки, барчангиз яхши хабардорсиз»¹.

Давлатни ҳуқуқий ва ижтимоий деб эълон қилиш мумкин эмас. Бу узоқ давом этадиган тарихий жараён бўлиб, у тегишли шароитлар, чунончи: юксак даражадаги иқтисодиёт ва маданият, жамиятнинг тегишли маънавий-ахлоқий салоҳияти мавжуд бўлган тақдирдагина самарали ривожланиши мумкин.

Ҳозирги даврнинг нормал, маданиятли давлати — бу вакиллик ва бевосита демократиянинг ривожланган институтлари, ўзини ўзи бошқаришнинг турли шаклларини ўз ичига олган ҳуқуқий ижтимоий давлатдир. Ҳозирги замон ҳуқуқий давлати — инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, ҳокимиятни амалга оширишда (бевосита ёки вакиллар орқали) халқнинг иштироки таъминланувчи демократик давлат. У юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданият, ривожланган фуқаролик жамиятини назарда тутди.

¹ *Каримов И.А.* Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-том. — Т., «Ўзбекистон», 2007, 123–124-бетлар.

Айни чоғда давлатни ҳуқуқий деб эълон қилиш қийин эмас. Бироқ ҳуқуқий давлатни амалда ижтимоий давлатга айлантириш анча мушкул иш. Бунинг учун «ҳуқуқий» деган расмий мезонни «ижтимоий» деган моддий мезон билан бойитиш талаб этилади. Яъни: «Ижтимоий давлат — бу ҳар бир фуқарога яшашнинг муносиб шароитлари, ижтимоий ҳимояланганлик, ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирокчиликни, жамиятда шахснинг ўзини ўзи намоён қилиши учун бир хил ҳаётий умидлар ва имкониятларни таъминлашга интилувчи давлатдир. Бундай давлатнинг фаолияти ялпи фаровонликка, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатилишига йўналтирилган бўлади»¹.

Албатта, «ижтимоий давлат» ва «ҳуқуқий давлат» тушунчалари ўртасида диалектик алоқа мавжудлигини олимлар ва оқил сиёсатчилар яхши тушунадилар. Бир томондан, улар бир-бири билан узвий боғлиқ — ҳуқуқий давлатчиликсиз ижтимоий давлат йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас, худди шунингдек, ҳуқуқий давлат ҳам фақат ўта ривожланган фуқаролик жамияти, фаол ривожланаётган бозор иқтисодиёти ва ижтимоий давлат шароитида мавжуд бўлиши мумкин.

Бошқа томондан, улар ўзига хос **қарама-қаршиликлар** сифатида майдонга чиқали: ҳуқуқий давлатнинг моҳияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини давлатнинг чеклашлари ва ҳомийлигидан ҳимоя қилишдан иборат бўлса, ижтимоий давлат, аксинча, давлат инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш борасида фаол иш олиб боришини назарда тутди. «Ҳуқуқий давлат» учун энг муҳими — фуқароларни давлатнинг ор-

¹ Пугачёв В.П., Соловьёв А.И. Сиёсатшуносликка кириш. — Т., «Янги аср авлоди», 2004, 266-бет.

тиқча аралашувидан ҳимоя қилиш, «ижтимоий давлат» учун энг муҳими эса — фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари ва эркинликларини давлат кучлари билан ҳимоя қилиш. Ижтимоий давлат даромадларнинг каттагина қисмини аҳолининг кам таъминланган қатламлари фойдасига қайта тақсимлаш зарурлигини тан олади ва асосий эътиборни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва барча фуқароларнинг муносиб турмуш даражасини муттасил ошириш ва кўп жиҳатдан кафолатлаш имконини берувчи жамоат ресурсларини кўпайтиришга қаратади.

Ҳуқуқий давлат қонунийлик принциплари ва ижтимоий адолат ғояларининг амалдаги ифодасидир. Ҳуқуқий давлат учун энг муҳими — қонунийлик; инсонни давлатнинг ўзбошимчалиги ва кераксиз назоратидан ҳимоя қилишга, индивидуал эркинликни ва шахснинг асосий ҳуқуқларини кафолатлашга интилишидир.

Ҳуқуқий давлатнинг фундаментал фалсафий концепциясини ўз даврида И. Кант таълиф қилган эди. Унинг асосий ғоялари: инсон — мутлақ қадрият, ҳеч ким ундан ўзининг, ҳатто, энг олийжаноб мақсадларига эришиш қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланишга ҳақли эмас. Қонун — муқаррар ва мутлақ; ўзбошимчаликни чекловчи барча воситалар — бу ҳуқуқ ва ахлоқ. Ҳуқуққа фақат давлат ҳамма учун мажбурийлик тусини бериши мумкин. Давлатнинг мақсади — ҳуқуқ ва қонуннинг тантанасига эришиш, шу туфайли ҳам ижро этувчи ҳокимият қонунчилик ҳокимиятига бўйсунishi лозим. **Ҳуқуқ уч жиҳатни:** ойдек равшан ҳақиқатлар тизими саналган табиий ҳуқуқ; қонун чиқарувчи яратган позитив ҳуқуқ; адолатни ўз ичига олади.

Ҳуқуқий давлат — бу ҳуқуқ устунлиги ва қонун устунлиги, қонун ва мустақил суд олдида ҳамма-

нинг тенглиги таъминланувчи, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тан олинувчи ва кафолатланувчи, давлат ҳокимиятини ташкил этиш замирида ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқларининг бўлиниши принципи ётувчи демократик давлатдир.

Айни пайтда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий давлатда давлат фуқароларга муайян ҳуқуқлар ва эркинликларни «ҳадя» қилади, деганга ўхшаш патерналистик кайфиятга ўрин бўлмайди. Инсоннинг яшашга, эркинликка, мулкка, бахт-саодат сари интилишга бўлган табиий ҳуқуқлари унга туғилгандан бошлаб тегишли бўлади ва шак-шубҳасиз муқаррар ҳақиқатлар ҳисобланади. Демократик ҳуқуқий давлатда улар конституцияда ўз ифодасини топади. Бундан ташқари, ҳар бир шахс сиёсий иттифоқ (давлат) аъзоси ҳисобланади ва фуқаро сифатида майдонга чиқади. *Бундай шароитда давлат ва фуқаро муносабатлари мустаҳкам ҳуқуқий заминда юзага келиши, ҳуқуқ ва эркинликлар ўзаро тан олиншини назарда тутувчи оммавий-ҳуқуқий алоқалар сифатида амал қилиши лозим.*

Ҳозирги замон фанида қуйидагилар ҳуқуқий давлатнинг асосий белгилари сифатида эътироф этилади:

— ривожланган фуқаролик жамияти, яъни юксак ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгга эга бўлган фуқароларнинг мавжудлиги. Айнан шундай жамиятда одамлар қонунларга риоя қиладилар ва давлат ҳам уларга риоя этишига ва уларни кафолатлашига эришадилар;

— халқ суверенитети, яъни халқ ҳокимиятнинг олий ва биринчи асоси ҳисобланади, давлат эса фақат унинг манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади;

— ҳуқуқ устунлиги ва қонун устунлиги, ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий асосда норматив (қонун йўли билан) тартибга солиниши. Бундан Конститу-

ция ва ҳуқуқий қонунларнинг устунлиги принципи бевосита келиб чиқади;

— халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига ички (миллий) қонунчиликнинг мувофиқлиги;

— шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги ҳамда унинг эркин ривожланиши. Ҳуқуқий давлат жамият ҳаётига ҳокимиятнинг керагидан ортиқ даражада аралашуви уни деспотияга айлантириши муқаррарлигидан келиб чиқади;

— давлат ҳокимиятининг қонунчилик, ижро ва суд тармоқларига бўлиниши принципини изчил амалга ошириш;

— суд ҳокимиятининг мустақиллиги — ҳокимиятнинг қолган икки тармоғи ўз ҳаракатларида қонунга оғишмай риоя этишини айнан у назорат қилади. Мустақил суд ҳуқуқнинг устунлиги принципини ҳимоя қилишга бурчлидир. Бу принцип давлат ва жамоатчилик институтларига, барча жисмоний ва юридик шахсларга тенг даражада татбиқ этилади;

— давлат ва инсоннинг ўзаро масъулияти.

Қиёсий ҳуқуқшунослик соҳасининг таниқли намо-яндаси Р. Давид таъбири билан айтганда, умумий ҳуқуқ ўз тарихи хусусиятларини маълум даражада ўзида акс эттиради. Англия ҳуқуқий тизими судьялар томонидан шакллантирилган ва ижтимоий муносабатларнинг улкан қатлами статут ҳуқуқи билан тартибга солинаётган ҳозирги кунда ҳам суд амалиёти ўзининг юксак мавқеини сақлаб қолмоқда. Тарих тақозосига кўра, ҳуқуқ устунлиги ғояси аввал Англияда, кейинчалик эса — АҚШда кучли мустақил суд институтида ўзининг моддий ифодасини топади. Ушбу институт индивид ва ҳокимият, энг аввало, марказий ҳокимият ўртасида ўзига хос «қалқон»га айланади.

Шахснинг эркинлиги ва мустақиллиги ҳақидаги тезис ижтимоий онгдан ва ҳуқуқий тизимдан мустақкам ўрин олади. Мазкур нуқтаи назар қонунлар-

га ва ҳокимият институтларининг қарорларига шубҳа кўзи билан қаралишида ифодалангани, чунки шахс суверенитетига давлатнинг тажовуз қилиши эҳтимоли ҳар доим ва ҳар қандай сиёсий тузумда сақланиб қолади. Ижтимоий онг, энг аввало, судга улкан ишонч билдиради, уни инсон ҳуқуқларининг энг муҳим кафили деб ҳисоблайди. Чекланган давлат гоёси шу тариқа аста-секин шаклланади.

Шундай қилиб, **ҳуқуқий давлат** — сиёсий ҳокимиятни ташкил этишнинг алоҳида шакли. У қонуннинг устунлиги ва ҳокимиятнинг легитимлиги, ҳуқуқнинг баланд нуфузи ва самаралилиги билан тавсифланади, шахснинг ҳуқуқий ҳимояланганлик ҳолатини ва у демократик ҳуқуқ ва эркинликлардан ўз қонуний манфаатлари йўлида монеликсиз фойдаланишини кафолатлайди.

Ижтимоий давлат ҳам ўз ваколатларини ҳуқуқий давлатчилик шаклида амалга оширади, лекин ижтимоий муносабатларнинг инсонпарварлашуви йўлида янада фаолроқ ва илдамроқ ҳаракат қилади — шахс ҳуқуқларини уларнинг ижтимоий-иқтисодий мажмуини кучайтириш ҳисобига кенгайтиришга интилади. Энг муҳими — у ҳуқуқий нормаларни янада адолатлироқ, ижтимоий йўналтирилган мазмун билан бойитишга ҳаракат қилади.

Ижтимоий адолат, ўз фуқароларининг фаровонлиги ва уларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олган давлат ижтимоий давлат деб аталади¹. Ижтимоий давлат — бу турли даражадаги ижтимоий муносабатларни ва уларнинг турли субъектлари манфаатларини мувофиқлаштириш, эркинлик, ижтимоий масъулият ва ижтимоий адолатни ҳуқуқий асосда уйғун-

¹ Қаранг: *Баглай М.В.* Конституционное право Российской Федерации: Учебник. 4-е изд. — М., 2004. — 124-бет.

лаштиришнинг ўзига хос механизмидир. «Ижтимоий давлат — бу ижтимоий фаровонлик омилidir. У ижтимоий тенглик, жамият аъзоларининг бирдамлиги ва ўзаро масъулияти принципларига асосланади, — деб ёзади профессор Б.С. Эбзеев. — Ижтимоий давлатнинг конституциявий мустақкамланганлиги эса давлатга умумижтимоий функция юклатилганини, ҳокимият органлари барча фуқароларнинг фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиши лозимлигини англатади»¹.

Давлатнинг ҳуқуқий ва ижтимоий моделлари замирида **ягона объектив асослар ва шартлар** ётади. Чунончи, бозор иқтисодиётига асосланган, ижтимоий йўналтирилган экологик иқтисодиёт ҳуқуқий давлатнинг *иқтисодий асоси* ҳисобланади. Бундай иқтисодиёт шароитида эркин тадбиркорлик хўжаликнинг ривожланишини «эркинлик — имконият даражасида, режалаштириш — зарурият даражасида» принципига мувофиқ давлат томонидан маълум (макро) даражада тартибга солиш билан бирикади. *Ижтимоий асос* сифатида инсоннинг ҳокимиятнинг ўзбошимчалигидан ҳимоя қилишга қодир бўлган ривожланган фуқаролик жамияти майдонга чиқади. *Сиёсий асос* — демократия, халқ суверенитети, фуқароларнинг юксак сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ривожланган масъулият, қонунга итоаткорлик, ижтимоий бирдамлик ҳисси; асосий сиёсий кучлар ижтимоий дастурларнинг зарурий тўплами тўғрисида келишган шароитда сиёсий ва мафкуравий плюрализм. Сиёсий даражада муросан мадорага эришиш ҳокимият тепасига бошқа сиёсий кучлар келган тақдирда ижтимоий сиёсатнинг ворисийлигини сақлаб қолиш

¹ Эбзеев Б.С. Человек, народ, государство в конституционном строе Российской Федерации. — М., 2005, 386-бет.

имконини беради. *Маънавий асос* — қонун олдида ҳамманинг тенглиги, шахс эркинлиги, инсон шаъни ва қадр-қимматига ҳурмат, инсонпарварлик ва ижтимоий адолат.

Бугунги кунда юрист олимлар ҳуқуқий ва ижтимоий давлат принципларининг энг мақбул бирикмаси мезонини топишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунда консерватив-либерал моделларнинг тарафдорлари, одатда, асосий эътиборни ҳуқуқий принципга, социал-демократия мафкурачилари эса — ижтимоий принципга қаратадилар. Айни пайтда уларнинг ҳаммаси «бундай давлат муносиб турмуш шароитини таъминлабгина қолмасдан, инсон ўз-ўзи ва ўз оиласи ҳақида ўзи ғамхўрлик қилиши лозимлигига урғу беради»¹, деган ягона хулосага келади. Давлатнинг нолиберал, субсидиар модели ҳақида ҳам кўп ёзилади. Ушбу модель доирасида ижтимоий сиёсат инсоннинг ўзига муносиб турмуш даражасини таъминлаш йўлидаги ҳаракатлари ўрнини эгалламайди, балки уларни чекланган миқёсда тўлдиради. Хужжатнинг бирлаштирувчи хусусияти шундаки, у мамлакатда молиявий, сиёсий ва ҳуқуқий ҳокимиятни марказлаштиришга ва айни пайтда давлатнинг ижтимоий функцияларини қисқартиришга қараб мўлжал олади. Бу, Президент Ислон Каримов фикрига кўра, конституциявий ижтимоий ҳуқуқлар билан тўқнашади.

Маълумки, Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлади. Бу йўл замирида Президент Ислон Каримов таърифлаб берган машҳур беш принцип ётади. Шулардан бири — бу «аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш

¹ Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации: Учебник. 4-е изд. — М., 2004. — 124-бет.

билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим»¹. Қолган принципларнинг барчаси ижтимоий вазифаларни ҳал қилишга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида қатъий кафолатлар яратишга бўйсундирилган.

Бу табиий ҳол. Чунки Юртбошимиз фикрига кўра: «Барча ислоҳотлар — иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад инсоннинг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат. Шу сабабли жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтишида бизга ислоҳот чоғида одамлар моддий аҳволи кескин ёмонлашадиган, ахлоқий қадриятлар, маънавий таянчлар барбод бўладиган, ўтиш даврининг барча қийинчиликлари аҳоли елкасига тушадиган андоза мақбул эмас»².

Давлатнинг ушбу (ҳуқуқий, ижтимоий ва субсидиар) моделларини таҳлил қилганда, шуни ҳисобга олиш лозимки, ҳуқуқий давлат эълон қилган индивидуал эркинликлар ва фуқаролик жамияти ишларига давлатнинг аралашмаслиги иқтисодиётнинг монополиялашувига ва вақти-вақти билан юз берадиган иқтисодий инқирозларга, ижтимоий тенгсизликнинг кучайишига олиб келиши мумкин. Ўз навбатида, кишилар ўртасидаги тенгсизлик амалда юридик тенг ҳуқуқлиликни қадрсизлантиради, конституциявий ҳуқуқлардан фойдаланишни аҳолининг ўзига тўқ қатламлари имтиёзига айлантиради. Бунда ҳуқуқий давлатнинг заиф жиҳатларидан бири яширинган

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. — Т., «Ўзбекистон», 1996, 301-бет.

² Ўша жойда. — 322-бет.

бўлади. Шу боис вазиятни ўзгартириш субсидиар давлат гоёларини рўёбга чиқаришни тақозо қилади.

Бироқ, бизнинг фикримизча, либерал андозадаги ҳуқуқий давлатнинг ижтимоий номукамаллигига фақат ижтимоий давлат муносиб жавоб бўлиши мумкин. Ижтимоий давлат ўзининг алоҳида хусусияти билан тавсифланади. Бу — **мамлакат аҳолисига муносиб мавжудлик шароитлари ва ижтимоий ҳимоя таъминланишини кафолатлаш**, ишлаб чиқаришни бошқаришга ҳар кимни амалда жалб қилишга интилувчи давлат¹.

Бундай давлатнинг режалари ва дастурлари асосини сиёсий декларациялар эмас, балки пировард натижада «инсоннинг турмуш даражаси» мезонига қараб йўналиш олувчи аниқ ижтимоий кўрсаткичлар ва андозалар ташкил қилади. Ижтимоий давлат инсон муносиб ҳаёт кечириши ва эркин ривожланиши, ҳар ким ўз ижодий имкониятларини ўзи рўёбга чиқариши учун зарурий шароитларни яратади ва кафолатлайди.

Бошқача қилиб айтганда, **ижтимоий давлат** — бу инсонни, унинг ҳаёти ва шахсий қадр-қимматини энг олий қадрият деб ҳисоблайдиган давлат. Унинг ички ва ташқи сиёсати умуммиллий, минтақавий, корпоратив ва группавий манфаатларнигина эмас, балки, энг аввало, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилади. Ижтимоий давлат бошқарув соҳасида чиқарган ҳар бир қарор ҳуқуқий хусусият касб этади ва иқтисодиёт давлат секторининггина эмас, балки хусусий секторнинг ҳам ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлайди. У ҳокимият, жамият ва фуқаро-

¹ Қаранг: Актуальные проблемы экономической политики: стратегия экономических реформ в Российской Федерации. — М., 2000, 14-бет.

нинг ўзаро ижтимоий масъулиятига асосланган фаол ижтимоий сиёсат олиб боради. Бундай давлат инсон ҳаётининг экологик хавфсизлиги тўғрисида ғамхўрлик қилади. У бюрократизм, коррупция ва бошқа хил хуфёна муносабатларга тоқатсиздир. Ижтимоий давлат фуқаролик жамиятининг ривожланиши, унинг ҳар бир институти обрўси ҳақида ғамхўрлик қилади.

Ижтимоий давлатнинг самарадорлиги молиявий-моддий, интеллектуал, норматив-ҳуқуқий, инфор-мацион ва маънавий-ахлоқий хусусиятга эга бўлган бир қанча омиллар билан боғлиқ. Уларнинг орасида, энг аввало, қуйидагиларни ажратадилар: мамлакат-нинг иқтисодий ривожланиш даражаси ҳамда илмий-техникавий ва иқтисодий ўсиш суръатларини; асо-сий сиёсий кучларнинг давлат амалга оширадиган ижтимоий дастурлар тўпламига доир келишувини; фуқароларнинг ривожланган масъулият, қонунга итоаткорлик, ижтимоий бирдамлик ҳиссини, улар-нинг ҳуқуқий ва ахлоқий маданиятини.

Миллий ижтимоий лойиҳаларнинг қабул қили-ниши ва уларни амалга ошириш жараёнига мамла-кат Президенти Ислон Каримовнинг раҳбарлиги, давлат олиб бораётган бюджет, солиқ ва нарх-наво, сиёсати, иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий, ин-вестицион ва кредит-пул воситалари билан тартиб-га солиш, сиёсий, маъмурий ва суд-ҳуқуқий исло-ҳотлар стратегик жиҳатдан айнан бош вазифани ҳал қилиш — халқнинг фаровонлиги барқарор ошиши-ни таъминлашга, бинобарин, амалдорларнинг ўзбо-шимчалиги, коррупция, миллий бойликларнинг та-лон-торож қилиниши, уюшган жиноятчилик ва бошқа аксилижтимоий иллатларга қарши қаратил-ган. Шусиз давлат ижтимоий ва ҳуқуқий бўлиши мумкин эмас.

Юқорида баён этилганлар ҳуқуқий ва ижтимоий давлатнинг самарали ўзаро алоқасини фақат пиро-

вард натижада уларнинг иккаласи учун ҳам узвий қадриятлар ҳисобланадиган муайян **принциплар** асосида амалга ошириш мумкин, деган хулосага келиш имконини беради:

1) *ҳуқуқий қонунийлик принципи* — ҳуқуқ нормаларига ижтимоий муносабатларнинг барча субъектлари томонидан риоя қилиш режими, «ёзилган» ҳуқуқни ҳақиқий ҳуқуққа айлантириш усули, инсон ва жамият ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари амалга оширилишини кафолатлаш шакли;

2) *эркинлик принципи* — инсоннинг ўз тақдирини белгилашда эркин, сиёсий, маъмурий ва иқтисодий мажбурлашдан холи бўлиш ҳуқуқи, шунингдек, индивидуал қобилиятларни ривожлантириш, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш имконияти қонун билан кафолатланганлиги. Эркинлик — бу инсонни қашшоқлик ва камситишларга дучор бўлиш хавфидан халос қилиш. Эркинлик — бу ўз хоҳиширодаси ва манфаатларини бошқаларнинг хоҳиширодаси ва манфаатлари билан мувофиқлаштириш кўникмаси;

3) *бирдамлик принципи* кишилик жамияти яшаб қолишининг асосий шарти сифатида. Ҳамжиҳатлик, ҳамдардлик ва ўзаро ҳурмат бирдамликнинг асосини ташкил қилади. Фақат бирдам жамиятда ижтимоий адолат принципи рўёбга чиқарилиши ва кишиларнинг тенг ҳуқуқлилигига эришилиши мумкин. Фуқаролар ва ижтимоий гуруҳларнинг бирдамлиги ва ўзаро ҳамкорлиги умум равнақига ва ҳар бир инсоннинг фаровонлигига эришиш гаровидир. Шу туфайли ҳам ҳуқуқий ижтимоий давлат куриш турли ижтимоий, миллий, сиёсий, диний ва бошқа социал гуруҳлар манфаатларининг муросаи мадорасини тақозо қилади;

4) *тенглик принципи* — ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг қонун олдида тенглиги. Ҳар ким келиб чиқиши, жинси, ижтимоий, этник, диний ва партиявий мансублигидан қатъи назар, муносиб яшаш шароитларига эга бўлишга ҳақлидир. Тенглик — бу ўз индивидуаллигини намоён этиш учун тенг имкониятлар, ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш учун тенг юридик шароитлар демак;

5) *ҳуқуқнинг устуңлиги принципи* бирон-бир партия ёки бирон-бир синфнинг қонун даражасига кўтарилган ҳукми сифатида эмас, балки жамият манфаатларининг фуқаролар ва бутун жамият фаровонлигига хизмат қилувчи қонунлардаги ифодаси сифатида талқин қилинади.

Ижтимоий давлатта айланиш учун жамиятимиз бир қатор ўта муҳим вазифаларни ҳал қилиши, жумладан: фуқаролик жамиятини шакллантириши, тadbиркорларнинг ўрта табақасини вояга етказиши, ижтимоий шерикчилик маърифатли тизимини яратиши, «инсонга инвестициялар»ни сезиларли даражада кўпайтириши лозим. Шу жиҳатдан Президентимиз «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурган қуйидаги ғоя ниҳоятда ўринли ва долзарб ёндашув ҳисобланади: «Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда **«Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.** Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни

белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши даркор»¹.

Аммо, биринчи навбатда, Ўзбекистон ҳуқуқий давлатга айланиши лозим — фақат мустақкам ҳуқуқий заминда ижтимоий давлат шаклланиши ва фаолият кўрсатиши мумкин.

Ҳозирги жамиятнинг ривожланиш жараёни давлат ролининг ўзгариши ва кўпгина ижтимоий вазифалар асосан фуқароларнинг, уларнинг хўжалик, сиёсий ва бошқа ташкилотлари ва бирлашмалари зиммасига юклатилиши билан бир вақтда юз бермоқда.

«Ҳаммамиз яхши биламизки, — дейди давлатимиз бошлиғи, — бу дунёда ўзидан орттириб бировга беғараз ёрдам кўрсатиш, ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиб, хайрли ишлар қилиш, очиқ айтиш керакки, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Минг шукурки, юртимизда халқимизга хос ана шундай азалий қадриятларни улуғлаб, уларни давом эттириб келаётган инсонлар кўплаб топилади»².

Аммо бу жараён анча оғир кечмоқда. Зеро, «Собиқ СССР шароитида учдан зиёд авлод вакиллари нафақат хусусий мулкни тан олмайдиган ва мустақил хўжалик фаолияти кўникмаларини бермайдиган мафкуравий ақидалар асосида, балки, устига-устак, марказдан туриб тақсимлаш ғоялари, ижтимоий адолат тушунчаси ҳақидаги сохта тасаввурлар асосида тарбияланган эдилар»³.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 45-бет.

² Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-том. — Т., «Ўзбекистон», 2007, 112-бет.

³ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. — Т., «Ўзбекистон», 1998, 181-бет.

Шуни қайд этиш лозимки, бу ўринда гап айнан «ижтимоий адолат тушунчаси ҳақидаги сохта тасаввурлар» ҳақида боради. Айни пайтда ижтимоий адолат ғоясининг ўзи асло долзарблигини йўқотгани йўқ ва йўқотиши ҳам мумкин эмас. Бу фикр Президентимизнинг кўпчилик асарлари ва маърузаларида ҳам янграйди. Чунончи: **«Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз. Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса халқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Ўтмишда олий адолат ғояси мансабдор шахсларга қўйиладиган талаб ва баҳонинг асоси бўлган. У давлатчилик негизларини белгилаш, исломий қоидалар ва шариат мезонларининг пойдеворини ташкил этган. Биз тарихимиздаги ана шу жиҳатларни ҳисобга олмасак, қудратли, эркин, демократик давлат қура олмаймиз. Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт. Давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари, меҳнат ва уй-жой, нафақа ва солиқ, табиатни муҳофаза қилиш ва жинойтчиликка қарши курашиш масалалари, қўйингки, ҳаётимизнинг ҳамма жабҳалари ана шу заминга таяниши зарур.**

Бугун жамиятда ижтимоий мулкий жараёнларнинг объектив ўзгариши юз бераётган бир пайтда адолат ғоясини ихчам бир хулоса билан ифодалаш мумкин. Яъни **давлат жамиятнинг кескин табақаланишига — ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал-қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслиги керак»¹.**

Шундай қилиб, бизнинг ижтимоий сиёсатимиз замирида адолат тамойилларига оғишмай риоя этиш

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. — Т., 1996, 10–11-бетлар.

принципи ётиши лозим. Бу принципнинг моҳияти қуйидагилардан иборат: а) аҳолининг давлат мададига амалда муҳтож бўлган тоифасини аниқлаш учун аниқ механизм зарур. У содда ва аҳолига тушунарли ҳамда унинг нуқтаи назарида адолатли бўлиши лозим; б) ёрдамга муҳтож муайян шахсни аниқлашда субъективизмга йўл қўйиш имкониятларининг барчаси бартараф этилиши даркор; в) бутун тизим текисчиликка қараб йўналиш олувчи психологияга барҳам беришга қаратилиши лозим; г) ижтимоий ҳимоя манзилли бўлиши керак.

Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда: «**Ижтимоий кўмаклашувнинг таъсирчан тизимини ташкил этиш йўллари**ни излаш натижасида биз Ўзбекистонда маҳалла орқали муҳтожларга ёрдам бериш ижтимоий кўмаклашишнинг энг содда, аммо самарали ва очиқ воситасидир, деган фикрга келдик»¹.

Ҳеч шубҳасиз, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш, унинг самарасини кўтариш қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишга боғлиқ бўлади:

— ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва мутасил ривожлантириш;

— давлат маблағлари билан бир қаторда, меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари ҳамда жамғармаларининг маблағларини кенг жалб этиш;

— одамларнинг куч ва қобилиятлари тўла-тўқис фаоллашувини таъминлашга қодир бўлган кучли механизмни вужудга келтириш;

— аҳолининг даромадларида ва турмуш даражасида асоссиз катта фарқларга йўл қўймаслик, жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлайдиган қатламларни шакллантириш;

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. — Т., 1996, 271-бет.

— қашшоқликка қарши кураш, аҳоли энг муҳтож қатламининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини кучайтириш.

Шундай қилиб, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий сиёсат ҳақидаги фикр-мулоҳазалар таҳлили ҳозирги шароитда аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини кучайтириш улкан аҳамият касб этади, деган хулосага келиш имконини беради. Зотан, бугунги кунда ҳар бир юртдошимиз ўз мамлакатининг фуқароси эканлигини теран англаб етиши ва чуқур ҳис қилиши, ўзига бериб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга онгли муносабатда бўлиши ва қадрлаши, машаққатли меҳнат билан қўлга киритилган демократик қадриятларни асраб-авайлаши ва ҳимоя қилиши ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

3. Давлат ҳокимияти (сиёсий ҳокимият)ни чеклаш усуллари — ҳуқуқий давлат мавжудлигининг кафолати

Истиқлол боис мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этилар экан, бунда ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун яратилишини англаш, қонунларимиз руҳига инсонпарварлик ғояларини сингдириш, жамият ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш, қонунларни ҳурмат қилиш ва уларга итоатда бўлиш талабларини жорий этиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳолат, энг аввало, «мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги»¹ дан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам тарихан синалган умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган «мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конститу-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. — Т., «Ўзбекистон», 1996, 76-бет.

цияси келажаги буюк давлатнинг ишончли ҳуқуқий кафолати ҳисобланади. Конституция ўзида инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик ва тараққиёт тамойиллари мажмуини ифодалайди, жамият эса у орқали демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этишни энг олий мақсад деб, унга томон интилади»¹.

Ҳуқуқий давлат тўғрисидаги умумий таърифлардан бирида, жумладан, шундай дейилади: «Ҳуқуқий давлат — чинакам халқ манфаатларига (биринчи навбатда, инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларига — *муаллифлар изоҳи*) хизмат қилувчи ижтимоий ҳаётни барпо этиш учун давлат-ҳуқуқ институтларидан идеал тарзда фойдаланишга йўналтирилган юқори даражада цивилизациялашган, маданиятли жамиятда давлат ҳокимиятини ҳуқуқий (адолатли) ташкил этишдир»².

«Ҳуқуқий давлат» тушунчасининг мазмунига берилган таърифдан ҳуқуқий давлатнинг икки бош принципи (ҳуқуқий давлат моҳиятининг икки жиҳати)ни ажратиб кўрсатиш мумкин: *биринчиси* — инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлаш (ижтимоий жиҳат); *иккинчиси* — сиёсий ҳокимиятни ҳуқуқ билан изчил боғлаш, давлат тузилмалари учун ҳуқуқий чеклашни шакллантириш, яъни давлат ҳокимиятини ҳуқуқий (адолатли) ташкил қилиш (расмий-юридик жиҳат).

Биринчи принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўлалигича инсон ҳамда фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган иккинчи бўлимида мустаҳкамланган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир А.А.Азизхўжаев. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 15-бет.

² *Раянов Ф.М.* Проблемы теории государства и права (юриспруденции). — М., «Право и государство», 2003, 133-бет.

«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади» (Конституциянинг 13-моддаси). Бу ҳол Ўзбекистон юксак инсонпарварлик қоидаларига, умуминсоний қадриятларга асосланган давлат қураётганлигини кўрсатади¹.

Ҳуқуқий давлат ўзининг бош вазифасини изчил бажариши — ҳар бир фуқарога ўз шахсиятини ҳар томонлама камол топтириш имкониятини кафолатлаши лозим. Бу ўринда гап ижтимоий ҳаракатларнинг шундай бир тизими ҳақида борадики, унда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари бирламчи, табиий ҳисобланади, давлат ва давлат ҳокимияти функцияларини амалга ошириш имконияти эса иккинчи даражали аҳамият касб этади.

Аслида «муайян бир давлатда инсон ҳуқуқларининг таъминланиши ушбу давлатнинг ҳар томонлама юксалиши, турмуш тарзининг яхшиланиши, иқтисодий фаровонлик даражасининг ўсиши, халқаро муносабатларда мавқеининг юксалишига хизмат қилади. Чунки инсон ҳуқуқлари кишилик жамиятининг барча жабҳаларини қамраб олиб, уларни таъминлаган давлат ижтимоий инқироз билан боғлиқ бўлган турли номувофиқликлардан холи бўлади ҳамда чинакам демократик ҳуқуқий давлат сифатида шаклланиш имконига эга бўлади»².

Иккинчи принцип қуйидаги усуллар ва воситалар ёрдамида ҳаётга татбиқ этилади:

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир А.А.Азизхўжаев. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 60-бет.

² *Исломов З.* Инсон ҳуқуқлари ва ҳозирги замон юриспруденцияси. — Т., «Fan va texnologiya», 2008, 65-бет.

1. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ўзи, яъни биринчи принципнинг амалга оширилиши давлат ҳокимиятини чеклайди. Давлат учун ҳуқуқий чеклаш — мувозанат ва чекловлар тизими замирида инсон ҳуқуқлари ётади ва у шахсий ҳаётга давлатнинг ортиқча аралашишига йўл қўймайди.

Давлат ўзини ўзи ҳеч қачон чекламайди, ҳокимиятни фақат бошқа ҳокимият чеклаши мумкин. Яъни давлат ҳокимиятини инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан чеклаш мумкин, зотан, улар шахс ҳокимиятининг амалдаги ифодаси, фуқаролик жамиятининг хоҳиш-иродаси ҳисобланади, умуман ҳуқуқнинг ўзагини ташкил этади. Ҳуқуқий соҳада фуқароларнинг фаоллиги, уларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий маданиятини юксалтириш энг олий қадрият саналган инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқларидан устунлигини амалда кафолатлаш мумкин.

Шу ўринда Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларини келтириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз: «Барчамиз бир ҳақиқатни хаёлимиздан чиқармаслигимиз зарур. Яъни, ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларга қанчалик жавоб бермасин — барибир ўз кучини, қолаверса, ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қиладиган тизим бўлиб қолаверади.

Шунинг учун ҳам давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органлари ва ташкилотлари устидан жамият ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш бутун дунёда қонунбузарликка, берилган ваколат ва вазифасини суиистеъмол қилишга, коррупцияга қарши, айни вақтда, барча ўзбошимчалик ва волюнтаристик қарорларни қабул қилишнинг олдини олишга қаратилган чоратадбир, деб тан олинади»¹.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. — Т., «Ўзбекистон», 2002, 325–326-бетлар.

2. Ҳуқуқни чеклаш чора-тадбирлари орасида ҳокимиятнинг бўлиниши алоҳида ўрин эгаллайди. У ҳақда биз юқорида анча батафсил сўз юритдик. Шу боис бу ўринда Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган мувозанат ва чекловлар тизими аслида муайян давлат ҳокимияти, аниқроғи, унинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқларига нисбатан **ҳуқуқий чекловлар мажмуи**ни ўзида ифодалашини қайд этиш билан кифояланмоқчимиз. Масалан, қонунчилик ҳокимиятига нисбатан қонун чиқариш жараёнининг аниқ белгиланган юридик таомили қўлланилади. Мазкур таомил билан қонунчилик фаолиятининг асосий босқичлари, уни амалга ошириш тартиби, чунончи: қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи, қонун лойиҳасини муҳокама қилиш, қонунни қабул қилиш ва қонунни эълон қилиш тартибга солинади. Мувозанат ва чекловлар тизимида Президент айниқса муҳим роль ўйнайди. Хусусан, у қонун чиқарувчининг қарорларини пухта эмас деб топган тақдирда, уларни қайтариш, зарур ҳолда муддатидан илгари сайлов тайинлаш ҳуқуқига эга.

Конституциявий суд фаолияти ҳам ҳуқуқни чекловчи фаолият сифатида қаралиши мумкин, зеро, у Конституцияга зид бўлган барча ҳужжатларни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Қонун чиқарувчининг ҳаракатлари вақт доираси, ҳуқуқ принциплари, Конституция, бошқа юридик ва демократик нормалар ва институтлар билан чекланади.

Ижро этувчи ҳокимиятга нисбатан идоравий норма ижодкорлиги ва ўтказилган қонунчилик ваколати чекловлари қўлланилади. Мазкур чекловлар қаторига президент ҳокимиятининг қонунда белгилаб қўйилган муддатларини киритиш мумкин. Шу билан бирга, Асосий Қонунимизнинг 98-моддасига киритиш таклиф этилаётган ўзгартишга мувофиқ: **«Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекис-**

тон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади»¹. Парламентнинг ҳукуматга ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи ҳам ушбу чекловлар сирасига киради.

Суд ҳокимиятининг ҳуқуқларини чекловчи воситалар Конституцияда, процессуал қонунчиликда, унинг кафолатлари ва принциплари (айбсизлик презумпцияси, қонун ва суд олдида ҳамманинг тенглиги, ишнинг очиқ суд маҳкамасида кўрилиши, судьяни рафъ этиш ҳуқуқи кабилар)да мустаҳкамланган.

3. Сийосий ҳокимиятнинг чеклашнинг яна бир усули — жамият ҳаётида ҳуқуқ ва қонуннинг устуңлиги. Ҳуқуқий давлатда ҳокимиятнинг олий органи конституциявий таомилларнинг барчасига риоя этган ҳолда қабул

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳоларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т., «Ўзбекистон», 2010, 12–13-бетлар.

қилган қонун ижро этувчи ҳокимият ҳужжатлари билан бекор қилиниши, ўзгартирилиши ёки тўхтатилиши мумкин эмас. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шароитида қонун ҳукмрон ҳисобланиб, ижтимоий турмуш асослари ва ривожланиш мезонлари қонун асосида яратилади. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов таъбири билан айтганда: «Қонуннинг устуворлиги — ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъий ҳукмронлигини назарда тутди. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир ҳўжалик юритувчи субъект, ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсуниб мажбуриятдан халос бўлиши мумкин эмас»¹.

4. Давлат ва шахснинг ўзаро жавобгарлиги — сиёсий ҳокимиятни чеклашнинг яна бир усули. И. Кант ушбу ғояни шундай талқин этганди: ҳуқуқий давлат фуқарога нисбатан ҳокимият эга бўлган мажбурлаш имконияти қандай бўлса, ҳокимиятни қонунни аниқ бажаришга мажбурловчи худди шундай имкониятга фуқаро ҳам эга бўлиши керак. Ҳуқуқий давлат шароитида шахс ва ҳокимият субъекти (давлат вакили сифатида) ҳамкорлик ва жавобгарлик тўғрисида ўзига хос битим тузган тенг ҳуқуқли шериклар сифатида амал қилишлари лозим. Жамият ва шахс эркинлигини қонун йўли билан белгилар экан, давлатнинг ўзи ҳам ўз қарорлари ва ҳаракатларида чеклашлардан холи бўлмайди. У фуқаро, жамоат ташкилотлари, бошқа давлат органлари билан ўз муносабатларида адолат ва тенгликни таъминловчи мажбуриятларни қонун воситасида ўз зиммасига олиши лозим. Давлат органлари ҳуқуққа бўйсунар экан,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. I-том. — Т., «Ўзбекистон», 1996, 321-бет.

унинг кўрсатмаларини оғишмай бажариши лозим ва мазкур мажбуриятларни бузганлик ёки бажармаганлик учун жавобгар бўлади. Давлат ҳокимияти учун қонуннинг мажбурийлиги маъмурий ўзбошимчаликни истисно қилувчи кафолатлар тизими билан таъминланади. Уларга қуйидагилар киради: а) вакиллик органлари олдида ҳукуматнинг жавобгарлиги; б) ҳар қандай даражадаги давлат мансабдор шахсларининг муайян шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузганлик, ҳокимият ваколатлари ёки хизмат мавқеини суистеъмол қилганлик учун интизомий, фуқаролик-ҳуқуқий ёки жиноий жавобгарлиги.

Шахснинг давлат олдида жавобгарлиги ҳам айти шу ҳуқуқий асосларга мувофиқ белгиланади. Аммо давлат мажбурловининг қўлланилиши ҳуқуқий хусусият касб этиши, шахснинг эркинлиги меъёрини бузмаслиги, содир этилган ҳуқуқбузарликнинг оғирлик даражаси билан мувофиқ келиши лозим.

Шундай қилиб, давлат ва шахс ўртасидаги муносабатлар ўзаро жавобгарлик принципига мувофиқ амалга оширилиши даркор.

Ҳуқуқий давлат гоёси фуқаролик жамияти ва давлатнинг ўзаро алоқаси билан белгиланади. У давлатнинг ҳокимиятга бўлган монополиясига барҳам беришни ва айти пайтда давлат ва жамият эркинлигининг ўзаро нисбатини жамият ва алоҳида шахс фойдасига ўзгартиришни назарда тутаети.

Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳуқуқий давлат шароитида ҳуқуқ (расмий тизим сифатида) айрим ҳолларда давлатнинг ижтимоий аҳамиятга молик ҳаракатларига монелик қилувчи омил сифатида майдонга чиқиши, баъзан муайян ижобий мақсадларга тезкорлик билан эришиш имконини бермаслиги мумкин. Масалан, ҳокимиятни бўлиш ва унга кўплаб чекловлар яратиш орқали биз унинг фаоллиги, ташаббускорлиги ва мослашувчанлигини чеклай-

миз, ўзаро тил топиш, муросаи мадорага келишнинг оғир йўллари ни назарда тутамиз. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий чекловлар тизгинига давлатнинг «ёмон қилмишлари» билан бирга, «яхши қилмишлари» ҳам тушади.

Лекин бу камчиликлар ғоянинг афзалликлари давоми бўлса керак. Жамият ўзининг бундай турмуш тарзи учун ана шундай қурбонликлар келтиришга мажбур ва улардан халос бўлиш мумкин эмас. Уни ҳуқуқ билан чекланмаган давлат жамият ва шахсга келтирадиган зиён билан таққосласак, ҳуқуқ билан чекланган давлат афзал эканлиги аён бўлади.

Ҳуқуқий давлат ғояси маълум даражада универсал хусусият касб этади. Шунинг учун ҳам бу ғоя у жаҳонда юз бераётган жараёнларда иштирок этаётган барча халқлар цивилизацияларининг сиёсий ва ҳуқуқий мафқурасига хосдир.

4. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — бизнинг стратегик мақсадимиз

1991 йил 31 августда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун имзоланди. Мазкур Қонун, Ўзбекистон ССРнинг Мустақиллик тўғрисидаги декларацияси ва Давлат мустақиллиги ҳақидаги баёнотни бажара бориб, давлат ва халқ мустақиллигини ўзида мужассамлаштирган асосий ҳуқуқий институтларни мустақамлади.

Президент Ислом Каримов республикани ривожлантиришнинг стратегик йўналишини шундай белгилади: *«Барқарор бозор иқтисодиёти очиқ ташқи*

сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак. Шундай жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маданият қайта тикланишини, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин»¹.

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «ҳуқуқий» атамаси унинг муқаддимасидагина қўлланилган. Конституциянинг 1-моддасида Ўзбекистоннинг суверен демократик республика эканлиги айтилади², бу эса «мазкур давлат инсонпарварлик, демократия, ижтимоий адолат ва сиёсий плюрализмга, яъни ҳуқуқий давлатни тавсифловчи принципларга асосланишини англатади, шу билан бирга, «суверен демократик республика» деган иборанинг асосида халқнинг тўла ҳокимлиги принципи ётади»³.

Бинобарин, Конституциямиз тегишли моддаларининг энг қисқа таҳлили ҳам у ҳуқуқий давлатнинг асос-негизи — дастуриламали эканлигини кўрсатади. Жумладан, мамлакатимиз Асосий Қонуни инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилашда илк бор давлатнинг ролини чеклади, бироқ бу ҳуқуқларга риоя этиш ва уларни ҳимоя қилишни таъминлашда давлатнинг роли ва жавобгарлигини кучайтирди. Шундай бўлса-да, бу ҳол давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасига ёки фуқаролик жамиятида юзага келувчи барча муносабатларга аралашшиш-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. — Т., «Ўзбекистон», 1996, 39-бет.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 4-бет.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир А.А. Азизхўжаев. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 19-бет.

дан ўзини тийишини англамайди. Аксинча, Конституциянинг 20-моддасида белгиланганидек, давлат объектив заруратсиз бу муносабатларга аралашмаслиги, ҳуқуқ ва эркинликларнинг суистеъмол қилинишига йўл қўймаслиги шарт, чунки уларни амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, шу жумладан уларнинг умумий қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак¹.

Ҳуқуқий давлатнинг яна бир муҳим асоси Конституциянинг 11-моддасида мустаҳкамланган: «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади»². Келтирилган модда барча демократик ҳуқуқий давлатлар томонидан тан олинган конституциявий ҳуқуқнинг муҳим асосларидан бирини мустаҳкамлаганлиги билан ажралиб туради.

Конституциянинг 15 ва 16-моддаларида ҳуқуқий давлатнинг қуйидаги принципи мустаҳкамланган: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

...Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас»³.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга бўлиб, тўғридан-тўғри амал қилади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуд

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 6-бет.

² Ўша жойда. — 5-бет.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 5—6-бетлар.

дида қўлланилади. Ўзбекистонда қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид келиши мумкин эмас. Акс ҳолда, улар юридик кучга эга бўлмайди. Лўнда қилиб айтганда, Асосий Қонунимиз Ўзбекистон тарихида биринчи тўғридан-тўғри амал қиладиган Конституциядир. Аслини олганда, конституция ва қонунларга риоя қилиш умумий мажбурияги ҳам ҳуқуқий давлат қуриш асосларидан биридир.

Мамлакатимиз Конституциясининг қайси бир моддасини мисол қилиб келтирмайлик, у ҳуқуқнинг устунлиги принципига тўла мувофиқ келади, десак, асло муболаға қилмаган бўламиз. Бу эса ҳуқуқий давлатнинг бош принципларидандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг шарҳланган моддалари таҳлилига яқун ясар эканмиз, у «ҳуқуқий давлат Конституцияси» ёки, Президентимиз таъбири билан айтганда, «Инсон Конституцияси» учун зарур барча жиҳатларни ўзида мужассамлаштирган, деган хулосага келишимиз мумкин.

Ҳуқуқий давлат қуриш учун тегишли шарт-шароитлар зарур. Уларнинг биринчиси — ривожланган фуқаролик жамиятининг мавжудлиги. Турли мамлакатларда фуқаролик жамияти ва давлатнинг ўзаро муносабатлари сезиларли даражада фарқ қилади.

Шу ўринда ҳозирги пайтда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлатнинг иштироки бошқа мамлакатлардагига қараганда бирмунча салмоқлироқ эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Фуқаролик жамияти турли институтларининг ривожланиши уларнинг фаолиятини, авваламбор, ҳуқуқий қонунчилик негизини яратиш йўли билан таъминлашга, шунингдек, уларнинг мавжудлигини кафолатлашга қодир бўлган кучли сиёсий ҳокимият ва давлат ҳокимияти зарурлигини кўрсатади.

Мамлакатимиз Президенти тўғри таъкидлаганидек: «Конституциянинг қабул қилиниши, ўтган йиллар мобайнидаги жўшқин қонунчилик фаолияти ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг барча фуқаролар қонун олдида тенглигини, қонуннинг устуворлигини кафолатлайдиган мустаҳкам негизларини яратиш имконини берди.

Шу билан бирга, давлатнинг моҳияти бутунлай, тубдан ўзгарди. Давлат дастлабки босқичда жамиятни янгилашнинг энг фаол кучига айлангани ҳолда, ислоҳотларнинг бош ташаббускори ва йўналтирувчиси, ижтимоий ҳаётдаги янги ғояларнинг асосий амалга оширувчиси бўлиб қолди»¹.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш сиёсий институтлар — партиялар, ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг мустаҳкамланиши ва ривожланиши билан бевосита боғлиқ, десак, айтиш мумкин бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда нодавлат, яъни ноҳукумат, нотижорат ташкилотлар сонининг ўсиши давом этмоқда. «Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баравар кўпдир»². Бизнинг фикримизча, бунинг сабаби мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг қонунчилик базаси яратилганлиги ва такомиллаштириб борилаётганлигидадир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддаси сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикр-

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. — Т., «Ўзбекистон», 1998, 140-бет.

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 42-бет.

ларнинг хилма-хиллигини; 15-модда — Конституция ва қонунларнинг сўзсиз устунлигини; 29-модда — фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигини; 30-модда — фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиш ҳуқуқини; 32-модда — давлат бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқини; 34-модда — бирлашма ва ташкилотларга уюшиш ҳуқуқини мустақамлайди. Конституцияда етти моддани ўз ичига олган «Жамоат бирлашмалари» деб номланган махсус боб — XIII боб ҳам мавжуд¹. Бундан ташқари, мустақиллик йилларида нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари, жамоат фондлари, ҳомийлик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги ва бошқа қонунларнинг қабул қилинганлиги ҳамда бугунги кунда ижтимоий шерикчилик, жамоатчилик назорати, экологик назорат тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш таклифи киритилаётгани диққатга сазовор².

Шу ўринда мамлакатимиз ривожланишининг ҳозирги босқичи ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларини яратиш вазифаларини ҳал қилиш билан белгиланишини алоҳида қайд этиб ўтишни истардик. Келажакда олдимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш борасида улкан ва муҳим ишларни амалга ошириш вазифаси турибди.

¹ Қаранг: *Исламов З.М.* Гражданское общество: вчера, сегодня, завтра // Узбекистан на пути к гражданскому обществу. — Т., «Шарқ», 2003, 51-бет.

² Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Узбекистон», 2010, 43–47-бетлар.

Демократик ўзгаришлар жараёни сусайишига олиб келиши мумкин бўлган асосий муаммолар, бизнингча, қуйидагилардир:

1. Ушбу муаммо маънавиятни юксалтириш борасида иш олиб бориш жараёни билан боғлиқ. «Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади — иймон-этиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс — комил инсонни тарбиялашдан иборат»¹.

2. Мазкур муаммо ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Бунда мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш юз бераётган бир пайтда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизми ни ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш жараёнларини англаб етиш муҳим аҳамиятга эга.

Аслини олганда, «жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун аввало, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарур. Шу билан бир вақтда ҳар бир инсон тўраларча ўзбошимчаликдан, қонунсизликдан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган идоралар мавжудлигига амин бўлмоғи керак»².

¹ *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том. — Т., «Ўзбекистон», 2000, 341-бет.

² *Каримов И.А.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. — Т., «Ўзбекистон», 1999, 391-бет.

Қонун устунлиги принципларига итоат этилган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш таъминланган тақдирдагина фуқаролик жамияти ривожланиши ва ҳуқуқий давлат қарор топиши мумкин. Бу принциплар Конституцияда мустаҳкамланган, бироқ амалда улар тўла рўёбга чиқарилаётгани йўқ. Бунинг асосий сабабларидан бири суд ҳокимияти етарли даражада самарали ишламаётганида, десак, янглишмаган бўламиз.

3. Бугунги кунда демократлаштириш ва янгилашниш жараёнлари ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олди. Ривожланишнинг ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифаси — жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларини эркинлаштириш ва уларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини янада чуқурлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни янада авж олдириш.

Шундай қилиб, ушбу йўналиш билан боғлиқ муаммо мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнининг муҳим таркибий қисмлари саналган суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштиришдан иборат. Бунинг учун бир қатор долзарб вазифаларни ҳал қилишга тўғри келади. Президент Ислон Каримов фикрича: «Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади»¹.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. — Т., «Ўзбекистон», 2002, 28-бет.

4. Маълумки, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш сиёсий институтлар — партиялар, ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг мустақкамланиши ва ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлади.

Бу муаммо партиялар тўғрисидаги масалага, айниқса, кўпроқ тааллуқли. Ўзбекистон сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳити қарор топиши керак. Ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ-равшан ҳаракат дастурига эга бўлиши керак. Унда ҳар қайси партиянинг мақсад ва вазифалари, жамият тараққиёти борасидаги муқобил таклифлари ўз ифодасини топиши лозим. Амалдаги кўппартиявийлик — бу хилма-хил қарашлар ва ғоялар ўртасидаги баҳс-мунозара, турли партиялар, жумладан, муҳолиф партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдони демакдир¹.

2008 йилнинг июлида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларни, фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди. Бу ҳужжат нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтларининг мустақил ривожланишини изчил таъминлаш, мамлакатни демократик янгилаш жараёнида уларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш йўлида ташланган муҳим қадам бўлди. Мазкур қўшма қарорга мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари фаолиятини молиялаштиришнинг демократик принципларга асосланган мустақил тизими яратилди.

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том. — Т., «Ўзбекистон», 2000, 333-бет.

5. Ушбу муаммо фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, аввало, маҳаллалар фаолияти билан боғлиқ. Фуқаролик жамиятини қуриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутди.

Давлат тасарруфида асосан конституциявий тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий-тартибот ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, самарали ташқи сиёсат ўтказиш каби вазифалар қолиши керак.

6. Бу муаммо миллий оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада либераллаштириш жараёни билан боғлиқ. Босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ҳаётимизга кун сайин чуқурроқ кириб бораётганини ҳозир ҳеч ким инкор этолмайди. Албатта, бу жараённи халқимиз табиий ҳол деб қабул қилмоқда. «Кенг миқёсдаги ишлар натижасида фақат кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда.

Яна бир муҳим янгилик эфир орқали узатиладиган материалларни тайёрлаш жараёнига замонавий рақамли ва мультимедиа технологиялари жо-

рий қилинаётганида намоён бўлмоқда. Юртимизда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда уларнинг сони 6 миллиондан ортиб кетгани ҳам буни тасдиқлаб турибди»¹.

Айни чоғда Р. Маҳкамовнинг: «Ўзбекистонда жамият ҳаётини эркинлаштириш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг алоҳида роли сезилмаяпти. Айрим сабабларга кўра матбуот «тўртинчи ҳокимият» сифатида ҳали шакллангани йўқ»², деган фикри (бирмунча вақт илгари айтилган бўлишига қарамай) ўз долзарблигини ҳамон сақлаб қолмоқда.

Сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштиришга, амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини оширишга, медиа маконига илғор ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини таъминлашга бевосита қаратилган ўнга яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ҳозирги пайтда бу қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ахборот соҳаси ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш мақсадида бир қатор қонунларни қабул қилиш таклиф этилмоқда³.

¹ *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 30–31-бетлар.

² *Маҳкамов Р.* Гражданское общество: либерализация средств массовой информации в контексте информационной политики // *Ўзбекистан на пути к гражданскому обществу.* — Т., «Шарқ», 2003, 230-бет.

³ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 31–34-бетлар.

7. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳал этиш лозим бўлган муаммолардан яна бири — бу очиқлик ва ошкораликка эришишнинг муҳим омили бўлган жамоатчилик фикрини ўрганиш усул-услугларининг яхши ривожланмаганлигидир. Ваҳоланки, «жамоатчилик фикри — фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу. Лекин бизда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам, уни шакллантириш ҳам яхши йўлга қўйилмаганини, бундай ёндашув сиёсий ҳаётимизнинг доимий белгисига айланиб улгурмаганини таассуф билан қайд этишимиз лозим»¹.

8. Мазкур муаммо фуқаролик жамиятининг иқтисодий базасини шакллантириш билан боғлиқлигини алоҳида қайд этиб ўтиш керак. Бу, авваламбор, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришни назарда тутади. Бунга эришишда хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш устувор аҳамият касб этиши зарур. Айни чоғда иқтисодиётни янада либераллаштиришга қаратилган қонунларни такомиллаштириш билан бирга, Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётганлигини таъкидлаш лозим. Яъни, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдор ҳуқуқлари-

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. II-том. — Т., «Ўзбекистон», 2003, 26-бет.

нинг кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида», «Рақобат тўғрисида», «Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида» ва бошқа янги қонунларни қабул қилиш зарур.

Умуман олганда, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш муаммоси — давлатимиз ривожланишининг стратегик мақсади ва асосий йўналишидир. Тўғри, мустақил ривожланиш йилларида, яъни тарихан қисқа бир даврда Ўзбекистон янги ва улкан марраларни қўлга киритганлиги, бунинг натижасида мамлакатимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бораётганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шу муносабат билан давлатимиз бошлиғи «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да қуйидаги жиҳатга эътиборни жалб этиб ўтди: «Айни пайтда барчамиз бир ҳақиқатни ўзимизга аниқ тасаввур этишимизни истардим. Яъни эришилган бундай марралар — барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми, холос»¹.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 6-бет.

IX. ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ — ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТИ

1. «Тадбиркорлик фаолияти» тушунчаси ва унинг ҳуқуқий мазмуни. Тадбиркорликни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов алоҳида қайд этиб ўтганидек: «Тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизнинг, миллатимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилат, десак, муболаға бўлмайди»¹. Шунинг учун ҳам, тадбиркорлик жамият ривожини ва иқтисодиёт учун ғоят муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан тадбиркорликни иқтисодий тангликдан олиб чиқишнинг, иқтисодий тараққиётга олиб боришнинг асосий воситаси, тараққиёт локомотиви сифатида тавсифлаш одат тусини олган.

Бинобарин, мамлакатимизда «тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ишончли кафолатлашни таъминлайдиган ҳуқуқий асосни шакллантириш биринчи даражадаги вазифадир»². Шу боис тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш муаммоси ҳозирги вақтда алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистонда давлатнинг тадбиркорлик фаолиятида рақобатни ҳимоя қилиш борасидаги мажбурияти, монополиялаштириш ва инсофсиз рақобатга қаратилган тадбиркорлик фаолиятига йўл қўйилмаслиги қонунчилик даражасида мустақ-

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилidir. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 25-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 71-бет.

камланган. Амалиёт тадбиркорлар давлат органларининг, айниқса, давлат солиқ хизмати органлари, божхона, монополияга қарши ва бошқа назорат органларининг, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ғайриқонуний ҳаракатлари олдида ожиз эканликларини кўрсатади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўз бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга укувсизлиги ёки ҳимоя қилишни истамаслиги, пассивлиги уларнинг манфаатларига, шунингдек, тадбиркорлик соҳасига салбий таъсир кўрсатмоқда, давлат органларининг инсофсизлигига ва кўпдан-кўп қонунбузарликларига имконият яратмоқда. Тадбиркорлар ўз ҳуқуқларини реал амалга оширишлари ва мажбуриятларини бажаришлари, уларнинг ҳуқуқлари бузилишига барҳам бериш. бу ҳуқуқларни тиклаш, ҳуқуқбузарлик натижасида тадбиркорларга етказилган зарарни қоплаш тенг даражада муҳимдир.

Муайян вазиятда бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг энг мақбул воситасини тўғри танлаш ҳам тадбиркорлар учун биринчи даражали аҳамият касб этади. Бу тадбиркорларнинг барқарор ҳолатини таъминлашга амалда таъсир кўрсатиши мумкин.

Тадбиркорлар баъзан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситаларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш муаммосига дуч келадилар. Ҳуқуқбузарни тадбиркорнинг ҳуқуқларини бузувчи ҳаракатларни тўхтатишга мажбурлаш ёки даъват этиш ёинки бундай ҳаракатларнинг олдини олиш учун тегишли қонун ҳужжатларининг қоидаларини билиш ва уларни амалда қўллай олиш лозим. Лўнда қилиб айтганда, тадбиркорлар фаолиятининг натижалари улар қонунчилиқни билишларига ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила билишларига, бузилган ҳуқуқлар тикланиши ва суд йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлай олишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Дарҳақиқат, «Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки даврлариданоқ иқтисодий муносабатларни тартибга солишга қаратилган янги қонунчилик базасини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда мавжуд маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш борасида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва ушбу ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда бозор иқтисодиётининг асосий қонунийатларини жорий қилишга кенг эътибор берилди»¹. Жумладан, Ўзбекистонда тадбиркорликнинг анча мукамал норматив базаси яратилди. Бироқ у тадбиркорлик эркинлиги ва рақобатни тадбиркорларнинг ҳуқуқларини, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини лозим даражада ҳимоя қилиш билан уйғунлаштириш имкониятини бермайди. Тадбиркорликни ҳимоя қилишда мавжуд камчиликлар, унинг кўпгина жиҳатлари тартибга солинмагани, норматив ҳужжатлар бир-бирига мувофиқ эмаслиги тадбиркорликнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳам тадбиркорлик соҳасида қонунбузарликларга, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти билан ғайриқонуний шуғулланиш, иқтисодий жиноятчиликнинг ўсиши ва ҳоказоларга имконият яратади. Бозорда монополияни қўлга киритишга уриниш, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, тадбиркорлик фаолиятининг криминаллашуви каби салбий ҳодисалар кўп жиҳатдан тадбиркорлик норматив-ҳуқуқий режимининг мукамал эмаслиги билан изоҳланади.

Ўзбекистонда амалда бўлган тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш ҳуқуқий воситаларининг

¹ Демократик бозор ислохотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш: Ўқув-услубий мажмуа. — Т., ТДЮИ, 2011, 5-бет.

айримлари аниқ таърифланмаган, уларни амалга ошириш асослари ва тартиб-таомиллари аниқ белгиланмаган. Бу ҳол тадбиркорликни таъминлашнинг таъсирчанлик даражасини пасайтиради. Буларнинг барчаси тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунчиликни таҳлил қилиш, шунингдек, уни такомиллаштириш йўлларини аниқлаш заруриятини белгилайди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари кўпинча уларнинг фаолиятига давлат органларининг ғайриқонуний аралашуви туфайли бузилади. Тадбиркорларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш ҳоллари ҳам учрайди. Шу туфайли ҳам Президент Ислон Каримов ўзининг кўпчилик асарларида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини қонун йўли билан ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътиборни қаратиб келади. «Биз барчамиз, биринчи навбатда, қонун ҳимоячилари, шўро давридан қолган эски иллатлардан тўла халос бўлишимиз, **тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак**, — деб ёзади Президент. — Минг афсуски, ўзимиз яхши қонунлар яратамиз-у, ўзимиз уларга қатъий риоя қилмаймиз.

Тадбиркорлар фаолиятига ноҳолис, тирноқ остидан кир қидириш кайфияти билан қарашдан бутунлай воз кечиш, аксинча, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлаш фурсати етди. Мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар»¹.

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. — Т., «Ўзбекистон», 2005, 189–190-бетлар.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида тадбиркорлар бозорга киришини ва улар ўртасида эркин, инсофли рақобатни таъминлашнинг самарали тизимларини яратиш тадбиркорлик фаолияти ривожланиши учун биринчи даражали аҳамият касб этади.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш — бу қонунда назарда тутилган, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг дахлсизлигини таъминлашга, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга ва ҳуқуқбузарлик оқибатларини тугатишга қаратилган чора-тадбирлар тизимидир.

Ўз навбатида, **тадбиркорлик** — бу тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир¹. Бунда тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) деганда, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар тушунилади.

Иқтисодий манфаат — бу ҳар қандай иқтисодий фаолиятни рағбатлантирувчи омилдир. Бинобарин, мазкур манфаатни рўёбга чиқариш имкониятини таъминлаш давлатнинг иқтисодий ривожланиш самарадорлигини кўп жиҳатдан белгилайди. Акс ҳолда товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш, мазкур неъматларни айирбошлаш босқичларида иқтисодий муаммолар ва салбий жараёнлар юз беришига олиб келади.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақида гапирар эканмиз,

¹ Яна бу ҳақда қаранг: Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — ижтимоий ва сиёсий барқарорлик кафолати: Ўқув-услубий мажмуа. — Т., ТДЮИ, 2011, 10-бет.

биз, энг аввало, **иқтисодий манфаат**ни назарда тутамиз. Иқтисодий манфаатни рўёбга чиқариш — бу иқтисодий ташаббусни иқтисодиётда гавдалантириш шаклидир. Айти шу сабабли ҳам қонун чиқарувчи, ҳам қонунни қўлловчининг вазифаси асосли ва қонуний иқтисодий манфаатни рағбатлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан, иқтисодий ташаббусга монелик қилиш ҳолларига йўл қўймасликдан иборатдир. Бу борада самарали иш олиб бориш, ҳеч шубҳасиз, миллий иқтисодиётнинг кучайишига ва умуман иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига кўмаклашади.

2. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш усуллари ва механизмлари

Иқтисодий манфаатни рўёбга чиқариш имконияти ва уни муҳофаза қилиш ҳуқуқнинг бир қанча тармоқлари, шу жумладан жиноят ҳуқуқи нормалари билан таъминланади. Гарчи «иқтисодий манфаат» категорияси республикамизнинг жиноят ҳуқуқи назариясида илмий жиҳатдан лозим даражада ишлаб чиқилган бўлмаса-да, бизнинг жиноят қонунимиз тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилади, деб комил ишонч билан айта оламиз. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида қонунга бўйсунувчи тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи бир қанча нормалар мавжуд ва бу иқтисодиёт соҳасида ҳуқуқнинг устунлигини қарор топтириш йўлидаги ҳаракатларнинг ёрқин далилидир.

Албатта, «жамият ҳаётининг барча жабҳаларида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни ривожланти-

риш, мамлакатда халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни мулксиз тасаввур этиб бўлмайди. Демак, мулк билан боғлиқ ижтимоий муносабатларсиз ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш жараёнлари ўз мазмунига эга эмас. Ушбу муносабатларда давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқчилиги ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди»¹. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммосига алоҳида эътибор қаратилаётганининг бошқа бир далили сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу борадаги қарорлари, фармонлари ва фармойишлари хизмат қилиши мумкин. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги 2005 йил 21 сентябрь қарори алоҳида ўрин тутаети. У тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, қонун ҳужжатларини унификация қилиш, маъмурий сарф-харажатларни тобора камайтириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштиришга қаратилган.

Хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, бизнес-муҳитни такомиллаштириш, мамлакатимиз

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир А.А.Азизхўжаев. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 212-бет.

тадбиркорларининг хорижий шериклар билан иш-билармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун янги корхоналарни ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни техник қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун республикага чет эл сармоясини кенг жалб этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 7 июлдаги ПФ-3453-сонли Фармониغا биноан, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташкил этилди.

Палатанинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

— Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни, энг аввало, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

— тадбиркорларга чет эллик шериклар билан амалий мулоқотлар ва алоқаларни кенгайтиришда, экспорт маҳсулотини ташқи бозорларга олиб чиқишда, шунингдек, рақобатбардош тайёр маҳсулот чиқаришни таъминловчи янги ишлаб чиқаришлар барпо этиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришларни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этишда кўмаклашиш;

— бошқа давлатларнинг савдо-саноат палаталари ва тадбиркорлар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантириш;

— тадбиркорларга кенг турдаги хизматлар кўрсатиш, шу жумладан ахборот таъминоти ва маслаҳат ёрдами бериш, Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқарувчилари ҳақидаги, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва инвестициявий имкониятлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, потенциал шерикларга ва замонавий технологиялар харид қилиш имкониятларига оид маълумотларни ўз ичига олувчи бизнес-каталоглар эълон қилинишини ташкил этиш;

— тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳитни шакллантириш, халқаро ҳуқуқ ва бизнес юритиш амалиётининг умум эътироф этилган нормаларини жорий қилиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларини яхшилашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш чора-тадбирларини кўриш;

— тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, шу жумладан давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек, судда ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш;

— тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар таълими ва уларни тайёрлаш тизими ривожлантирилишини, тадбиркорларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш ташкил этилишини қўллаб-қувватлаш;

— бозор инфратузилмаси яхлит тизимини шакллантириш.

Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хусусий мулкнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар очди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда минглаб тадбиркорлар, фермерлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар иш олиб бормоқдалар. Ҳеч шубҳасиз, бу борада эришилган муваффақиятларни янада ривожлантириш учун «биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур»¹.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 48-бет.

Давлатимиз бошлигининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 14 июнь Фармони жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишига йўл қўймаслик мақсадида ўз вақтида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Мазкур ҳужжатта биноан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилди. Бу тартиб тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг конституциявий-ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига биноан, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. «Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди»¹.

Демак, «ҳар бир тадбиркор, аввало, шуни аниқравшан билиб олиши керакки, **давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир**. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига бежавотир инвестициялар киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромади-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 11-бет.

ни кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгаллик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим»¹. Шу муносабат билан давлатимиз бошлиғи томонидан хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклифи билдирилаётгани ҳам асло бежиз эмас. Айни пайтда тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида ҳамда рақобат тўғрисида янги қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклифи ҳам диққатга сазовор.

Умуман олганда, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин. Юқорида номи зикр этилган Президент Фармони мазкур конституциявий нормани амалда ҳаётга татбиқ этиш учун имконият яратди. Суд-ҳуқуқ тизимининг либераллаштирилиши, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига назорат қилувчи органларнинг аралашуви ҳоллари камайтирилиши тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ишида ҳуқуқнинг устунлигини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳақида гап кетганда, Президентнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 5 октябрь Фармонини алоҳида қайд этиш лозим. Ушбу ҳужжат тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назо-

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 48–49-бетлар.

рат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтирди. Натижада тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралаштириш ҳоллари сезиларли даражада камайди.

Назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари рухсатсиз текширилганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашилганлиги учун етказилган иқтисодий зарарнинг ўрни қопланган ҳолда жавобгарликка, ҳатто, жиноий жавобгарликка ҳам тортиладиган бўлди. Бу қоида мазкур мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини, ҳеч шубҳасиз, кучайтирди.

Бу жараёнда ҳакамлик судлари улкан аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳакамлик судлари тадбиркорлар дуч келиши мумкин бўлган низоларни ҳал қилишнинг муқобил тизими бўлиб хизмат қилади. Бунда тарафлар ўртасида юзага келган муаммо келишув йўли билан ҳал қилинади. «Ҳозир вилоятларда Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси ваколатхоналари бўлиб, улар фуқаролар ҳуқуқий муносабатларида келиб чиқадиган низолар ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келган хўжалик низоларини ҳал этувчи нодавлат орган сифатида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда»¹. Мамлакатимиз қонунчилигига биноан, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият кўрсатувчи ва муваққат ҳакамлик судлари ташкил этилиши мумкин. Улар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этади. Ҳакамлик суди иш тижорат сирини сақлаган ҳолда, тезкорлик билан ва холисона кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини таъминлайди.

¹ Қобилов Ш. Ҳамкорликнинг янги истиқболлари. «Халқ сўзи», 2011 йил 5 апрель.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда иқтисодиётнинг ғоят муҳим соҳаси бўлмиш кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга, хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоясининг кучли тизимини яратишга жуда катта эътибор бериб келинмоқда.

Бунинг боиси шуки, ижтимоий йўналтирилган замонавий бозор иқтисодиётида кичик бизнес ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Энг аввало, кичик бизнес бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олишга, истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжлари қандай ўзгаришига қараб иш тутишга қодирдир. Кичик бизнес рақобатчилик муҳитини шакллантирадики, бусиз бозор иқтисодиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Иккинчидан, кичик бизнес янги иш ўринлари жадаллик билан барпо этилишини, аҳолининг бандлиги ўсишини ва унинг даромадлари ошиб боришини таъминлайди. Учинчидан, кичик бизнес ички бозорни товарлар ва хизматлар билан бойитишнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Мамлакатимизда кичик бизнеснинг роли ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, уни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича аниқ-равшан чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб борилмоқда. Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларини «бир дарча» орқали тезлик билан давлат рўйхатидан ўтказиш тизими ҳамда бир неча турдаги солиқларни тўлаш ўрнига кичик бизнесни ягона солиқ тўлови шаклидаги соддалаштирилган солиққа тортиш тизими жорий этилди. Янгидан ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди. Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат

банкни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш бўйича ихтисослаштирилган банк — «Микрокредитбанк» ташкил этилди. Кичик бизнес субъектларининг айланма маблағларини тўлдиришга кредит беришнинг максимал муддати 12 ойдан 18 ойгача оширилди. Давлатимиз бошлиғининг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони икки томонлама алоқаларни янги босқичга кўтарди. Ушбу ҳужжат асосида банк устав капитали 72 миллиард сўмга кўпайтирилиб, 150 миллиард сўмга етказилди. Молия муассасаси томонидан кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар имтиёзли фоизларда тақдим этилиши белгилаб қўйилди. Кўрилган бундай ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар натижасида, биринчи навбатда, тадбиркорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий нормалар мустаҳкамланди, тадбиркорлик субъектларининг хўжалик фаолиятига назорат қилувчи идораларнинг аралашувини кескин қисқартириш чоралари белгиланди, имтиёзли ва қулай сармојвий муҳит яратилди¹.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, айна кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда энг самарали восита, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг даромадлари ошиб боришининг ғоят муҳим омили ҳисобланади. Шу билан бирга, «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафақат мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, балки юз бериши мумкин бўлган турли инқироз-

¹ Қаранг: «Халқ сўзи», 2011 йил 18 март.

лардан чиқиб кетишда катта аҳамиятга эга ва энг асосийси, барқарор, шу билан бирга, тез мослашувчан соҳа ҳисобланади»¹.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланишини таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор фаолият юритишида унинг ролини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1112-сонли Қарори қабул қилинди. Қарорда тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор муҳим қўшимча имтиёз ва преференциялар жорий этилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган қарорида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шубҳасиз, кичик бизнесни жадал ривожлантириш, хусусий тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли ташкил этиш ва юритиш, уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ғоят муҳим, устувор вазифаларини ҳал этишдаги ролини ошириш учун яна ҳам кўпроқ қулай шарт-шароитларни яратиб беради.

3. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини улар давлат органларининг ғайриқонуний актлари билан бузилганида ҳимоя қилиш

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга бўлган ҳуқуқ ҳам бошқа тадбиркорларнинг, ҳам давлат органларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан ҳимояланиш имкониятини, шу жумладан уларнинг мазкур ҳуқуқни камситувчи хулқ-атвори устидан шикоят қилиш ҳуқуқини ҳам ўз ичига олади.

¹ *Джолдасова С.* Мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини янада кенгайтиришнинг аҳамияти ва моҳияти // «Халқ сўзи», 2011 йил 5 апрель.

Тадбиркорларни уларнинг фаолиятига давлат органларининг ғайриқонуний аралашувидан ҳимоя қилиш конституциявий асосга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ: «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади»¹. Демак, «ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга»².

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» бўйича қабул қилинадиган давлат дастурининг устувор йўналишлари хусусида сўз юритар экан, «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожини учун янада кенг йўл очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш масаласи диққат марказида бўлиши даркор»³, деб таъкидлади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., 2008, 10-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир А.А. Азизхўжаев. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 186-бет.

³ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилидир. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 29-бет.

Айни пайтда, «бу ҳақда гапирганда, шуни айтиш керакки, жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишини, ўз бизнесини очишга интилаётган хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, маҳаллий амалдорлар томонидан уларни кўролмаслик, қўлидан иш келадиган одамларнинг йўлига турли-туман ғов-тўсиқлар қўйилаётганига асло тоқат қилиб бўлмайди.

Албатта, кейинги йилларда бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида тегишли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашувини кескин камайтириш, шунингдек, хўжалик ва тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Лекин назорат органларига мансуб айрим мансабдорлар малакасининг пастлиги ҳануз ўткир муаммо бўлиб қолмоқда ва ишимизга салбий таъсир ўтказмоқда.

Шулар қаторида кўпгина вилоят ва туманларда коррупция деган бало, яъни порахўрлик, тамагирлик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш каби иллатлар учраб тураётганини инкор этиб бўлмайди. **Қонунга зид бўлган бундай хунук ҳолатлар билан мурося қилишга чек қўйишнинг вақти келди»¹.**

Шуни қайд этиш лозимки, тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан бир қаторда, айрим давлат органларига тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш борасидаги амалдаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ва тад-

¹ *Каримов И.А.* Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 29-бет.

биркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузишга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўриш вазифалари юклатилган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий ислоҳотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштиришга доир вазифалардан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришни кучайтириш, тадбиркорлар фаолиятини фаоллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларининг ишончли кафолатини таъминлаш, кичик ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилган «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги Қарорга биноан, Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши ишчи органи функцияларининг тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид қисми Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юклатилган.

4. Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш йўллари

Тадбиркорликни, энг аввало, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш иқтисодиёт барқарор ўсишини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари истеъмол ва ишлаб чиқариш соҳаларида бозор конъюнктурасининг ўзгаришига ўта мослашувчанликлари билан ажралиб турадилар. Бундан ташқари, ўрта синфни шаклланти-

ришнинг асосий манбаи саналган кичик ва ўрта тадбиркорлик мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш ижтимоий базасини кенгайтиради ва шу тариқа жамиятда етарли даражадаги барқарорликни таъминлайди. Тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланиши узоқ давом этувчи жараён ҳисобланади. У мамлакатда қулай иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа шарт-шароитларнинг мавжудлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу шарт-шароитларни яратиш асосан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари зиммасига юклатилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг қарор топишида ва уни ривожлантиришда ҳуқуқий воситаларнинг туганган ўрни беқиёсдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик одамларимиз учун янги иш ўринларини очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилига айланаётганига алоҳида эътибор бериш лозим. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам шундан далолат беради»¹.

Бироқ амалиёт тадбиркорликни тартибга солиш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳозирда мавжуд бўлган норматив-ҳуқуқий базаси тадбиркорликни ривожлантириш йўлида ғов-тўсиқ бўлиб турган муаммоларнинг ҳуқуқий ечимини топишни тўла таъминлай олмаётганини кўрсатади. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлган қонунчиликни ривожлантириш динамикасининг сустлиги жиддий муаммолардан бири ҳисобланади.

¹ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — ижтимоий ва сиёсий барқарорлик кафолати: Ўқув-услубий мажмуа. — Т., ТДЮИ, 2011, 7-бет.

Юзага келган вазиятни яхшилаш ва тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарадорлик даражасини ошириш мақсадида, асосий куч-гайрат қуйидаги йўналишларга қаратилса, бизнингча, ўринли бўлади: фуқаролик қонунчилиги, таълим, фан ва маданият тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунчилик, ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта тўғрисидаги қонунчилик, молия қонунчилиги, хўжалик фаолияти тўғрисидаги қонунчилик.

Юқорида зикр этилган муаммоларни ечишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта тадбиркорлик тўғрисида» янги Қонун қабул қилиниши зарур. Унда:

— юридик шахсларни кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига киритишнинг янги мезонларини жорий этиш;

— давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг тадбиркорлик тоифаларининг ҳар бири учун алоҳида ажратилган муайян турлари, шакллари ва методлари;

— тадбиркорлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг таъминланиши;

— «кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш инфратузилмаси ташкилотлари» тушунчасини қонун йўли билан мустақамлаш;

— кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида марказий ва минтақавий ҳокимият органларининг ваколатларини аниқ белгилаш;

— давлат ва минтақавий эҳтиёжларни қондириш учун товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари иштироки механизмини яратиш;

— кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини, бошловчи тадбиркорларни, кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш учун жавобгар бўлган давлат хизмати ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилиши лозим.

Шу ўринда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг бир устувор йўналишига батафсил тўхталиб ўтиш зарур. Бу ўринда гап ёшларимиз ўзлари эгаллаётган энг замонавий билим ва кўникмаларни амалда жорий этишлари учун касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлири битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига кенг жалб қилиш ҳақида бормоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «**Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги Фармони муҳим қадам бўлди. Шулар қаторида битирувчиларга ўз бизнесини ташкил этиши учун имтиёзли кредитлар бериш бўйича банкларимиз томонидан амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга сазовордир.

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов кириб келаётган 2011 йилни мамлакатимизда «**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**» деб эълон қилишни таклиф этди. «Тадбиркорлик ҳақида гапирганда, биз, авваламбор, хусусий тадбиркорликни ўзимизга тасаввур қиламиз, — деди у. — Айтиш керакки, юртимиз тарихида тадбиркорлик қадим замонлардан буён алоҳида ўрин тутиб келади. Ота-боболаримизнинг ўз ери, ўз мулки, ўз касбу ҳунарига эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритиш, тадбир-

кор ва ишбилармон инсонларни қадрлаш борасидаги анъаналари ҳақида кўп гапириш мумкин.

Мен бу ўрунда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг барчамизга яхши маълум бўлган «Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир», деб айтган чуқур маъноли сўзларини яна бир бор эслатмоқчиман»¹.

Сўзининг давомида Юртбошимиз яна шундай деди: «Биз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб мамлакатимизнинг келажагини, давлатимиз ва жамиятимизнинг сиёсий-ижтимоий қурилишини белгилашда, биринчи навбатда, Конституциямизни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда мулк ва мулкый муносабатлар ҳақидаги принципиал масала доимо эътиборимиз марказида бўлганини таъкидлаш лозим.

Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг кўп укладли иқтисодиёти таркибида давлат мулки, корпоратив ва хусусий мулкнинг тенглигини эътироф этган ҳолда, Конституциямиз ва қонунчилигимизда хусусий мулк устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилди ва унинг ишончли конституциявий кафолатлари таъминланди»².

Дарҳақиқат, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожига алоҳида ўрин эгаллайди.

«Мустақиллик йилларидаги тараққиётимиз мисолида шуни ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки,

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилidir. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 25-бет.

² Ўша жойда. — 25-26-бетлар.

бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз»¹.

Маърузада «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» бўйича қабул қилинадиган **давлат дастури**да қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

1. Биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бу соҳа ривожини учун янада кенгроқ йўл очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани танқидий нуқтанан назардан қайта кўриб чиқиш, шу билан бирга, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш масалалари диққат марказида туриши керак.

2. Навбатдаги устувор йўналиш — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратишдан иборат.

Маълумки, охириги йилларда тадбиркорлик соҳасида ўз ишини очиш учун руҳсат олиш, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалаларини тартибга солиш бўйича анча ишлар қилинди ва қилиняпти. Буни рад этиб бўлмайди, лекин бу соҳада бажарадиган ишларимиз ҳали кам эмас.

Бундан ташқари, кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ёки уларни қуришда иштирок этиши учун руҳсат олиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш масаласи бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланиши ва уларнинг ижросини қатъий назоратга олиш керак.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини ички давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилдир. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 26-бет.

3. Саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтасар айтганда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб беришимиз зарур.

Шундай қилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган давлатнинг ҳар томонлама кўмаги, амалдаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шаклланган ҳуқуқий ҳимоя тизими мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимояси остида, унинг эркин ривожланиши учун ишончли ҳуқуқий база ҳамда тегишли шарт-шароит яратилган, деб айтиш учун асос бўлади.

Х. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИДА ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ (ҲУКМРОНЛИГИ) (RULE OF LAW)

1. Халқаро ҳуқуқнинг вужудга келиш тарихи ва унинг хусусиятлари

Истиқлол Ўзбекистон учун азалий орзу бўлган барча миллатлар ва халқлар билан тенг даражада ҳамкорлик ҳуқуқини берди. Аслини олганда, собиқ шўро тузуми даврида хомашё базаси бўлиб келган Ўзбекистон мустақил ташқи сиёсат юритиш имкониятидан маҳрум эди. Шу боис мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Ўзбекистон Республикаси учун мустақил ташқи сиёсат юритиш — давлат фаолиятининг давлат ва амалда қўлланилмаган йўналишларидан биридир. Яккаҳоқимлик тизими шароитида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан-тўғри ва очиқ чиқиш имкониятидан маҳрум этилган бўлиб, ўзининг ташқи сиёсий давлат идораларига эга эмас эди»¹. Бугунги кунда у халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида шаклланди ва унинг халқаро майдондаги фаолияти кенгайиб бормоқда. Дарҳақиқат, «бугунга келиб Ўзбекистоннинг миллий қонунчилиги шаклланди ва у доимий равишда ривожланиб борапти. Миллий қонунчилик ривожланишида хорижий тажриба ва халқаро ҳуқуқ муҳим ўрин тутди. Чунки илғор хорижий ҳуқуқий тажрибани ўрганиш ва унинг биз учун энг мақбул бўлган қисмини қўллаш... бизнинг ҳуқуқий тизими-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т., «Ўзбекистон», 1993, 49-бет.

мизнинг бошқа ҳуқуқий тизимларга яқинлаштиради ва улар билан кенг миқёсда ҳамкорлик олиб бориш имкониятларини оширади»¹.

Агар тарихга мурожаат этадиган бўлсак, «халқаро ҳуқуқ» атамаси ўрта асрларда пайдо бўлган. Унинг вужудга келиши замирида Рим фуқаролари билан чет элликлар ўртасида, шунингдек, Рим ҳудудида чет элликлар ўртасида юзага келувчи муносабатларни тартибга солиш учун мўлжалланган Рим ҳуқуқининг обрўси ва халқаро миқёсда тан олиниши ётади. Мазкур ҳуқуқ «*jus gentium*» — халқлар ҳуқуқи деб аталган. Кейинчалик бу тушунча «*jus inter gentes*» — халқлар ўртасидаги ҳуқуқ ёки халқаро ҳуқуқ сифатида талқин этилган.

Халқаро ҳуқуқ принципларини шакллантириш йўлида илк қадамларни давлатлар XVII асрнинг ўрталарида ташлаган. Мутахассислар фикрига кўра, халқаро сиёсий тизимнинг асосий қоидалари Вестфал тинчлик шартномалари билан (1648 йилда Вестфал сулҳи тузилганидан сўнг) яратилган ва ҳозирги вақтгача дахлсиз бўлиб қолмоқда. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир: давлат ҳудудида давлат ҳокимиятининг устунлиги, эркинлиги ва мустақиллиги; халқаро муносабатларда мустақиллик; ҳудуднинг яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминлаш. XX асрнинг ўрталаридан халқаро ҳуқуқ миллий ҳуқуқий тизимларнинг шаклланиш жараёнида бирлаштирувчи ролни ўйнай бошлайди. У бошқа мамлакатларнинг «ҳуқуқий ағдозалари»дан янада фаолроқ фойдаланиш, миллий қонунчиликларни уйғунлаштириш, миллий ва «сиртқи» нормаларнинг узвий бирикиши учун замин яратади. Ўз табиатига кўра асосан шартнома ҳуқуқи хусусиятига эга бўлган халқаро ҳуқуқ халқаро шартно-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир А.А.Азизхўжаев. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 81-бет.

малар тузиш ва уларни бажариш тартиб-қоидаларига кўпроқ эътиборни қаратади. Шу боис «халқаро ҳуқуқ — давлатлараро муносабатларни, тинчлик ва ҳамкорликни таъминлашни тартибга солиб турувчи муайян юридик нормалар тизими»¹ сифатида таърифланишида муайян асос бор.

Турли давлатлар ҳуқуқни шакллантириш манбаларининг поғонама-поғона бўйсунтириш тизими турли хил норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва турли даражадаги халқаро ташкилотлар, чунончи: универсал (БМТ), минтақавий (Европа Кенгаши, МДХ), махсус (МАГАТЭ) ва миллий (федерал, минтақавий ва маҳаллий) халқаро ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мажмуини ўз ичига олади.

Ҳуқуқнинг ҳар бир тармоғи ўзининг шаклланиш жараёнини белгилаган манбаларнинг ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланади. Бу бир қанча омиллар, чунончи: ижтимоий муносабатларни тартибга солиш предмети, турлари ва усуллари; тартибга солувчи таъсир кўрсатиш жараёнида қўлланиладиган чеклашлар хусусияти ва ҳоказолар билан белгиланади. Масалан, жиноят ҳуқуқининг шаклланишини белгиловчи «ички» манба фақат қонунлардир. Ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари ва комплексларида бундай манба вазифасини турли хил юридик кучга эга бўлган норматив ҳужжатлар мажмуи бажаради.

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги ҳуқуқи, энг аввало, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларига асосланади. Бу халқаро шартномалар республикамиз ҳуқуқий тизи-

¹ Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари. — Т., «Адолат», 2006, 8-бет.

мининг таркибий қисми ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси)¹. «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш, бажариш, тўхтатиш, тўхтатиб туриш ва денонсация қилиш тартиби «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади»².

Халқаро ҳуқуқ, миллий ҳуқуқий тизимлар шаклланишининг объектив омили ва манбаи сифатида, ўзагини унинг асосий принципларини ўзида ифодаловчи императив нормалар ташкил этадиган алоҳида ҳуқуқий тизим сифатида майдонга чиқади. Бу айрим давлатларнинг ҳуқуқий тизимларида ўзининг тегишли ифодасини топади.

Масалан, Буюк Британия ва АҚШда халқаро ҳуқуқ «мамлакат ҳуқуқининг бир қисми» сифатида эътироф этилади. Халқаро ҳуқуқ нормаларини давлат ички ҳуқуқий тизимларида акс эттириш:

— ҳавола қилиш — халқаро ҳуқуқнинг умумий қоидалари ёки айрим нормаларини қонун ҳужжатларида эътиборга олиш йўли билан;

— рецепция — халқаро ҳуқуқ нормаларини уларнинг мазмунини ўзгартмасдан ўзлаштириш йўли билан;

— трансформация — халқаро ҳуқуқ нормаларини айни шу масала юзасидан махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш орқали ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.

Халқаро ҳуқуқ асосий ва ёрдамчи манбалар воситасида шакллантирилади. Асосий манбаларга БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари, халқаро шартномалар, конвенциялар, протоколлар ва одат-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 6-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир А.А.Азизхўжаев. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 77-бет.

лар, ёрдамчи манбаларга эса — ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари, суд қарорлари ва доктриналар киради.

Халқаро ҳуқуқ миллий ҳуқуқий тизимларга нисбатан қуйидаги асосий функцияларни:

— *мувофиқлаштирувчи функцияни* — халқаро ҳуқуқ субъектлари хулқ-атворининг ҳаммага мақбул бўлган андозаларини ўрнатиш йўли билан;

— *тартибга солувчи функцияни* — ўрнатилган ҳуқуқий хулқ-атвор императивларини давлатлар ўзлаштириши йўли билан;

— *муҳофаза қилиш функциясини* — давлатларга бузилган ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилишни сўраб тегишли халқаро тузилмаларга муурожаат қилиш имкониятини бериш йўли билан;

— *таъминловчи функцияни* — умум эътироф этилган принципларни четлаб ўтиб иш кўриш имкониятини берувчи давлатга нисбатан жаҳон ҳамжамияти (сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ҳарбий ва бошқа) чора-тадбирлар мажмуини қўллаш йўли билан бажаради.

Халқаро ҳуқуқ тизимида ҳуқуқий доктриналар муҳим ўрин эгаллайди. Бундай доктриналар айрим юристлар томонидан ишлаб чиқилиши ҳам, уларнинг (шу жумладан турли давлатлар вакилларининг) коллектив фикрини акс эттириши ҳам мумкин. Жаҳон ҳамжамияти 1873 йилда Халқаро ҳуқуқ уюшмасини ташкил этган (қароргоҳи Лондонда жойлашган). Шу йилнинг ўзида Халқаро ҳуқуқ институти ҳам ташкил этилди (қароргоҳи Брюсселда жойлашган).

Халқаро ҳуқуқни кодекслаштириш халқаро ҳуқуқ ижодкорлигининг муҳим усулларидан бири сифатида қаралади. У юзага келувчи зиддиятларни бартараф этиш, бўшлиқларни тўлдириш ва эскирган нормаларни янги нормалар билан алмаштириш мақсадида тизимлаштиришда ифодаланади.

Кодекслаштириш расмий (халқаро шартномаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш) ва норасмий (жамоат ташкилотлари ёки юрист олимлар томонидан ишлаб чиқилган) бўлиши мумкин. Норасмий кодекслаштириш натижаларидан баъзан халқаро ҳуқуқ нормаларини тайёрлашда фойдаланилади. Масалан, Халқаро Қизил Хоч томонидан ишлаб чиқилган қуролли можаролар гуманитар ҳуқуқини кодекслаштириш лойиҳаси асосида 1949 йилда уруш қурбонларини ҳимоя қилишга доир тўрт Женева конвенцияси ва 1977 йилда уларга икки қўшимча протокол қабул қилинган.

Халқаро ҳуқуқни кодекслаштириш асосан қуйидаги усуллар билан:

— давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг муайян соҳасида мавжуд бўлган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари мазмунини аниқ белгилаш ва таърифлаш йўли билан;

— эскирган нормаларни ўзгартириш, зарур ҳолларда эса уларни қайта ишлаш йўли билан;

— юридик жиҳатдан мажбурий қоидаларни ягона халқаро-ҳуқуқий ҳужжатда мувофиқлаштирилган кўринишда мустаҳкамлаш йўли билан амалга оширилади.

Халқаро доктриналар миллий ҳуқуқий тизимлар доирасида қай даражада ўзлаштирилгани уларнинг муайян ҳуқуқ оиласига мансублиги билан белгиланади. Масалан, Ўзбекистон ҳуқуқ назарияси доирасида халқаро ҳуқуқ доктринаси норматив кўрсатмалар хусусиятини аниқлаш учун ёрдамчи восита сифатида қаралади.

Ю.А. Тихомиров таъбири билан айтганда, халқаро ҳуқуқ нормаларига «норматив жамланиш» даражасининг баландлиги хосдир. Уларнинг таркибий тузилиши ва мазмуни таъриф-нормалар, принцип-нормалар, мақсад-нормалар, коллизиявий нормалар ва

презумпциялар сифатида ифодаланadi. Шу тугайли ҳам уларда акс эттириладиган миллий ҳуқуқий субъектларнинг мақбул хулқ-атвори танлаш қоидалари тахминий, нисбий, юзага келаётган вазиятга мувофиқ хусусият касб этади.

Бу фикр халқаро ҳуқуқ нормаларининг нафақат одатдаги қонунчиликни, балки фавқулодда қонунчиликни шакллантириш манбаи сифатида амал қилувчи қисмига ҳам тўла тегишлидир. Халқаро ҳуқуқ нормалари асосан миллий нормалар диспозициясига таъсир кўрсатади. Диспозицияларнинг мазмунини ва ҳуқуқий муносабатлар муайян субъектлари хулқ-атворини тартибга солиш воситаси ҳисобланадиган санкцияларни танлаш «миллий қонун чиқарувчилар» ихтиёрига берилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат — давлат томонидан белгиланган, хулқ-атвор умумий қоидалари (ҳуқуқ нормаси) ифодаланган ҳужжат. Ҳуқуқнинг мазкур шакли барча жамиятларга маълум. Ўз юридик кучига кўра норматив ҳужжатлар қонунлар ва қонуности ҳужжатларига бўлинади.

Бизнинг назаримизда, «норматив-ҳуқуқий ҳужжат» тушунчасини қуйидагича таърифлаш ўринли бўлади: *Норматив-ҳуқуқий ҳужжат — давлат ҳокимияти ваколатли органи ёки мансабдор шахс томонидан белгиланган тартибда қабул қилинган, шахсларнинг номуайян доираси учун мажбурий саналган, кўп карра қўлланиш учун мўлжалланган ва ҳужжатда назарда тутилган муайян ҳуқуқий муносабатлар юзга келгани ёки барҳам топганидан қатъи назар, амал қиладиган ҳуқуқий нормаларни (хулқ-атвор қоидаларини) ўрнатувчи ҳужжат.*

Маълумки, «қонун» сўзини кўпинча давлат мажбурият кучи билан таъминланадиган умуммажбурий

қондани белгилаш учун қўллашади. Бундай тушунишда қонун ҳуқуқ билан тенглаштирилади»¹. Айни пайтда ҳаётий талаб-эҳтиёжларга асосланиладиган бўлса, «*бирон-бир доимий ва зарурий тартиб-қондани ўрнатувчи ҳукм қонун деб юритилади*»².

Юқоридаги мулоҳазаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонун ҳисобланади. Қонуннинг тарихий тадрижий ривожига умуман ҳуқуқ тадрижий ривожининг йўналишларидан бири сифатида ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқ устунлиги ғояси тарихан қонун устунлиги ғоясидан (шу жумладан қонуннинг ўзидан ҳам) олдинроқ пайдо бўлган. Ҳуқуқ ва қонун ривожланиши жараёнининг икки йўналиши фарқланади. Бу йўналишлардан бири Европа билан боғлиқ бўлса, иккинчиси Шарқ билан боғлиқ. Айни ҳолда Шарқ жуғрофий эмас, балки маърифий тушунча сифатида майдонга чиқади. Бу ўринда гап Шарқ цивилизациясига мансуб мамлакатлар (Саҳрои Кабирдан жануброқдаги Африка бундан мустасно) ҳақида боради. Юқорида зикр этилган йўналишлардан ҳар бири доирасида ҳуқуқ (ва қонун) устунлигининг ўз турлари мавжуд: Европада — англо-саксонча ва роман-германча, Шарқда — ҳиндча, исломий ва ҳоказо.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби — «Авесто» ўз даврида кенг тарқалгани боис буддавийлик, ҳиндуийлик, насронийлик ва ислом динларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган. Айни чоғда «Авесто» китоби ўзида диний ва юридик қоидаларни, ахлоқ

¹ *Исламов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. — Т.: «Адолат», 2007. — 593-бет.

² *Ильин И.А.* Теория права и государства. / Под редакцией и с предисловием В.А. Томсинова. — М.: «Зеркало», 2005. — С. 66.

ва ҳуқуқ асосларини, адолат ва ҳуқуқ устунлигини ифодаловчи илк ғояларни ифодалаганлиги билан ҳам ниҳоятда қадрлидир¹.

Европада қонун дунёвий концепцияси қадим замонлардаёқ вужудга келган бўлса, Шарқда европаликлар келгунга қадар «қонун» тушунчаси ё мавжуд бўлмаган (одат ҳуқуқи, ҳиндуийлик² — индуизм), ё Европа ҳуқуқидагидан бошқача маънога эга бўлган. Бу ерда ҳуқуқ ҳақидаги тасаввур хусусиятининг ўзи жамият ва давлатга нисбатан ҳуқуқ устунлигини белгилайди.

Ислом фикҳи ва ҳинд драхмаси жамоа ҳар бир аъзосининг хулқ-атворини абадий белгилайдиган, муҳокама қилиш ҳам мумкин бўлмаган адолат андозасини ўзида ифодаламайди. Бу концепция классик ислом ва ҳиндуийликда ҳуқуқ ва жамиятнинг ўзаро нисбатини аниқ акс эттиради. Шу туфайли ҳам араб олими Г.М. Бадрнинг, мусулмон жамияти ҳуқуқ ҳукмронлиги ғояси асосида бу ғоя Фарб жамиятларини ташкил этишнинг тамал тошига айланишидан анча олдин ташкил топган, деган фикрида жон бор.

Бундай ҳуқуқ устунлиги анъанавий ҳуқуқ тизимида, қонун концепцияси бор-йўқлигидан қатъи назар, вужудга келади. Масалан, аввалига ҳуқуқий (илоҳий қонун) жамият ва давлатдан олдин пайдо бўлади ва уларнинг биринчи асоси сифатида амал қилади. Шу туфайли идеалда жамият ҳам, давлат ҳам ҳуқуқ билан мувофиқ келиши лозим.

Ушбу ҳолатда қонуннинг хусусиятларидан бири — уни қабул қилишнинг алоҳида тартиби мавжуд эмас.

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *Исламов З.* Юриспруденция ўтмиши ва бугуни. — Т.: ТДЮИ, 2010. — 10—12, 16—17, 21-бетлар.

² Дунёда кенг тарқалган динлардан бири, милоднинг 1-минг йиллигида шаклланган / Қаранг: *ЎзМЭ*, 11-том, — Т.: «ЎзМЭ» давлат илмий нашриёти. 2005. — 356-бет.

Аксинча, қонунни яратиш жараёни сирлилик ва ғайритабиийлик пардаси билан ўралган. Ислонда шариатнинг муқаддас нормалари Аллоҳнинг ваҳий орқали Муҳаммад пайғамбарга туширилган ва Қуръонда баён этилган ҳукмлариدير. Қонунчилик ҳокимияти фақат Аллоҳга ва илоҳий қонуннинг бевосита ифодачиси ҳисобланган Муҳаммад пайғамбарга тегишлидир.

Ислон фақиҳлари подшо фармонлари, ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ва жараёнларининг илоҳий қонунга мувофиқлик даражасини аниқлашлари мумкин. Бу ҳақда хулоса фатво тарзида чиқарилади. Вақт ўтиши билан мазкур фатво ҳуқуқнинг мустақил манбаига айланади.

Вақт ўтиши билан ўзгарувчи «дунёвий» нормалар илоҳий қонунга дахл эта олмайди. Бундан шариатнинг «абдий» нормаларидан «дунёвий» қоидаларнинг оқилона оғиш даражасини белгилловчи **ҳуқуқ манбан сифатидаги доктрина**нинг аҳамияти келиб чиқади. Вақт ўтиши билан ушбу доктрина ҳам ҳуқуқнинг муҳим манбаига айланади.

Европада илк феодализм даврида ҳуқуқ доктринаси ва структурасининг дуализми шаклланади. Ўрта асрлар босқичига эса давлат ҳуқуқни яратиши ва ўзгартириши мумкинлиги ҳақидаги тасаввурлар мутлақо хос эмас. Бироқ бу ерда қонуннинг дунёвий эмас, балки диний концепцияси қадим замонлардаёқ вужудга келади. Антик Римда пайдо бўлган бу концепция Европа мамлакатларида қонунлар ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланишига анча кучли таъсир кўрсатади. Масалан, «қонун», «қонунчилик» аталари Европанинг кўпгина тилларида лотинча *lex* (кўпликда *leges*) сўзидан келиб чиққан.

Рим ҳуқуқининг техник-юридик таъсири ҳам улкан. Марказлашган давлатлар яратилишига қараб

қонуннинг ролі ортиб боради ва абсолютизм даврида, айниқса, кучаяди. Аммо унинг устуңлиги буржуазия даври келиши билан ва фақат роман-герман ҳуқуқий оиласи мамлакатларида қарор топади.

Бугунги кунда қонуннинг устуңлиги деганда, қўнчилик мамлакатларда, энг аввало, конституциянинг устуңлиги тушунилади. Конституция ҳуқуқ тизимининг ўзга, давлат манбаи сифатида тавсифланади. Бошқа қонунлар тенг юридик кучга эга эмаслиги уларнинг бир-бирига бўйсунishi муаммосини юзга келтиради. Унга қонун ва қонуности ҳужжатларининг ўзаро нисбати муаммоси, федератив давлатларда эса - федерация ва унинг субъектлари норматив ҳужжатларининг ўзаро нисбати муаммоси қўшилади. Қонун ҳам моддий, ҳам формал мезонларга кўра белгиланиши мумкин.

Ҳуқуқ миллий хусусият касб этганидан бери қонун, у давлатнинг олий ҳокимияти билан боғлиқлиги туфайли, давлат суверенитетининг белгиси сифатида қаралиши мумкин. Суверенитетнинг икки - ички ва ташқи томонлари қонуннинг устуңлиги муаммосининг тегишли томонларини ҳам белгилайди. Умуман олганда, қонуннинг устуңлиги суверенитетнинг ички томонини, яъни давлат ҳокимиятининг мамлакатда устуңлигини акс эттиради. Суверенитетнинг ташқи томони халқаро ҳуқуқ қонунининг ўзаро нисбатида намоён бўлади, давлатлар интеграциялашувининг кучайишига қараб бу муаммонинг аҳамияти ортиб боради.

Европа доктринаси ҳуқуқ манбалари тизимида қонунни расман мустаҳкамлашни ва қонун устуңлигининг сиёсий-ҳуқуқий кафолатлари, шунингдек, айрим ноҳуқуқий омиллар мавжудлигини назарда тутиди.

Қонуннинг устуңлиги унинг легитимлиги билан узвий боғлиқ. Умуман айтганда, қонуннинг леги-

тимлиги — бу М.Вебер илгари сурган легитим тартиб ва легитим ҳокимият умумий концепциясининг ҳуқуқий жиҳатидир¹. Легитим тартиб ва легитим ҳокимият табаалар ва ҳокимият эгаларининг ижтимоий ҳаракатлари жамиятда мавжуд олий ғояга мувофиқлигини назарда тутлади.

Америкалик олим Р.Пилон фикрига кўра, «леgitимлик» атамаси ўзининг одатдаги маъносида ҳуқуқ ва ахлоқнинг туташ нуқтасини ифодалайди. Айрим олимлар «қонун» сўзи легитимликни англатади, деб ҳисоблайдилар. Р. Давид қайд этишича, агар бошқарув ваколатларига эга бўлган шахслар қонун чиқарувчилар сифатида эътироф этилган бўлсалар, легитимлик улар ҳукмини ифодаловчи ҳужжатларни ажратишга хизмат қилиши лозим.

Легитимлик мезони ҳам расмий-юридик жиҳатдан, ҳам мазмунан мавжуд бўлган ҳолдагина қонун устунлиги амалда мавжуд бўлади, зеро, легитимликнинг фақат мазмунан мавжудлиги қонунийликдан мақсадга мувофиқликнинг устунлигини англатиши, легитимликнинг расмий-юридик жиҳатдангина мавжудлиги эса қонундан ғайриинсоний мақсадларда фойдаланилишига туртки бериши мумкин. Легитимлик талабларига мувофиқ қонунларга «тузатиш киритиш» имкониятининг ўзиёқ у билан рақобатлашувчи ҳуқуқ манбалари мавжудлигидан далолат беради.

Қонунларнинг легитимлиги мезони сифатида конституция амал қилади. Конституциянинг легитимлиги мезони сифатида эса одиллик олий принциплари майдонга чиқади. Конституциявий суд назорати жараёнида ноконституциявий қонунлар (нормалар) ҳуқуқ тизимидан чиқариб ташланади, яъни моҳият эътибори билан уларга легитимлик нуқтаи назаридан

¹ Қаранг: *Макс. Вебер. Типы господства / «Хозяйство и общество»*. — М.: 1998.

тузатишлар киритиш амалга оширилади. Аини пайтда конституциянинг ўзига ҳам шарҳлаш йўли билан тузатишлар киритилади.

Қонунлар устунлиги концепцияси соф ҳолатда фақат классик ислом ҳуқуқида амалга оширилган. Собиқ Совет Иттифоқида ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида бу принципнинг эълон қилиниши ҳокимиятнинг бўлиниши мавжуд эмаслиги ва тоталитар тузумларга хос бўлган сиёсатнинг ҳуқуқдан устунлиги ҳукм сурганлиги туфайли қуруқ гапдан бошқа нарса бўлмаган. Шу маънода, мустақилликка эришган дастлабки кунларимизда мамлакатимиз Президенти И.А. Каримовнинг: «**Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз — бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлдир**»¹, деб айтган сўzlари замирида чуқур ҳаётий асос бор.

Скандинавия мамлакатларининг айримларида ҳуқуқ иерархияси ва ҳуқуқ тармоқларининг бир-бирига бўйсунishi тан олинмайди, бинобарин, қонунлар устунлиги принципи ҳам мавжуд эмас.

Бироқ қонун устунлиги принципи эълон қилинган ҳуқуқий тизимларда ҳам унинг амал қилиши шак-шубҳасиз эмас. Бу парламент ваколатларини ижро этувчи ҳокимият органлари фойдасига чеклаш тамойили билан боғлиқ. Шу туфайли ҳам ҳуқуқ манбалари тизимида қонуннинг ҳақиқий ўрни кўп жиҳатдан парламент ва ҳукумат (президент) ваколатларининг нисбати билан белгиланади. Бундан ташқари, конституциявий ёки умумий судлар қонунга ўзгартиришлар киритишларига одатда йўл қўйилади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т., «Ўзбекистон», 2011, 28-бет.

Қонун устунлиги муаммосига нисбатан икки маънодаги ёндашув мавжуд. «Тор маънодаги ёндашув» ҳуқуқ манбалари тизимида қонунни расмий-юримдик тавсифлашдан иборат. «Кенг маънодаги ёндашув» ҳуқуқ манбаларини сиёсий, мафкуравий, ижтимоий ва бошқа тизимлар билан боғлаб ўрганишни назарда тутди. Бу ҳолда қонун устунлиги принципи серқирра хусусият касб этади ва демократия (ёки унинг мавжуд эмаслиги), ҳуқуқ ҳақидаги тасаввур замирида ётувчи ғоялар, жамиятдаги муносабатлар хусусияти ва ҳоказолар нуқтаи назаридан қаралади. Бизнингча, муаммога айнан шундай ёндашиш у ёки бу ҳуқуқ тизимида қонуннинг ҳақиқий ўрни ва аҳамиятини аниқлаш имконини беради.

Ўзбекистонда конституциявий ва оддий қонунлар фарқланади. Конституциявий қонунларга, энг аввало, Конституциянинг ўзи ва Конституцияда назарда тутилган қонунлар киради.

Тартибга солиш ҳажми ва объектига кўра қонунлар умумий ва махсус бўлади. *Умумий қонунлар* ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасига бағишланади. Бундай қонунларга қонунчилик асослари, қонунчиликнинг асосий принциплари ва кодекслар киради. *Махсус қонунлар* ижтимоий муносабатларнинг нисбатан тор соҳаларини тартибга солади (масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Милиция тўғрисида»ги Қонуни).

Қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжати — бу қонунга мувофиқ қабул қилинадиган ва унга зид келмайдиган, қонунни аниқлаштирувчи, муфассаллаштирувчи ва унинг амал қилишини ташкилий жиҳатдан таъминловчи ҳуқуқ нормалари ифодаланган ҳужжат. У умумлашма тушунча ҳисобланади ва олий вакиллик органлари, президент ва ҳукумат ҳужжат-

ларидан тортиб то маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатларига қадар бўлган ҳужжатлар иерархиясини ўзида ифодалайди.

Давлат органларининг таркибий тузилмаси мураккаблашиши, янги ташкил этилган иқтисодий тартибга солиш органларига норматив ҳужжатларни қабул қилиш борасидаги ваколатларнинг берилиши, давлат органларининг норма ижодкорлиги ваколатлари кенгайиши билан бирга, ҳуқуқ манбалари турларининг сезиларли даражада кўпайиши ҳам кузатилади. Ижро этувчи ҳокимият органлари сиёсатни белгилашнинг асосий қуролига — кенг маънодаги давлат бошқарувига айланиши ва бунинг натижаси ўлароқ, **парламент устунлигидан воз кечилиши** илгари мавжуд бўлган ҳуқуқ манбалари тизимининг тузилишидан воз кечилишига олиб келади. Ҳукумат ҳужжатлари нафақат ўзининг амалдаги салмоғига кўра, балки расмий мезонлар нуқтаи назаридан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Ҳукумат органлари норматив ҳужжатларининг парламент томонидан қабул қилинувчи қонун ҳужжатлари билан кўп жиҳатдан тенглашуви юз беради.

Ўзбекистонда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг кўпчилигини **республика Президентининг фармонлари** ташкил қилади. «Кейинги беш йил мобайнида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан атиги 44 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган. Айни пайтда, 42 та қонун лойиҳаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган, 160 тадан зиёд қонун лойиҳаси эса мамлакатимиз ҳукумати томонидан киритилган бўлиб, уларнинг аксарият қисми Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари

ва қарорларининг ижросини таъминлаш муносабати билан тақдим этилган»¹.

Аммо қонунчилик фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиш, қонунлар лойиҳаларининг муҳокамасида қатнашиш, вето қўйиш, қабул қилинган қонунларни имзолаш ва эълон қилиш йўли билан иштирок этиши мақбулроқ ва ўринлироқдир.

Мамлакатимиз қонунчилигининг ривожланишига таъсир кўрсатаётган омилларни вақти-вақти билан таҳлил қилиш улкан аҳамиятга эга. Мазкур омиллар муваққат ва доимий, ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Бунда, энг аввало, қонунчилик жараёнига, норматив-ҳуқуқий майдонни яратишга таъсир кўрсатаётган ва бундан буён ҳам таъсир кўрсатадиган турли омилларнинг улуши ва аҳамиятини аниқлаш талаб этилади.

Ҳуқуқ манбаларининг кўп сонлилиги ижро этувчи ҳокимият органлари норма ижодкорлиги фаолиятининг ўсиб бораётган ўрни, аҳамияти ва ҳажмининг инъикоси сифатида Франция, Буюк Британия ва АҚШ каби мамлакатларда, айниқса, бўртиб намоён бўлади.

1958 йилги Франция конституциясида ижро этувчи ҳокимиятнинг норма ижодкорлиги фаолияти соҳаси ҳаддан ташқари кенгайтирилган бўлса-да, норматив ҳужжатлар тизими белгиланган эмас. Авваламбор, унда ҳукумат ва марказий бошқарув органларининг норма ижодкорлиги борасидаги ваколатлари қайд этилмаган.

Англияда ҳукумат норматив ҳужжатларининг қуйидаги турларини қайд этиш мумкин: қарорлар,

¹ Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-том. — Т., «Ўзбекистон», 2010. — 132-бет.

буйруқлар, қоидалар, кўрсатмалар, фармойишлар, циркулярлар, билдиришлар.

Ҳуқуқ манбаларининг кўп сонлилиги АҚШга ҳам хосдир. Ижро этувчи ҳокимият органлари қабул қилувчи норматив ҳужжатлар турлари ранг-баранглигининг устига, уларнинг нисбати номуайянлиги, бир хилдаги масалалар турли-туман норматив ҳужжатлар билан тартибга солиниши ҳам бор.

Давлат бошлиғи, ижро этувчи ҳокимият (ҳукумаг) раҳбари ва қуролли кучлар олий бош қўмондонни ваколатларини бирлаштирувчи АҚШ президенти қуйидаги норматив ҳужжатларни қабул қилади: ижроия буйруқлари, маъмурий буйруқлар, қайта ташкил этиш режалари, директивалар, прокламациялар, ҳарбий буйруқлар. Вазирликлар ва бошқа федерал маҳкамалар буйруқлар, йўриқномалар, ишлаб чиқариш қоидалари ва тартиб-таомилларни қабул қилади. Норматив қоидалар турли номлар билан аталадиган ҳужжатлар, чунончи, вазирлик директиваси, вазир меморандуми, циркуляр, оммавий баёнотда ҳам таърифланади.

Норматив шартнома. Халқаро ҳуқуқ манбаларидан бири саналган норматив шартноманинг аҳамияти шу билан белгиланадики, айрим истисно ҳолатларни эътибордан соқит этганда, ҳуқуқ ўз моҳиятига кўра у ёки бу вазиятда турли важлар бўйича жамиятдаги юридик аҳамиятга молик хулқ-атворнинг хусусияти тўғрисида ҳуқуқ субъектлари билан «битимга келади». Ҳуқуқнинг бундай талқини антик даврдаёқ пайдо бўлган. Рим юристлари халқнинг розилигини ҳуқуқ яратувчи универсал омил деб ҳисоблаганлар. Ушбу тасаввур шартномани позитив ҳуқуқнинг бирдан-бир қонуний манбаи сифатида тан олувчи табиий ҳуқуқ доктринасида ўз ифодасини топган.

Айни пайтда табиий-ҳуқуқий мактаб тарафдорлари шартномага юридик эмас, балки фактик манба сифатида, эркин шахснинг ўз-ўзини ихтиёрий чеклаш воситаси сифатида қараганлар.

Шартнома — икки ёки ундан ортиқ томоннинг ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқий нормаларни белгиловчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи битими. Амалда давлат ички норматив шартномалари ва халқаро норматив шартномалар фарқланади. Улар турли халқаро ташкилотлар, чунончи, универсал (БМТ), минтақавий (Европа Кенгаши) ва ихтисослашган (МАГАТЭ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Бутунжаҳон савдо ташкилоти) халқаро ташкилотлар қабул қилаётган ҳуқуқ нормаларида ифодаланиши мумкин.

Шартномаларнинг алоҳида турлари сифатидаги норматив шартномалар асосан қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

- энг барқарор ва типик ижтимоий муносабатларни тартибга солишни назарда тутати;
- оммавий манфаатлар йўлида ижтимоий фойдали мақсадларга эришиш учун тузилади;
- кенг ижтимоий муносабатларни қамраб олади, комплекс хусусият касб этади ва ҳуқуқнинг мустақил манбалари сифатида амал қилиши мумкин;
- расман номуайян шахслар доирасига нисбатан амал қилади;
- кўп карра қўлланиш учун мўлжалланади;
- амал қилиш муддати, одатда, қайд этилмайди (агар гап ваколатларни вақтинчалик бериш ҳақида бораётган бўлса, норматив шартнома муайян доирада белгиланувчи муваққат хусусият касб этади);
- уларда баён этилган талаблар ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади;
- уларда назарда тутилган муайян ҳуқуқий муносабатлар юзага келгани ёки барҳам топганидан

қатъи назар, умумий даражада амал қилишда давом этади;

— шартнома муносабатларининг бевосита ишти-рокчилари учунгина (ички юридик таъсир) эмас, балки бошқа шахслар учун (ташқи юридик таъсир) ҳам юридик аҳамиятга молик бўлган хулқ-атвор қоидаларини ўз ичига олади;

— уларни ижро этиш билан боғлиқ низоли вазиятлар юзага келган тақдирда, юридик зиддиятни ҳал қилишнинг ваколатли субъектлар (Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди)ни белгилаш билан боғлиқ бўлган махсус тартиб-таомиллари назарда тутилади.

Федератив давлатлар, одатда, федерал ҳокимият ва федерация субъектлари ўртасидаги шартнома асосида ташкил этилади. Бундай шартномалар тарафлар ихтиёрига берилган соҳалар ва уларнинг ваколатларини тартибга солади.

СССР парчаланиши ва давлат мустақиллиги қўлга киритилиши билан Ўзбекистон Республикасида «миллий демократик давлат тузумини халқимизнинг мустақил иродаси билан ташкил этиш»¹ асосида миллий қонунчиликни шакллантириш жараёни бошланди. Ўзбекистон қонунчилигини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

а) у ўз вазифалари, принциплари, ўзаро боғланган таркибий қисмларига эга бўлган яхлит қонунчилик тизимини ўзида ифодалайди ва Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг асосий қисми ҳисобланади;

б) қонунларнинг расмий таснифини ва уларнинг бир-бири билан ўзаро нисбатини, юридик коллизияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тартиб-таомилларини белгилайди;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т., «Ўзбекистон», 2011. 414-бет.

- в) қонунчилик жараёнини тартибга солади;
- д) қонунчилик майдонини структуралаштириш ва уни тармоқлар, кичик тармоқлар, институтлар, норматив майдонларга ажратишни амалга оширади;
- е) Ўзбекистон қонунчилиги амал қилувчи ва амалда қўлланилувчи қонунчилик ҳисобланади.

Тўғри, бу соҳа камчиликлардан ҳам холи эмас. Қонунчилик тармоқлари ва норматив комплексларнинг барқарор ривожланиши, уларнинг ихтисослашуви ва комплекслилиги билан боғлиқ зиддиятларга тўла жараёнлар уларни ички структуралаштириш тўғрисидаги масалани кун тартибига қўяди. Ҳуқуқий майдонларнинг шаклланиш жараёнини тартибга солиш талаб этилади. Ўз умумий норматив тушунчалари ва атамаларига, тартибга солиш принциплари ва методларига эга бўлган базавий қонунларнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш аксарият ҳолларда қийинчилик туғдиради. Баъзан кодекс ёки асосий тематик қонун ва бошқа қонунларни қабул қилишнинг кетма-кетлиги ҳамда улар ўрғасидаги алоқа изчил эмас, бу ҳол ҳуқуқий тартибга солишнинг пировард самарасини сезиларли даражада пасайтиради.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг тармоқ тузилишини қуйидагича тавсифлаш мумкин: базавий тармоқ сифатидаги конституциявий қонунчилик; шундан сўнг икки таянч тармоқ — маъмурий қонунчилик ва фуқаролик қонунчилиги; ниҳоят, молия, солиқ, меҳнат, ер, оила, экология, киноят, фуқаролик процессуал ва жиноят-процессуал қонунчилиги тармоқлари.

Яқин вақт ичида қонунчиликнинг ривожланишига айрим омиллар таъсирининг хусусиятига қайта баҳо бериш амалга оширилиши лозим. Сиёсий соҳада ҳокимиятнинг барқарорлашуви давлат ҳокимиятининг ягоналиги, ҳокимият бўлиниши принциплари бузилишининг салбий оқибатлари таъсирини

камайтириши ва ҳокимият барча тармоқларининг ўзаро алоқасига, демократик асосларнинг чуқурлашуви ва мамлакат яхлитлигини мустаҳкамлашга кўмаклашмоғи даркор.

Иқтисодий соҳада эришилган улкан ютуқларни қайд этиш мумкин бўлса-да, иқтисодий вазифаларни босқичма-босқич ҳал қилиш учун зарур қонунларни изчил қабул қилиш лозим. «Иқтисодий ислохотларни қонуний жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган бундай ва бошқа бир қатор тадбирлар 2009—2012 йилларга мўлжалланган, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини имкон қадар камайтиришга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурини самарали амалга оширишни ҳуқуқий таъминлаш, дунёдаги санокли давлатлар қаторида Ўзбекистонга иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш имконини берди.

Бу хулосаларни тасдиқлайдиган рақамлар ҳақида гапирадиган бўлсак, оғир келган 2009 йилда мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсгани, саноат соҳаси 9 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 26 фоизга, шу жумладан, ташқи инвестициялар 68 фоизга ошгани, ташқи савдонинг ижобий сальдоси 2,3 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этгани, ўртача ойлик даражасининг ўсиши 40 фоизга, аҳоли даромадлари эса 26,5 фоизга кўпайганини таъкидлаш лозим. Мана шу мисолларнинг ўзиёқ биз эришган кўпгина ютуқларнинг яққол далили бўла олади, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз»¹.

¹ Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-том. — Т., «Ўзбекистон». 2010. — 128—129-бетлар.

Ижтимоий соҳада айрим тармоқлар (фан, таълим ва ҳоказолар)нинг барқарор қонунчилик асосларини шакллантириш, фуқароларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш ишончли тизимини яратиш зарур.

Келажакда қонунчиликни ривожланишида қуйидаги омилларга:

а) асосий ижтимоий эҳтиёжларни илмий таҳлил ва башоратлашлар асосида тайёрланган қонунлар ёрдамида қондиришга;

б) Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича давлат ислоҳотлари ва дастурларини қонун йўли билан таъминлашга;

в) ҳуқуқ тизими ва тармоқлари ҳамда асосий ҳуқуқий институтларнинг ривожланишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда қонунчиликнинг таркибий тузилмасини такомиллаштиришга;

д) қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ўртасида, қонунлар ва шартномалар (битимлар) ўртасида тизимли алоқаларни мустаҳкамлашга эътибор қаратилиши лозим.

Халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари билан Ўзбекистон қонунчилигининг яқин ўзаро алоқаси республикамиз қонунчилигини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Аmmo бу борада бир қатор мураккаб муаммолар юзага келади. Шу ўринда: Халқаро нормаларни имплементация қилиш тартиб-таомиллари қандай? — деган савол туғилиши табиий. Умуман олганда, улар юқорида зикр этилган конституциявий нормалар билан белгиланган. Қонун халқаро шартномаларни ҳуқуқ тизимига «киритиш» шакли сифатида уларни давлат ички кафолатларига асосланган халқаро ҳужжатлар мазмунидан маҳрум этмайди. Шу тариқа бундай қонунларнинг бошқа қонунлар орасидаги «иерархиявий даражаси» юксалади, бу ҳол уларни амалга

оширишнинг алоҳида механизмини талаб қилади. Мутахассислар қонунчиликка жиддий ўзгартиришлар киритувчи, умумий қоидаларни ўзгартирувчи ёки бошқа умумий қоидаларни амалга киритувчи ёхуд муайян ҳолат учунгина бошқа қоидаларни белгиловчи шартномаларни тан оладилар. Бу ўринда гап норманинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида эмас, балки айтиш мумкин уни қўлланиш мумкин эмаслиги тўғрисида боради.

Кези келганда, МДХ доирасида амал қилувчи ҳужжатлар ва нормаларнинг хусусиятларини ҳам қайд этиб ўтиш ўринли бўлади. Бунда Европа Иттифоқи билан ўхшашлик бўйича миллий қонунчиликка таъсир кўрсатишнинг янада изчилроқ йўлларига эга бўлган янги халқаро ҳуқуқий тизим назарда тутилади. Унда Давлатлар бошлиқлари кенгаши ва Ҳукуматлар бошлиқлари кенгашининг (қарорлар, декларациялар, баёнотлар, битимлар сифатидаги) ҳужжатлари, намунавий қонун ҳужжатлари, тармоқ Вазирлар кенгашларининг ҳужжатлари фарқланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ривожланишига халқаро ҳуқуқ нормаларининг таъсири кучайиб бораётганлигини ҳисобга олиб, уларни янада изчилроқ ўзгартиришга ўтиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, бу борада қуйидагилар фойдали бўлиши мумкин: а) қонун лойиҳаларини тайёрлаш дастурларида қонунчиликни халқаро ҳужжатлар билан мувофиқ ҳолатга келтириш ҳақидаги бўлимни ажратиш; б) қонунларнинг лойиҳаларини тайёрлашда уларнинг халқаро нормаларга мувофиқлиги даражасига баҳо бериш мезонини киритиш; в) халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга ошириш тартиб-таомилларини мазкур ҳужжатларни эълон қилишдан уларнинг амал қилиши устидан назоратга қадар тартибга солиш. Ана шунда давлатимиз бошлиғининг «Мамлака-

тимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштиришда ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатга олиш ғоят муҳимлиги борасида билдирган фикрига монанд тарзда иш кўрилган бўлади¹.

Доктрина ва диний матнлар. Ҳуқуқ манбаси сифатидаги **доктрина** деганда, барча ҳолларда ҳуқуқий-ижодий ва ҳуқуқни амалга ошириш жараёнларида қўлланиладиган фан (назария, концепция ёки ғоя) тушунилади. Роман-герман ҳуқуқий оиласида доктрина биринчи даражали аҳамият касб этади, чунки узоқ вақт мобайнида у ҳуқуқнинг XVIII—XIX асрларда университетларда яратилган асосий манбаи бўлган. Адабиётларда қайд этилишича, нисбатан яқинда демократия ва кодекслаштириш ғояларининг ғалабаси натижасида доктрина ўзининг етакчи ўрнини қонунга бўшатиб берган.

Доктринанинг ҳамда диний ақидаларнинг аҳамияти диний ақидалар ва диний арбоблар нуфузи принципага асосланган мусулмон ҳуқуқида, айниқса бўртиб намоён бўлади. Айни шу сабабли қадимги ҳуқуқ илми намояндалари, ислом дини билимдонлари (мужтаҳидлар)нинг хулосалари бу ўринда расмий юридик аҳамият касб этади. Шунга ўхшаш вазият ҳиндуийлик ҳуқуқида ҳам кузатилади.

Мусулмон ва ҳиндуийлик ҳуқуқига дин билан чамбарчас боғлиқлик хосдир. Масалан, мусулмон ҳуқуқи тўрт манбага асосланади. Булар, энг аввало, Қуръон — мусулмонларнинг асосий муқаддас кито-

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010. — 27-бет.

би, Аллоҳ таоло ўзининг энг сўнгги пайғамбари — Муҳаммадга ваҳий орқали нозил қилган каломлар тўплами; Сунна — исломда мусулмонлар учун ибрат ҳисобланган Муҳаммад пайғамбарнинг сўзлари, амаллари ва хатти-ҳаракатлари ҳақидаги нақллар (ҳадислар) тўплами; ижмоъ — муҳокама этиладиган масала юзасидан мужтаҳидларнинг бир фикрга келишуви; қиёс ёки таққослаш йўли билан шарҳлаш. Мусулмон ҳуқуқи — бу мусулмонлар жамоаси (умма) ҳуқуқидир. Мусулмон давлатларида мавжуд қонунлар юқорида зикр этилган манбаларни амалда акс эттиради. Мусулмон ҳуқуқига қонунни амалда қўлланишнинг диний принципи устунлиги хосдир. Ушбу принцип қонун фақат мусулмонларга нисбатан қўлланишида ўз ифодасини топади. Бунда мазкур принципни номусулмонларга нисбатан татбиқ этишнинг алоҳида қоидалари назарда тутилади.

Шариатда фуқаролик ҳуқуқининг қуйидаги институтлари ўзининг кенг ифодасини топган: мулк ҳуқуқи, шартнома ҳуқуқи, оила ҳуқуқи ва ворислик ҳуқуқи. Мусулмон ҳуқуқида тўлови ва тўловсиз мажбуриятлар, шунингдек, икки томонлама, кўп томонлама, муддатли ва муддатсиз мажбуриятлар фарқланади. Шартномага ҳуқуқий ва айни пайтда илоҳий алоқа сифатида қаралади. Никоҳ ҳар бир мусулмон учун фарз бўлган диний мажбурият сифатида эътироф этилади. Исломда фақат мулк ҳуқуқлар мерос қолдирилиши мумкин. Марҳумнинг қарз ёки мажбуриятлари ворисларга мерос бўлиб ўтиши мумкин эмас. Шу боис мерос марҳумни дафн қилиш ва унинг барча қарзларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар қопланганидан кейингина очилади.

Барча жиноятлар уч гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга мусулмонлар жамоаси — умма ҳуқуқларига тажовузлар, чунончи: исломдан қайтиш; бошқарув тартибига қарши жиноятлар; ўғрилик; спиртли ичим-

ликлар истеъмол қилиш; зинокорлик (исботлаш учун уч кишининг гувоҳлиги талаб этилади) ёки зинокорликда ёлғон айблаш киради.

Иккинчи гуруҳни айрим шахсларнинг ҳуқуқларига тажовуз қилувчи ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ташкил этади. Тартибга солувчи нормаларнинг таркибий тузилиши бланкет хусусиятга эга. Шариат қасосга йўл қўяди, аммо ўлдирилган одамнинг қариндошлари афв этган тақдирда қасос товон пули тўлаш билан алмаштирилиши мумкин. Баданга шикаст етказганлик учун талион (қасос олиш) принципига мувофиқ жавобгарлик келиб чиқади.

Жиноятларнинг учинчи гуруҳини ҳақорат, безорилик, давлат маблағларини сарфлашда камомадга йўл қўйиш, қимор ўйнаш каби хатти-ҳаракатлар ташкил этади.

Шариатда жазолар оммавий ва қўрқитувчи хусусият касб этади. Ўлим жазосининг бир неча турлари мавжуд: осиб ўлдириш, тўрт бўлаклаш, сувга чўктириш, тошбўрон қилиш. Ўғрилиқ қилган одамнинг қўли кесилади.

Ҳиндуийлик ҳуқуқи ҳам шастралар деб аталувчи китоблар — драхма, артха ва камада баён этилган илоҳий доктринага асосланади.

2. Ҳуқуқ устувлиги (ҳукмронлиги) концепциясининг халқаро-ҳуқуқий аҳамияти. Ҳозирги дунё шароитида ҳуқуқ устувлиги учун зарурий шарт-шароитларнинг яратилиши

2009 йилнинг 4—9 октябрь кунлари Мадрид шаҳрида Юристлар халқаро уюшмасининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Юристлар халқаро уюшмаси (International Bar Association — IBA)нинг ҳар

йили ўтказиладиган конференцияси — бу жаҳон юридик ҳамжамиятининг энг йирик анжумани. Мадридда бўлиб ўтган конференцияда жаҳоннинг 127 мамлакатидан 5000 мингга яқин юрист иштирок этди. Ушбу анжуманни Испания қироли Хуан Карлос тантанали равишда очгани ҳам конференциянинг юксак нуфузи ва мавқеини тасдиқлайди.

Бу конференция фақат бир мақсад — халқаро ҳуқуқда ҳуқуқ устунлиги (ҳукмронлиги) концепциясининг халқаро-ҳуқуқий аҳамияти масаласини муҳокама қилиш мақсадида чақирилди.

Икки юзга яқин ихтисослашган секцияларнинг мажлислари натижаси ўлароқ, **қуйидагиларни ҳуқуқ устунлигини белгиловчи асосий принциплар сифатида эълон қилган резолюция** қабул қилинди: 1) мустақил, бегараз суд; 2) айбсизлик презумпцияси; 3) иш судда асоссиз кечиктиришларсиз очиқ мажлисда бегараз кўрилишига бўлган ҳуқуқ; 4) жазога оқилона ва мутаносиб ёндашув; 5) юристларнинг кучли ва мустақил уюшмаси; 6) юристнинг мижоз билан мулоқоти сир тутилишини оғишмай ҳимоя қилиш; 7) қонун олдида ҳамманинг тенглиги.

Юристар халқаро уюшмаси қабул қилган резолюцияга биноан, **ҳуқуқ устунлиги маърифатли жамиятнинг негизи ҳисобланади. У ҳамма учун баробар бўлган очиқ ва ошқора тартиб-қоидаларни белгилайди. Ҳуқуқнинг устунлиги ҳам чеклашларни бартараф этувчи, ҳам ҳимоя қилувчи принципларга содиқликни таъминлайди. Юристар халқаро уюшмаси барча мамлакатларни мазкур асосий принципларни ҳурмат қилишга даъват этади. Шунингдек, у ўз иштирокчиларини ўзларининг тегишли ҳамжамиятлари доирасида ҳуқуқ устунлигини қўллаб-қувватлашга чақиради.**

Резолюция қабул қилинганидан сўнг унинг мазмун-моҳиятини янада батафсилроқ тушунтиришни

таклиф қилиш фойдали бўлиши мумкинлиги аён бўлиб қолди. Бизнинг назаримизда, халқаро ҳуқуқда ҳуқуқ устунлиги принципнинг аҳамиятини асослашнинг бундан ишончлироқ усулини тасаввур қилиш ҳам қийин. Шундай қилиб, мазкур ҳужжатнинг мухтасар баёнини ва унга ўз шарҳимизни эътиборингизга ҳавола этамиз. Бундан мақсад ҳуқуқ устунлиги концепциясининг жаҳондаги аҳамиятини ва уни ҳаётга татбиқ этиш йўлларини кўрсатиб беришдир.

Ҳуқуқ устунлиги ҳозирги вақтда давлат ҳокимияти устидан назоратни холисона амалга оширишни таъминлашнинг мавжуд бирдан-бир воситаси ҳисобланади. Аслини олганда, ҳуқуқ устунлиги принципи маърифатли жамиятни ташкил этишнинг энг мақбул тизими ҳисобланишини тушунтириш учун шу қонданинг ўзи кифоя қилади.

Биринчи асос. Ҳуқуқ устунлигига 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг Муқаддимасида¹ ва ундан кейин қабул қилинган бошқа халқаро шартномаларда ишора мавжуд. Бу ҳол инсон ҳуқуқларини ҳуқуқ устунлиги принципи билан ҳимоя қилиш улкан аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

Ҳуқуқ устунлиги нисбатан яқинда пайдо бўлган ва ривожланаётган концепция ҳисобланади. Ҳуқуқ устунлиги, ҳатто, ҳозирги вақтда унга содиқликка даъвогар бўлиб турган мамлакатларда ҳам илдиз отиши учун асрлар керак бўлди. Ўн иккинчи асрда ҳуқуқ устунлигига асосланган бошқарувга даъвогар бўлган мамлакатлар бугунги кунда унинг талабларига бошқача кўз билан қарайди. Бошқа кўпгина мамлакатлар, хусусан, мустамлака мақомига эга бўлган ҳудудларда вужудга келган мамлакатлар ҳуқуқини

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. — Т., «Адолат», 2002, 48-бет.

устунлигини ўрнатиш имкониятини яқиндагина қўлга киритдилар. Ҳуқуқ устунлиги талабларига тўла риоя этилишига даъвогар бўлиши мумкин бўлган мамлакатлар бармоқ билан санарли, деган фикр баҳслидир.

Шу туфайли ҳам **Юристарлар халқаро уюшмаси кенгаши** «ҳуқуқ устунлиги» тушунчасига таъриф беришга ҳаракат қилгани йўқ. У фақат мазкур принципнинг муҳим хусусиятларидан бир нечтасини санаб ўтиш билан кифояланди.

Тажриба ҳокимиятни назорат қилишнинг бирдан-бир йўли абстракт концепция саналган ҳуқуқни эмас, балки қарши ҳаракат қилувчи ҳокимиятни ишга солиш эканлигини амалда тасдиқлайди. Бу ҳуқуқнинг устунлиги принципи у кенг тарқалган жамиятдагина амал қилиши мумкинлигини кўрсатади. Давлат ҳокимияти органлари — ижро этувчи ҳокимият, қуроли кучлар, милиция ёки полиция, хавфсизлик хизмати, ҳатто, қонунчилик ҳокимияти ва суд ҳокимияти ўзлари қонунга бўйсундирилганликларини лозимлигини тушуниши муҳимдир. Шундагина улар фақат қонунга мувофиқ ўзига берилган ваколатларни фақат қонунга мувофиқ йўл билан амалга оширади. Бундан ташқари, жамият аъзоларининг мутлақ кўпчилиги улар қонунга бўйсундирилганликларини идрок этишлари ва қабул қилишлари ҳам муҳимдир.

Агар аксарият озчилик ўзини ноқулай ҳолатда қолдирилган деб ҳис қилса ва бу ҳолатдан чиқиш учун бўйсунмаслик ёки куч ишлатишдан бошқа чора тополмаса, бу ҳол пировард натижада фуқаролик тартибсизликларига ёки ҳатто фуқаролик урушига олиб келиши мумкин.

Буларнинг барчаси ҳуқуқнинг устунлигига бўлган ҳурмат маданиятини талаб қилади. Бу маданият шаклланиши учун узоқ вақт керак бўлиши мумкин. «Қабул

қилиш» дегани «маъқуллаш» дегани эмас: шунга қарамай, ҳуқуқни кенг қабул қилиш талаби озчиликнинг ҳуқуқларига ва инсоннинг индивидуал ҳуқуқларига эътиборни талаб этувчи омил ҳисобланади. Агар қонунни ҳамма оқилона, мутаносиб ва адолатли деб эътироф этмаса, у кенг тарқалиши мумкин эмас.

Ҳуқуқ устунлиги принципining халқаро ҳуқуқ даражасида эътироф этилган иккинчи асоси ҳокимият бўлинишидир.

Бу ҳуқуқ устунлиги принципining иккинчи тамал тоши ҳисобланади. Ички тартибни сақлаш ва ўз фуқароларини ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш давлатнинг энг биринчи мажбуриятидир. Ҳуқуқнинг устунлиги давлат ҳокимиятини заифлаштиришга ҳаракат қилмайди. У мазкур ҳокимият лозим даражада амалга оширилишини кафолатлашга интилади. Бунга ҳуқуқни яратувчилар (қонунчилик ҳокимияти), ҳуқуқни шарҳловчилар ва қўлловчилар (суд ҳокимияти) ва ҳуқуққа риоя этилишини таъминловчилар (ижро этувчи ҳокимият)ни бири-биридан ажратиш орқали эришилади. Давлат ҳокимияти тизимining уч тармоғи ичдан бир-бирига душман эмас. Улар Конституцияга ва ҳуқуқнинг устунлиги принципига мувофиқ баҳамжиҳат иш олиб боради, вақти-вақти билан уларнинг функциялари ўзаро кесишади. Аммо уларнинг конституциявий вазифаларини ажратиш қаттиқ муҳофаза қилиниши лозим.

«Тарихдан маълумки, ҳокимиятнинг бўлиниши принципи — бу давлат ва ҳуқуқ назариясида инсоният эришган энг олий эзгуликдир. Ҳокимиятнинг бўлиниш назарияси олий сиёсий қадрият сифатида «халқ ҳокимияти»ни эмас, балки ҳеч бир давлат органи диктатурани ўрнатиш учун етарли бўлган ҳоки-

миятни ўз қўлида жамлай олмайдиган давлат ҳокимияти аппарати таркиби томонидан таъминланадиган эркинликни тан олади»¹.

Ҳокимиятнинг тўлиқ бўлинишига ва бу борада баркамолликка эришиш амалда жуда қийин: тегишли ваколатлар бериладиган шахсларни танлаш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларнинг ишини назорат қилиш жараёнини уларнинг мустақиллигига дахл этмасдан таъминлаш учун мувозанат ва чекловлар тизими мавжуд бўлиши керак.

Шунга кўра, мустақиллик йилларида, Президент И.А. Каримов сўзлари билан айтганда: «...мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди. Бу жараёнда марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг вазифаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга катта эътибор берилди»².

¹ *Исламов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. — Т., «Адолат», 2007, 334-бет.

² *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 8-бет.

Ҳокимият бўлиниши принципининг моҳиятини бундан олдинги бобларда кўриб чиққанамиз боис, бу ўринда у ҳақда батафсил тўхталишнинг ҳожати бўлмаса керак. Шунини қайд этиш лозимки, суд ҳокимияти вакиллари тайинлаш тизими ижро этувчи ҳокимият ёки қонунчилик ҳокимияти олдида ўзини мустақил, камситилмаган деб ҳисоблаши ҳуқуқ устунлиги учун биринчи даражали аҳамият касб этади. Айни пайтда бир марта тайинланган суд ҳокимияти вакиллари лавозимдан четлатиш ёки давлат бошқарув тизимининг бошқа тармоқлари томонидан кўрқитишнинг ҳар қандай шакллари таҳдиддан холи бўлишларини назарда тутувчи талаб бундан ҳам муҳимроқдир.

Ҳуқуқ устунлигига нисбатан ҳурмат нолайиқ хулқ-атворда айбдор деб топилган суд мансабдор шахсларини лавозимдан четлатиш учун мустақил, очиқ ва ошкора механизмлар мавжудлигини талаб қилади. Бироқ бундай механизмлар давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари уларни суиистеъмол қилишига имкон бермаслиги ва суд ҳокимияти вакиллари мустақиллигига дахл этмаслиги жуда муҳим.

Шунини қайд этиш зарурки, баъзан ҳокимиятнинг бўлиниши принципига риоя қилмаслик нияти туғилишига сабаб бўлувчи вазиятлар юзага келиши мумкин. Масалан, фавқулодда ҳолат юз берган ёки уруш кетаётган вазиятда ижро этувчи ҳокимият ўзига фавқулодда ваколатлар берилишини талаб қилиши, одамлар эса уларга бундай ваколатлар берилишини исташлари ўринли бўлса керак. Бундай ҳолларда ҳокимиятнинг қатъий бўлиниши мутлақ зарурияти янада муҳимроқ аҳамият касб этади. Чунки айнан ижро этувчи ҳокимият фавқулодда чоралар кўришга чақиради ва айнан қонунчилик ҳокимияти бунга имконият яратади, суд ҳокимияти эса буни шарҳлайди ва назорат қилади. Бу ерда тегишли мувозанатга эришиш йўли

топилиши лозим. Ҳатто фавқулодда ҳолатларда ҳам ҳуқуқ устунлиги асосий талабларидан четга чиқишга йўл қўймаслик керак, акс ҳолда мазкур жамият ўз-ўзидан таназзулга юз тутиши табиий.

Шундай қилиб, ҳуқуқ устунлиги принципининг Юристарлар халқаро уюшмаси резолюциясида санаб ўтилган **муқаррар белгилари** қуйидагилардан иборат:

1. Мустақил ва беғараз суд ҳоқимияти.
2. Айбсизлик презумпцияси.
3. Иш суднинг очиқ мажлисида асоссиз кечиктиришларсиз одилона кўрилиши.
4. Жазо беришга оқилона ва мутаносиб ёндашув.
5. Юристарларнинг кучли ва мустақил ҳамжамияти.
6. Юристарнинг мижоз билан мулоқоти сир тутилишини оғишмай ҳимоя қилиш.
7. Қонун олдида ҳамманинг тенглиги.
8. Очиқ ва ошкора тартиб-таомиллар.
9. Ҳамма учун баб-барабар амал қиладиган қонуннинг мавжудлиги.

Ҳуқуқ устунлигини янада яхшироқ ва теранроқ тушуниб етиш учун унинг бошқа концепциялар билан ўзаро нисбатига назар ташлаш ўринли бўлади.

Сиёсат. Ҳуқуқ устунлиги билан бошқариладиган жамиятда сиёсий жараён — бу шундай бир жараёнки, унинг воситасида жамият ўзида мавжуд тафовутларни бартараф этади, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш қоидаларини белгилайди. Ҳуқуқ устунлиги билан бошқарилмайдиган жамиятда сиёсий жараён бунинг ўрнига ҳоқимият эгаларини уни амалга ошириш зарур эмаслигига ёки уни бошқача усулда бошқариш маъқул эканлигига ишонтиришга уринишлардан иборат бўлади. Бу эркин сиёсий дебатлар ҳисобланмайди. Шундай қилиб, ҳуқуқ устунлиги ҳар бир сиёсий жараённинг таркибий қисми ҳисобланмайди, у тегишли сиёсий жараёнга кўмаклашади ва унинг кафили сифатида майдонга чиқади.

Демократия. Ўз-ўзидан равшанки, ҳуқуқ устунлигисиз жамиятда демократия мавжуд бўлиши мумкин эмас. Жамиятда ҳуқуқнинг устунлигини қўллаб-қувватловчи ва сақлаб турувчи тузилмаларнинг ривожланиши узоқ давом этадиган, машаққатли жараён бўлиши мумкин. Аммо мазкур тузилмалар ривожланишига қараб ҳуқуқнинг асосий функцияси ўз фуқароларининг эҳтиёжларини қондиришдан иборат эканлиги аён бўлади ва жиноят, маъмурий ва фуқаролик ҳуқуқи нормаларининг кенг тўплами яратилади.

Ислоҳ қилиш. Ҳуқуқ табиатан ўз мақомини сақлаб қолишга мойил ҳодисадир, зеро, бу унинг функцияси ҳисобланади. Айни ҳол ўз жамиятини ислоҳ қилишни кўзлаган одамларнинг ҳафсаласини пир қилиши мумкин. Конституциясида инсоннинг базавий ҳуқуқлари мустаҳкамланган мамлакатда ислоҳотларнинг амалга оширилишига эришиш нисбатан енгил кечади.

Адолат. Ҳуқуқий қонун, энг аввало, адолатни таъминлаши лозим. Ҳуқуқнинг устунлиги адолат билан айна бир нарса эмас, лекин ҳуқуқнинг устунлигисиз адолат қарор топиши мумкин эмас.

Эркинлик. Ҳуқуқ инсон эркини кўп сонли усуллар билан чеклайди, шу туфайли ҳам унга эркинликнинг синоними сифатида қараш ўринли бўлмайди. Аммо унинг асосий функцияларига фуқароларни чекланмаган давлат ҳокимиятининг жабр-зулмидан озод қилиш, шунингдек, жамиятда фуқароларни кўпроқ ҳокимиятга эга бўлган шахсларнинг тазйиқидан ҳимоя қилиш киради. Юристарлар халқаро уюшмаси кенгашининг резолюциясида таъкидланганидек, ҳуқуқ устунлиги «ҳам чекловларни бартараф этади, ҳам ҳимоя қилади».

Инсон ҳуқуқлари. Ҳуқуқнинг устунлиги инсон ҳуқуқлари синоними сифатида ҳам қаралиши мумкин эмас. Инсоннинг айрим ҳуқуқлари ҳуқуқ ус-

тунлиги концепциясининг зарурий базавий принциплари ҳисобланади, айримларини эса бундай деб ҳисоблаш мушкул. Бинобарин, уларнинг ўртасида оқилона мувозанатни топиш талаб этилади. Турли жамиятлар бу саволга ҳуқуқнинг устунлиги билан белгиланувчи сиёсий жараён ёрдамида турли хил жавоблар топади. Аммо шу нарса аниқки, ҳуқуқнинг устунлигисиз инсон ҳуқуқлари таъминланиши мумкин эмас. Зеро, «Инсон ҳуқуқлари инсоннинг жамиятда мавжудлиги билан белгиланадиган ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган табиий, бегоналашмайдиган ва бузилмас эркинликлар ва юридик имкониятлар мажмуидир»¹.

Бундан ташқари, кўпчилик мамлакатлар айрим ёки барча халқаро конвенцияларнинг тарафи ҳисобланади. Бундай халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар орасида Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси, БМТ нинг қийноқларга қарши конвенцияси, шунингдек, муайян минтақавий ҳужжатлар, чунончи: Инсон ва халқларнинг ҳуқуқлари тўғрисида Африка хартияси, Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Америка конвенцияси, Араб мамлакатларининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги хартияси ва Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Европа конвенцияси бор.

Шу билан бирга, бола ҳуқуқлари, ирқий камситишга ва хотин-қизларнинг ҳуқуқлари камситилишига барҳам беришга доир турли конвенциялар ва

¹ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича универсал шартномаларни ўрганишга кириш // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. — Т., «Адолат», 2002, 3-бет.

уларнинг факультатив протоколлари ҳам бор. Мамлакат ҳуқуқ устунлиги принципига қай даражада риоя этиши масаласини муҳокама қилиш жараёнида 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси билан бир қаторда, мазкур ҳужжатларнинг қоидаларига ҳам таяниш ўринли бўлади.

3. БМТ ва Халқаро Суд ролини кучайтириш — халқаро ҳуқуқда ҳуқуқ устунлиги (ҳукмронлиги)нинг зарурий шарт

«Ҳуқуқ устунлиги» — БМТ миссиясининг моҳиятини белгиловчи тушунча. Қонунийликка риоя қилиш можаро тартибга солинганидан сўнг барқарор тинчликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, иқтисодий тараққиёт ва ривожланишни барқарор этиш учун улкан аҳамиятга эга. Қонун олдида ҳамманинг тенглигини ва ҳамма — ҳар бир инсондан тортиб давлатга қадар — оммавий қабул қилинган қонунларга риоя этишга мажбурлигини назарда тутувчи принцип суд органлари томонидан тенг даражада амалга оширилади ва БМТ ишини йўлга солувчи концептуал ёндашувнинг ўзагини ташкил этади.

БМТ Уставида мустаҳкамланган ҳуқуқ устунлиги принципи давлатлар ўртасидаги муносабатларга тегишли бўлган жиҳатларни ўз ичига олади. БМТ нинг асосий органлари, шу жумладан Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгаши бунда Ташкилот Уставидан келиб чиқадиган ва унинг қоидаларига мувофиқ чоралар кўришни назарда тутадиган асосий функцияларни бажаради. Шунингдек, Халқаро Суд ҳам БМТ Уставининг таркибий қисми ҳисобланган Статут

ҳужжатидан келиб чиқадиган қоидалар асосида ўз фаолиятини амалга оширади¹.

БМТ органлари фаолиятида ҳуқуқ устуворлигини қарор топтириш учун мазкур концепция принцип-ларига риоя этилишини, қонун олдида ҳамманинг тенглигини, қонунлар беғараз қўлланилишини, ҳокимиятнинг бўлинишини, ҳуқуқий муайянликни, ўзбошимчаликка йўл қўйилмаслигини таъминловчи чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

БМТ Бош Ассамблеяси ҳуқуқнинг устунлиги ма-саласини 1992 йилдан бери ўз кун тартибининг банд-ларидан бири сифатида муҳокама қилиб келади.

Ташкилот таркибида **Халқаро Суд** каби юридик механизмлар (у БМТ нинг асосий юридик органи ҳисобланади), шунингдек, махсус жиноят трибунал-лари ва аралаш трибуналлар мавжуд.

БМТ нинг ҳуқуқ устунлигини таъминлаш борасида-ги фаолияти халқаро ҳуқуқнинг кўп соҳаларида халқ-аро нормалар ва стандартларни ривожлантириш, раф-батлантириш ва амалга ошириш учун замин яратади.

БМТ миллий даражада ҳуқуқнинг устунлигини таъминлаш механизмини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам иш олиб боради. Бу механизм мамлакатнинг асо-сий қонунни сифатида конституцияни ёки қонун-ларнинг аниқ ва изчил тизимини ҳамда уларга риоя этишни, одил судлов, бошқарув, хавфсизлик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш институтларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, у ҳуқуқ устунлигини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи, давлат мансабдор шахслари ва тузилмаларининг ҳисобдорлигини таъ-минловчи жамоатчилик фикри ва фуқаролик жамия-тининг мавжудлигини назарда тутлади.

¹ Қаранг: *Ҳакимов Р.* Узбекистан и Организация Объединенных наций. — Т., «Zar Qalam», 2006, 134-бет.

Шу ўринда фуқаролик жамияти очиқ, демократик, истибдод ва зўравонликка қарши, ўзини ўзи ривожлантирувчи жамият эканлигини, унда марказий ўринни инсон, фуқаро, шахс эгаллашини, шу маънода фуқаролик жамияти сиёсий-мафкуравий, айниқса, авторитар жамиятга тубдан қарши туришини алоҳида қайд этишни истардик. Шу билан бирга, мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган Олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқида ҳақли равишда таъкидлаганидек: «Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни, мамлакатни модернизация қилишни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва шу асосда ўз фуқаролари учун муносиб турмуш шароитини яратишни ўзининг истиқболдаги муҳим вазифалари деб билади»¹.

Умуман олганда, бу борадаги сиёсат, институтлар ва жараёнлар жамият негизини шакллантиради. Бу жамиятда ҳар бир инсон ўзини хавфсизлик муҳотида деб ҳис қилади, барча низолар тинч йўл билан ҳал этилади, жабрланганлар ҳуқуқий ҳимоя самарали воситаларига эга бўладилар, қонунни бузувчилар, шу жумладан давлатнинг ўзи ҳам ўз ҳаракатлари учун жавоб беради.

Ҳуқуқ устунлиги масалалари билан БМТнинг қирқдан ортиқ бўлинмалари шуғулланади. Ташкилот жаҳоннинг барча минтақаларида 110 дан ортиқ мамлакатда ҳуқуқ устунлигига доир дастурлар ва чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган Олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи. — Т., «Ўзбекистон», 2010, 11–12-бетлар.

БМТнинг кўпчилик бўлинмалари айти бир хил муаммога дуч келган мамлакатларда тадбирларни амалга оширади. БМТнинг бешдан ортиқ бўлинмаси ҳозирги вақтда 24 мамлакатда ҳуқуқ устунлиги соҳасида иш олиб бормоқда. Бу мамлакатларнинг кўпчилиги можа-ро ёки можародан кейинги тартибга солиш ҳолатида.

Ҳуқуқ устунлиги соҳасидаги ишни мувофиқлаштириш учун умумий жавобгарлик ҳуқуқ устунлиги масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-маслаҳат гуруҳига юклатилган. Бу гуруҳга **Бош котиб ўрин-босари** раислик қилади ва унинг ишига **Ҳуқуқ устунлиги масалалари бўйича гуруҳ** кўмак кўрсатади.

Гуруҳ таркибига қуйидагилар киради: Сиёсий масалалар бўйича департамент, Тинчликни сақлаш бўйича тадбирлар, Инсон Ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, ҳуқуқий масалалар бўйича бошқарма, БМТ Тараққиёт дастури, БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари, БМТнинг Хотин-қизлар манфаатлари йўлида ривожланиш жамғармаси (ЮНИФЕМ), БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси.

Ўз фаолиятида юксак даражада самарадорликка эришиш мақсадида Гуруҳ умумий раҳбарий принципларни ишлаб чиққан ва БМТнинг ҳуқуқ устунлиги борасидаги ишига нисбатан янги стратегик ва натижаларга йўналтирилган ёндашувни қўллайди.

Гуруҳ (2009—2011 йилларга мўлжалланган) Кўшма стратегик режани мувофиқлаштирган ва ҳозирги вақтгача қуйидаги мавзулар бўйича Бош котибнинг раҳбар кўрсатмаларини тайёрлаган. Булар сирасига: ҳуқуқ устунлиги соҳасида кўмак кўрсатишга нисбатан БМТ ёндашуви; болаларга нисбатан одил судловни амалга ошириш масалаларига БМТ ёндашуви; конституцияларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш киради.

Халқаро Суд, БМТ Устави 7-моддасининг 1-бандига биноан, БМТнинг асосий суд органларидан бири ҳисобланади. БМТ Уставининг 92-моддасига мувофиқ, Халқаро Суд БМТнинг бош суд органи ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси низолашувчи давлатлар ўзига топширган ҳар қандай халқаро низоларни ҳал қилишдан иборат. БМТ Устави 33-моддасининг 1-бандида халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш воситалари санаб ўтилган¹. Шундай воситалардан бири ишни судда кўриш, яъни доимийлик асосида фаолият кўрсатувчи Халқаро Суддир.

Халқаро низоларни ҳал қилишни сўраб ҳуқуқий асосда қарорлар чиқарувчи бегараз органга мурожаат этиш янги ғоя эмас. Халқаро юрисдикциянинг энг қадимги шакли ҳакамлик судлари ҳисобланади. Бундай судларнинг қўлланиш амалиёти Қадимги Шарқ халқларига маълум бўлган. Низоларни ҳал қилишнинг мазкур шакли содда кўринишда ўрта асрларда ҳам мавжуд бўлган.

«Маълумки, 1995 йилда Ўзбекистон жаҳондаги 120 давлат қаторида «Чет эл мамлакатлари ҳакамлик қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисида»ги (1958 йил, Нью-Йорк) Конвенцияга қўшилиши муносабати билан ҳакамлик судлари учун ҳуқуқий замин ҳозирланганди. Шундан сўнг Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қонуни асосида ҳакамлик судлари ташкил этилди»². Бугунги кунда Ўзбекистон ҳакамлик судлари билан ривожланган мамлакатлар арбитраж судлари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. — Т., «Адолат», 2002, 21, 27, 42-бетлар.

² Қобилов Ш. Ҳамкорликнинг янги истиқболлари. «Халқ сўзи», 2011 йил 5 апрель.

Халқаро Суд маҳкамасининг ҳозирги тарихи 1794 йил Буюк Британия ва АҚШ ўртасида тузилган Жей шартномасидан бошланади. Шартномада бу икки мамлакат ўртасида айрим низоларни ҳал қилиш учун аралаш комиссиялар тузиш назарда тутилган. Комиссия тарафларнинг ҳар бири тайинлайдиган ва ҳакамлик судьяси томонидан бошқариладиган тенг миқдордаги аъзолардан иборат бўлган.

XIX асрда халқаро ишларни судда кўриш тенденцияси янада ривож топди. Ҳакамлик судининг тадрижий ривожланиши жараёнида 1872 йил АҚШ ва Буюк Британия ўртасида «Алабама» крейсери юзасидан чиққан низонинг ҳакамлик судида кўрилиши ҳал қилувчи босқич бўлди.

Халқаро низоларни ҳал қилишнинг ҳакамлик усулини ташкилий жиҳатдан расмийлаштириш 1899 йил Россия ташаббуси билан чақирилган Гаага тинчлик конференциясидан сўнг, XX аср бошида амалга оширилди. Ушбу анжуманда иштирок этган давлатлар Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш тўғрисидаги Гаага конвенциясини имзоладилар. Ушбу конвенцияга мувофиқ, улар халқаро можаролар тинч йўл билан ҳал қилинишини таъминлашга ўзларининг бор куч-ғайратларини сарфлаш мажбуриятини олди. Конвенция иштирокчилари Ҳакамлик суди Доимий палатасини таъсис этдилар. Гарчи Палата доимий ишлайдиган орган сифатида тузилган бўлса-да, тўла маънодаги доимий ишлайдиган судга айлангани йўқ. Конвенцияда 150—200 киши (аҳдлашаётган давлатларнинг ҳар биридан тўрттадан судья)дан иборат рўйхат тузиш ва зарур ҳолларда улардан у ёки бу конкрет низони кўриш учун суд таркибини тузиш мақсадида бир ёки бир нечта арбитрларни танлаш назарда тутилди.

1907 йилги иккинчи Гаага тинчлик конференциясидан сўнг мақоми ўзгаришсиз қолган ҳакамлик су-

дининг Доимий палатаси ҳозиргача фаолият кўрса-тиб келади. Аммо бу орган фаолиятини лозим даражада самарали деб ҳисоблаш мушкул.

Иккинчи Гага тинчлик конференциясида АҚШ делегацияси аъзоларидан бири ҳакамлик суди хусусида қуйидаги фикрни баён этдики, унинг ҳақлигини кейинчалик тарихнинг ўзи тасдиқлади: «Бу турдаги суд бирлашган миллатлар томонидан берилган ваколатларга мувофиқ қарорлар чиқаради»¹.

Хронологик жиҳатдан биринчи халқаро суд органи Марказий Америка суди ҳисобланади. У 1907 йилда Гватемала, Гондурас, Коста-Рика, Никарагуа ва Сальвадор томонидан АҚШнинг сиёсий босими остида таъсис этилган. Марказий Америка суди халқаро ҳуқуқнинг ривожланиш жараёнига ва халқаро суд органларини тузиш амалиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатгани йўқ.

Халқаро суд ташкил этиш имконияти амалда Биринчи жаҳон урушидан кейингина пайдо бўлди.

Халқаро суд органлари тарихи ўз ҳисобини умумий ваколатга эга бўлган биринчи универсал халқаро суд органи — Миллатлар Лигаси ҳузуридаги Халқаро Одил Судлов Доимий Палатаси тузилган санадан бошлаб олиб боради. 1920 йилда Миллатлар Лигаси Статутининг 14-моддасида назарда тутилган Халқаро Одил Судлов Доимий Палатасининг ташкил этилиши халқаро низоларни суд йўли билан ҳал қилиш жараёнида янги босқич ясади. Халқаро Одил Судлов Доимий Палатаси тўлақонли суд органи бўлиб, исталган вақтда ўз вазифаларини бажаришга тайёр эди.

Миллатлар Лигаси Статутининг 14-моддасига биноан 1920 йилда Миллатлар Лигаси Кенгаши то-

¹ *Кожевников Ф.И., Шармазанашвили Г.В.* Международный суд ООН: организация, цели, практика. — М., 1971, 123-бет.

монидан юристлар махсус комиссияси тузилди. Бу комиссия Халқаро Одил Судлов Доимий Палатаси Статутининг лойиҳасини ишлаб чиқди. Мазкур Статут лойиҳаси ўша йилнинг декабрида Миллатлар Лигаси Кенгаши ва Ассамблеяси томонидан маъқулланди.

Халқаро Одил Судлов Доимий Палатасининг биринчи мажлиси 1922 йилда ўтказилди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари мобайнида мазкур суд органи фаолияти тўхтатиб турилди, 1946 йилда эса Халқаро Одил Судлов Доимий Палатаси фаолияти тугатилгани муносабати билан тарқатиб юборилди. Палата давлатлараро низоларни тинч йўл билан ҳал қилишга салмоқли ҳисса қўшгани йўқ. У чиқарган қарорлар ва консультатив хулосаларни беғараз деб айтиш мумкин эмас.

БМТ Уставига мувофиқ 1945 йилда янги суд органи — Халқаро Суд ташкил этилди. БМТ Уставининг 92-моддасига мувофиқ Халқаро Суд БМТнинг бош суд органи ҳисобланади. Унинг таъсис этилиши БМТ Устави 33-моддасининг 1-бандида назарда тутилган халқаро низоларни, шу жумладан суд орқали тинч йўл билан ҳал қилиш вазифасини амалга ошириш учун имконият яратар эди.

Суднинг БМТ доирасидаги ўрни ва аҳамиятини Суд Статути Бош Ассамблеясининг раиси жаноб Спаак ўзининг 1946 йил 18 апрелда бўлиб ўтган тақдиротидаги нутқида аниқ ақс эттирган: «Муҳтарам Суд аъзолари! Мен Халқаро Суд БМТнинг энг муҳим органидир, дея ишдао қилмоқчи эмасман, бироқ, менимча, бундан муҳимроқ бошқа орган йўқ, деб айтиш мумкин. Албатта, Бош Ассамблея нисбатан кўп сонли, Хавфсизлик Кенгаши — инада самарали орган ҳисобланади, ЭКОСОС фаолияти эса инада изчилроқ ва ранг-барангроқ бўлса керак. Сизнинг ишингиз кўзга унча таъкидланмаса керак, бироқ шун-

га ишончим комилки, у ўз аҳамиятига кўра биринчи ўринда туради. Шахсан мен вазифаларингиз кундан-кунга ўз аҳамиятини ошириб боради, дея умид билдираман»¹.

БМТ Халқаро Судида кўрилган биринчи иш 1946 йил Британия ҳарбий кемалари Корфу бўғозининг Албанияга қарашли қисмидан ўтаётиб милага учраши натижасида одамлар ҳалок бўлиши ва зарар кўрилишига ҳамда денгиз ҳуқуқи ва давлатлар жавобгарлиги билан боғлиқ масалаларга тегишли бўлган. 1949 йилда чиқарган қарорида Суд миналар Албания розилигисиз ўрнатилиши мумкин бўлмаган, бинобарин, Албания жавобгар ва шу боис товон пули тўлаши лозим, деган хулосага келган. Бундан ташқари, Суд ўз қарорида тинч пайтда ҳарбий кемалар халқаро бўғозлар орқали тинч ўтиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳамда Бирлашган Қироллик ўз кемалари Албания сувларидан ўтиши натижасида унинг суверенитетини бузмаганлигини, бироқ у мазкур бўғозда миналарни трал билан тутиш ва зарарсизлантиришни Албания розилигисиз амалга ошириб, мазкур давлат суверенитетини бузганлигини қайд этган. Ушбу низо фақат 1992 йилда, яъни Албания Бирлашган Қиролликка товон пули тўлашга рози бўлганидан, Бирлашган қироллик эса, ўз навбатида, «Бэнк оф Ингленд» сейфларида Иккинчи жаҳон уруши давридан бери сақланаётган Албания олтинини қайтариб бериш мажбуриятини олганидан кейин ҳал бўлди.

Халқаро Суд БМТнинг бош суд органи сифатида халқаро муносабатларда ҳуқуқ ҳукмронлиги (Rule of Law)ни ўрнатиш ишида, айниқса, муҳим роль ўйнайди. Унинг вазифаси давлатлараро низони тинч

¹ *Беджаун М.* Международный Суд ООН: прошлое и будущее // Московский журнал международного права, 1995, №2. — С. 42.

Йўл билан ҳал қилишнинг бошқа барча чоралари самара бермаган ҳолда уни ҳал қилишга кўмаклашишдан иборат. Халқаро Суд муаммолари БМТ Устави кучга кирган пайтдан бошлаб жаҳон ҳамжамияти аъзоларининг диққат марказида туради. Бинобарин, юқорида қайд этиб Утганимиздек, Халқаро Суд Статути БМТ Уставининг таркибий қисми ҳисобланади.

Давлатлараро низолар мустақил Халқаро Суд орган қарорларига мувофиқ ҳал қилинадиган халқаро ҳуқуқий тартибот давлатларнинг ҳаракатларида манҳумликка барҳам бериб, янада барқарор тус касб этмоқда. Халқаро Суднинг ҳуқуқ ва адолат принциплари асосида қабул қилинаётган қарорлари ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи ва унинг институтлари янада ривожланишига кўмаклашмоқда. Субъектлар таркибининг параметрлари БМТ бош суд органининг нуфузли фикрини олишдан манфаатдор бўлган ҳуқуқ субъектлари даврасини белгилайди.

Халқаро Суд Статутининг 34-моддасига мувофиқ, Халқаро Судга мурожаат этиш имконияти БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашига (БМТ Устави 96-моддасининг 1-банди), шунингдек, БМТ тизимидаги бошқа органлар ва ихтисослашган муассасаларга берилган (БМТ Устави 92-моддасининг 2-банди). Жаҳонда ҳуқуқ устунлиги асосида ўрнатилган тартибда Халқаро Суднинг роли ва таъсирини кучайтириш унинг ваколатларини кенгайтириш ва мажбурий юрисдикция институтини жорий этиш орқали амалга оширилиши лозим.

Дунёдаги ҳозирги тартибда Халқаро Суд ролини кучайтириш қуйидаги аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олади:

1. Суд маҳкамаси томонлари саналган субъектлар доирасини кенгайтириш.

2. БМТ аъзоси бўлган давлатларнинг барчаси Суднинг мажбурий юрисдикциясини Статутнинг 36-моддасига мувофиқ бирон-бир далилий изоҳларсиз тан олиши; ўзаро дўстлик шарти бундан мустасно.

3. Халқаро Суд муҳокамасига киритилиши лозим бўлган масалалар рўйхати ифодаланган махсус ҳужжат ишлаб чиқиш. Халқаро Суд ҳар қандай низоларни ҳал қилишга ўзининг тайёрлигини эълон қилган шароитларда мазкур ҳужжат халқаро ҳуқуқ тармоқларини кенг қамраб олишга қаратилади.

4. Халқаро Суд юрисдикциясини кенгайтириш параметрларида низоларни суд орқали ҳал қилишга тегишли бўлган кўп томонлама шартномаларнинг қоидаларига нисбатан Халқаро Суд юрисдикциясига доир далилий изоҳларни бекор қилиш хусусида давлатлар ўзаро келишувга эришишлари умумий мезон ҳисобланади.

5. Низони тўлиқ таркибдаги Суд муҳокамасига топшириш имконияти амалда йўқлиги туфайли Суд камералари юрисдикциясидан фойдаланилиши лозим.

6. Низони Халқаро Суд муҳокамасига киритиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш дастури доирасида мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатиш учун ташкил этилган Мақсадли жамғармани қўллаб-қувватлаш.

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқнинг бугунги кундаги ривожланиш даражаси ўзининг турли йўналишлари ва хусусиятлари билан янада тараққий этиб бораётганини ҳамда ўзига хослиги билан анъанавий халқаро ҳуқуқдан фарқ қилаётганини кўрсатади.

4. Халқаро Суд юрисдикциясини кенгайтириш — ҳуқуқ устуңлиги (ҳукмронлиги)нинг муҳим омили

Халқаро Суднинг мавжудлик даври мобайнида унинг роли ва таъсирини кучайтириш масаласи фаол муҳокама қилиб келинади. Шунини қайд этиш лозимки, Халқаро Суд имкониятларидан ҳанузгача тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ.

Аслида халқаро низоларни ҳал қилишга ва халқаро ҳуқуқий тартиботни сақлашга Халқаро Суд кўшаётган ҳисса ҳозиргидан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди. Бунга БМТ Бош котибининг «Жаҳон учун кун тартиби — огоҳлантирувчи дипломатия, тинчликпарварлик ва тинчликни сақлаш» деб номланган маърузасида эътибор қаратилади. Маърузада, жумладан, шундай дейилади: «Халқаро Судга топширилаётган ишлар реестри кенгайиб бормоқда, лекин Суд аввалгидек низоларни суд маҳкамаси ёрдамида тинч йўл билан ҳал қилиш воситаси ҳисобланади. Аммо бу воситадан тўлақонли фойдаланилаётгани йўқ. Суддан янада кенгроқ фойдаланиш БМТнинг тинчликпарварлик ишига кўшилган муҳим ҳисса бўлур эди»¹.

Халқаро Суднинг ўрни ва аҳамиятини ошириш масаласини муҳокама қилиш жараёнида Суд Статутини ислоҳ этишнинг турли вариантлари таклиф қилинди.

XX асрнинг 90-йиллари халқаро ҳуқуқ ўн йиллиги деб эълон қилиниши БМТ Халқаро Судининг роли ва таъсирини кучайтириш, халқаро суд тартиб-таомилларини консултатив даражада ҳам, амалий дара-

¹ Хадсон М. О. Международные суды в прошлом и будущем. — М., 1999.

жада ҳам энг мақбул даражага келтириш хусусидаги баҳс-мунозаралар янада кучайишига сабаб бўлди.

Бош Ассамблея Халқаро Суднинг ролини кучайтириш масаласини кун тартибига қўйган ўтган аср 70-йилларининг бошида БМТнинг бош суд органи ҳузурида минтақавий халқаро суд органлари тармоғини яратиш имкониятлари кенг муҳокама қилинган эди.

БМТ Уставида халқаро суд органлари тармоғини яратиш имконияти назарда тутилган. Чунки БМТ Халқаро Суди Ташкилотнинг бош суд органи сифатида вужудга келтирилган.

Халқаро Судга преюдициал юрисдикция ваколатларининг берилиши ҳам унинг фаолиятини кенгайтириш учун имконият яратади. Бу механизм Европа Иттифоқи (ЕИ) қурилиши тажрибасидан ўзлаштирилган. Бу ерда ЕИга аъзо давлатлар миллий ҳуқуқий тизимларининг таркибий қисми саналган халқаро ҳуқуқ нормаларининг бир хилда қўлланилиши ва шарҳланиши яхши самара берган¹.

Воқеалар ривожини қандай бўлишидан қатъи назар, Олий Суд функциялари БМТ Халқаро Суди ихтиёрида сақланиб қолиши лозим. Халқаро низоларни мажбурий юрисдикцияга бўйсундириш учун қўлланилиши мумкин бўлган воситаларнинг кўп сонлилиги илгари суриладиган таклифлар ва мулоҳазалар доирасини кенгайтириш имкониятини беради. Бу ерда гап, шу жумладан Халқаро Судга бошқа халқаро суд органларига нисбатан иккинчи инстанция ваколоти берилган ҳолда, унга **мажбурий юрисдикцияни** бириктириш ҳақида бориши мумкин.

¹ Қаранг: *Шемятенков В.Г.* Европейская интеграция: Учебник для вузов. – М., 2008.

Бу масала қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётир. Халқаро Судга мажбурий юрисдикцияни бириктириш тарафдорлари ҳам, унга қаршилар ҳам бор. Халқаро Судга мажбурий юрисдикциянинг бириктирилишига қаршилар ўз нуқтаи назарини қуйидагича асослашга ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг фикрича, Халқаро Суднинг мажбурий юрисдикциясини давлатларга белгилаш йўлидаги уринишлар суверенитет принципига зид ва давлатларнинг ўз низоларини тинч йўл билан ҳал қилиш воситаларини танлаш эркинлигини (бу қоида БМТ Уставининг 33-моддасида белгиланган) бузган бўлур эди.

БМТ Уставига мувофиқ давлатлар ўз низоларини тинч йўл билан ҳал қилишга мажбур бўлсаларда, лекин мазкур воситаларни, шу жумладан дипломатик музокаралар, Халқаро Суд, воситачилик, арбитраж ва ўзлари маъқуд деб топган, низони тинч йўл билан ҳал қилиш имкониятини берадиган бошқа ҳар қандай воситаларни танлаш эркинлигига эгадирлар.

Аъзо давлатларга Халқаро Суднинг мажбурий юрисдикциясини қайта-қайта таклиф қилган БМТ Бош Ассамблеясининг даъватлари амалда ҳанузгача эътиборсиз қолмоқда.

Бироқ, мавжуд фикрга кўра, бундай тусдаги ҳар қандай таклифлар ҳозирги вақтда дунёда юзага келган вазият нуқтаи назаридан ўринли деб топилиши мумкин эмас, чунки Халқаро Судга мажбурий юрисдикциянинг берилиши ўз-ўзидан Суднинг ҳатто Хавфсизлик Кенгашидан ҳам кенгроқ ваколатларга эга бўлган халқаро органга айланишига олиб келган бўлур эди¹.

¹ *Харламова В.И.* Международная экономическая интеграция: Учебное пособие. — М., 2007.

Илгари сурилаётган таклифларда БМТга яқинда қабул қилинган ва (ёки) қабул қилинадиган давлатлар мажбурий юрисдикцияга ўз-ўзидан рози бўлишлари мақбул эканлиги асосланади. Шунга ўхшаш ғоялар халқаро ёрдам сўраб мурожаат қилган ёки БМТ ташкилотлари йўналишида бундай ёрдамни олган мамлакатларнинг барчасига нисбатан илгари сурилади.

Халқаро Суднинг мажбурий ва шартсиз юрисдикциясини умум эътироф этиш ҳақидаги таклиф БМТ Бош котибининг Судга бағишланган «Дунё учун кун тартиби» маърузасининг ўзагини ташкил этади. Бош котиб ўз маърузасида аъзо давлатларнинг барчасига Халқаро Суднинг умумий юрисдикциясини мазкур Суд Статутининг 36-моддасига мувофиқ, ҳеч қандай изоҳсиз, БМТ халқаро ҳуқуқ ўн йиллиги тугайдиган 2000 йилга қадар тан олишни тавсия қилади. «Давлат ички тузилмалари бунга йўл қўймаган ҳолларда давлатлар Суд муҳокамасига киритишга улар тайёр бўлган масалаларнинг узил-кесил рўйхати тўғрисида икки ёки кўп томонлама асосда аҳдлашишлари ва кўп томонлама шартноманинг низоларни ҳал қилишга доир қоидаларига нисбатан Суд юрисдикцияси хусусидаги ўз изоҳларини олиб ташлашлари лозим»¹.

Сўнгги йилларда Суд ўз обрўсини анча мустаҳкамлади. Унга ёрдам сўраб мурожаат қилувчи мамлакатлар доираси янада кенгайди. Собиқ Югославия ҳудудидаги қуроли можаро негизида муваққат чоралар кўриш тўғрисидаги масалада Халқаро Суд зарур ҳолда у қай даражада тезкорлик билан иш кўришга қодир эканлигини амалда намоён қилди.

¹ *Шемятенков В.Г.* Европейская интеграция: Учебник для вузов. — М., 2008.

Шу жиҳатдан 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ад ҳос камераларида ишларни кўриш Халқаро Судда суд ишларини юритишнинг етакчи шаклига айланганлиги, айниқса, диққатга сазовордир¹.

Бу ўринда мазкур камераларга изоҳ бериб ўтиш лозим. Гап шундаки, Суд уч хил камера: соддалаштирилган тартибда иш юритиш; муайян тоифадаги ишларни кўриш; алоҳида ишни кўриб чиқиш учун камералар ташкил қилиши мумкин. Алоҳида ишни кўриб чиқиш учун мўлжалланган камера маълум даражада арбитражни эслатади. Суд Статутининг 31-моддаси қўлланилганида бу ўхшашлик янада кучаяди: мазкур норманинг иккинчи ва учинчи бандлари низо томонларига, агар суд ҳайъати таркибида томонлардан бири ёки иккаласининг фуқароси саналган судья бўлмаса, судья сифатида ўзи хоҳлаган шахсни танлаш ҳуқуқини беради.

Бинобарин, ад ҳос камераси ҳар бир томон фуқароси бўлган судьялар ва Суд тайинлаган учинчи судьядан таркиб топиши мумкин. Статутга мувофиқ ад ҳос камерасини ҳосил қилувчи судьялар сонини «Суд тарафлар розилиги билан белгилайди». Бинобарин, битта судьядан иборат камера ташкил этилиши ҳам мумкин.

Давлатлар 1982 йилгача ад ҳос камераларидан фойдалангани йўқ. Аммо турли давлатларнинг вакиллари ўз баёлотларида бундай судларнинг афзалликларини тан олганлар.

Суд камераларидан фойдаланиш тўлиқ таркибдаги Суд маҳкамаси олдида бир қатор афзалликларга эга. Авваламбор, улар маҳкама муддати ва харажат-

¹ Халқаро Суд муайян тоифадаги ишларни кўриш учун уч ёки ундан ортиқ судьялар таркибида бир ёки бир нечта камералар ташкил қилиши мумкин.

ларини қисқартириш имконини беради. Масалан, камералар мажлиси Гаагадан ташқарида (Статутнинг 28-моддаси), томонлар, уларнинг экспертлари, мас-лаҳатчилар ва гувоҳлар учун қулай бўлган жойда ўтказилиши мумкин. Бундан ташқари, камерада ишни кўриш жараёнини молиялаштиришни томонлар эмас, балки Халқаро Суд амалга оширади. Мазкур Суд харажатлари Статутнинг 33-моддасига мувофиқ БМТ зиммасида бўлади.

Ишни камерада кўриш тартиб-таомиллари, одатда, унча мураккаб эмас: масалан, томонлар камера розилиги билан суд ишини оғзаки юритишдан воз кечиши мумкин.

Шундай қилиб, кўриб турганимиздек, БМТ Халқаро Судининг *ad hoc* камералари низолашган томонлар эътиборини тортиши лозим.

Ad hoc камераси илк бор 1982 йилда тасдиқланган. Ҳозиргача бундай камералардан тўрттаси таъсис этилган. *Ad hoc* камерасида кўрилган биринчи иш АҚШ ва Канада ўртасидаги Мэн кўрфази ҳудудида денгиз чегарасини делимитация қилиш тўғрисидаги низо, иккинчи иш — Юқори Вольта (кейинчалик — Буркина Фасо) Республикаси ва Мали Республикаси ўртасидаги чегара ҳудудининг бир қисмини делимитация қилиш тўғрисидаги низодир.

Ушбу ҳодисага муносабат бир хил эмас. Кўпчилик мазкур амалиётни арбитражга оғиш, тортишаётган давлатларга ён босиш, Халқаро Суд таркибига ишончсизлик кўзи билан қараш сифатида баҳолайди. Бироқ, бизнингча, *ad hoc* камераларига мурожаат этиш амалиёти халқаро суд тартиб-таомилларининг давлатлар учун жалб қилувчанлик даражасини янада ошириши, бинобарин, БМТ бош суд органи фаоллигини кучайтириши мумкин.

Айни пайтда Халқаро Суд процессуал ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мақбуллаштириш имкониятлари ad hoc камераларига ёки муайян тоифадаги ишлар бўйича доимий камераларга мурожаат этиш билангина чекланмайди. Суд ишларини юритишнинг сиёсий заминга эга бўлган конструкцияси (бунда Халқаро Суд таркиби тўлалигича ҳар бир конкрет иш бўйича маърузачи-судьялар сифатида амал қилади) Судга кўпдан-кўп ишларни бир пайтда кўриш имконини бермайди. Шу туфайли ҳам Халқаро Суднинг ишларни кўриш амалиётини ислоҳ қилиш ҳақидаги таклифлар илгари сурилмоқда.

Хусусан, Европа Иттифоқи Суди ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Комиссияси амалиётида ўзини оқлаган процессуал институтларни, энг аввало, бош адвокат институти ёки низони ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиш тартиб-таомилларини ўзлаштириш таклиф қилинмоқда.

Халқаро муносабатларда ҳуқуқ ҳукмронлигини ўрнатиш ишида Халқаро Суднинг ролини кучайтириш субъектлар — низонинг потенциал томонлари доирасини кенгайтириш, шунингдек, ишни судда кўриш тартиб-таомилларига муайян ўзгартиришлар киритиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда Суд хизматларидан фойдаланиш имконияти давлатлар билан бир қаторда (Статутнинг 34-моддаси), БМТ Уставининг 71-моддасига мувофиқ консультатив мақомга эга бўлган халқаро ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларига ҳам берилишини таклиф қилиш мумкин. Ҳар йили Халқаро Суд ишни иш юритувига олишни сўраб тақдим этилган камидан 600 та аризага жавоб беради ва бу ерда Суд фаолиятини кенгайтириш учун улкан имкониятлар мавжуд.

Шундай қилиб, Халқаро Суд Статутини ислоҳ қилиш хусусидаги фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ранг-барангдир. Бироқ Халқаро суднинг ролини кучайтириш учун имкониятлар амалда, энг аввало, унинг юрисдикциясини, яъни кўрилиши лозим бўлган масалалар доирасини кенгайтириш билан боғлиқ.

Суд Статутини қарорлари мажбурий юрисдикцияни қабул қилишда ўзаро дўстлик шартларидан бошқа бирон-бир изоҳни қабул қилишга йўл қўймайди. Шунинг илоҳотида олиб изоҳларни таърифлашда айрим чеклашларни белгилаш, судга тааллуқлилиқ доирасидан у ёки бу соҳани чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бунда икки хил ечим мавжуд:

— мазкур изоҳ юридик кучга эга эмаслигини Суднинг махсус қарори асосида тан олиш (яъни мажбурий юрисдикцияни изоҳ билан қабул қилган давлат шу тариқа Статут 36-моддасининг иккинчи бандига мувофиқ ўз декларацияси қарорлари билан тўла боғланади);

— тегишли изоҳ декларация объекти ва мақсадида дахл этиши ва шу тариқа уни юридик кучдан маҳрум қилишини Суд тан олиши.

Бундан ташқари, Халқаро Суд юрисдикциясининг кенгайтишига ва унинг БМТ бош суд органи сифатидаги ролининг кучайишига Суд томонидан кўрилиши мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган масалаларнинг махсус рўйхатини тузиш ҳам кўмаклашиши мумкин. Бу масалани ҳал қилиш суд йўли билан тартибга солиш тартиб-таомилларини сезиларли даражада соддалаштирган бўлур эди.

Халқаро Судга бўлган ҳурмат шу даражада ордики, бугунги кунда 59 давлат факультатив изоҳга мувофиқ Суднинг мажбурий юрисдикциясига ўз

розилигини билдирди. Айна пайтда мажбурий юрисдикция тўғрисидаги изоҳларга юзлаб янги битимларда ҳам дуч келиш мумкин. Сўнгги икки йилнинг ўзида беш давлат (шу жумладан Шарқий Европанинг икки давлати) Суднинг мажбурий юрисдикциясини тан олиш тўғрисидаги декларацияларни Бош котибга тақдим этди. БМТ Халқаро Судининг мажбурий юрисдикциясини тан олиш билан бир қаторда, илгари айрим шартномаларга нисбатан берилган мажбурий юрисдикцияни тан олмаслик тўғрисидаги изоҳларни олиб ташлаётган Шарқий Европа давлатлари, шу жумладан собиқ СССР таркибида бўлган давлатлар сони ортиб бормоқда.

Ниҳоят, халқаро низоларни ҳал қилиш учун суд тартиб-таомилларидан тўлақонли фойдаланиш давлатларга «*Forum prorogatum*» институтига мурожаат этиш имкониятини беради. Бунда давлат кўриб чиқилган иш бўйича Халқаро Суд ваколатини кенгайтиришга (Суднинг мажбурий юрисдикциясини иккала томон ҳам тан олган тақдирда), шунингдек, (агар Суднинг мажбурий юрисдикциясини қабул қилиш тўғрисида расмий конвенциявий мажбурият ва декларация бўлмаса) — конкрет иш бўйича Суд юрисдикциясини қабул қилишга розилик бериши мумкин.

Иккала ҳолда ҳам давлатларнинг фаол хатти-ҳаракатлари суд маҳкамасининг турли босқичларида давлатлар розилик беришлари учун зарур бўлган шаклларни соддалаштириш усули ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалари қуроли мижроларни кенг ёритаётган бир пайтда, баъзан Халқаро Суд бир чеккада туришни маъқул кўради. Бунинг сабабларидан бири шундаки, Суд ишларни кўриш билан ўз ташаббусига биноан шуғуллана олмайди. Суд Ста-

тути унга суверен давлатларнинг ҳаракатлари юзасидан ўз ташаббуси билан тергов ўтказиш ва тегишли қарорлар чиқариш ёки уларнинг ички ишларини кўриб чиқиш ҳуқуқини бермайди. Суд дунёда ҳуқуқий тартиботга риоя этилишини кузатиб борувчи «қўриқчи» эмас. Шунингдек, у айб эълон қилиш ваколатига эга бўлган айбловчи ҳам ҳисобланмайди. Суд низони фақат тегишли давлатлар илтимосига биноан ва уларнинг розилиги билан кўриб чиқиши мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳозирги даврда шаклланиб улгурган халқаро ҳуқуқ универсал нормасига кўра, давлатлар инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишга ҳамда уларнинг ҳамма учун бирдек, бирор-бир камситишларсиз, амал қилишини таъминлашга мажбур ҳисобланади. Шунинг учун ҳам муайян даражада ҳуқуқнинг устунлиги мезони сифатида «давлатнинг ҳуқуқийлиги ёки ҳуқуқий эмаслиги тўғрисида сўз юритганда, биз, энг аввало, унда инсон ҳуқуқлари қай даражада тан олиними, ҳурмат қилиниши, таъминланиши, амалга оширилиши ва ҳимоя қилинишини назарда тутамиз»¹.

¹ *Исломов З.* Инсон ҳуқуқлари ва ҳозирги замон юриспруденцияси. — Т., «Fan va texnologiya», 2008, 78-бет.

ХУЛОСА

Ҳуқуқ устунлиги демократик тартибни ўрнатиш ва амалга оширишда мунтазамлик ва изчилликни таъминловчи расмий қонунийликнигина эмас, балки инсон шахсини олий қадрият сифатида тан олишга асосланган бўлиб, у тўлақонли рўёбга чиқарилишини таъминлаш тегишли муассасалар томонидан кафолатланган одиллик принципини ҳам англатади. Бежиз эмаски, ҳуқуқ устунлиги принципи ўзининг дастлабки кўринишида асосан шахсни давлатнинг ўзбошимчалигидан ҳимоя қилишга қаратилган принцип сифатида белгиланган эди. Унга кўра, давлатнинг бирон-бир ваколати ҳуқуқнинг рухсат берувчи тегишли кўрсатмасисиз амалга оширилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон мустақил давлат мақомини олганидан кейингина ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим принципи — ҳуқуқнинг устунлигини ҳаётга татбиқ этди. Ҳозирги вақтда унинг Конституция-мизда ўз ифодасини топган мазмуни жаҳон андозаларига мувофиқ келади. Бинобарин, мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов ҳақли равишда таъкидлаб келаётганидек, жамиятда қонунга хилоф ишлар жазоланиши муқаррарлиги ҳақида «тушунча шаклланган тақдирдагина қонунга итоат қилиб яшаш ҳаётий меъёрга айланади, қонун устуворли-

ги (ҳуқуқий қонун ёки ҳуқуқ ва ҳуқуқ устунлиги ҳам — *муаллифлар изоҳи*) сўзда эмас, амалда таъминланади»¹.

Ҳозирги вақтда ҳуқуқ устунлиги принципи: ҳуқуқ талаблари билан боғланган давлат фаолияти; фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципига риоя қилиш; жамиятда қонунийлик ва тартиб ўрнатиш; қонунга қатъий риоя этувчи самарали одил судлов мавжудлиги; инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш каби мустақил қадриятларни назарда тутати.

Маълумки, ҳуқуқ устунлиги ва қонун устунлиги принциплари айнан бир хил тушунчалар эмас. Аммо улар ўзаро боғланган ва бир-бирини тўлдиради. Ҳуқуқ устунлиги ҳуқуқий давлатнинг моҳиятини, қонуннинг устунлиги эса — ҳуқуқнинг адолатлилиги ва уни норматив мустаҳкамлаш ўртасидаги мувофиқликни таъминлайди. Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги концепцияси эса халқаро муносабатларда ҳуқуқ устунлиги концепцияси билан уйғундир.

Ҳуқуқнинг устунлиги аниқ, адолатли ва барқарор қонунлар мавжудлигини, улар беғараз суд тизими ёрдамида ҳаётга татбиқ этилишини англатади. Ҳуқуқнинг устунлиги ҳар бир инсон, шу жумладан юксак лавозимларни эгаллаб турган шахслар ҳам қонунга бўйсунликлари лозимлигини назарда тутати. Ўзбекистонда бу муаммога мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб жиддий эътибор қаратиб келинади. Бироқ ҳамон бу соҳада барча муаммолар ўз ечимини топганича йўқ. Жумладан, энг асосий камчилик қабул қилинадиган қонунларда аксарият ўринларда ана шу қонун ҳужжатларининг ҳаётга тат-

¹ *Каримов И.А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. — Т., «Ўзбекистон», 2005, 237-бет.

биқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларнинг мавжуд эмаслигида кўзга ташланади. Бу эса ўз-ўзидан мазкур қонун ҳужжатларининг қўлланишини сезиларли даражада қийинлаштиришга сабаб бўлиши, қонунларнинг ижро этилмаслигига, ҳуқуқий нигилизмга, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигининг пасайишига олиб келиши табиий.

Шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида Конституция омилининг етакчи роли кучайиб бораётгани тўлақонли намоён бўлмоқда. Зеро, «Конституциямизнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган беқиёс аҳамияти ва тарихий ролини, **биринчи навбатда**, биз учун мутлақо янги бўлган миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини янгилаш, демократик тамойиллар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдевори айланиб Асосий Қонунимиз белгилаб берганида кўрамиз»¹.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, «Конституциямиз ривожланишнинг муҳим омили ҳисобланган бутун ҳуқуқ тизими, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги шаклланишининг тамал тоши бўлди, десак, асло янглишмаган бўламиз»².

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг энг муҳим хусусияти шундаки, унда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва

¹ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. — Т.: «Ўзбекистон», 2011. — 5—6-бетлар.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. / Масъул муҳаррир А.А. Азизхўжаев. — Т., «Ўзбекистон», 2008, 71-бет.

фуқаролар олдидаги масъулияти қонуний мустаҳкамланган, яъни ҳар бир фуқаро манфаатларининг устуворлиги қонун билан таъминланади ва кафолатланади. Бу — Конституциямизнинг ҳуқуқ тизимидаги устунлигининг ифодасидир.

Ҳуқуқ устунлиги ғоясини юридик фан доирасида англаб етиш қонунийлик принципини тушунишга нисбатан янгича ёндашувни ва суд ҳокимияти ҳақидаги тасаввурларни қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Бунда қонун йўли билан тартибга солиш эркинлигини чекловчи, судьяларнинг мустақиллиги ва беғаразлигига кўмаклашувчи ҳуқуқий қонунийлик концепцияси алоҳида аҳамият касб этади. Зотан, одил судловни қонун чиқарувчи ёки ижро этувчи ҳокимият эмас, фақат суд ҳокимияти амалга оширади. Бу — суд мустақиллигининг кафолати, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ва умуман давлатчиликнинг кафолатидир.

Ҳуқуқнинг устунлиги инсон ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, ҳуқуқ фақат инсонгагина дахлдор ҳодисадир. Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқларига доир халқаро мажбуриятларини, бу борадаги халқаро ҳужжатларнинг қоидаларини ҳамда БМТнинг турли устав ва конвенция органлари тавсияларини бажариши учун мустақиллик йиллари мобайнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунчилик базаси яратилди.

Ҳуқуқнинг устунлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси бўлиб, айна пайтда бундай давлат ижтимоий давлат ҳамдир. Чунки ижтимоий давлат ўз ваколатларини ҳуқуқий давлатчилик шаклида амалга оширади, лекин ижтимоий муносабатларнинг инсонпарварлашуви йўлида янада фаолроқ ва илдамроқ ҳаракат қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, жамиятимиз ижтимоий давлатга айланиш

учун бир қатор мураккаб масалаларни ҳал қилиши, жумладан, фуқаролик жамиятини шакллантириши, тадбиркорларнинг ўрта табақасини вояга етказиши, ижтимоий шерикчилик маърифатли тизимини яратиши, «инсонга инвестициялар»ни сезиларли даражада кўпайтириши лозим бўлади. Зотан, Ўзбекистон ҳуқуқий давлатга айланган, ана шундай мустақкам ҳуқуқий заминга эга бўлган тақдирдагина ижтимоий давлат шаклланиб, фаолият кўрсата олади.

Аслини олганда, ҳуқуқ устунлиги маърифатли жамиятнинг негизи ҳисобланади. У ҳамма учун баробар бўлган очиқ ва ошкора тартиб-қоидаларни белгилайди. Ҳуқуқ устунлиги ҳам чеклашларни баргараф этувчи, ҳам ҳимоя қилувчи принципларга содиқликни таъминлайди. Шу боис барча мамлакатлар мазкур асосий принципларни ҳурмат қилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Айни пайтда ҳуқуқ устунлиги ўзида БМТ миссиясининг моҳиятини ифода этади. Қонунийликка риоя қилиш можаро тартибга солинганидан сўнг барқарор тинчликни таъминлашда, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, иқтисодий тараққиёт ва ривожланишни барқарорлаштиришда улкан аҳамиятга эга. Қонун олдида ҳамманинг тенглигини ва ҳамма — ҳар бир инсондан тортиб, давлатга қадар — оммавий қабул қилинган қонунларга риоя этишга мажбурлигини назарда тутувчи принцип суд органлари томонидан тенг даражада амалга оширилади ва БМТ ишини йўлга солувчи концептуал ёндашувнинг ўзагини ташкил этади. Шу билан бирга, БМТ ҳуқуқнинг устунлигини миллий даражада таъминлаш механизминини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам иш олиб боради.

Шундай қилиб, истиқлол боис Ўзбекистонда ҳуқуқ ва унинг устунлиги муаммосига катта эътибор бериб келинмоқда. Айниқса, мамлакатимизда салмоқ-

ли ўзгаришлар амалга оширилаётган бир паллада ҳуқуқнинг янгича, ўзига хос ролини ривожлантириш, қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисидаги масалалар ҳам кун тартибига қўйилмоқда. Чунки бу масалаларни ҳал этмасдан туриб, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ислоҳотлар самарали амалга оширилишини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар авж олишини тўхтатиш, ҳуқуқий давлатни шакллантириш мумкин эмаслиги яққол намоён бўлиб қолмоқда.

Умуман олганда, ҳуқуқнинг устунлиги муаммоси ва унга баҳо бериш мезонлари ҳақидаги мулоҳазаларимизни қуйидаги сўзлар билан яқунлашни истардик: Ўзбекистонда ҳуқуқ ва унинг устунлиги ҳаётийлигини таъминлашга қаратилган сиёсий-ҳуқуқий «ислоҳотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига... бевосита боғлиқдир»¹.

¹ *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т.: «Ўзбекистон», 2010, 15-бет.

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА	3
I. ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРНИНГ ТАРКИБ ТОПИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ	11
1. Ҳуқуқ ва унинг устунлигини ифодаловчи илк ҳуқуқий ёндашувларга қисқача назар.....	11
2. Ҳуқуқ устунлиги концепцияси бўйича биринчи илмий ишланма.....	21
3. Ҳуқуқ устунлиги назариясининг ривожланиш тарихи.....	28
4. «Қонун остидаги ҳукумат» — ҳуқуқ устунлиги концепциясининг яна бир кўриниши.....	32
II. ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ КОНЦЕПЦИЯСИНинг ЮРИДИК МАЗМУНИ	45
1. «Ҳуқуқ» тушунчасининг мазмунига берилган назарий-методологик таърифлар.....	45
2. Ҳуқуқ устунлиги (ҳукмронлиги)нинг мақсади, таркибий тузилиши, йўналиши, ўз моҳиятига кўра ўхшаш бўлган бошқа концепциялар билан алоқаси.....	56
III. ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ КОНЦЕПЦИЯСИНинг АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ	70
1. Халқ томонидан бошқариладиган ва халқ учун мавжуд бўлган халқ ҳукумати.....	71
2. Вакиллик демократияси.....	76
3. Ҳокимиятнинг бўлиниши ва ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро алоқа принциплари.....	82

4. Чекланган ҳукумат ва федерализм.....	98
5. Суд тизими.....	102
IV. ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ ВА ҚОНУН УСТУНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ ЎЗАРО НИСБАТИ.....	107
1. «Ҳуқуқ устунлиги» ва «қонун устунлиги» тушунчалари ўртасидаги фарқ.....	107
2. Ҳуқуқий тартибот — ҳуқуқ устунлиги ва қонун устунлиги принципларини ҳаётга татбиқ этиш натижаси.....	112
3. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ устунлиги ва қонун устунлиги принципларининг мустаҳкамланиши ҳамда уларнинг жамият ва давлат амалиётига татбиқ этилиши.....	120
4. Ҳозирги босқичда Ўзбекистонда ҳуқуқ устунлигининг ҳолати ва мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш йўллари.....	127
V. ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ.....	134
1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши асослари ва ўзига хос хусусиятлари.....	134
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинишининг тарихий шарт-шароитлари.....	139
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тизими ва унинг асосий мазмуни.....	142
4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий жиҳатлари ва юридик хусусиятлари.....	147
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳуқуқ устунлиги принципининг мужассамлашиши.....	151
VI. ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ ВА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ОДИЛ СУДЛОВ	164
1. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги — ҳуқуқ устунлиги принципини амалга оширишнинг муҳим шarti.....	164
2. Суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш — ҳуқуқ устунлиги принципини амалга оширишнинг муқаррар шarti.....	174
3. Судлар — ҳуқуқ устунлиги принципини амалга оширишнинг энг самарали қафолатчилари.....	179

**VII. ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
КОНЦЕПЦИЯЛАРИНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАСИ ВА
БИР-БИРИНИ ТАҚОЗО ЭТИШИ.....183**

1. Ҳуқуқ устунлиги ва инсон ҳуқуқлари
концепциясининг ривожланиш тарихи.....183
2. «Инсон ҳуқуқлари» умумий тушунчаси.....198
3. Конституциявий ҳуқуқда «инсон ҳуқуқлари»
тушунчаси. Инсон ва фуқаро.....207
4. Инсон ҳуқуқларининг конституциявий-ҳуқуқий
тартибга солиниши ва мустаҳкамланиши.....212

**VIII. ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ — ҲУҚУҚИЙ
ДАВЛАТНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИСИ221**

1. Ҳуқуқий давлат сиёсий-ҳуқуқий ғоялари ва
концепцияларининг тадрижий ривожи.....221
2. Ҳуқуқий давлат — ижтимоий давлат.....235
3. Давлат ҳокимияти (сиёсий ҳокимият)ни чеклаш
усуллари — ҳуқуқий давлат мавжудлигининг
кафолати.....255
4. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлат қуриш
ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — бизнинг
стратегик мақсадимиз.....263

**IX. ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ — ТАДБИРКОРЛАР-
НИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ
МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ
КАФОЛАТИ276**

1. «Тадбиркорлик фаолияти» тушунчаси ва унинг
ҳуқуқий мазмуни. Тадбиркорликни ҳимоя
қилишнинг ҳуқуқий асослари.....276
2. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари
ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш усуллари ва
механизмлари.....281
3. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини улар давлат
органларининг гайриқонуний актлари билан бузилганида
ҳимоя қилиш.....290

4. Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш йўллари.....	293
---	-----

Х. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИДА ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ (ҲУКМРОНЛИГИ) (RULE OF LAW).....	300
---	------------

1. Халқаро ҳуқуқнинг вужудга келиш тарихи ва унинг хусусиятлари.....	300
--	-----

2. Ҳуқуқ устунлиги (ҳукмронлиги) концепциясининг халқаро-ҳуқуқий аҳамияти. Ҳозирги дунё шароитида ҳуқуқ устунлиги учун зарурий шарт-шароитларнинг яратилиши.....	325
--	-----

3. БМТ ва Халқаро Суд ролини кучайтириш — халқаро ҳуқуқда ҳуқуқ устунлиги (ҳукмронлиги)нинг зарурий шарти.....	335
--	-----

4. Халқаро Суд юрисдикциясини кенгайтириш — ҳуқуқ устунлиги (ҳукмронлиги)нинг муҳим омили.....	346
--	-----

ХУЛОСА.....	356
--------------------	------------

Ижтимоий-сиёсий нашр

Зайноддин Исмолов, Сарвар Аббосхўжаев

КОНСТИТУЦИЯ – ҲУҚУҚ УСТУНЛИГИ АСОСИ

Расом А. Ёқубжонов

Муҳаррир Б. Шарипов

Бадий муҳаррир Ҳ. Меҳмонов

Техник муҳаррир Т. Харитонова

Мусаҳҳиҳ Н. Абдурахмонова

Компьютерда тайёрловчи Ф. Чанишева

Нашриёт лицензияси AI №158, 14.08.09.
Босишга рухсат этилди 16.03.2012 . Офсет қоғози.
Бичими 84×108^{1/32}. Таймс гарнитурасида офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 19,32. Нашр табоғи 18,51. 2000 нусхада.
Буюртма №12-74

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

Исломов, Зайниддин

И 80 Конституция — ҳуқуқ устунлиги асоси / З. Исломов, С. Аббосхўжаев; Ҳ. Б. Бобоевнинг умумий таҳрири остида. — Т.: O'zbekiston, 2012. — 368 б. — (Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланади).

И. Аббосхўжаев, С.

ISBN 978-9943-01-798-6

УДК: 34(575.1)

ББК 67(5Ў)

ISBN 978-9943-01-798-6



9 789943 017986